НАБИЖОН ҲОШИМОВ

МАРЖОН ТАБИБ

84(5Ў)6
Ҳ 71

роман

III
ҚИСМ

Kitob shu yerda ko'rsatilgan muddatdan kechiktirilmagan holda topshirilishi shart

ilgarigi berilmalar miqdori_____	

Набижон ҲОШИМОВ

МАРЖОН ТАБИБ

III қисм

Саргузашт роман

TOSHKENT SHAHAR «BILIM»
№2020/16-85
6.
AXBOROT-KUTUB

Тошкент
"IJOD-PRESS"
2018

УЎК: 821.512.133-31
КБК: 84(5Ў)6
Ҳ 71

Тақризчилар:
Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими
Ғулом ФАТҲИДДИН
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси
Анвар РАДЖАПОВ
Олий тоифали шифокор

Ҳошимов, Набижон.
Маржон табиб: саргузашт роман, учинчи қисм / Н.Ҳошимов – Т.: "IJOD-PRESS" нашриёти, 2017 йил – 320 бет.

ISBN: 978-9943-994-80-5

*Халқимизда **"Жон омон бўлса, умид ўлмайди", "Ўлимдан бошқа ҳар нарсанинг чораси бор"** деган доно иборалар мавжуд. Муаллиф мазкур асарида ана шу ҳикматларни гўё ўзига шиор қилиб олгандай олға интилади. Асардаги Маржон табиб образи одамларнинг неча асрлик орзу-умидларини амалга ошира олувчи халқ қаҳрамони бўлиб, **"Дард меҳмон – тана қўрғон"** эканини амалда исботлай билади.*

*Аммо унинг **тадқиқотларини, амалий тажрибаларини, даволаш муолажаларини шифокор маслаҳатисиз такрорлаш асло мумкин эмаслигини** эслатиб ўтмоқчимиз. Чунки ёзувчининг хаёлоти ва бадиий тўқималари амалий тиббиёт қоидаларига мос келмаслиги мумкин. Жумладан, муаллифнинг мазкур асардан асосий мақсади бир табиб тақдири ва унинг муҳаббати тарихини баён қилишдан иборат.*

УЎК: 821.512.133-31
КБК: 84(5Ў)6

ISBN: 978-9943-994-80-5

© "IJOD-PRESS" нашриёти, 2018

I БОБ
БЕМОРЛАР ҲУЗУРИДА

Тўладан келган, кўринишидан ўқимишли экани яққол сезилиб турган “Меҳрибонлик уйи” раҳбари Санобар опа исмли аёл уларни ўта хижолат ила кузатиб қоларкан, иложи борича босиқ оҳангда “Хафа бўлмай кетинг, отахон. Бизлар, албатта, қизингизни қидириб кўрамиз, дараги чиқиб қолар,” деб қўйди.

– Ҳа-ҳа, шундай қилинглар, илтимос, – деди мўйсафид ва дарвоза томон хомуш йўналди. Унинг овозида оғир хўрсиниқ ва дард борлиги сезилиб турарди.

Сардорбек ва Меҳриддин ҳам чолнинг ортидан жимгина эргашишди.

“Эсиз, отахон бу ерга не умидлар билан келганди. Топилганида яхши бўларди”, – деган ўйлар ўтди Сардорбекнинг хаёлидан.

– Момомнинг уйда бўлмагани чатоқ бўлди-да. Ҳарҳолда, ёрдам берармиди, – деди Меҳриддин ҳам пешонасини тириштириб.

– Уйларингда бўлса телефон қилиб сўрай қолмайсизми? – сўради Сардорбек.

– Ҳа, шундай қиламан. Бирйўла ойим, дадам билан ҳам гаплашаман. Амалиёт масаласини узил-кесил ҳал қилишим керак.

– Амалиётни устоз билан бирга ўтказишга қарор қилдингиз, шекилли?

– Ҳа. Лекин дадам нима деркинлар, билмадим.

Мўйсафид ёшларнинг суҳбатига бефарқ, ўйчан олдинлаб борарди. Унинг бу ерга кириб келишдаги шашти энди бутунлай пасайган, жуссаси янада эгик кўринар, ўта жиддийлашиб қолганди.

Дарвозага яқин қолинган бўлса-да, мўйсафид ўриндиқлардан бирига оҳиста чўкди. Йўқ, бу чарчоқдан эмасди. У сўнгги илинжи бўлган, болалар шовқини

билан тўлган ҳовлини зимдан кузатди. Гўё ҳозир қизалоғи аллақайси тўсиқлар ортидан "Дадажон" деб қўл силтаб чиқиб қоладигандек, умид билан нигоҳ ташлади. "Эй худо! – дея илтижо қилди у фикран. – Бу дунёдан армон билан кетмайин, зурриёдимни топишимга ўзинг мадад бер!" – деб пичирлади. Сўнгра бир оз титроқ турган кафтларини юзига тортиб, мудира билан яқиндагина бўлган суҳбатни ёдига олди:

– Қизчангизнинг қанақа белгилари бор эди, отахон?

– Билмадим, боламни ҳечам кўрмаганман, синглим.

– Исминиям билмасангиз, фамилиясиниям... Бирор белгисиям йўқ. Унда нима қилсак экан-а?..

– Ҳа-ҳа, айтмоқчи, эсладим. Аёлимнинг ёзишича, унинг билагида тумори бўлиши керак.

Аёлнинг кўзлари ярақлаб кетди:

– Ўша хат ё тумор ёнингиздами? – сўради у шошапиша.

– Йўқ. Хат ғорда, тошга битилган. Ҳалиги... – деди мўйсафид афсус билан ва иложсиз эканиданми, беихтиёр кўзларидан тирқираб ёш оқиб кетди.

– Демак, билагида кўзмунчоғи ва тумори бўлган. Яхши. Мен, албатта, бу ҳақида суриштираман. Билсангиз, менинг ўзим ҳам шу ерда тарбияланганман. Ҳозир ёшим элликда. Демак, қизингиз мендан каттароқ экан. Тарбиячи устозларимдан суриштираман. Бўлмаса, сиз манзилингиз, телефон рақамингизни қолдиринг. Мабодо бирор янгилик бўлса, албатта хабар бераман, хўпми, отажон? – деди аёл ва тезлик билан қўлига бир парча қоғоз ва қалам олди.

Отахоннинг лаблари титраб кетди. Нима деярини билолмай аланглади. Уни тушунган Меҳриддин жонига оро кирди.

– Менинг момом Хадича ая шу шаҳарда яшайди. У киши ҳам шу етимхонада тарбияланган.

– Вой, ким экан у?

– Хадича Давлатова.

– Ие, вой! Мен у кишини танийман. Хадича опа момонгиз бўладиларми?

– Ҳа. Уйларига келувдик. Тошкентга, бизникига кетишган экан.

– Э, шунақами? Бўлмаса биз Хадича опа билан устозимизникига бирга бориб, ўша гўдакни суриштирамиз, хўпми?

– Яхши, – деди кекса табиб ва ўша Хадича деган аёл билан бир бор учрашишни кўнглига тугиб қўйди.

* * *

– Хўш, Меҳриддин ўғлим. Ҳалиги ёзиб олган беморларимиз рўйхатини олинг-чи, – деди мўйсафид болалар уйидан чиқиб келган ҳамоно.

Меҳриддин рўйхатни шошилмай ўқиб берди. Бирдан мўйсафиднинг қошлари маъноли кўтарилди.

– Тўхтанг. Анави Шокиржон айтган қабзият бўлган бемор касалхонадан қачон келтирилибди?

– Туман шифохонасида беш кун, кейин вилоятда тўрт кун бўлибди. Шифокорлар "Операция қилиш керак, лекин бунинг учун катта пул..." дейишибди. "Бечоралар бундай пулни қаердан олишарди, пешонасидагини кўраверади" деб қайтиб келаверишибди.

– Бугун неча кун бўлади?

– Ўн биринчи кун.

– Ўҳ-ҳў, унда аҳволи жуда оғир экан. Унга тезроқ ёрдам беришимиз керак. Кетдик!

Сардорбек эътироз билдирди.

– Йўғ-е! Энди бизникига борамиз. Ахир, бир-икки кун бизникида меҳмон бўлмасанглар, қандай бўлади? – деди у ҳайрон бўлиб.

– Йўқ, бошқа сафар. У бемор ҳозир ёрдамга муҳтож.

Ўз ташвишим билан бўлиб бутунлай унутибман. Қарилигим қурсин, – деб қўйди табиб куюнган бўлиб.

– Ҳим-м, – деди Сардорбек афсусланиб. – Ундай бўлса, шундоққина уйга, кейин дорихонамизга бош суқиб ўтамиз.

Аммо мўйсафид кўнмади.

– Кеч бўлади. Биз Меҳриддин икковимиз ўн-ўн беш кундан кейин бу ерга бирга келамиз. Лекин ҳозир сизга бошқа муҳим хизмат бор.

– Бемалол, устоз.

– Озроқ тоза авиакеросин топишимиз зарур. Бу ўша ўткир қабзиятга дорилик учун керак.

– Майли, топамиз.

– Кейин ишланган подшипник мойи ҳам. Буниси энди мой алмаштириладиган устахоналарда бўлади, тўғрими?

– Бу ҳам дориликками, устоз? – қизиқиб сўради Меҳриддин.

– Ҳа. Лекин буниси бошқа бемор учун.

– Кетдик бўлмаса. Шу яқин атрофда таниш уста бор. Ундан ҳар иккисини ҳам суриштирамиз.

Улар машина сари шошиб боришди. Йўл-йўлакай талаба йигитни қизиқувчанлик тарк этмади.

– Авиакеросинни нима қилмоқчисиз, устоз?

– Беморимиз жуда оғир. Агар ичини юргизиб юборилмаса ҳалок бўлади. Авиакеросин керосинларнинг энг тозаси ҳисобланади. Буни табобатда "гейнер суюқлиги" ҳам дейишади. Уни ҳам ичтирилади, ҳам ҳуқна қилинади. Ичакдаги қотишмаларни эритиб юборади.

– Нима, буни медицинада қўллашмайдими? – сўради Сардорбек машинасини ўт олдираркан.

– Афсуски, йўқ. Беморнинг ичини ювиб юборилгандан кейин қўй ёғида атала қилиб иссиқ-иссиқ ичирилаверади.

– Агар бемор ҳушидан кетиб қолган бўлса-чи?

– Унда аталани резина ичак ёрдамида оғзи орқали ошқозонига мажбуран юборилади. Кейин аталага асал ҳам қўшиб берилади. Қарабсизларки, уч-тўрт кун ичида бемор оёққа туриб кетиши мумкин.

– Э, қойил! – деб юборди Меҳриддин завқ билан.

– Худо хоҳласа, бу сиз даволаган биринчи бемор бўлади, ўғлим.

– Рости биланми?! – деди йигит ҳайратланиб.

– Ана сизга амалиёт, – деб қўйди Сардорбек ҳам севиниб.

– Ҳа, айтмоқчи, дорихонага кириб ҳуқна қилиш, ошқозонга киритиш учун резина ичаклар ҳам сотиб оламиз. Вазелин, спирт, тоза пахта, резина қўлқоп, юзниқоб ҳам ёддан чиқмаслиги керак.

– Бу нарсаларнинг ҳаммаси дорихонамда топилади, устоз.

– Йўқ, сиз, Сардорбек унақа қилманг. Биз таксида кета қоламиз.

– Мени хижолатга қўйяпсиз-да, устоз. Сизларни ўзим Шўрданакка ташлаб қўяман. Ҳеч бўлмаса бирга тушлик қилайлик. Тошлоқ йўл-йўлакай-ку, ахир.

– Ҳай майли, ҳеч қўймадингиз-қўймадингиз-да.

Улар Тошлоққа киравериш да қурилган емакхонанинг улкан чойнак ва тарвузсимон хоналаридан бирига кириб ўтиришди. Мўйсафид одамларнинг нақадар тадбиркор, изланувчан бўлиб кетганига тан берди.

– Мен бир умр ғорим билан фахрланардим. Буни қаранглар-а, чойнакнинг ичига кириб чой ичсаям бўларкан-а, қойил! – деб қўйди у ҳайрат ила аланглаб кулиб қўяркан.

Хушмуомала ошпазлар меҳмонларга дарров хизмат кўрсата бошлашди. Шу ернинг ўзида Меҳриддин ҳам Тошкентга қўнғироқ қилиб гаплашиб олди. Дадаси ўғлининг ўз касбига жуда қизиқиб қолганини эшитиб беҳад хурсанд бўлди. Устозлик қилиб ўз

тарбиясига олган ўша нотаниш олим одамдан ўзича миннатдор бўлди. “Кундалик тутишни унутма. Уни устозинг тасдиқлаб, муҳрини босиб берсин”, деди у.

Момоси Хадича ая бўлса набирасининг ҳаракатларидан қувониб кетиб кўз ёш ҳам қилиб олди. “Дадангнинг касбини танлаганинг яхши бўлибди, болам. Эҳтимол, боболаринг ҳам шифокор бўлишгандир. Бу нарса биргина худога аён, холос. Эҳ!.. Мен отасиз-онасиз ўсдим, болам. Сен уларнинг қадрига етгин, ота касбни танлабсан, кам бўлмайсан”, – деб қўйди аёл оғир хўрсиниб олиб.

– Ўзингизнинг соғлиғингиз яхшими, момо? – сўради йигитча.

– Э, қўявер, қон босимим қийнаяпти.

– Бунинг давоси осон экан, момо. Устозимга айтаман, ўзи сиздан қон олиб даволаб қўядилар. Кейин доим кийик ўти, лимон чой қилиб ичиб туринг. Чилонжийда дамламасиям яхши фойда қилармиш.

– Вой-бў, яхшигина табиб бўлиб қолибсанми-а, болам?

– Ҳа, энди, устозимдан ўрганяпман-да.

– “Устоз отангдай улуғ” деганлар. Сен у кишининг айтганидан чиқмагин. Этагидан маҳкам тут. Тушунмаганни сўрайвериш айб эмас, болам?

– Хўп. Биз у киши билан бирга беморларни даволагани кетяпмиз. Мен у кишига ёрдамчилик қиляпман.

– Қаерга боряпсизлар?

– Ҳў, тоққа. У ерда бизни беморлар кутишяпти.

– Беморлар?.. Уларнинг қанақа касали бор экан?

– Қабзият, пес, мохов, бел оғриқ, тиришган, буришган...

– Ё тавба. Устозинг шунақаларниям даволарканми-а?

– Ҳа. Илон чаққанни даволаганини ўз кўзим билан кўрдим.

– Э-ҳа. Шунақа де...

– У киши ҳарбий шифокор бўлган эканлар. Кейин асир тушиб қолиб урушда фашистларниям даволаганмиш. Сўнг уни ўзлари қочириб юборишганмиш.

– Ўҳ-ҳў. Унда жуда кучли шифокор экан-ку. Сен у кишидан кўп нарса ўргансанг бўларкан. Доим айтганини қилгин, болам, кам бўлмайсан.

– Хўп бўлади, момо. Ўн-ўн беш кунда қайтарсизлар.

– Ҳа. Нима эди?

– Ўшанда кўришамиз. Айтгандай, Саломат опа сизни сўрадилар.

– Қайси Саломат?

– Детдомда бирга бўлган экансизлар-ку. У киши ҳозир ўша ерда раҳбар эканлар.

– Ҳа, бўлди, эсладим. У кишини қаерда учратдинг?

– Бизлар у ерга борувдик. Устозим бир қизчасини йўқотиб қўйган эканлар. Ўша ҳақида суриштириб жавобини сизга айтадиган бўлишди.

– Майли, болам. Устозинг ўзи неча ёшда?

– Тўқсон саккизда бўлсалар керак.

– Нима?! Мункиллаган чолми?!

– Йўқ. У киши ҳали тетик, бақувватлар.

– Вой-бў. Сен ҳали қари киши билан тоғу тошларни кезиб юрибман, де. Қийналиб қоласан-ку. Ахир, қариянинг юриши, туриши... Эҳ-ҳе, ўзингни тоза азобга қўйибсан-ку, болам.

– Айтдим-ку, у киши сиздан ҳам тетик деб. Тоққа чиқишларини, қоядан-қояга сакрашларини бир кўрсангиз эди. Бизга тибетча машқ қилишниям ўргатдилар. Одамни ёшартирармиш.

– Вой-вой... Ҳай майли, омон бўл, болам. Ўзингни эҳтиёт қилгин, хўпми?

Меҳриддин дадаси билан ҳам ана шундай узоқ гаплашди. Дадаси амалиёти бўйича халқ табобатини

танлаганини маъқуллади. Устозининг шахси билан жуда қизиқиб қолди. Ҳарҳолда бир умр тоғу тошда яшаб инсон саломатлигини асрашни мукаммал биладиган, шахси номаълум ўша "Фан академиги" билан танишишга иштиёқи ортди.

* * *

Сардорбек устозининг илтимосига кўра уларни тўғри ўша қабзиятдан азобланиб ётган бемор турган хонадонга олиб бориб қўйди. Шокир овчи мана шу беморни тезроқ кўриб қўйишлари кераклигини қаттиқ тайинлаганди. Уй эгалари чиндан ҳам у ёқ-бу ёқни тозалаб совуқ маросимга астойдил тайёргарлик кўришмоқда ва узоқ-яқиндаги қариндош-уруғларга хабар юборишмоқда эди. Ҳатто Приморье ўлкасида меҳнат қилаётган Акмал ва Шоҳид исмли беморнинг икки акаларига ҳам совуқ хабар юборилди. Аммо касалнинг ҳали жони узилмаган, у қисқа-қисқа нафас олар, деярли беҳуш ётарди. Айтишларича, ҳозиргина ўз машинасида уни даволай олмаган Ражаббой исмли шифокор келиб сўнги нажот уколларини қилиб кетганмиш.

Табиб ва шогирд Зуҳриддин исмли бемор ҳузурига тез кириб боришди. Мўйсафид бемор йигит атрофида мук тушиб, кўз ёш қилиб ўтирган унинг яқинларини хонадан чиқиб кетишларини, тезликда илиқ сув, тос ва сочиқ келтиришларини буюрди. Унинг ҳаракати ўта жиддий эди.

– Сардорбек, сизнинг хизматингиз битди, ўғлим, кетаверинг. Ўша гап. Ўзимиз уйингизга ўтиб борамиз, тушунарлими? Ҳой, Абдухолиқ! – дея чақирди у беморнинг катта акасига қараб.

– Ҳов, лаббай!

– Манави йигитни кузатиб қўйинглар!

– Хўп бўлади.

Сардорбек самимий хайрлашиб чиқиб кетгани ҳа-

моно табиб ва шогирд эгнига оқ халатларини, қўлқоп, юзларига ниқоб кийиб ишга киришиб кетишди. Ҳуқна қилиш учун мўлжалланган резина ичакли мосламага иссиқ сув ўрнига резина идишга "гейнер суюқлиги"ни илитиб қуйилди ва беморнинг орқа ичаги томонидан юбориш учун киритилди. Аммо суюқлик ҳадеганда кетавермади. Табиб ота осиғлик резина идишни олиб қўли билан аста босди. Бу орада Меҳриддин беморнинг қон босими ва юрак уришини текширди. Кўрсаткичларнинг меъёрдагидек эмаслиги табиий эди.

Табиб резина мосламани шогирдига тутқазди ва ўзи беморнинг кўз қорачиғини текшириб кўрди. Беморнинг аҳволи чиндан ҳам оғир эди.

— Ўғлим, қулоқ солинг. Нима қилиб бўлсаям беморнинг ичидаги тошдек қотиб қолган ахлатни суюлтириб ташқарига чиқариб ташлашимиз керак. Йўқса у омон қолмайди. Унинг ҳаёти ҳозир ҳар иккимизнинг қўлимизда турибди. Шунинг учун айтганларимни беками-кўст бажаринг, хўпми?

— Хўп бўлади, устоз. Нима қилай?

— Абдухолиқ! — дея қичқирди у уй эгасига қарата.

— Лаббай!

— Беморнинг тагига целлофан солинглар, кейин тувак ҳам ола келинглар. Аёлларга айтинглар, қўй ёғида атала пиширишсин. Кейин ҳозир бир гиёҳ бераман. Бу маккаи сано. Шундан дамлама тайёрлаб туришсин. Ҳа, кейин тоза асал ҳам келтиришсин. Қозонни тўлатиб сув иситинглар, тушунарлими?!

Маржон табибнинг айтганлари тезлик билан ижро этила бошланди. У ўзи халтасидан ошқозонга юбориладиган резина ичакни олди-да, унга авиакеросиндан тортиб, беморнинг оғзи орқали ошқозонига юбориш пайида бўлди ва айни пайтда беморнинг ошқозон ва ичакларини аста силай кетди. У суюқликни пуфлаб мажбуран юборарди.

– Меҳриддин, сиз ҳам резинани қаттиқроқ босаверинг. Ичкарига суюқлик кетмаса бўлмайди.

Йигит резина идишни тиззаси билан босганди, бир оз юришгандай туюлди. Бемор ўзига келган шекилли, оғриқдан афтини буриштириб ингради.

– Ўҳ-ҳў, яхши. Бир оз кетяпти, шекилли. Бўшашманг, ўғлим, тўхтаб-тўхтаб босаверинг.

– Ичаклари зўриқиб ёрилиб кетмайдими?

– Йўқ. Бу охирги чора. Бемор ҳали жон берадиган аҳмоқ эмас. Ёш экан, юраги бақувват, – деди табиб жиддий.

Абдухолиқ эшик олдида анграйиб, тиз чўкиб ўтирарди. Табибнинг унга кўзи тушди:

– Абдухолиқ, бир пиёла пахта ёғи олиб келинг, тез!

– Устоз, уни ичирасизми? – сўради талаба йигит.

– Йўқ. Қорнини силаб, уқалаймиз, бечоранинг ичаклари цементдек қотиб қолибди. Иложи бўлса бирор қошиқ зайтунми, чаканда мойими ичириб, кейин орқа ичакдан ҳам пуфлаб киритиб юборсак ёмон бўлмас.

Устоз ва шогирд бир оз муолажа қилиб, сўнг танаффус қилишди. Бемор бир оз ўзига келиб оғир ингради. Табиб ота унинг оғзидаги ичакни суғуриб олди ва иссиқ аталадан бир оз ҳўплатмоқчи бўлди. Аммо бемор уни қабул қилолмади. Маккаи сано дамламасини бир илож қилиб пиёлада ичиришга уриниб кўришди. Аммо дорининг кўпи чаккасидан оқиб кетди. Сўнг илиқ аталадан ичакка тортиб уни зўраки равишда яна ошқозонга тиқиб пуфлашди. Мўйсафиднинг буйруғи билан талаба йигит ёғ суртиб бемор қорин-ичакларини соат йўналиши бўйича оҳиста айлантириб силаб турди. Ўзи бўлса унинг ошқозонини силарди. Бир оздан сўнг тўпланган бадбўй ҳидли газлар чиқиши сезилди. Бу ичакларда кимёвий парчаланиш жараёни содир бўла бошлаганидан далолат берарди.

Табибнинг топшириғига кўра чаканда мойи ҳам келтиришди. Табиб ундан ҳуқна ичагига сўриб олиб уни орқа томондан пуфлаб киритди ва яна "гейнер суюқлиги"дан тўхтаб-тўхтаб ҳайдай бошлади. Ниҳоят кутилган натижа юз берди. Беморнинг кўзлари олайиб қаттиқ инграб юборди. У бетиним кучанар, кўзлари катта-катта очилиб, чираниб азобланаётгани яққол кўриниб турарди. Шу тобда унинг сабр-бардошига қойил қолмоқ керак эди, албатта.

Табиб ота бир қўли билан беморнинг бошини уқаласа, иккинчиси билан ошқозонини аста силарди. Меҳриддин бўлса ичаклар устидан айлана қилиб силашда давом этди. Йигитча тез орада терлаб-пишиб кетди. У инсон ҳаётини сақлаб қолишдек масъулиятни чуқур ҳис қилаётганди.

Энди резина ичакни суғуриб олиб қўйишди. Бир пайт тўсатдан отилиб чиққан фаввора талаба йигитнинг оқ халати ва юз ниқобини бежади. Хонани керосин аралаш бадбўйлик тутиб кетди, кўзлари ачишди. Аммо йигит жирканмади, балки ўз ишидан ва унинг натижасидан бениҳоя қувониб кетди.

— Хаҳ, хайрият, — деб қўйди табиб ота енгил тин олиб. — Энди ҳаммаси жойида бўлади, ўғлим, — деди йигитнинг елкасига оҳиста уриб қўяркан.

Меҳриддин қувонганидан шу алфозда ташқарига отилди. Теварак-атрофни йигитнинг шодон овози тутиб кетди.

— Ур-ра, биз енгдик! Бемор ака омон қолдилар! — дея қичқирарди у.

Ташқарида жонларини ҳовучлаб турган беморнинг яқинлари Меҳриддиннинг бадбўй уст-бошига қарамай уни маҳкам қучиб алқай кетишди.

* * *

Беморнинг ичи юриб кетганидай, устоз-шогирд табибларнинг ишлари ҳам энди олға кетди.

– Бу ёғи ҳеч гапмас. Икки-уч кун ичида кўрмагандай бўлиб кетади. Зардоб, қатиқ, асалли, лимонли чой ичавериши керак. Қўй ёғили аталага ҳам асал қўшиб бераверасизлар. Чунки беморнинг ичаклари тортилиб, совиб кетган. Улар қизиши керак. Кейин яна икки марта ичини ювамиз, – деди табиб тўпланган беморнинг яқинларига қарата.

Устоз ва шогирд туни билан бемор ёнида навбатчилик қилишди. Аёллар беморни оз-оздан атала билан овқатлантириб, гиёҳли дамламалар ичириб туришди. Эртаси эрталаб ҳеч ким чақирмаса-да, ўз машинасида ўша шифокор Ражаббой етиб келди. У, эҳтимол, бемордан хабар олиб, агар вафот этган бўлса, дуои фотиҳа қилиб, яқинларига ҳамдардлик билдиришга жазм қилган бўлса ажаб эмасди. Аммо беморнинг ўрнида бемалол чой ичиб ўтирганини кўриб танг қолди. Навбатчи Меҳриддин табобат ҳақида китоб ўқиб ўтирар, табиб ота бўлса ичкарида ухлаб, дам олаётганди.

– Ие! Сиз?.. Қандай қилиб? Ким тузатди? – дея сўради бемордан Ражаббой шоша-пиша.

"Анави бола", – дегандай у талаба йигитга ишора қилди.

– Сиз?! – дея ажабланиб сўради у.

– Ҳа, нима бўпти? – деди Меҳриддин атайин пинагини бузмай.

– Ахир, қандай қилиб?

– Табобатни ўқиш керак-да, ока!

Шифокор теварак-атрофга аланглаб ҳайратланди.

– Ахир, бу мўъжиза-ку... Сиз ҳозир нима ичяпсиз? – ажабланиб сўради у бемор йигитдан.

Бемор елкасини қисиб яна йигитга ишора қилган бўлди.

– Аввал маккаи сано ичириб ични юргиздик. Ҳозир қайноқ атала ичяптилар. Чунки ичаклари совиб

кетган, қон юрмай қолган. Нима сизларни ўқитишмаганми?

– Сиз кимсиз ўзи?...

– Тошкент тиббиёт коллежининг талабаси Меҳриддинман. Амалиётга келувдим.

Шифокор бир оз анграйиб қолди. Сўнгра жон кирди ва ялтоқлана бошлади:

– Э, қойил, Меҳриддин! Баҳоингиз беш. Сиздан ҳали зўр шифокор чиқади. Коллежни битириб қаерда ўқимоқчисиз?

– Тиббиёт институтида, албатта.

Шифокор талаба йигитнинг елкасини самимий қоқиб қўйди.

– Раҳмат сизга! Кейин хоҳласангиз бизга ишга келаверинг. Бизлар сиздек яхши мутахассис кадрларга муҳтожмиз.

– Хўп. Ўйлаб кўраман.

– Майли, мен борай, – деди у ва кетаркан, Меҳриддиннинг қўлини маҳкам сиқиб қўйди.

Бу талаба йигитнинг мустақил амалиётига қўйилган илк баҳоси эди.

Шифокорни кузатиб чиққан Меҳриддин ташқарида сокин ва мусаффо тоғ ҳавосини, ўз кийимларида бўлса, бадбўйликни туйди. Оқ халатини ечиб бир четга отганди аёллардан бири ҳушёрлик билан чопиб келиб уни ювмоққа ҳозирланди.

– Бўпти. Устозим уйғонгунларича мен бир айланиб, сойда чўмилиб келаман, – деди у аёллардан бирига.

– Ҳай майли, ука. Ҳаяллаб кетманг тағин.

– Бу ерда гўзал қизлар кўп-а. Озиқчига ўхшаб оздириб кетмасин, – дея кулиб гапга аралашди бошқа бир жувон.

– Ҳазиллашяпти, бораверинг. Овқатимиз пишиб қолди. Табиб ота уйғонсалар, бирга нонушта қиласизлар.

– Хўп. Қаерда чўмилсам бўлади?

– Ҳув катта арчани кўряпсизми? Ўша ерда улкан харсангтош бор. Сув димланиб оқади. Баъзан биз ҳам ўша жойга бориб турамиз. Эҳтиёт бўлинг, илон ҳам бўлиши мумкин.

Йигитча бепарво қўл силтаб қўйди. Илон масаласи энди унинг учун муаммо эмасди. У шахдам одимлар билан ўша арча томон сўқмоқ бўйлаб, буталар оралаб жўнади. Йўлда бир жайра учради ва тез қочиб қолди. Ўтлар орасида унинг бир дона игнаси ётарди. "Хиҳ, ручкага ўхшаб кетаркан. Агар унинг бир учини кесиб рангли стержен киритилса ажойиб совғабоп ручка бўлади" деди у хаёлан ва қўнғироқ қора сочларига уни қистириб олди-да, теваракка бир бор нигоҳ ташлаб, йўлида давом этди.

Шу маҳал арча тарафдан келаётган қиз боланинг майин овози унинг эътиборини тортди. Қиз сув бўйида ўтириб қўшиқ айтарди. Йигитча ўзини буталар орасига олди ва сой бўйидаги улкан харсангтош томон оҳиста қадам ташлади. Қиз худди сув парилари-дай сой соҳилида ўтириб сочига оҳиста тароқ тортар, у ич кийимда бўлиб, ҳозиргина чўмилиб, сўнг қуринаётгани кўриниб турарди.

Балоғат ёшидаги йигитнинг юраги гупирлаб уриб кетди. У бундай гўзал манзарани ҳаётда ҳеч қачон кўрмаганди. Тўғри, шунга ўхшаш ҳолатларни баъзи ҳинд фильмларида кўрган, лекин ҳозиргидек жонли ижрода қўшиқ эшитиш нақадар нашъали эди:

Энг гуллаган ёшлик чоғимда,
Сен очилдинг кўнгил боғимда.
Шунда кўзим кўрди баҳорни,
Шунда қалбим таниди ёрни.

Қушлар сайрар жонимга пайваст,
Мен севгининг бўйи билан маст.
Куни билан далада қолдим,
Лолазорлар ичра йўқолдим...

О... о-о-о-о...
Ла-а-а...-ла-ла-ла-ла...

Қўшиқ сеҳридан лол бўлган йигит ҳам оҳиста минғирлаб унга қўшилди. Гўё қизга гул келтириб тутганини тасаввур қилди:

Қучоқ-қучоқ, гуллар терганим,
Ва келтириб сенга берганим.
Кечагидай ҳамон эсимда,
Ҳар сония, ҳар он эсимда.

Қиз қовоқариникидай ғўнғиллоқ товушга дастлаб эътибор бермади. Гўё севган йигитининг овози хаёлида — осмону фалакда қўшилиб бирга таралмоқда эди:

Шундан бери тилимда отинг,
Шундан бери дилимда отинг.
Энг гуллаган ёшлик чоғимда,
Сен очилдинг кўнгил боғимда[1].

Ла-а-а... ла-ла-ла-ла...
О... о-о-о-о...

Йигит ҳам дўрилдоқ овозини беихтиёр ванг қўйиб буталар оралаб қиз томон яқинлашиб борди. Аммо бу ҳолатдан ҳар қандай қушча ҳам ҳуркиб, потирлаб учиб кетиши табиий эди.

Қиз ўрнидан туриб узоқда хиёл кўриниб турган тош кўтон томон қочиб қолди. Афсус, йигитнинг

[1]Ҳамид Олимжон шеъри.

TOSHKENT SHAHAR «FE...
AXBOROT-KUTUBXONA...

юзини кўролмади. Бироқ бир ҳолат диққатини тортди. Бир қўлининг териси оппоқ бўлса, иккинчиси бўйин қисмидан пасти қорамтир эди. Юзи қанақа, кўролмади. Тўзғоқ, қора сунбул сочлари остида ёноқлари тўсилиб қолганди...

Меҳриддин қизнинг ортидан ўта қизиқиш билан қараб қолди ва қизнинг унутиб қолдирган, ерда ётган қизил тароғи эътиборини тортди. Уни олдию "Ҳой, тўхтанг!" дея ортидан чопди.

Шу маҳал ердан чиқдими ё осмондан тушдими, юзлари ориқлаб буришиб кетган, афти офтобда қорайиб қотган бир киши қўлида таёқ билан буталар орасидан чиқиб йигитнинг рўпарасида тўсатдан пайдо бўлди.

– Ҳой, қаёққа?! – ўшқирди у.

Йигит нима деярини билолмай бир оз довдираб қолди.

– Ҳой, олифта! Агар шу ёққа яна бир марта қадам қўяр экансан, оёғингни синдириб, анави арчага осиб қўяман, уқдингми! – деди у дағдаға билан.

– Хў-ўп, – дея олди йигит қўрқа-писа.

– Бор, йўқол, ҳе, падарингга лимонад! – дея таёғини кўтариб ўдағайлади у.

Йигит урра қочди. Қотма киши ортидан қичқириб қолаверди. Кишининг ортидан келиб қолишидан чўчиб чўмилолмади. Нарироққа бориб бир жилғада ювиниб олди. Аммо қизнинг соч тараб ўтириб куйлаётгандаги ҳолати кўз олдидан сира кетмасди. Тароқни қўлига олиб узоқ тотли хаёлларга берилиб ўтирди. Қўшиқ оҳанглари қулоғининг тагида унсиз жаранглади.

* * *

Кечга қадар бемор анчагина ўзига келиб қолди. Табиб кўрсатган мўъжиза ҳақида депарада шов-шув тарқалди. Уни кўргани, кўрингани кўплаб хасталар "ўлик чиқмаган жой"дан нажот қидириб бирин-ке-

тин кириб кела бошладилар. Улар орасида Меҳриддинни қувиб солган ўша қотма киши ҳам бор эди. Ўткир қаҳрли нигоҳини йигитга қадаб: "Бу олифта нима қилиб юрибди?" дегандай савол назари билан қаради. Аммо унинг Маржон табибда зарур гапи бўлгани туфайли мўйсафидни бир четга имлаб, у билан бир нималар ҳақида узоқ тортишишди. Охири бир келишувга келишишган чоғи, табиб унга қарата "Хўп, сиз хотиржам бораверинг. Биз индинга, албатта, олдингизга ўтамиз. Ўша айтганларимни тайёрлаб қўйинг, хўпми?" дея тайинлаган бўлди.

Ўткир қабзиятли, ўлим тўшагида ётган бемор қатор даволаш муолажалардан сўнг деярли шифо топиб кетди. Табиб унинг яқинларига бир қанча кўрсатмалар бергач, ниҳоят бу ерни тарк этишди. Бемор ҳам чойшаб билан ўраб боғланган қорнини силаган ҳолда чиқиб устоз ва шогирдга киртайган кўзлари билан миннатдор бўлиб боқди.

– Ўзингизни эҳтиёт қилинг. Айтганларим бўйича фақат парҳез овқатлар ейсиз, егандаям узоқ чайнаб ютасиз. Келишдикми?

– Келишдик, – деди бемор мамнун жилмайиб.

Навбатдаги бемор сари йўл олинди. Мўйсафидга бир эшак совға қилишганди. Миниб олди. Меҳриддин ўз осма халтасини орқасига илиб олди. Қўлида шаҳардан олиб келинган, ишлатилган автомой қуйилган идиш бор эди.

У устозидан сўрашга ботинди:

– Ҳозир қаерга борамиз, устоз?

– Эндими, худо хоҳласа, бир қизни кўриб қўямиз. Уларники узоқмас, шу яқин орада бўлиши керак.

– Қанақа касал экан?

Мўйсафид айтиш-айтмасликни билмай бир оз ўйланиб қолди ва шогирдини чўчитиб юбормасликка

аҳд қилдими, ҳарҳолда аяди. "Кўрамиз-да, бораверайлик-чи", дея қуруқ қилиб жавоб қайтарди.

Улар бутазорлар оралаб кетган арава йўли орқали боришаркан, шу маҳал қаршиларидан кечаги қотма ориқ киши чиқиб келди ва кекса табибни сохта жилмайиш билан қарши олиб, илиқ саломлашди. Йигит томон "Ким бу, тасқара?" дегандай кўзларини олайтириб нигоҳ ташлаган бўлди.

– Бу йигитча менинг шогирдим бўлади. Дўхтир бола, яхши йигит, – деб қўйди Маржон табиб унинг хавотирини тушунгандай бўлиб.

Қотма кишининг исми Гулмат бўлиб, ўрмончи экан. У қўл бермаса-да, совуқроқ саломлашган бўлди ва табиб уларни кечаги куни қиз қочиб кириб кетган тошқўтон сари бошлади. Йўл сари тўхтамай сўзлай кетди:

– Бечорани адаштириб, ташлаб кетишибди. Ота-онаси йўқ. Бир акасининг қарамоғида экан. Келиноийиси қурғур уни ҳеч сиғиштирмабди. Милицияга топширмоқчи бўлдиму, кўзим қиймади. Бунақа муаммоли қиз кимгаям керак.

– Қаерлик экан?

– Менимча, Қирғизистон томондан. Қишлоғини номи Тешиктошми, Бешиктошми, тушунолмадим. Деярли гапирмайди, бечора. Лекин ашулани шунақа чиройли айтарканки... Товуши баъзан бир оз тутилиб чиқаркан.

– Нега?

– Лабларининг бир томониям оқиб кетган шекилли. Яна билмадим, кўрсатмади. Кўрсатганидаям нима қила олардим. Қаёқданам менга дуч келиб қолди, шўрлик. Тоза бошоғриқ бўлди-да. Лекин нимаям қила олардим, буям Яратганнинг бир бандаси, деб савобгарчиликка қараяпмиз-да... – деди ва чуқур хўрсиниб олди.

– Ҳозир қаерда у?

– Ҳув анави қўтонимда. Хотиним ўша ерга жой қи-

либ берган. Озиқ-овқат олиб келиб турибди. Эски-тускки кийимларидан ҳам топиб берди. Лекин қиш келса нима қиламиз, билмадим.

Меҳриддин қизнинг тез қочиб кетишининг боисини англагандай бўлди. "Демак, унинг тери касали бор ва ундан воз кечишган. Қизиқ, нега даволашмаган?" деган савол ўтди.

– Нима, уни докторлар даволашмаганми? – дея сўради у беихтиёр.

– Кўрсатишмагандир-да... Бунақа касалларни қадим замонда алоҳида жойларда асрашган. Чунки юқумли деб билишарди. Улар билан бирга яшаш, ҳатто улар фойдаланган буюмдан фойдаланиш ҳам ман этилган.

Меҳриддин киссасидаги тароқни ушлаб қўйди. Аммо негадир ўзини бардам ҳис қиларди.

– Ҳозирда-чи? – сўради у.

– Ҳозирда бунақа беморлар жуда кам учрайди. Демак, ўз вақтида эмланмаган, танасида темир моддаси умуман камайиб кетган. Шу туфайли... – деб қўйди табиб ота ва негадир сўзини давом эттиришни истамади.

– Бу қанақа касаллик ўзи, устоз?

– Терининг оқиб кетиши-да.

Йигит ўрнида бир оз қотиб туриб қолди. Бу ҳолни кекса табиб сезган чоғи, синовчан сўради:

– Ҳа. Нега турибсиз? Истамасангиз, шу ерда қолаверинг.

– Тўғри, бормай қўяверсин, – деди Гулмат ака ҳам маъқуллаб.

Аммо қизиққонлиги устунлик қилдими ёки қўтон ичкарисидан келаётган мунгли қўшиқ овози уни ўзига жалб қилдими, ҳарҳолда, йигит ортларидан етиб олди.

Қиз "Мени севиб қолсайдинг" қўшиғини маҳорат билан хиргойи қилмоқда эди.

– Бу қанақа қўшиқ бўлди? – деб шогирдидан сўради кекса табиб.

Меҳриддин бу қўшиқнинг яралиши ҳақидаги айрим тафсилотларни ўртоқларидан эшитгани учунми, тез жавоб қайтарди:

– Буними? Ўрнидан туролмайдиган бир ногирон қиз ёзиб Озодбек Назарбековга жўнатган экан. Бу ўша қўшиқ.

– Тушунарли, – деб қўйди Маржон табиб. – Демак, қизнинг қалби туғён урмоқда, дарди оғир, лекин юраги тоза. Бўлмаса, бунақа чиройли қилиб айта олмасди. Худо хоҳласа, тузалиб кетса, қўшнайимда шунинг куйини чалиб бериб айттирганим бўлсин.

– Илоҳим, – деб қўйди қотма киши.

Улар қўтон ичига кириб боришди. Қўйлар бошқа яйловга олиб кетилгани учун хас-хашаклар сочилиб ётар, қий ҳиди анқирди. Бир четда кичикроқ ҳужрасимон, олди канопли чойшаб парда билан тўсилган, бир четдаги дорда ювилган латта-лутталар илиғлиқ. Инсон шарпасини эшитган қиз чўчиб кетган чоғи хиргойисини даб-дурустдан тўхтатди. Бу пайтда бирор бурчакка биқиниб, яшириниб олган бўлиши ҳам мумкин, албатта.

– Дилзода, ҳой Дилзода! – дея баралла чақирди Гулмат ака.

Дастлаб ҳеч қандай садо чиқмади.

"Дилзода, деяпман!" – дея ўшқириб бергачгина ичкаридан "Ҳа!" деган синиқ овоз эшитилди.

– Сени кўргани дўхтирлар келишди.

"Йўқ, керакмас. Айтинг, кетаверишсин!" – деган йиғламсираган овоз келди.

– Биз дўхтир эмас, табибмиз! – дея қичқирди мўйсафид.

– Ҳа. Улар бир одамни ўлимдан асраб қолишди. Сени кўриб қўйишни мен илтимос қилиб олиб келувдим! – деди Гулмат ака пешонасини хижолат бўлгандай тириштириб.

"Мен ҳеч кимга ишонмайман, яшашниям истамайман! Йўқолинглар, кетинглар!" деган йиғи аралаш овоз янгради.

Ўрмончи нима қиларини билолмай аланглади. "Оббо, тоза бошимни қотирдинг-ку" деб қўйди ўзича ғудраниб ва яна қичқирди:

– Ҳой, чиқ деяпман! Тузалиб кетасан, дедим-ку!

"Йўқ. Айтинг, кетаверишсин!" деган овоз келди ичкаридан.

Меҳриддиннинг ҳам боши қотди. Шу маҳал кекса табиб овоз қилди:

– Майли, қизим, чиқмай қўяверинг. Хасталигингизнинг сабаби бизга аъён. Нима қилиш кераклигини айтамиз-да, бир ҳафтадан кейин яна хабар оламиз. Таъсири бўляптими, йўқми, манави амакингизга айтасиз, хўпми?

Ичкаридан пиқиллаган йиғи овози тўхтади. Жимлик розилик аломатидек эди. Маржон табиб қотма кишидан сўради:

– Олма топиладими? Жуда кўп олма керак.

– Албатта. Шуям саволми? Ўрмон тўла олма-ку.

– Яхши. Бўлмаса, мундоқ қиласиз. Ўша олмалардан бир-икки қоп олиб келиб берасиз Дилзодахон ўша олмалардан арчиб пўстлоғини майдалаб янчиб ёки кўп чайнаб еяверади.

– Нега энди?

– Қизнинг танасида темир моддаси деярли қолмаган.

– Эшитяпсанми, қизим?! – қичқирди Гулмат ака.

– Мен умуман олма емайман, – деган овоз келди ичкаридан.

– Бу бир, – деди табиб бош бармоғи билан ишора қилиб. – Иккинчиси, эчки сутига темир металидан солиб, яъни михми, болтами, ўроқми, қайнатиб ичираверасизлар.

– Э, бунисини энди боплаймиз.

– Кейин манави идишдаги мойни, – деди у Меҳриддинни қўлига ишора қилиб, – Дилзодахоннинг ўзлари баданларига кўп-кўп суртаверсин. Бу дорининг таги мўл, аямасин.

– Қанақа мой ўзи бу? – сўради қотма киши қўлига идишни олиб қопқоғини очиб ҳидлаб кўраркан.

– Бу оддий алмаштирилган подшипник мойи. Бунда темир моддаси жуда кўп, темир кукуни мўл бўлади.

Меҳриддин ҳайронликда қолди. Устози бу мойни шаҳардан бекорга олдириб келмаганига амин бўлди. "Бундай мойни дўхтирлар ҳеч қачон қўллашмайди" деган фикр ўтди хаёлидан.

– Шу билан қиз тузалиб кетадими? – дея сўради шоша-пиша йигит.

– Йўқ. Бу биринчи ёрдам, холос. Беморнинг ҳам танасини, ҳатто қонини ҳам тўлиқ тозалаш керак бўлади. Қўрқманг, энди резина ичак билан пуфламайсиз. Танани тозалаш амалларини қизнинг ўзи бажаради, – деди табиб ва халтасидан турли-туман гиёҳ дорилардан чиқариб ажрата кетди.

– Манавиларни дамлама қилиб ичаверади, – деди табиий дориларни ажратаркан, – буларни бўлса суртади.

– Нима қилиш кераклигини хотинимга тушунтирсангиз бўларкан. Зора тузалиб кетса.

– Албатта, тузалиб кетади. Фақат қиз ҳозир сизларнинг меҳрларингга муҳтож. Бечора, ёлғизланиб асабийлашиб қолибди, – деди табиб ва шивирлаб қўшиб қўйди: – Унга яхши муомалада бўлинглар. Йўқса ўзини-ўзи бирор нима қилиб қўйишиям мумкин.

– Хўп. Яхши қараб келяпмиз, бундан кейин ҳам қараймиз. Лекин аввал қизнинг ўзи билан ҳам алоҳида гаплашиб кўрсангиз бўлармиди.

– Яхши. Сизлар бўлмаса бир четроқда туринглар.

Мен парда ортида туриб бўлсаям гаплашишга уриниб кўраман, – деди кекса табиб ва қиз турган қўтон бўлаги томон йўналди.

Меҳриддин билан қотма киши бир четга бориб прессланган сомон хашак устига ўтиришди.

– Қизим, манави қопнинг ортига келинг. Қўрқманг, мен сиздан баттар беморларниям даволаб келганман. Эшитган бўлсангиз мени Маржон табиб дейишади. Ҳали ёшсиз, ҳеч гапмас, тузалиб кетасиз. Менга ишонинг.

– Ростдан тузаламанми? – деган мунгли овоз келди ичкаридан.

– Ҳа, дедим-ку. Берироқ келинг-чи, қизим. Чўчиманг. Мен сизнинг бобонгиз тенги одамман, ёшим тўқсон саккизда.

– Вой!.. Унда анави йигит ким?

– Уми? Ҳам шогирд, ҳам набирам, – деб қўйди чол негадир ички ғурур билан.

– Ёмон бола экан, мени қувди.

Табиб таажжубланди.

– Ие, шунақами?.. Қачон улгурдийкин-а. Ҳай, майли, ўзим у билан яхшилаб гаплашиб қўяман. Оббо, эси йўғ-ей.

– Набирангизга айтинг, бу ерга бошқа келмасин.

– Хўп бўлади, қизим. Лекин у бу ерга ўйнагани келган эмас, тиббиёт коллежидан амалиётга келган. Менга ёрдам беряпти. У дўхтир бола.

Қиз индамади. Бир оздан сўнг у парда ортига яқинроқ келди. Қизғин савол-жавоб бошланди. Афсуски, уларнинг ўзаро суҳбати Меҳриддиннинг қулоғига етиб бормасди.

“Қизиқ, бунақа қайсар бемор қизни устоз қандай даволаркин? Наҳотки, темир моддаси инсон ҳаёти учун шунчалар муҳим бўлса... Тавба, олма емаган қизни энди кўришим. Демакки, витаминларнинг ҳар

бирининг инсон ҳаётида ўз ўрни бор" дея ўзича ўй сураради талаба йигит.

Ниҳоят, қиз кекса табибга тўла ишонч ҳосил қилди шекилли, унга парда ортига ўтишга ва ҳатто, юз-қўлларини, оёқларини кўришга изн берди.

– Ҳеч гапмас, тузалиб кетасиз, қизим, – деди кекса табиб самимий оҳангда.

– Ростдан-а?! – қувониб кетди қиз юзини тўсган ҳолда.

– Ҳа. Фақат айтганларимни қиласиз. Уялиш, жирканиш деган нарсаларни ҳозирча бутунлай унутасиз. Хўш, келишдикми? – сўради табиб кўзойнагини тақиб олиб қорайиб қотиб қолган ғадир-будир тери жойларини синчиклаб текшираркан. – Вирус деган бало тушганга ўхшайди. Энди бундай қиласиз, сийдигингизни тўплаб бутун баданингизга суртиб ётасиз. Эрталаб илиқ сувда ювиниб олаверасиз. Кейин биз олиб келган машина мойидан кўп-кўп суртаверинг. Чойниям, сутниям қайнатганда, албатта, ичига бирор темир бўлагидан ташлаб қўйинг. Ёмон кўрсангиз ҳам кўп-кўп олма енг. Сизга кўпроқ пўстлоғи фойдали. Ёввойи олма, зирк, чакандалардан ҳам териб ейаверинг. Мен яна нималар қилиш кераклигини қоғозга ёзиб кетаман. Хўш, тайёрмисиз?

– Ҳа, – деди қиз қатъият билан.

– Худо хоҳласа, тузалиб кетганингиздан кейин қанақа режаларингиз бор?

– Билмасам.

– Ҳим-м, тушунарли. Ёшингиз нечада?

– Ўн олтида.

– Э-ҳа. Турмушга чиққунингизгача ҳеч нима кўрмагандай бўлиб кетасиз ҳали.

– Наҳотки?!

– Албатта.

– Мабодо тузалиб кетсам бир умр сизнинг чўрин-

гиз бўлиб хизмат қилишга тайёрман. Мен яшашни истайман, тоғажон. Илтимос, мени бу ердан олиб кетинг... Мени даволанг... – деди қиз ялинганнамо.

– Хўп-хўп, қизим. Ҳозирча шу ерда турасиз. Шу ер сизга даволанишингиз учун қулай экан. Одамлардан, кўзлардан нарироқ. Хўпми, қизим?

– Хўп. Сизга ишонсам бўладими, отажон?

– Мен сизни қизим деб чақиряпман-ку... Сен мени отажон, дединг. Қани, кўзимга қара-чи... Демакки, бир-биримизга ишондик. Худо меҳримизни тоблади. Яна нима керак? – деди мўйсафид беихтиёр "сенлаб".

– Раҳмат, отажон. Илоҳим, умрингиз узоқ бўлсин!

– Хўп бўлмаса, ҳозирча мана шу айтганларимни бажариб турасан. Биз уч-тўрт кунда хабар оламиз, хўпми?

– Хўп. Яхши боринглар, отажон.

– Энг муҳими, руҳингни туширма. Ўлимдан бошқа ҳамма дарднинг давоси бор.

Улар кетишаркан, чойшаб тешигидан бир жуфт қора кўз умид билан термулиб қолди. Меҳриддин бу ҳолатни чуқур ҳис қилгани учунми, кўзларга қараб "хайр" дегандай жилмайиб бармоқларини ўйнатиб қўйди. Ташқарига чиқиб бораркан, тўсатдан қизнинг тароғи ёдига тушиб қолди ва уни киссасидан қўлига олиб, ҳамроҳларини ҳайрон қолдириб, ортига, қўтон ичкариси томон чопти.

– Ҳой қиз! Тароғингиз қолиб кетган экан, топиб олувдим, олиб қўйинг! – дея қичқирди у.

Чойшаб қимирлади, қиз шарпаси сезилди ва парданинг бир четидан қўли чиқди. Йигит тароқни узатаркан, юраги хаприқиб қўрқиб кетди. Қизнинг қўл териси гўё ириб оқаётгандай қўтир ва беўхшов эди.

– Хўп, тузалиб кетинг, – дея олди йигит аранг.

– Раҳмат, – деб қолди қиз ортидан.

"Эҳ-ҳе, бу қизни, албатта, даволамоқ керак. Бе-

чоранинг ота-онаси ким экан-а? Нега уни ташлаб кетишади? Инсонийлик қани бу ерда? Мен устозим билан бу қизни даволаб, одамларга ўзимизнинг ким эканимизни кўрсатиб қўйишимиз керак. Ташлаб кетганлар минг пушаймон қилишсин ҳали".

Маржон табиб ҳам ёш шогирдининг бундай қатъий фикрини маъқуллади.

– Тўғри, биз, албатта бу қизни даволаймиз. Мана кўрасиз, у дунёдаги энг гўзал қизлардан бири бўлади. Ҳа, айтмоқчи, сиз уни чиндан ҳам қувдингизми?

– Қувганим йўқ, ўзи қочди. Тароғи тушиб қолган экан. Топиб олувдим.

– Ҳим-м, тушунарли. Демак, сиз унинг хаста эканидан бехабар бўлгансиз, шунақами?

– Ҳа, албатта.

– Билиб қўйинг. Шифокор учун барча турдаги ва жинсдаги беморлар бир хил бўлади. Инсон зотига зино кўзи билан қараш асло мумкин эмас. Гиппократ қасамини яхшилаб ўқинг. Шифокору табибларнинг инсоният олдидаги шарафли бурч ва масъулиятлари бор, тушунарлими?

– Албатта, устоз.

Улар Гулмат ака билан вақтинча хайр-хўш қилишаркан, Маржон табиб ундан сўради:

– Айтганларим ёдингиздан чиқмайдими?

– Йўқ, асло.

– Унда қани, бир такрорланг-чи.

Меҳриддин хушёр тортди. Табиб шогирди учун устозининг берган кўрсатмаси жуда муҳим эди. Ўрмончи киши қизни даволашга қаратилган табиб ўгитларини қайтара кетди:

– Кўмир конига бориб гилвата олиб келаман.

– Хўш?!

– Гилватани қайнатилган зирк томирининг суви

билан атала қиламан. Уни қизнинг баданига ўзи суртиб туради.

– Яхши.

– Гилвата нима? – қизиқиб сўради Меҳриддин.

– Тошкўмирлар ичида, баъзан тоғу тошларда учрайдиган хамирсимон табиий қоришма. У танадаги заҳарни тортиб олади. Дилзоданинг баданида темир моддаси деярли қолмагани туфайли териси заҳарланиб ташқи таъсирларга яроқсиз бўлиб қолган. Гилвата ҳимоя вазифасини ўтайди. Баъзи ҳомиладор аёллар ҳам гилвата егилари келади. Унда ҳам темир моддаси кўп. Демакки, шу моддага талабгор бўлишади. Хўш, яна бир гап. Мен Дилзоданинг ўзига тушунтирдим. Хотинингизга етказиб қўйсангиз, – деди мўйсафид қотма кишига юзланиб ва томоғини маъноли қириб олди.

– Майли-майли, бемалол.

– Сал нозикроқ-да, айтаверайинми? – сўради у бир бор Меҳриддинга нигоҳ ташлаб олиб.

Лекин йигитнинг ўта қизиқувчан турганини кўриб овозини бир оз пасайтириб сўзлай кетди:

– Хуллас, қиз ҳар куни сийдигини бир идишга йиғаверади. Сўнг уни тўрт кун офтоб тиғига қўйиб қўяди. Бир ёмон чойнак топиб берасиз. Ўша сийдикни қўйиб оловда ўзи қайнатади. Кейин бир-икки метр целлофан плёнка топиб берасиз. Қиз ўша целлофанга ўралиб калласини чиқариб олади-да, чойнакдан чиқаётган буғга баданини бир соатлар чамаси тутиб туради. Бу муолажа жами ўн кун давом этади, тушунарлими?

– Бу ишни гилватадан олдин бажарадими ё кейин?

– Олдин бўлса яхши бўлади. Чунки терилари юмшаб тешикчалари очилади. Ана ундан кейин терига автомойни тўла суртиб ётади. Ётиш олдидан тонги уч-тўртларда туриб икки юз граммдан ўз сийдигини ичиб олади. Қарабсизки, ҳам ичдан, ҳам ташқаридан касалликка қарши беаёв кураш олиб борилади.

Гулмат аканинг ҳам, Меҳриддиннинг ҳам этлари жимирлаб кетди.

– Бу муолажа қанча давом этади, устоз?

– Гилвата суртиш ўн кун, сийдикка тутиниш ҳам ўн кун. Сийдикни ичиш бир ой, олмани ейиш истаганича. Қарабсизки, бир ойга бормай қиз хасталикдан бутунлай фориғ бўлади.

– Сиз бу амални аввал синаб кўрганмисиз ўзи? – қизиқиб сўради Гулмат ака.

– Ҳа, албатта. Бундан баттариниям даволаганман. Оллоҳ бандасига дардни бера туриб унинг давосини ҳам яратиб қўйган бўлади. Ўша давони, аввало, табиатдан, кейин ўзимиздан излашимиз керак, – деди кекса табиб.

– Оббо, сиз-ей, қойил! – деб хитоб қилди ўрмончи.

Эҳтимол, умрида илк бор қотма кишининг юзларида ҳам табассумга мойиллик уйғонганди.

Улар самимий хайрлашдилар.

Устоз-шогирд бири эшакда, бири пиёда кетиб боришаркан юз-кўзидан ҳайрат ифодаси сезилиб турган йигитга қараб табиб ота шундай деди:

– Лекин фақат бу қизнинг ўзи бажарадиган амаллар, холос. Бу билан дарров даволана олмайди, албатта. Асосий муолажа ишларини барибир сизу биз бажарамиз.

– Биз нима қиламиз?

– Бу айтилган амаллар теринининг тикланиши учун хизмат қилади. Лекин танадаги, қондаги заҳарлардан ҳам тўлиқ тозаланиши керак бўлади.

– Ўҳ-ҳў, бунинг учун нима қила оламиз?

– Аввало, ҳаром қонини олиб ташлаймиз, зулук қўямиз. Сўнг қустириб ошқозонини гиёҳли ҳуқна қилиб ичакларни тозалаймиз. Иложи борича ўт сафросиниям чиқариб ташлаймиз. Қиз ўзи ўз сийдигини тунда ичиб ётганида жигари тозаланади. Шундан

кейин нима бўлади, ўғлим, биласизми? – сўради устоз синовчан оҳангда.

– Бемор бутунлай тузалиб кетади, демоқчисиз-да-а, устоз?

– Йўқ, асло! – дея хитоб қилди мўйсафид кутилмаганда йигитга юзланиб.

– У қиз дунёдаги энг ҳурлиқо қизга айланади ва энди неча-неча йигитларнинг юрагини ўйнатиб, аксинча, уларни ишқ касалига йўлиқтиради! – деди у ва хохолаб кулиб юборди.

Унинг беғубор кулгисига шарқираб оқаётган сой шовқини, патирлаб учган қушлар овози гўё жўр бўлмоқда эди. Ҳадемай бу овозлар навқирон Меҳриддиннинг янгроқ ва жарангдор кулгиси билан ҳам уйғунлашиб кетди...

* * *

– Энди қаёққа борамиз, устоз? – сўради Меҳриддин тоғ ёнбағирлаб юришаркан.

– Рўйхат бўйича кетаверамиз-да.

Талаба йигит киссасидан дафтарчасини чиқазиб "Қизилтоғда. Тешавой чўпоннинг эрга теккан қизи тиришадиган бўлиб қолган" деган сўзларни ўқиб берди ва дарҳол сўради:

– Бу тиришиш дегани нима ўзи?

– Буни тиббиётда "судорого" дейишади. Бу дардга мубтало бўлган инсон ҳар икки-уч соатда тўсатдан қотиб қолаверади. Ҳеч нимани англамайди.

– Нима сабабдан?

– Тананинг қаеридадир қон қотиб қолган бўлади. Асосан бошдан қаттиқ зарба еганлар шундай аҳволга тушиб қолишлари мумкин. Миядаги артерия қон томирида қон жуда суст айланади, тушунарлими?

– Ҳа, – деди шогирд йигит ўзича тасаввур қилиб.

Улар узоқ юришди ва ниҳоят тушлик маҳали тоғ

оралиғидаги кичикроқ Қизилтоғ қишлоғига кириб боришди ва ўтган-кетганлардан Тешавой чўпонникини суриштириб топишди. Бемор қиз ичкарида экан. Айтишларича, турмушга узатилгач, беш-олти ой ўтмай "Бу касал қизларинг бизга керакмас" деб қуда томондагилар уни олиб келишганмиш. Шу туфайли хонадонда ҳаловат йўқолган, айниқса, шифокорларнинг "рози бўлсанглар, қизнинг миясини ёрамиз" дейишгани Тешавой акани таҳликага солиб қўйибди.

Табиб ота қизнинг ҳолатини яхшилаб ўрганди ва эътиборини кўпроқ боши, мия қисмига қаратди. Қизнинг сочларидан бир оз тортиб кўрди. У оғриқдан "Ай!" деб қаттиқ қичқириб юборди. Шу маҳал тўсатдан мўйсафид шогирд боланинг ҳам қўнғироқ сочларига шундай чанг солиб тортиб қўйди. Лекин йигит вой-войламади, чидади.

– Ана кўрдингизми, – деди табиб қизнинг отасига қарата.– Қизнинг сал сочидан тортсам додлаб юборяпти.

Тешавой ака "Бу билан нима демоқчисиз?" дегандай маъноли нигоҳ ташлади.

– Демак, қизингиз бошидан қаттиқ зарба еган.

– Йўғ-е?!

– Нима, хабарингиз бўлмаганми?

– Қизим, ростдан бошингни бир нимага уриб олувдингми ё эринг?..

Қиз бош силтаб "йўқ" ишорасини қилди. Умуман, Сурайё камгап, деярли миқ этмай юрар, дарди ичида эди.

– Бўлмаса, гап мундоқ. Сиздан илтимос куёв болани шу ерга чақиртирсангиз. Мен у билан холи гаплашиб олмоқчиман. Лекин сиз умуман аралашмайсиз. Бу оилавий иш. Қизингиз, худо хоҳласа, шифо топиб кетади.

– Ростданми? Бунинг иложи борми? – ҳаяжон ила сўради чўпон.

– Ҳа. Мен деярли аниқ ташхисни қўйиб бўлдим. Ҳаммаси тушунарли.

– Нима? Сизнингча, ҳам миясини операция қилиш керакми?

– Асло йўқ. Лекин даволаш узоқ давом этади. Менинг айтганларимни беками-кўст бажарасизлар. Йўқса...

– Йўқса, нима?

Табиб ота Тешавойнинг қулоғига аста шивирлади: "Қизингиздан айрилиб қоласиз?"

Чўпон отанинг ранги қув учиб кетди ва ёлворишга тутинди.

– Майли-майли. Нима десангиз айтганингизни қиламиз, қизимни даволанг, у ҳомиладор, зурриёдимни қутқаринг, илтимос. Ахир, сиздаям фарзандлар, набиралар бордир...

Меҳриддин Тешавой акани аста маъноли туртиб қўйди. Чўпон тушуниб, нолишни бас қилди. Аммо табиб ота энди тунд бўлиб қолди.

– Куёвингиз қачон келади? – сўради у жиддий.

– Ҳозир, ҳозир, – деди чўпон ўрнидан ирғиб туриб ва бир ўғлини чорлаб тез поччасини айтиб келишни буюрди.

– Охирги тиришиш қачон содир бўлди? – сўради табиб ташқарига чиқишаркан?

– Бугун эрта билан, – деди Тешавой чўпон ва чуқур хўрсиниб олди. – Хотиним, кенжа қизим билан жуда қийналиб кетишди.

– Нима қилишади?

– Бошини уқалайверишади. Кейин бошига ҳўл латта қўйишади. "Тез ёрдам" чақиртирамиз. Улар келиб тинчлантирувчи укол қилиб кетишади. Уларга ҳам раҳмат. Кўп овора бўлишди.

– Ҳим-м, тушунарли. Латта жуда совуқ бўлгани маъқул. Уни музхонага қўйиб қўйилса янаям яхши бўлади. Лекин бу ишлар вақтинчалик тез ёрдам, холос. Бу билан тиришиш тўхтамайди. Қизингиз доимо назоратда бўлиши керак.

– Табиб ота, бир илож қилинг. Қизим ҳам, биз ҳам қийналиб кетдик.

– Тушунаман. Лекин сабрли бўласизлар, даволаш бир оз чўзилади. Менинг айтганим айтган бўлиши керак.

– Албатта. Ҳаммасини бажарамиз. Қанча маблағ кетса ҳам аямаймиз. Буюринг, ота.

– Хўп. Ҳозир куёв бола келса мен у билан алоҳида суҳбатлашиб оламан. Сўнгра ёшларни юзлаштираман. Мақсадим, қизингизни даволашда куёв бола ҳам иштирок этишини ва соғайиб кетгач, оилаларини тиклаб олишларини таъминлашимиз керак.

– Э, жуда улуғ иш бўларди-да. "Чиққан қиз чиғириқдан нари" деганлар. Лекин нима бўлсаям фарзандимиз-да.

– Зурриёд кутилмоқда экан. Бу ҳолат жуда хавфли. Чунки ҳушидан кетиб қолганида она ўпкасига кислород етишмай қолиши мумкин.

– Ҳа-ҳа, бизга кислород юборувчи мослама беришган. Ундан фойдаланяпмиз.

– Яхши. Унда биринчи навбатда қизнинг сочларини устара билан қириб олиб ташлайсизлар. Кейин мен муолажага киришаман. Қизингизга яхши сервитамин овқатлар тайёрлаб берасиз. Чунки мен асосан қон олиш билан даволайман. Жигар ва юрак қисмларидан ҳам қон оламан, қуввати кўп кетади.

– Эҳ-ҳе, шунақа денг?

– Ҳа. Кейин қизингизга асло асабийлашиш мумкин эмас. Доимо хушкайфиятли ҳолат керак. Масалан, яқин дугоналари келиб туришсин. Улар билан мусиқа

қўйиб рақс тушсин. Куёв бола билан табиат қўйнида, тоғларда, гўзал жойларда сайр қилишсин. Хуллас, хотиржамлик керак бўлади. Кейин ёшлар доимо бадантарбия билан машғул бўлишсин.

– Ўҳ-ҳў, шунақа денг?

Агар шундай қилинса икки ойлардан сўнг ишимиз самарасини бериши мумкин.

Тешавойнинг юзига хушнудлик инди.

– Демак, қизимнинг бутунлай тузалиб кетишига умид бор?!

– Ҳа, албатта, – деди Маржон табиб ва бир муҳим гапни айтиб қўймоқчи бўлиб чўпонни бир четга тортди. – Сизни огоҳлантириб қўймоқчиман...

– Хўш-хўш?

– Биз бошидан қон оламиз. Лекин айнан шу маҳали ҳушидан кетиш содир бўлса бу жуда хавфли бўлади. "Тез ёрдам" чақирасиз. Бу бир. Иккинчиси, қизингиз то туғиб олгунича тўлиқ даволаниши керак ёки...

– Нима ёки?

– Ҳомиладан воз кечишга тўғри келади.

– Ҳа, тушунарли. Бу ёғи худодан-да.

– Лекин умид қилишимиз, биргаликда ҳаракат қилишимиз керак бўлади.

Чўпон миқ этмади ва бориб ичкаридан хотинини чақирди.

– Ҳа, дадаси, тинчликми?

– Гап бор. Қизингни олдига киргин-да... ҳим-м, айт, яхши кўрган қўшиқларини эшитиб ўтирсин. Кейин қайси дугонаси билан гаплашишни истаса чақиртириб келинглар. Ёшлар ўйнаб-кулишсин.

– Хўп бўлади, дадаси, – деди аёл ажабланиб.

– Касал қизимни қийнаб қўймаймизми, ишқилиб? Дўхтирлар тинчлик керак дейишганди-ку...

– Кейин ёлғиз қолганида мусиқа тинглаб, бирор қизиқарли китоблар ўқисин. Кўп китоблар ҳам олиб

келиб беринглар, – деди табиб ота чўпоннинг фикрига қўшилиб ва қўшиб қўйди. – Китобдан яхши дўст бўлмайди. Айниқса ҳомиладорликда ўқиса бўлғуси гўдакнинг ҳам мияси тез шаклланади. Катта бўлса истеъдодли бўлади. Японлар, яҳудийлар доим шундай қилишади. Шунинг учун улар жуда тараққий этиб кетишган.

Бу суҳбатлардан воқиф бўлиб ўтирган Меҳриддиннинг хаёлига негадир Тошқўтондаги Дилзода келди. "Бечора у ҳам ёлғиз зерикиб юргандир. Унга ҳам китоблар олиб бериш керак. Доимо мусиқа тинглаб юрса яхши бўларди. Плееримни совға қилсаммикан? Ҳа, шундай қиламан. Икки-уч кундан сўнг ундан хабар олгани борамиз. Ташлаб келаман".

Шу маҳал мотоциклнинг вариллаган овози эшитилди. Бу куёв бола эди. У қайнота ва қайнонаси билан совуқ кўришди.

– Бу меҳмон машҳур Маржон табиб бўлади. "Сурайёни даволайман" деяптилар. Сизда муҳим гаплари бормиш.

Йигит мўйсафид ва унинг шогирди билан саломлашиб кўришди.

– Исмингиз нима, куёв бола?

– Дилшодбек.

– Яхши. Юринг, ичкарида гаплашайлик.

– Тинчликми? – сўради у кўзлари ола-кула бўлиб.

– Ҳа, тинчлик. Бемор аёлингиз фарзанд кутаётганидан хабарингиз бордир.

Куёв бола бўзариб, сўнг қизарди.

– Й-йўғ-е!.. Қ-қанақасига?

– Нега ажабланасиз? Бу табиат қонуни, Оллоҳнинг иноятику, ахир. Нима, хурсанд эмасмисиз?

– Узр. Яхши янгилик. Лекин...

– Юринг, ичкарида гаплашайлик.

Қайнота ва қайнона куёвлари ортидан ғалати қараб қолишди.

Табиб билан куёв меҳмонхонада холи суҳбат қуришди:

– Сизниям кўриб қўйсам бўладими, яхши йигит?

– Нимамни кўрасиз? Мен соппа-соғман!

– Йўқ. Унчалик соғ эмассиз, – деди табиб ота йигитнинг кўзларини очиб, юз-кўзларига эътиборини қаратар экан, қўшиб қўйди: – Кўп ароқ ичаркансиз. Кейин асабингиз жойида эмас, жаҳлингиз тез чиқаркан, тўғрими?

– Шундоқ ҳам дейлик. Бунинг нима аҳамияти бор?

– Дахли бор. Сиз хотинингизни аямай дўппослагансиз, сочидан судрагансиз, аямай тепгансиз, тўғрими?

Йигит довдираб қолди.

– Мен сиздан сўраяпман?! – деди табиб овозини баландлатиб.

– Сурайё сизга шикоят қилдими?

– Йўқ. У мард қиз экан. Сизнинг зуғумларингизга шунча бардош берибди. Ҳатто ота-онасигаям миқ этмабди. Сиз бўлса уни даволаш ўрнига номардларча уйига олиб келиб ташлабсиз. Шу эркакнинг ишими?

– Ўзи кетаман, деди-да...

– Тўхтанг! Гапимни бўлманг! Бўлар иш бўлган. Энди уни даволаш керак. Иложи бўлса гўдакниям сақлаб қолишимиз керак.

– Н-нима?!

– Ё сиз менга яхшиликча ёрдам берасиз ёки...

– Нима ёки?

– Ёки қайнотангизга бор гапни айтаман. У сизнинг устингиздан жиноий иш қўзғаттиради. Агар аёлингизга бир гап бўлса экспертизадан сўнг ҳаммаси ойдинлашади. Сиз қотилликда айбланасиз. Мен ҳам жон деб гувоҳлик берганим бўлсин!

Дилшодбек қўрқиб кетди.

– Н-нималар деяпсиз?! Бу бўлиши мумкин эмас!

– Сиз Сурайёнинг бошига тепгансиз. Мия артериясида қон тўпланиб қолгани учун қон айланиш сусайиб тиришадиган бўлиб қолибди. Бунинг ҳаммаси сизнинг ишингиз!.. Хўш, келишамизми?

– Ҳа. Мен нима қилишим керак?

– Аввало, хотинингиздан, кейин қайнота-қайнонангиздан кечирим сўрайсиз. Сўнг ичкиликни бутунлай ташлайсиз! Даволаш жараёнида доимо бирга бўласиз, айтганларимни бекаму кўст бажарасиз. Поликлиникага олиб бориб барча таҳлилларни, кейин миясини рентгенга туширасиз. Гинеколог шифокоргаям ўзини кўрсатиб келасиз.

– Ш-шу, холосми?

– Йўқ. Даволаш ишлари, сарф-харажатларни қизнинг ота-онасига ташлаб қўймайсиз, яхши-яхши таомлар тайёрлаш учун масаллиқлар, ширинликлар, хотинингизнинг кўнгли нимани тусаса шуни олиб берасиз.

– Уйга олиб кетсам бўладими?

– Ҳозирча йўқ. Келин болага хотиржамлик керак, асабийлашиши асло мумкин эмас. Онангиз ўз онасидай қаролмайди. Даволаниб бўлганидан кейин олиб кетаверасиз.

– Яхши. Айтганларингизнинг ҳаммасини бажараман. Фақат илтимос, бу ҳақида...

– Сизни тушундим. Агар айтганларимни бажармасангиз, ўзингиздан кўраверинг. Айбингизни фақат шу йўл билангина ювишингиз мумкин.

– Хўп бўлади, отахон. Сиздан илтимос қиламан, аёлимни, гўдагимни қутқаринг. Мен айтганларингизнинг ҳаммасини бажараман. Хизмат ҳаққингизниям...

– Хизмат ҳақим шуки, келинчак эсон-омон қутилиб, соғайиб кетса мени бешик тўйга айтиб келасиз.

– Йўқ. Барибир "қўл ҳақи" дейилади-ку.

– Бўпти. Эртагаёқ бир қўй сўясиз ва шу гўштнинг

ҳаммасини аёлингизга таом тайёрлатиб едирасиз, келишдикми?

– Келишдик.

– Қани, ташқарига чиқайлик бўлмаса, – деди табиб ота кулиб.

Дилшодбек бундай эҳтиромни кутмаганди. Хижолатдан қизариб кетди ва ташқарига чиқиб тўғри қайнота-қайнонасининг олдига борди.

– Мени кечиринглар. Хатолик мендан ўтди. Рухсат берсанглар хотиним даволаниб бўлгач, кейин олиб кетаман. Ҳамма сарф-харажатларни ўзим кўтараман.

– Ҳай, майли. Ёшлик қилгансиз-да, ўғлим, – деди Тешавой ака мамнун қиёфада ва табиб ота томон миннатдор боқди.

– Сурайёни кўрсам бўладими?

– Ҳа, мен ҳозир, – деди қайнона ва ўзи чопиб қизининг олдига, ичкарига кириб кетди.

* * *

Шундай қилиб, даволаш муолажаларини бошлаб юборишди. Табиб ота қизнинг онасига баъзи топшириқларни берди. Икки кун давомида сочи олинган қизнинг бошини хантал аралаштириб тайёрланган от ёғи билан енгил уқалаш, маккаи сано гиёҳидан дамлама тайёрлаб ичириб ҳуқна қилиш, газанда (крапива), семиз ўт ва седана солиб оёғини ванна қилиш ишларини тушунтириб берди.

Икки кундан сўнг эса Маржон табиб шогирди билан қайтиб келиб қон олиш муолажаларини бошлашларини маълум қилди. Бемор қизга кучли-кучли, витаминли овқатлар тайёрлаб кунига олти маҳал беришларини яна бир бор тайинлади.

У навбатдаги беморларни кўриш мақсадида хонадонни вақтинча тарк этаркан, "Хотиржам бўлинглар, ҳаммаси яхши бўлади. Худо хоҳласа, қизингиз шифо

топиб кетади" деб Тешавой акани тинчлантирган бўлди.

Дилшодбек ҳам қайнотаси билан бирга қўлларини кўксига қўйиб кузатиб қолишди.

Йўл-йўлакай Маржон табиб талаба йигитга қизнинг тиришиш касалига мубтало бўлиш сабабларини баён қилиб берганди, Меҳриддиннинг жаҳли чиқиб кетди:

– Оббо, ифлос-ей! Бу иши учун куёв боланинг дабдаласини чиқазиш керак-ку, – деди у асабий.

– Ҳа, албатта. Қонун бўйича жиноий иш қўзғатиш мумкин. Лекин Сурайё мард қиз экан. Ҳатто ота-онасига ҳеч нима демабди. Демакки, у оиласини сақлаб қолмоқчи. Билсангиз, ўғлим, никоҳ муқаддас ҳисобланади. Куёв билан келин яхши-ёмон кунларда доимо бирга бўлишга бир-бирларини асраб-авайлашга, сирларини ошкора қилмасликка Яратганнинг олдида онт ичадилар. Бу ерда беақл куёв ўз масъулиятини ҳис қилмаган.

– Энди-чи?

– Хатосини тушунди, шекилли.

– Лекин бу қилмишини такрорламайди, деб ким кафолот беради?!

– Энди бу ёғи тақдирдан-да. Улар фарзандли бўлишгач, кўрмагандай бўлиб кетишади ҳали. Фарзанд шундай беғубор риштаки, оиланинг мустаҳкамлигини таъминлайди, – деди табиб ота эшагини бир ниқтаб оларкан.

Устозининг жавобидан Меҳриддин барибир қониқмади, асабийлашишда давом этди. Сўнгра дилидаги саволни беихтиёр тўкиб солди.

– Барибир тушунолмаяпман. Ахир, қандай қилиб куёв бола бировнинг фарзандини шу аҳволга солиб қўйиши мумкин?

– Бунинг ҳаммаси рашкдан. Мен буни келин боладан сўраб билдим. Бир синфдош йигит қўнғироқ қил-

ган экан. Куёв бола билиб қолибди. Кейин аламидан ичиб келиб "Нега сенга қўнғироқ қилади?" деб дўппислабди. Билсангиз, рашк ҳам, ишқ ҳам касаллик.

– Ҳа, – деди Меҳриддин ниҳоят ўзини босиб олиб. – Бизнинг бир қўшнимиз бор. Исми Уммат ака. У хотинини жудаям рашк қиларди. Унинг Нодир исмли яқин ўртоғи бор эди. Нодир ака бир куни Уммат акани чақириб келса, у уйида йўқ экан. Хотини "Кириб чой-пой ичиб туринг, ҳозир келиб қоладилар" деб қўярда қўймай ичкарига бошлабди. Кейин Уммат ака келса дўсти хотини билан чақ-чақлашиб ўтиришганмиш. Хотини ошга уннабди. Қиттай-қиттай қилишибди. Сўнг Уммат аканинг жаҳли чиқа бошлабди-да, газак тўғраб ўтириб дўстининг кўксига қўлидаги ошпичоқни санчиб қўйибди.

– Кейин нима бўлди?

– Нодир ака касалхонада ўлди.

– Эҳ, ёмон бўлибди-ку. Энди Уммат нима қиляпти?

– Қамоқда ўтирибди.

– Хотинини энди рашк қилмаяптимикан?

– Билмасам.

– Аслида мана энди рашк қилиши керак. Чунки у аёл энди ҳақиқий озодликка чиқибди. Эркаклардаги мана шундай аҳмоқлик, жаҳлга эрк бериш, асабни жиловлай билмаслиги туфайли мана шундай бемаъни аҳволга тушиб қолишади.

– Ана энди дардини темир панжараларга айтаётгандир-да?

– Ҳа, албатта. "Севгилим қайдасан?" деб қўшиқ айтяпти. Айтишларича, қамоқхона камерасида қўшиқ жуда зўр жаранглармиш, – деди йигит ҳиринглаб кулиб.

– Шунинг учун ортиқча рашк қилиш яхши эмас. Аввало, эр-хотиннинг ҳар бирига инсоф берсин. Кўнг-

лида хиёнат қилиш бўлса бундай ахлоқсизликни тўхтатиш мушкул, – деб қўйди мўйсафид.

– Хўш, устоз, энди қаерга борамиз?

– Шу қишлоқда яна бир бемор бор деб эшитдикку. Ҳалиги, баданлари шишиб кетганмиш.

Меҳриддин киссасидан рўйхатни чиқарди ва "Ҳаҳа, бор экан. Лекин исми ёзилмаган" деб қўйди.

– Қишлоқ кексаларидан сўраймиз-да.

– Врачлик пунктидан сўрай қолайлик.

– Буям тўғри. Лекин у ерга боришдан аввал бир машқимизни бажариб олсак девдим. Сиз-ку ёшсиз, менга билинтиряпти, этларим увишяпти.

– Майли, устоз.

– Бўлмаса, ҳов анави сой бўйидаги ажриқзорга бора қолайлик.

Улар айтилган жойга бориб, енгил кийиниб тибетча ёшариш амалий машқларини бажара бошладилар. Уларга кўзи тушган ўтган-кетганлар ҳайратланиб бир оз тўхтаб олишарди. Аллақаердан уч-тўрт болачалар ҳам пайдо бўлишди. Улардан бири жуда шўх экан. Қўшилишиб ўзича машқ бажара бошлади. Исми Завқиддин экан. Унинг бу ҳаракатидан ўртоқлари мириқиб кулишарди.

Мўйсафид машқларга барча болаларни жалб қилди. Улар ҳам қўлларидан келганича қийқириб машқ бажаришди. Сўнгра сойда мириқиб ювинишди, бир-бирларига сув сепиб завқланишди.

– Қани, болалар, энди бизга "Врачлик пункти"ни топиб беринглар-чи.

– Кетдик! – деди Завқиддин ва шериклари билан меҳмонларни бошлаб кетишди.

Пунктда уларни олифтароқ, сариқ сочли, тўладан келган оқ халат кийиб олган бир аёл қарши олди.

– Демак, сиз шу ерда ишлайсиз?

– Ҳа, мудираман, келинглар.

– Мен Маржон табибман, бу йигит шогирдим.

Аёлнинг қошлари норози чимирилди, уларга менсимайроқ қаради.

– Менда нима ишларинг бор?

– Биз бир беморни қидириб юрувдик. Айтишларича, бутун бадани шишиб кетганмиш.

– Исми нима? – сўради аёлнинг негадир ғаши келиб.

– Билмаймиз.

– Хиҳ, биринчидан, шахси номаълум, бадани шишган бемор бизда йўқ. Бўлганида ҳам ўзимиз тузатиб оламиз, табибларга асло муҳтож эмасмиз, билдийиз?

– Тўғри. Лекин ўша бемор сизлар берган дорилардан заҳарланиб шишиб кетган бўлса-чи?

Аёл ялт этиб қаради.

– Нима, сиз тирноқ остидан кир қидиргани келдингизми?

– Асло йўқ. Мен ўша беморнинг илтимосига кўра тез ёрдам кўрсатиб, даволаш учун қидириб келдим.

– Нима, "куф-суф" қилмоқчимисиз?

– Йўғ-е. Билсангиз, мен ҳарбий врачман. Жаҳон уруши иштирокчисиман! Менга тўғрима-тўғри муомала қилишингизни сўрайман!

Аёлнинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди.

– Узр, отахон табибман деганингизга...

– Табиб бўлсам нима бўпти?

– Ҳа энди ҳозирда биласиз-ку, "табибман" деган ҳар хил фирибгарлар кўпайиб кетган.

– Лекин шифокорман деб, аслида беморлар дардини баттар ошираётган дипломли қаллоблар ҳам йўқ эмас.

– Нега унақа дейсиз, отахон? Ким, қачон қаллоблик қилибди? Бу гапингизни исботингиз бўлса гапиринг-де!

– Исботим бўлади. Менга ўша беморни топиб беринг-да, кейин ўзингиз ҳам мен билан бирга юринг.

– Хиҳ. Кеча "вызов"га бориб келганман. Яна керакли дориларниям ёзиб бердим.

– Ўша берган дориларингиз рўйхатини кўрсам бўладими? Умуман, ўша кишининг касаллик тарихини кўрсатинг, илтимос.

– Биринчидан, у киши эмас, аёл. Қўшмуродова Саломат, қирқ саккиз ёшда, – дея аёл юмшаб касаллик тарихини олиб узатди.

– Ўтирсам майлими?

– Майли. Лекин бу қоғозни бегоналарга кўрсатиш мумкин эмас эдию...

Маржон табиб аёлнинг гапларига парво қилмади ва бутун эътиборини беморга қўйилган ташхис, таҳлил натижаларига ва юрак кардиограммасига қаратди. Беморга ревмо-артрит, яъни бод касали деб ташхис қўйилган ва унга ўнлаб турли туман дорию витаминлар тавсия қилинганди. Чолнинг қалин қошлари тааҗжубдан кўтарилди.

– Шу дориларнинг ҳаммасини ичяптими?

– Ҳа, қабул қиляпти. Нима, эътирозингиз борми?

– Ҳаммаси тушунарли. Айтганимдек доридан заҳарланибди. Демак, зудлик билан танасини, айниқса, жигарини тозаламоқ керак.

– Қанақасига? – ажабланиб сўради аёл.

– Келса-келмаса ортиқча дориларни ёзиб ташлайвергансизлар. Тўғрисини айтсам, сизлар беморнинг бод касалини тезроқ даволанишидан эмас, балки унинг дорихонадан кўпроқ дори сотиб олишидан манфаатдорга ўхшайсизлар! Агар ўша беморга бир гап бўлса мен тегишли жойга мурожаат қиламан, тушундингизми?

Аёл аввал гезарди, бўзарди, сўнг қизарди. Мўйсафиддан бундай кескин гапни кутмаганди. Аста-секин ўлаётган илондек тўлғана бошлади.

– Қўйинг энди, отажон. Сизни тушунмабман-да, узр, – дея бир гапини тез-тез қайтара бошлади.

– Қаерда туради у бемор? – сўради табиб жиддий.

– Шу-шу, яқин. Айтайинми, олиб келишсинми?

– Йўқ. Ўзимиз борамиз, – деди ота ва касаллик тарихи муқовасига боқди. Унда беморнинг манзили аниқ-равшан ёзиб қўйилганди.

– Кетдик, Меҳриддин, Сангбоғ кўчаси, 40-уй, Қўшмуродова Саломат экан.

Улар чиқиб кетишаётганди, доктор аёл ҳам пилдираб ортларидан эргашди ва машинасига таклиф қилди.

* * *

Бемор аёлнинг юз-кўзлари шишиб кетган, айтишича кўзи ҳам хиралашган, аранг гапирар, ҳаракатлари жуда ҳам суст эди.

– Иммунитети тушиб кетибди. Бу ўша дорилардан заҳарланиш. Зудлик билан ошқозон, ичак, буйрак, жигарни гиёҳлар ёрдамида тозаламоқ керак.

– Бўпти, бу ишларни ўзим бажараман, – деди шифокор аёл.

– Кейин уқалаб, сўнг банка ҳам қўйиш керак.

– Яхши. Яна нима қиламиз? – сўради аёл ва буюрилмаса ҳам блокнотини олиб ёзиб ола бошлади.

Унга қўшилиб Меҳриддин ҳам қайд қилиб борди.

– Хўп, ёзинг. Ошқозонни қустириб тозалайсиз, маккаи сано ичириб, сўнг орқа ичакни тозалайсиз. Буни тўрт кун бажарасизлар.

– Яна, – деди итоат билан шифокор аёл.

– Мойчечакли дамламани тез-тез ичираверасизлар. Бемор кўп сийиши керак. Бу билан буйрак тозаланади. Кейин ўз сийдигини тўпласин ва ётишдан олдин ичиб ётсин. Бу билан жигари тозаланади. Оғиз-бурунларни ҳам тозалаш керак. Бунинг учун сутни қайнатиб буғига юзни тутиб турилади. Сўнг қон олинади. Бу билан ҳаром қонлар олиб ташлан-

гач, тана ўзи янги қон ишлаб чиқараверади. Ложи бўлса буғ билан баданни терлатиш керак. Гиёҳли чойлардан тез-тез ичаверсин, кўп терласин, хўпми?

– Қанақа овқатлар ейиши мумкин?

– Қуюқ овқатларга парҳез қилади. Доимо сут, қатиқ, мева шарбатлари ичиб туради.

– Даволаниш муддати қанча ва бод касалига таъсири нима бўлади?

– Аввало, беморни дори балосидан қутқарайлик. Бу ишларга тўрт кун вақт кетади. Бизлар тўрт кундан сўнг келиб хабар оламиз. Ўйлайманки, бу ишларни ўзингиз сидқидилдан уддалайсиз.

– Албатта.

– Лекин бугундан бошлаб ҳеч қанақа дори... – деди табиб ота ва "мумкин эмас" дегандай қўли билан ишора қилди.

– Тушунарли, табиб ота, – деди аёл блокнотини қитирлатиб яна алланималарни ёзиб оларкан.

Мўйсафид халтани очиб ундан маккаи сано ва бошқа тегишли гиёҳлардан олиб берди.

– Бўпти, бизлар кетдик, бўлмаса.

– Вой, чой-пой ичиб кетинглар, тушлик ҳам бўлиб қолди.

– Худо хоҳласа, беморимиз шифо топиб кетсалар, ўз қўлларидан палов еймиз. Хўш, келишдикми, Саломатхон?

Шишиб кетган қовоқлар ичра мўлтираб қараб турган мунчоқ кўзлар қувончдан порлаб кетди ва аранг "худо хоҳласа" деб қўйди.

– Бўпти, мен бўлмаса керакли нарсаларни олиб келаман. Табиб ота айтдилар, яхши бўлиб кетаркансиз, – деди аёл ва меҳмонларни илиқ кузатиб чиқди ва қилиб қўйган қўполлиги учун яна бир бор узр сўради.

Улар машинада кетиб боришаркан, шифокор аёл

бод касалини даволашда тиббиёт дориларисиз халқ табобатида қандай усуллардан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида сўради.

– Булар жуда оддий. Фақат сиз тиббиёт ходимлари осон йўлни қидирасизлар-да, кейин қовун тушириб қўясизлар.

– Вой унақа деманг энди, отажон. Бир бўлди-да.

– Аввало, касаллик сабабини ўрганиш лозим. Намгарчилик ортиқчалиги, совқотиш туфайли қон қуйилиб, суст айланади. Шунинг учун танага иссиқлик берилади. Сўнгра қон олинади. Шунда қон меъёрида юриб кетади. Бунинг учун, аввало, тана буғланади, қумга солиш мумкин, уқаланади, банка қўйилади. Қон меъёрида юра бошладими, демакки, бемор тузалиб кетади. Сизлар берадиган осма дорилар – совуқлик, вақтинчалик аҳволни яхшилайди, холос. Мақсад бод касалиданми, бошқасиданми бутунлай фориғ бўлишнинг йўлини қидирмоқ керак. Бунинг учун бу халқ табобатими, тиббиёт ютуқларими бир-бирини инкор қилмай, аксинча, ҳар иккисидан ҳам фойдаланиш керак. Ҳа айтмоқчи, жигарни тозалаш учун гемодез осма уколингизни ҳам қўллайверинг.

– Ҳа, – деди аёл тан олиб, – афсуски, бизнинг тиббиёт ўқув юртларимизда халқ табобатидан жуда оз тушунча берилади-да.

– Буни иложи бўлса мактаблардаёқ ўқитиш керак. Қаранг, атрофимиз ҳар хил гиёҳ, маъданлар билан тўлиб-тошиб ётибди. Аммо уларнинг қандай нафи борлигини болалар билишмайди. Бу ҳақида болаликдан тушунча берилса эди, эҳтимол, одамлар кимёвий дориларга ружу қўйишмасмиди.

– Ҳа, сиз ҳақсиз, отажон. Айтмоқчи, қаерга борасизлар? Элтиб қўяй.

– Раҳмат. Эшагимиз хафа бўлмасин тағин.

Аёл “Ие, ҳа” дея кулиб юборди ва сўради:

– Қаёққа бормоқчисизлар ўзи?

– Қорақўрғонга.

– Вой! Мен ўша ердан тушганман. Кимникига?

– Каримжон деган беморимиз бор – фермер.

– Ие. Ахир, у менинг амаким-ку! Кечагина кўрувдим соппа-соғ эди.

– Шунақами, – деди табиб ота эшагига минаркан. – Баъзи одамнинг дарди ичида бўлади-да.

– Вой! Келинойим менга айтарди-ку.

– Витилиго! Шунақа хасталик ҳақида эшитганмисиз?

– Вой ўлмасам! Ҳалиги баданига оқ доғлар тушишими?

– Ҳа, песлик... Даволайман десангиз марҳамат, дори-дармонларни ёзиб беришингиз мумкин.

– Вой ўлай... Мен умуман бунақа касалликни тушунмайман. Илтимос сиздан, қўлингиздан келса даволанг.

Табиб ота эшагига “чуҳ” деди-да, “Бўпти, куф-суфлаб қўяман” деб қўйди.

– Узр, отажон. Мендан ўтди, кечиринг. Айтинг, гуноҳимни ювиш учун нима қилай-а?

– Қўшмуродова Саломатни тўрт марта ҳуқна қилинг. Кейин бошқа топшириқларниям бажаринг.

– Шунда амакимниям кўриб қўясизми?

– Йўқ. Мен уни даволайман, дедим-ку.

Аёл “Раҳмат сизга” деганича устоз-шогирдлар ортидан умид ва аллақандай ички туғён ила хурсанд қараб қолди.

Улар қишлоқдан ўтиб боришаркан, ҳалиги болакайлар ортларидан чуғурлашиб эргашиб боришар, онда-сонда учраб турган қишлоқ одамлари қуюқ салом бериб, меҳмонлар ортидан зимдан қараб қолишарди.

* * *

Улар қорақўрғонлик фермер Каримжон аканикида уч кун қолиб кетишди. Фермер мўйсафиднинг эски қадрдони эди. Табиб отанинг шарафига қўй сўйди. Табиб ота витилиго хасталиги бўйича керакли тавсияларни берди.

Меҳмондорчилик пайтида Каримжон кабоб пиширириб келди. Аммо табиб ота уни дарров емай гўштнинг бирини кесиб текшириб кўрди.

– Буни қаранг. Гўштнинг ичи яхши пишмабди. Бунақа кабобдан кўп истеъмол қиласизми?

– Ҳа, албатта. Қолгани қоринда пишади-да.

– Худди мана шу тушунча сиздаги хасталикка сабаб бўлганини биласизми?

– Йўғ-е. Унчаликмасдир-ов.

– Гижжалар саксон даражадан юқорида ўлади. Манг, манави кабобларнинг ўртасидан бўлиб яна ўтга тутиб келинг. Бўлмаса, гижжалар кейин ўзимизни ейди. Оқ доғлар асосан шундан пайдо бўлади. Даволашни бошлаш учун, аввало, танадаги ана шу бетавфиқларни ўлдириш ёки чиқариб ташлаш керак, уқдингизми, Каримжон бўтам?

– Ҳа-ҳа, узр, мен кабобларни айтганингиздай қилиб-а...

У кетгач, Меҳриддин устозига савол берди:

– Гижжаларни тушириш учун нима қилинади ўзи?

– Дастарбош деган гиёҳни қайнатиб дастлаб тўрт марта ҳуқна қилинади. Шу қайнатмага кунгабоқар ёғи, тоза асал, бир оз ўз сийдигидан қўшилади. Шунда қуртлар тушиб кетади. Билсангиз, бу дастлабки муолажа.

– Хўп, кейин-чи?

– Кейин қаттиқ парҳез қилинади. Қовурилган, аччиқ-нордон овқатлар спиртли ичимликлар истеъмол

қилинмайди. Дуккакли экин маҳсулотларидан ҳам воз кечилади.

– Дуккакли экинлар қанақа бўлади?

– Нўхат, мош, ловияга ўхшаш-да.

– Э-ҳа, бўлди. Биз кейин қанақа муолажа қила оламиз? – деди талаба йигит ён дафтарига тез-тез ёзиб оларкан.

– Ўша оқ тушган жойлари атрофидан, кейин тери касаллиги бўйича қон оламиз ёки зулук соламиз. Бу хасталикка ёнғоқ пўчоғи жудаям дори ҳисобланади. Кундуз кунлари бемор ўзи ёнғоқнинг кўк пўчоғини қайнатиб суртиб офтобга тутиб юради. Сўнг баргидан чой қилиб дамлаб ичиб туради. Булар теридаги йўқолган пигментларнинг тикланишига ёрдам беради.

– Хиҳ, жуда осон экан-ку.

– Ҳа. Анжир баргининг сутиниям оқ доғларга суртиб юравериш керак. Кейин тунги соат уч-тўртларда уйғониб икки юз грамм ўз сийдигини эрталаб наҳорга ичиб туради. Гўштнинг фақат офтобда қуритилганини ейди. Буни сургўшт ҳам дейишади. Эҳҳе, табобатда бунинг давоси жудаям кўп.

– Сиз бу акага яна қанақа дори тайёрлаб бермоқчисиз?

– Рўян, ровоч илдизларини туйиб ун қиламан. Сўнг уни узум сиркасига аралаштириб атала қиламан. Бу қуюқ моддани ётишдан олдин суртиб устидан плёнка боғлаб олишади. Бу ишлар олти ойгача давом эттирилса терида табиий ранг пайдо бўлиб, ҳаммаси жойига тушади, тушунарлими?

– Ҳа, – деди Меҳриддин қувониб.

Шу маҳал Каримжон кабобни қайта пишириб келиб қолди.

– Бунинг ҳаммасини ўзимиз еймиз. Сиз бўлса сургўшт ейсиз, хўпми? – деди Меҳриддин кулиб.

– Хўп, – деди Каримжон ҳайрон бўлиб.

Шундай қилиб, меҳмондорчилик ҳам ўтди. Энди ортларига қайтиб, эридан калтак еган келинчакдан, доридан заҳарланган аёлдан ва ниҳоят, қўшиқ куйлашни ёқтирувчи бемор қиздан хабар олишлари керак эди. Табиб ота ташриф буюрганини эшитиб Каримжонникига жуда кўп беморлар, уларнинг яқинлари келиб таклиф қилиб кетишди.

Меҳриддин уларнинг ҳаммасини, қўйилган ташхислар, қилинган муолажалар, тавсияларни рўйхатга олиб борди. Унинг иккита умумий дафтари тўлди ҳисоб.

Қизилтошлик Қўшмуродова Саломат исмли бемор тузалиб қолибди. Шу туфайли шифокор аёл табибларни хушнудлик билан кутиб олди. Унинг айтишича, келинчак Сўрайёнинг ҳам тиришиши камайганмиш. Энди табиб ота унинг бошидан қон олмоқчи эканини ҳам эслатиб қўйди.

Навбатдагиси... Дилзода эди. Улар тошқўтон сари яқинлашиб боришаркан, негадир Меҳриддин ҳаяжонлана бошлади, қадами тезлашди.

– Намунча тез юрасиз-а, ўғлим. Бунақада эшагимни хафа қилиб қўясиз-ку.

– Ҳа-ҳа, – деди йигит ва орқасидаги халтасини очиб ундан бир қутичани олди.

– Бу нима, ўғлим?

– Плеер. Қулоққа тақиб қўшиқ эшитиб юрардим-ку.

– Ҳа-а. Қўшиқ эшитмоқчимисиз?

– Йўқ. Буни Дилзодага совға қилмоқчиман.

– Ўзингизга керак бўлмайдими?

– Менда, уйда янги чиққанидан бор.

– Тўғри қиласиз. Афсуски, қўшнайим ғорда қолиб кетибди. Мен ҳам уни совға қилиб юборган бўлармидим.

Улар ўша таниш тошқўтонга яқинлашиб боришаркан, ичкаридан бир қўшиқ садолари янграётганини

туйишди. Лекин бу нолалар илгаригидек мунгли эмас, оҳанглари жўшқин, янада завқлироқ эди...

II БОБ
ДАРДЛАРГА ДАВО ИЗЛАБ

Сардорбек тоғдан яхши таассуротлар билан қайтди. Бу сафар табиат ва унинг неъматларига нисбатан қизиқиши бир мунча юқори эди. У Маржон табибдан гиёҳлардан қандай фойдаланиш сир-асрорини бир оз ўрганди. Жумладан, касаллик турларига кўра турли гиёҳлардан маълум миқдордаги аралашмалар тайёрлаб, улардан дамлама, қайнатма ва спиртли тиндирмалар каби инсон саломатлиги учун зарур бўлган табиий дори-дармонлар ҳосил қилиш каби юмушлар эди. Унинг учун бундай ишлар жуда жўн ва қизиқарли туюла бошлади. Шу туфайли китоб дўконларини кезди, кутубхоналарга борди. Унга гиёҳлар ва маъданлар ҳақидаги маълумотлар, уларнинг қаери, қанақа хасталикка даво бўлиши ва тайёрланадиган дори-дармонлар таркиби қизиқтирарди.

Йигитнинг бир олий мақсади бор эди. Бу табиий омиллардан дори-дармонлар ишлаб чиқарувчи кичик цех ташкил қилиш ва қишлоқдошлари учун янги иш ўринлари яратиш. Унингча маҳаллий хом ашёдан дори маҳсулотлари ишлаб чиқилса ва уларни яхши тарғиб қилинса, кимёвий дориларга бўлган эҳтиёж бир мунча камаяди, табиат малҳамлари беморларга самарали таъсир қилади, таннархи арзон тушади. Бу дегани аҳоли учун бир мунча енгиллик бўлади. Мана шу эзгу ниятлар тадбиркор йигитнинг хаёлида ғужғон ўйнарди.

У дорихонасининг ҳам бир бурчагини бўшатиб, фақат табиий гиёҳ ва маъданлардан иборат дори-дармонлар учун жой тайёрлади. Пештоқига “Табиий ши-

фобахш неъматлар" деб ёздирди ва яқин келажакда бу жойни ўзининг сертификатли маҳсулотлари билан тўлдиришни кўнглига тугиб қўйди. Нега қилмасин? Бунинг учун ҳамма имкониятлар, тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи янги қонунлар, энг муҳими, тоғда хом ашё базаси, зукко устози бор.

Шу маҳал янграган телефон қўнғироғи унинг эътиборини тортди. Адвокат Адҳамжон экан.

– Хуллас, Сардорбек укам, ишларимиз анча дуруст, – деди у бир оз тутилиб. – Афсуски, бир томони яхши бўлса, иккинчи томони...

– Нима гап, ака?

– Жўравой ниҳоят ҳамма айбни ўз бўйнига олди. Уни суд бўлгунича эҳтиёт чораси учун олиб кириб қўйишди. Лекин келинойингиз энди қамалмайди. Эгаллаб турган масъул лавозимини суиистъемол қилгани, яъни жиноятга шароит яратиб берганликда айбланмоқда. У маълум миқдорда маъмурий жарима тўлайди ва икки йилгача раҳбарлик лавозимларида ишлашдан четлатилади. Бу дегани энди улар қишлоққа бемалол қайтиб келишса бўлаверади.

– Улар ахир, давлат кўрган зиённи тўлаб келишяпти-ку.

– Бу яхши, албатта. Агар келинойингиз аппеляция даъво аризасини берса бу тўловларнинг ҳаммасини Жўравойдан ундириб берилади. Ака-укалар келишиб олишар. Кейин Жўравой акангизнинг янги қураётган уйи ва машинаси ҳам давлат ҳисобига мусодара қилинадиган бўлди. "Қилмиш-қидирмиш" деганлари шу экан-да, наилож.

– Эҳ-ҳе!.. Анави Барно опа масаласи нима бўлди?

– Уми? Ўз вақтида амалидан кетгани учун сувдан қуруқ чиқди. Хуллас, Жўравой ўзини ўққа тутиб берди-да.

– Ҳим-м... яхши иш бўлмабди-ку.

– Ҳа. Бу гапларни Дилмуроджон ва Дилоромхонларга етказишингиз лозим.

– Эсиз, уч кун аввал ўша ёқдан келган эдим-а.

– Яхши юришибдими?

– Ҳа. Тоғ шароитига ўрганиб қолишибди. У ерда Маржон табиб билан қўшни дарада яшашяпти. Тоғам тоғдан йиқилиб хотирасини йўқотган, келинойимда бўлса саратон касали бошланган экан. Табиб ота ҳар иккисини ҳам даволабди.

– Йўғ-е, ростдан-а? У қанақа табиб ўзи?

– Дунё кезган табиб. Жияним билан борувдик. Уни илон чақиб олса бўладими? Бахтимизга табиб ота учраб қолди. У улкан ғорда ёлғиз ўзи истиқомат қиларкан. Жиян билан ўша ғорда уч кун қолиб кетдик. Эҳ-ҳе, гап кўп. Бир суҳбат қурайлик, гапириб бераман.

– Ҳа, майли. Хуллас, агар улар аппеляция берадиган бўлишса тезроқ қарорларини айтишсин. Саккиз кун вақтимиз бор. Кейин мендаги ишончнома муддатиям тугаб боряпти, энди ишниям якунласак бўлаверади.

Сардорбек ҳозирча хайрлашаркан, адвокатни тушунди ва бу хабарни тоғасига қандай етказиш ҳақида ўйлади. Хаёлидан "Фарғонадаги жиянчалар яқинда таътилга чиқишади. Уларни тоққа олиб борсам яхши бўларди. Лекин узоқ йўл, қийналиб қолишмасмикин? Эҳтимол, табиб ота билан бирга қайтармиз. Яхшиси, уларнинг келишини кутаман. Лекин табиб ота бўлган ишлардан бехабар. Унинг ўз дарди бор – йўқотган гўдагини излаш..." деган сўзлар ўтди.

* * *

Бу маҳалда Дилмурод билан Дилором дунё ишларидан бехабар тоғу тошларни обод қилишар, тирикчилик, қиш мавсумига тайёргарлик, устоз табиб отанинг гиёҳлар тайёрлаш бўйича топшириқларини

бажаришар, ҳар тонгда ўрганган тибетча ёшариш машқларини ижро қилишар ва асосан овунчоқлари Бургутали билан машғул бўлишарди.

Бургутали энди эмаклаб юрадиган, ўтирадиган, қурт-қумурсқаларни ҳам ушлаб оғзига соладиган, бақаю илонларга ҳам қўрқмай чанг соладиган бўлиб қолди. Дилором уни баъзан ғор ичкарисида, баъзан дарахт салқинларида бир оёғини ипга боғлаб ёлғиз қолдирарди. Табиатнинг ранго-ранг жонзотлари, наботот олами, бепоён арчазорлару, тоғу тошлар гўдак кўзига мўъжиза бўлиб кўринарди. У билан ўйнайдиган ўртоқлар ҳам, тузукроқ ўйинчоқлар ҳам йўқ. Яхшики, олапар ит бор. Баъзан у қўриқлаб ётар ва гўдакнинг чангалларига бардош берарди. Ит тўсатдан пайдо бўлиб қолган юмронқозиқ, қуёну илонларга вовиллаб, бу ердан тез жўнаб қолишга даъват этарди. Унинг бу иши учун Дилмурод доимо уни алқаб қўяр, атаб қўйганини олиб келиб берарди.

Бир куни хунук воқеа юз берди. Ит қўйларни қўрагани кетганди. Хўжалик юмушларидан толиққан Дилором гўдакдан хабар олгани келиб оёғидаги ипни бўшатиб қўйди-да, гўдакни эмизган ҳолда салқинда ётиб ухлаб қолди. Бургутали озодлик нашидасидан қувониб кетдими, ҳарҳолда капалагу ниначилар кетидан қоя тепалиги сари эмаклаб йўл олди. Баландликдан улар яшаб турган жой ва онасининг дарахт тагида беозор ухлаб ётиши унга завқ бағишлади. Бир-бор қиқирлаб кулиб олди. Тепаликда айланиб парвоз қилаётган лочин қушнинг ўз палапонлари томон учиб боришларини кўришга ишқибозлиги ортдими, ҳарҳолда, ўша бургут уяси жойлашган қоялар томон эмаклаб чиқа кетди. Кийган қалин иштони уни тошлар тирнаю, ўт-ўланлар найзасидан ҳимоя қиларди. Баъзан тўхтаб, минғирлаб ўтириб олиб жажжи қўлларини қоқиб тозалаб оларди.

Шундай қилиб, болакай тепалик сари бепарво чиқиб

борар. Теварак-атрофдаги ўсимликлар ва ранго-ранг капалаклар унинг учун жуда қизиқарли эди. Баъзида келган изига қараб қийқириб ҳам қўярди. Юқоридаги бургут уяси гўё уни ўзига чорларди. Қоя тошлар сирти худди атайин ўйилиб, гўдак эмаклаб чиқиб бориши учун қулай қилингандек эди.

Дилоромни қаттиқ уйқу элитди. Тўғри, гўдагининг қиқирлагани гоҳо қулоғига чалинарди. Лекин уни ёнида деб хотиржам эди. Ҳадемай Бургутали хавфли тик қоялардан бирига чиқиб борди ва ўтириб узоқ-узоқларни кузатиб яна қиқирлаб кулди. Шу маҳал нариги қоядаги бургут уяси ва унда чуғурлашаётган бургут палапонларига кўзи тушди. Уларнинг ёнига бориб томоша қилиш, бирорта жўжани қўлига олиб ўйнагиси, "дўстлашгиси" келди ва ўз олдига ўша қояни забт этишни "мақсад қилиб", илдам йўналди. Катта одам зоти ўта олмайдиган тош оралиқларидан қийинчиликсиз тармашиб ўтиб борди. Узоқ эмаклади. Палапонларнинг безовта чуғурлаши авж олди. Она бургут буни сезди.

Одатда бирор хавф туғилса, шу жумладан, илонми, тулкими ёки шунга ўхшаш пайтларда жўжалар фарёд солиб ота-оналарини чорлашарди. Мана яна битта хавф — одам боласи! Юксакликда парвоз қилаётган бургутнинг кўзи палапонлар сари эмаклаб бораётган болакайга тушди ва тезлик билан пастлай бошлади. У палапонлари ёнига келиб қўнди-да, нафрат билан "Ҳой, инсон боласи! Тез бу ердан жўнаб қол!" дегандай қаттиқ қийқириб қўйди. Бургутали бургутнинг ҳайбатидан қўрқиб кетди ва йиғлаб юборди.

Узоқлардан таралаётган қуш қийқириғи ва гўдак йиғиси, аввало, олапарнинг, сўнгра Дилмуроднинг қулоғига етиб борди. Лекин тоғдаги акс-садо туфайли товушнинг қаёқдан келаётганини англаш мушкул эди.

Ит тўсатдан жиддийлашди ва қаёққадир чопиб кет-

ди. Дилмурод ҳам ишини бас қилди-да, хавотир олиб ит кетган томон йўналди. Аммо жонивор қоятошлар, буталар оралаб қаёққадир ғойиб бўлди. Ҳадемай унинг ташвишли вовиллаши эшитила бошлади. Тўсатдан Дилоромнинг ҳам фарёди янгради. У ит овозидан уйғониб кетиб, ёнидаги гўдаги ғойиб бўлганидан таҳликага тушиб қолди.

Олапар гўдак изидан бориб қоя тошлардан бири сари чиқиб борарди. Аммо бир жойга борганида Бургутали ўтиб кетган оралиқдан ўта олмай иккиланиб ғингшиди. Ҳар икки томон ҳам тик жарлик. Жонивор шу ердан туриб вовиллайверди. Бургут гўдакнинг хавфсиз эканини англадими ёки итнинг важоҳатидан ҳайиқибми, ҳарҳолда қийқириқни бас қилиб палапонларини улкан қаноти билан яшириш пайида бўлди.

Бургутали ҳам йиғини бас қилди. У бир бургут, бир ит, бир жарлик томон аланглаб тураверди. Энди тевараклни ҳаллослаб чиқиб келаётган Дилоромнинг, иккинчи томондан тошлардан тошларга сакраётган Дилмуроднинг гўдакка қарата "Орқангга қайт!" "Болагинам, эҳтиёт бўл!" деган ташвишли овозлари тутиб кетди. Аммо Бургутали бепарво ўтирар, бу пайтда эҳтимол, уни фақатгина бир муаммо ўйлантирарди, яъни таги ҳўл бўлиб қолгани...

Ит ўнг жарлик томондан айланиб ўтишга уриниб кўрмоқчи бўлганди, орқа оёғи остидаги тошлар юмалаб кетди ва олд тирноқлари билан аранг сирғалиб осилиб қолди. Ит ўта олмаган оралиқдан Дилмуроднинг ўтиши амри маҳол эди, албатта.

Шу маҳал Бургуталини қандайдир ҳашарот чақиб олган чоғи, тўсатдан бирғиллаб йиғлай бошлади. Бундан ташвишланган она майда тошли тиклик томон чиқишга уринди, аммо шағал тошлар сирпалиб, унинг қадам босишга йўл қўймас, аксинча, шалдираб пастлик томон олиб тушиб кетаверарди. Уни

кўриб гўдак ҳам талпинди. Дилмурод чиндан ҳам қўрқиб кетди. "Тўхта! Қимирлама, мана, олдингга боряпман!" деди у қичқириб.

– Болам! Эҳтиёт бўл!.. Ҳой дадаси, нима қилиб турибсиз! Бургутали ҳозир йиқилиб тушади-ку! – деди у чинқириб.

Болани қандай қилиб ортига қайтариш жараёни таҳликага айланди. Дилором шу топда ич-ичида бу ёқларга келиб қолганидан ўзини мингдан минг лаънатлар, ўзининг гуноҳкор эканию, шу сабаб Яратган уни жазоламоқчи эканини ҳис қиларди.

– Эй худо, гўдагимни ўзинг қутқар!.. Мана, менинг жонимни ола қол! – деди у фарёд чекиб.

Дилмурод эса пастга тушиб арқон олиб келишни ва қоялардан бирига уни илинтириб, осилиб ўтиш ҳақидаги фикрга борди. Аммо вақт зиқ, гўдакнинг ҳаракатлари қалтис эди.

Шу маҳал янада хавфлироқ ҳолат юз берди. Бургутларнинг яна бири учиб келди. Бу бургут модаси бўлиб юз бераётган вазиятга ўзича баҳо бериб қийқириб овоз қилди. Дилором жуда қўрқиб кетди. Унинг назарида ҳозир бу бургут гўдагини чўқиб олиши мумкин. Аммо кутилмаганда ўша бургут кўкка парвоз қилди ва ўлжасини мўлжаллади. Бу сафарги ўлжа одам боласи эди. У шиддат билан пастлик сари шўнғиди. Сўнгра Бургуталининг устидан шитоб билан учиб ўтиб итга чанг солди. Ит бургут билан олиша кетди.

...Қўрқиб кетган Дилором ҳушсиз йиқилди ва пастлик томон юмалаб бир улкан тошга урилиб тўхтаб қолди. Дилмуроднинг ҳам эсхонаси чиқаёзди. У бир гўдакка, бир хотинига қараб нима қиларини билолмай қолди. Бургут ҳамласини кутмаган ит ҳам пастликка томон юмалади. Лекин у тез ўзини ўнглаб олди ва тушиб кетган жойидан гўдак сари бошқа йўл топиб, унинг олдига чиқиб борди.

– Эй худо! Бу не кўргулик! – дея ҳайқирди йигит.

Дилмурод бор кучи билан ит юрган томон отилди. Қоқилиб-суқилиб, тизза ва оёқлари шилиниб, юз-кўзларини буталар тилиб, шиддат билан чиқиб борди. Ниҳоят, Бургуталини қўлига олди. Мода бургут бошқа ҳамла қилмади.

Дилором анча вақтдан сўнг ўзига келди. Дилмурод гўдакни олиб унинг ёнига шошилмай тушиб келди.

– Болам!.. Болам қани?! – дея фарёд қилди она.

– Мана, хотин. Бургуталига ҳеч нима қилмади! – деган эрининг хотиржам овозини эшитди. Эшитдию, музлаб қолган юраги таскин топди.

Бу нохуш воқеа оилавий баҳсга сабаб бўлди.

– Дадаси, бу ерлардан тез кетайлик. Майли, мени қамашсин, розиман. Лекин боламга яна бир гап бўлса, чидаёлмайман.

– Хўп, онаси. Сизларни ташлаб келаман. Фақат кимдир келсин, рўзғоримизга қараб турсин, ахир.

– Э қуриб кетсин! Шуям рўзғорми?! Жазодан қочиб қаёққаям борардик. Пешонадагини кўраверамиз-да... – деди Дилором алам билан ва гўдагини маҳкам қучиб йиғлаб юборди. – Болаларимни соғиндим... Ҳозир улар нима қилишаётган экан? Наҳотки, ота-она меҳри, тарбиясисиз юраверишса. Ундан кўра етимхонага топширсак бўлмасмиди?

– Қўйинг, ундай деманг. Мана, боламизни худо асради-ку, шукр қилайлик, – дея тин олди Дилмурод ва беозор пишиллаб ухлаётган Бургуталига ишора қилиб.

* * *

Барибир гўдакнинг у ер-бу ери тилинган, шикаст еганди. Дилмурод қайнатиб совитилган сув билан гўдак жароҳатини совунлаб ювиб қўйди.

Дилором сиқилиб кетди. Ташқарига чиқди. Тева-

рак-атрофга назар ташлади. Мағрур қоялар негадир унга қовоғини солаётгандек туюлди. Аёлнинг хаёлини бу ерларни тезроқ тарк этиш фикри қамраб олди. "Шўрлик болаларим, ҳозир нима қилишаётган экан-а? Ойим бечора тоза қийналаётгандир. Нима бўлса бўлар, "Бир бошга бир ўлим" деганлар. Таваккал бориб тўғри суд раисига учрашаман. "Мана, мен келдим, қонунда нима ёзилган бўлса ҳукмингизни чиқараверинг" дейман. Болаларга отаси қарайверади. Эҳтимол, умумий афвга тушарман. Ҳарҳолда, гўдагим борлиги, илгари судланмаганлигимни ҳисобга олишар..."

Шундай қилиб, Дилоромнинг кайфияти ўзгарди. Ҳар куни турар-жойлари олдига экилган гулу райҳонларга бир қатор сув қуярди. Энди қарамай қўйди. Уларнинг япроқлари ҳам аёлнинг камон қошларидай салқи бўлиб қолди. Ана шундай "жомадонли кайфият"даги кунларнинг бирида тоғларда "Ойижон!" деган таниш болалар овози янгради. Бу фарғоналик болалари бўлиб, уларни Сардорбек бошлаб келаётганди.

* * *

Дилором болаларини маҳкам бағрига босаркан, қувонганидан кўзларидан дувиллаб ёш оқиб кетди. Айниқса, Сардорбекнинг бир гапи унинг қувончига яна ҳам қувонч қўшди.

– Келинойи, сиз оқландингиз ҳисоб, Жўравой акам айбларига иқрор бўлибди. Энди бемалол, ёруғ юз билан қишлоққа қайтишларинг мумкин экан!

– Вой ростданми?! Жўравойниям қўйиб юборишармикин?

– Қутулиб қолар, деб умид қиламиз-да.

– Тоғангиз эшитса нима бўлади-а? Ҳарҳолда жигари-ку.

– Билмасам...

– Яхшиси, айбини бўйнига олганини у кишига айтмай қўя қолайлик, сиқилмасин, хўпми?

– Хўп, унда нима деймиз?

– Менинг аёллигим ва гўдагим борлиги учун енгиллик беришаркан. Давлатга келтирилган зиён қопланса бас экан, деб қўя қоламиз.

– Майли. Лекин агар истасанглар, суд сизлар давлат бюджетига тўланган пулни Жўравойдан ундириб берармиш. Бунинг учун аппеляция аризаси бериш керакмиш.

– Нима?! Э, йўқ. Ўз қайноғамдан даъво қиламанми ҳали. Тоғангиз эшитса хафа бўладилар. Нима бўлса бўлди энди. Пул топилади, оға-иничилик топилмайди. Тоғангиз ҳеч қачон бундай пасткашликка бормайдилар.

– Ахир, сизлар бу ерда бир умр қолиб кетмассизлар?

– Ҳа, албатта. Лекин бу ерларнинг ҳавоси тоғангизнинг соғлиғига жуда ёқяпти. У кишининг сираям кетгиси йўқ. Доим Маржон табибнинг ёнида бўлмоқчи.

– Ҳа, у киши анча кексайиб қолибди. Бу ёғига ёнида кимдир бўлиши керак.

– "Мабодо вақти-соати келиб бу дунёни тарк этсам, мени ғор ичидаги Маржонанинг ёнига кўминглар" деганмиш. Тоғангиз шунга хавотирда.

– Лекин мўйсафид ҳали бақувват.

– Тоғангиз ғорнинг оғзини кенгайтириб темир панжарали эшик қуриб бериш керак, деяптилар.

– Яхши. Мен кувалда билан темир қозиқлар олиб келдим. Уннаб кўрамиз.

Шундай қилиб, Дилмурод ва Дилором яшаб турган ғорнинг бағри тўлиб, болалар шовқини билан тошди. Бундай ғаройиб табиий маскан шаҳарлик болаларга маъқул бўлди. Улар чуғурлашиб ўйнашар, қўйларни боқишар, жажжи Бургуталини қўлма-қўл қилишарди.

– Ҳой, узоққа кетиб қолманглар. Бу ерларда бўри,

силовсин, айиқлар бор. Олапар билан доим бирга бўлинглар, – деди Дилмурод ва жияни олиб келган кувалдани соплади.

Энди тоғларда тинимсиз "дўп-дўп", "тўқ-тўқ" овозлари янграй бошлади. Тоға ва жиян Маржон табиб қайтишига "сюрприз" тайёрлаб қўйишга жазм қилишди. Тошлар икки бақувват эркакнинг зарбаларига дош беролмай дарз кетаверди. Ниҳоят, уч кун деганда одам бемалол эгилиб киргулик даражадаги йўлак очилди. Эшикнинг ёнларига темирлар қоқиб уларга сим тўрни маҳкамлаб ичкари ва ташқаридан қулфланадиган қилишди. Бу орада Сардорбек ўз режалари ҳақида гапириб берди. Тоғаси уни маъқуллади. Хуллас, яқин орада табиб ота келгач, қишлоқдаги онасиникига Дилоромни элтиб қўядиган, ўзи табиб ёрдамида Сардорбекнинг янги дорилар қадоқлаш корхонаси учун гиёҳлардан хом ашё тайёрлаб турадиган бўлди.

Дилором ҳам жаннатғорнинг дарвозаси бунёд бўлгани туфайли ичкарини тозалаш ишларига енг шимариб киришиб кетди. Унга болалари ҳам югуриб-елиб ёрдам беришди.

Бундан буён дарвоза беркилиб тургани учун ичкаридаги нарсалар, кўрпа-тўшагу жиҳозлар, ҳаттоки китоблар ҳам нам тортиб қолган, кўп гиёҳлар моғорлаган, улар тоғ эпкинию қуёш нурига муҳтож эди. Энди уларни ташқарига таший бошлашди. Ғор ичига илгаригидай эшикдан кириб, туйнукдан чиқишга йўналган тоза ҳаво оқими кириб келди.

Улар энди кўплашиб ташқарида офтобга ёйилган эски кўрпа-тўшаклар, кийгизу наматларнинг чангини қоқишди. Идишларни илиқ жилға сувида ювиб артишди. Ҳар бир китобнинг варақларини ҳам бир бор очиб уларни гўё нафас олдиришди. Ана шундай жараёнларнинг бирида Сардорбекнинг қўлидаги китобдан бир аёл сурати учиб тушди.

– Буни қаранг, келинойи, сурат топиб олдим. Аёл сурати.

Дилором униққан эски фотосуратни қўлига олди ва унга узоқ тикилди.

– Ҳа. Ойимнинг ёшлигига ҳам ўхшаб кетаркан. Ким бўлди экан-а, бу аёл?

Дилмурод шошиб келиб суратни қўлига олди.

– Эҳтимол, бу ўша табиб отанинг аёли Маржонадир.

– Ҳа-я. Бўлиши мумкин. Лекин зўр сюрприз бўлди-да, – деди Сардорбек севиниб.

– Бир пайда хотинимнинг бир дона сурати бор эди, лекин уни йўқотиб қўйганман дегандай бўлувдилар, – деди Дилором.

– Бу ўша Маржонамикан-а, нима дейсиз, онаси? – сўради Дилмурод.

– Бўлиши мумкин. Эҳтимол, ўзининг онасидир, келса биламиз-да. Бўлинглар, ишимизни тезроқ қилайлик. Ҳадемай кеч киради, – деди Дилором ва бу суратни ойисига кўрсатишни кўнглига тугиб қўйди. "Эҳтимол, уни танир ёки бирор қариндоши чиқиб қолар. Қизиқ, чеҳраси, кўзлари жуда ҳам таниш..."

* * *

Аммо Маржон табиб билан Меҳриддин ваъда қилинганидек Фарғонага бирга боришолмади. Беморлар жуда кўп эди. Меҳриддиннинг эса амалиёт даври тугаб борарди. У коллежни тамомлаши ва тиббиёт олийгоҳига кириш учун тайёргарлик кўриши керак. Шу туфайли Фарғонага кўтаринки руҳ билан бир ўзи қайтди. Сардорбек ҳам жиянларини олиб тоққа кетгани маълум бўлгани учун момосиникида бир неча кун бўлди. Шаҳарни айланди. Шаҳарда катта бунёдкорлик ишлари борарди.

Хадича ая набираси айтган ўша гўдакни суришитиришда давом этди. Лекин дараги чиқавермади. Уни

биладиган ўқитувчи, тарбиячилар ёшини яшаб аллақачон бу дунёдан ўтиб кетишганди.

Сардорбек ҳам ўн кунлардан сўнг болалар билан тоғни тарк этишди. Чунки унинг ҳам ишлари жуда кўп эди. Дилмурод бўлса устози Маржон табибни бетоқат кутар, у келса кўпайишиб қолган қўй-қўзиларнинг бир қисмини сотиб, сўнг қишлоғига бориб вазиятни билиб қайтмоқчи эди.

Дилмурод табиб ота қайтса қурилган ғор эшигию, ичкаридаги қилинган ишлар тартибни кўрсатиб тезроқ унинг ҳайрату миннатдорчилигини кўришни истаса, Дилором унга топиб олган фотосуратни бериб қувонтиргиси келарди. Аммо ота бу сафар узоқ қолиб кетди ва улар энди хавотирга туша бошладилар. Ўша кунлари Шокир овчи ўрмончи ўғли билан ташриф буюрди.

– Хавотир олманг, Дилмурод. Ҳозир табиб отанинг ови тоза юрган пайт. Бир-икки беморни ўлимдан асраб қолгани учун эл орасида обрўйи анчагина кўтарилиб кетди.

– Э, шунақами? Ундай бўлса яхши, – деди Дилмурод меҳмонларни қайноқ таомдан тановул қилишга чорларкан.

– Ўҳ-ҳў, бу сабзавотларни қаердан олдингиз?

– Ҳаммаси ўзимизники, деҳқончилик. Ҳатто нон ҳам. Озгина буғдой сепувдик кейин уни қўлбола тош тегирмон билан ун қилдик.

– Э қойил! – деди ва ўғлини таништирди. – Бу ўртанча ўғлим Асрор. Мана шу атрофдаги қўриқхонага уч киши қараймиз. Яна бир кишимиз бор. Сизларнинг бу ерда эканингизни яхши билишади. Ҳа энди бир яқинроқ таништириб қўяй дедим-да. Бу акангни исми Дилмурод, аёллари Дилором келинойинг, зиқнафас касалига даволаняптилар.

– Яхши. Мана биз ҳам қўриқхона учун нима хизмат бўлса қилаверамиз, – деди Дилмурод.

Шу маҳал ўрмончи йигит гап ташлаб қолди:

– Маржон табибнинг даволашга лицензияси йўқмиш-ку. Шунинг учун катта жаримага тортамиз деб огоҳлантиришганмиш.

– Ким?!

– Билмасам. Анави прокуратура қошидаги департамент одамларидир-да.

Дилмурод ҳайрон бўлиб қолди. Шокир унга далда берди.

– Хиҳ, бюрократ аҳмоқлар! Ўша одамлар ибн Синонинг ҳам дипломи, лицензияси, тайёрлаган дориларга сертификати бўлмаганини билишармикин?

– Ҳа, энди бу янги чиққан қонунлар-да, – деб қўйди йигит бамайлихотир.

Дилмурод гўштни яхшилаб чайнаркан, кўнглига Сардорбекнинг янги бошламоқчи бўлаётган иши келди. "Демак, бу йўналишга ҳам ҳукуматдан рухсат олиш керак бўлади. Унда ҳар бир тайёрланадиган гиёҳли дорига ҳам сертификат даркор, эҳ-ҳе", – деб қўйди хаёлан ва овчига юзланди.

– Шокиржон жўра, яна ёрдамингиз керак бўлиб қолди-ку.

– Хўш-хўш?

– Қўй-қўзилардан сотиб Фарғонага бориб келмоқчи эдим. Онам қариб қолган. Бир хабар олиб келишим керак. Шунга нима дейсиз?

– Ҳим-м, қандай бўларкин?.. Аёлингизниям олиб кетавермайсизми? Ўғлим сизларга ёрдам берарди.

– Яхши фикр. Шу кунларда табиб ота ҳам келиб қолсалар керак.

– Майли, қараб турарман.

– Дада, ахир қудалар... – дея кескин эътироз билдирди ўғли.

– Э-ҳа, ёдимдан кўтарилибди-ку. Яқинда ўғилни ўйлантиряпмиз. Қудалар келиб тўй кунини белгилашмоқчи эди, узр.

– Унда наилож, табиб отани кутишга тўғри келади.

– Мен иложи бўлса у кишининг дарагини топаман. У киши бир шогирд йигит билан мени кўргани келишувди. Улар шу атрофдаги қишлоқларда юришган бўлишса керак.

– У йигит Меҳриддин, хотинимнинг жияни бўлади.

– Э, шунақами? Лекин жуда ақлли кўринади.

– Унинг дадаси ҳам шифокор. Анча танилган дўхтир.

– Бўлмаса, мен у кишига учрашиб келсаммикин-а. Белим, оёқларим баъзан лўқиллаб санчиб қолади.

– Томография қилдирдингизми?

– Ҳа. Чурралар умуртқамда иккита экан. Бири 0,7, иккинчиси 0,5 миллиметр эмиш.

– Э-ҳа, табиб ота нима дедилар?

– Дарахт шохларига кўпроқ осилиб туришим, қаттиқ ва текис жойда ётишим керакмиш. У киши айтдиларки, бу дардни тиббиёт жарроҳлик амаллари билан даволаш керакмиш. Мен эса қўрқяпман. Олти ой ерга қараб ётишнинг ўзи бўлмайди-ку, ахир.

– Сизга отда ҳам кўп юриш мумкин эмас.

– Ҳа, албатта. Отни кўпроқ етаклаб юраман. Лекин жониворим жуда меҳрибон-да. Турсам туради, юрсам юради. Менга раҳми келади, шекилли. Лекин табиб ота менда бир тажриба ўтказмоқчи бўлди. Кўнмадим.

– Ие, қанақа тажриба?

– Эмишки, қўлимни дарахтга, оёғимни отнинг эгарига боғлаб аста-аста тортмоқчи, кейин белимни арқон билан ўраб ётқизиб қўймоқчи бўлдилар.

– Ўҳ-ҳў, яхши-ку. Шунда умуртқа бўғинлари очилиб қисилган асаб толалари жойига қайтиши мумкинмиш.

– Шунақаю, баттар бўлмасин деб қўрқаман-да.

– Йўқ. Сиз ундай ўйламанг. Табибга ишонинг. У киши билиб айтадилар. Бир марта тажриба қилиб кўрсинлар. Кейин сиз яна томография қилдиринг. Натижаси аён бўлади-қўяди.

– Тўғри айтасиз, Дилмуроджон. Сиз ҳам ҳарҳолда биласиз, шекилли.

– Ҳа энди, бу тоғу тошларга билим олгани келганмиз-да, ака.

– Майли, табиб ота келсалар, бор таваккал, бир уннаб кўрганим бўлсин.

* * *

Аммо табиб ота ҳадеганда келавермайди. Беморлари кўпайиб, борган жойда навбат кутиб туришлар одат тусига айланди. Унга ихлос қилган ва айтганларини беками-кўст бажариб тез тузалиб кетадиганлар ҳам "Хиҳ, бу қария ниманиям биларди" деб менсимайдиганлар, "Нонимни яримта қилиб қўяди" деб ичи куядиган шифокору бошқа сохта табиблар ҳам бор эди. Шулардан бирининг ўғли бақувват йигит бўлиб, ички ишларда ишларди.

У бир куни ўғлига гап қотди: "Қишлоқда бир фирибгар табиб пайдо бўлибди. Бир пўстагини қоқиб қўлига берсанглар бўлмайдими?"

Гўё одамларни алдаб, пулини олиб юрган бир бегона мўйсафид, албатта, уни қизиқтирмай қўймади. У фуқароча кийиниб Маржон табибнинг қабулига борди ва эл қатори навбатга турди. Бу ерга келишдан аввал эса ўз поликлиникасига бориб қон босими, томир уришлари ва саломатлигини аниқлаштириб олди. Бу фирибгарни қўлга тушириш учун бир тадбир эди.

– Сиз отдек соппа-соғсиз, ўртоқ сержант, – деб қўйди кулиб шифокорлардан бири.

– Ҳа, Раҳмат. Бир сохта табиб чиққанмиш. Шунга

бориб ўзимни бир кўрсатиб келмоқчиман. Тушунасиз-ку, хизматчилик.

– Э, шунақами, яхши.

– Шунга нима маслаҳат берасиз? Бу баттолни қандай чув тушириш мумкин?

– Ботиржон, мен сизга соғлиғингиз ҳақида маълумотнома ёзиб бераман. Унга бориб ўзингизни текширтирасиз-да, кейин меники билан солиштириб кўрасиз. Шубҳали бўлса... қолгани ўзингизга ҳавола.

Лекин Ботир поликлиникада ўзини юзаки текширтирди. Бавосили уни қийнаётганини ва аёли билан ётиш-туриши яхши эмаслиги учун ўртада совуқчилик тушгани ҳақида индамади.

...Ниҳоят, унинг ҳам навбати келди. Табиб ота уни эл қатори самимий кулиб қарши олди ва нигоҳини Ботиржоннинг кўзларига қаратди. Кўзлар хиёл бежо жовдирарди.

– Келинг, хизмат ўғлим?

– Мени бир кўриб қўйсангиз.

– Сизни нима қийнаяпти ўзи?

– Шу десангиз нафасим қисади, қон босимим юқори, бош оғрийди.

– Ҳим-м... – деди мўйсафид ва йигитнинг қўл томирини ушлаб, юрак уришини, тили, кўзларини очиб кўриб ҳолатини текшириб кўрди ва соппа-соғ бўлсада, қандайдир яширин дарди бор эканини ҳис қилди.

– Спортчимисиз? – атайин сўради табиб.

– Э, йўқ, ота. Дўконда қоровулман.

– Шунақами, – деди мўйсафид атрофида турганларга эшиттириб. – Сизда ҳеч қанақа нафас қисишиям, қон босимиям, бош оғриғиям йўқ. Юрагингиз ҳали минилмаган машинанинг моторидай бақувват ишлаб турибди. Лекин маслаҳатим, касбингизни ўзгартиринг. Шундай соғлом йигит қоровулхонада ўти-

раверіб бавосил орттириб олибсиз. Простата безингиз ҳам шамоллаган, ўғлим.

– Буни сиз қаердан билдингиз, отахон?

– Тилингиздан.

– Й-йўғ-е? Мен бу ҳақида ҳали айтмадим-ку?

– Ана, кўзингиз ҳам айтиб турибди-ку, – деди мўйсафид жилмайиб.

Йигит қизариб-бўзарди ва шашт билан ўрнидан туриб кетди. Нима қиларини билмай изза бўлиб иккиланиб бир оз туриб қолди.

– Хафа бўлманг, йигит. "Тўғри гап туққанингга ёқмайди" дейдилар. Лекин сиз даволанинг. Менга ишонмасангиз дўхтирларга боринг, албатта, тузалиб кетасиз.

– Хўп бўлади, узр, ота, – деди Ботир қизариб.

– Отангиз ҳаётмилар?

– Ҳа.

– У кишига мендан салом айтинг.

Ботир ярқ этиб қаради-да, шашт билан чиқиб кетди.

– Табиб ота, йигитни тоза бопладингиз-ку-а, – деди беморлардан бири.

– Ким ўзи у?

– Ўзи органда ишлайди. Отаси вилоят касалхонасида машҳур шифокор. Худди билгандек гапирдингиз-да, тавба...

– Ҳа, майли. Шунақасиям учраб туради. Лекин бу йигит совуқда кўп туради шекилли.

– Иши шунақа-да. ДАН ходимларини биласиз-ку, тош ёғсаям, муз ёғсаям тураверади.

– Ҳа, ҳақиқий эркак улар, – деб қўйди табиб кулиб.

Лекин навбатдаги бемор бу гапни аския эмас, жўн тушунган чоғи, миқ этмай ўз дардини айтди.

– Шу десангиз оёқларим қаттиқ оғрийди, тиззаларимга туз йиғилган, ҳеч исимайди, совқотаверади.

– Ҳим-м, тушунарли. Демак, қонингиз қуюқ ва

совуқ, суст айланади. Сиз ҳам анави мелиса йигитга ўхшаб намгарчиликда кўп бўлгансиз, тўғрими?

– Ҳа. Илгари шоли экардим.

– Ит гўшти еб турармидингиз?

– Э, йўғ-е, нималар деяпсиз?!

– Шоли эккан одам ит гўшти шўрвасидан тановул қилиб тургани маъқул. Бу дорилик учун. Сизда бод касали бор. Дўхтирга бориб қон олдириб, ревматизм бўйичаям текширтириб кўринг.

– Э, фойдаси йўқ. Улар ҳар сафар миллион сўмлик дори ёзиб бераверади. Кейин бир-икки ой яхши юргандай бўламану яна оғрийверади.

– Мен сизга укол олиб даволанинг деяётганим йўқ. Қонингизни таҳлил қилдириб келинг. Унга қараб даволашни ўзим ҳал қиламан дедим, тушундингизми?

– Ҳа-ҳа, лабораториянгиз йўқ-да-а?

– Бод касалингизни бемалол даволашим мумкин. Лекин ревматизм бўлса унинг ташхиси бошқачароқ бўлади. Шунинг учун менга таҳлил натижалари керак. Хўп, бора қолинг. Навбатдаги кирсин!

– Мабодо ревматизм чиқмаса-чи?

– Унда ишингиз осон кечади. Қумлаймиз ё буғлаймиз, кейин уқалаймиз, банка соламиз, қон оламиз. Шунда танангизда қон юриб кетиб, худо хоҳласа, отдай бўлиб кетасиз.

Бемор хурсанд бўлиб чиқиб кетди.

Кейинги бемор бир болакай экан. Уни онаси етаклаб келибди. Сийдиги тутилиб қолаётганмиш. Дўхтирлар операция қиламиз дейишганмиш. Онахон болам мажруҳ бўлиб қоладими, деб кўнмабди. Кейин операцияга фалон пул керакмиш. Шунга табибдан бирор нажот чиқиб қолар, деган умидда келганини хомуш тортиб гапириб берди.

– Келиб яхши қилибсиз, синглим, – деди Маржон

табиб ҳар доимгидек одати бўйича аёлнинг юз-кўзларига яхшилаб тикилиб оларкан.

Бу ҳаракати билан у йўқолган ўз қизи Маржонага ўхшаш чеҳрани излаган бўларди.

Мўйсафид болакайни у ёқ-бу ёғини айлантириб қовуқ ва буйракларини қўли билан аста пайпаслаб кўрди.

– Операцияга ҳожат йўқ, буйрагида тош пайдо бўлган экан, шу сийдик каналини тўсиб қўйяпти. Ҳечқиси йўқ, шу тошни эритиб юборсак бўлади. Кейин яхши бўлиб қолади.

– Бунинг иложи борми, отахон?

– Албатта. Бу жуда оддий. Ўғлингиз бир оз қийналадию, лекин тезда кўрмагандек бўлиб кетади. Хўш, ўғлим, чидаймиз-а? Ахир, эркак кишимиз-ку... Мана суннат қилинган экансиз. Суннат қилинганлар ҳеч қачон йиғлашмайди, тушундингизми?

Болакай "Ҳа" дегандай бошини қаттиқ силтаб қўйди.

– Қани бўлмаса сиз ўйнаб туринг-чи. Онангизга айтадиган бир оғиз гапим бор... Э, баракалла! Зўр бола экан-да, бу!

Бола нари кетгач, табиб аёлга юзланди:

– Сиз ҳечам хавотир олманг, синглим. Бунинг давоси жуда осон. Беҳининг сувини сиқиб оламиз. Сиз уни уйингизда тайёрлаб, докадан ўтказиб тоза идишга қуйиб келсангиз яхши бўларди. Ундан кейин сутқовоқ пўсти керак бўлади. Биз беҳи сувини ўғлингизнинг булбулчаси орқали юборамиз. Сўнг сутқовоқ пўсти қайнатмасини тез-тез ичираверасиз. Бу қайнатма буйракдаги тошни парчалаб ташлайди, тушунарлими?

– Шу, холосми?

– Шу, холос.

– Вой, оддий муолажа экан-ку. Бу ҳалиги беҳи суви ёмон қилмайдими, ишқилиб?

– Йўқ. Беҳи суви табиий дори. У канал деворини асло шилиб қўймайди.

– Вой, раҳмат сизга. Илоё, юзга киринг!

– Йўқ. Мен бу ёшга деярли кириб бўлдим.

– Унда юз элликка киринг, илоҳим.

– Наилож, унга ҳаракат қилиб кўраман, устозим Абу Али ибн Сино "инсон меъёрий ҳолатда бир юз йигирма беш йил яшайди" деган эканлар. Ундан ортиги ортиқ – давлатга зиён, – деб қўйди табиб ота кулиб ва "Навбатдаги!" дея қийқириб қўйди.

Бир онахон кўринишдан ёввойи табиатроқ, ювош бир йигитчани бошлаб кирди.

– Бу менинг кенжа ўғлим. Коллежни битиряпти. Шу десайиз, ҳеч овқат емай қўйди, кечалари ухлолмайди. Туни билан уҳ тортиб думалаб чиқади. Ё бир ўртоқларига қўшилмайди. Гапини оғзидан базўр юлиб оласан. Баъзан иситмасиям кўтариляпти.

Табиб ота йигитчага қараб қўлини узатаркан, "Қани, келинг-чи" дея ёнига чорлади. Аввало, томирини ушлаб юрак уришини текширди. Сўнгра кўз қорачиқлари ва тилини кўрди.

– Ҳим-м... коллежни тугатдингизми?

Йигитча "Ҳа" дегандай бош ирғади.

– Мениям бир шогирдим коллежни битиряпти. Унинг исми Меҳриддин, сизники-чи?

– Ҳаёт, – деб қўйди у базўр.

– Ҳаётжон денг, э, баракалла. Бу коллежларида қизлар ҳам ўқийдими? – сўради табиб йигитнинг томирини қўйиб юбормай.

– Ҳа, – деб қўйди у ва юзига бир оз қизиллик юриб, томир уриши тезлашгандай туюлди.

– Ҳим-м, ҳаммаси тушунарли!

Аёл бетоқатланди.

– Ўғлимга нима қипти?

– Ҳеч нима. Ўсмирликда бўладиган оддий хасталик.

– Кўз тегибдими?.. Ўзимам айтдим-а, кўп шеър ёзмагин, деб. Мана оқибати.

– Ўҳ-ҳў, Ҳаётжон ҳали шеър ҳам ёзиб турасизми? Бирортасини айтиб берарсиз?

Йигитча кулиб ийманиб тескари қараб олди.

– Ҳаммаси ўлдим-куйдим шеърлар. Мен уларни тандирга тутантириқ қиляпман.

– Яхши иш бўлмабди. Бошқа бундай қилманг, синглим.

– Вой-вой, кимга керак бу қоғозлар?

– Ўғлингизга керак. Сиз унинг дилини оғритибсиз. Билсангиз унинг дарди ичида.

– Дарди бўлса тузатинг.

Табиб ота бу содда аёлга нима деярини билолмай бир оз ўйланиб қолди. Хаёлига яхши фикр келган чоғи, бирдан кўзи ярқ этиб очилиб кетди. Бу ҳолатда нима қилиш кераклигини у ибн Синонинг бир китобида ўқиганди.

– Бўпти, синглим. Мен сизга ташхис ёзиб бераман. Лекин сиз уни, албатта, бажаришингиз керак бўлади. Шу билан ўғлингиз бутунлай тузалиб кетади.

– Хўп бўлади, – деди аёл қувониб. – Тезроқ ёзиб бера қолинг унда, айланай.

– Бўлмаса, сиз менга ёрдам берасиз, хўпми? – деди табиб ва яна йигитнинг билагини ушлаб бош бармоғини томирига аста босди.

Томирлар ёшлик шижоати билан илдам урарди.

– Хўш бўлмаса, синглим, бошладик. Сиз ўша ўғлингиз ўқиётган коллеж жойлашган қишлоқ ва унинг атрофидаги қишлоқлар номини бир-бир айтиб чиқинг.

– Хўп. Ҳим-м, Шўрданак, Каттақўрғон, Сангзор, Сурхтепа, Маданият...

– Тўхтанг! – деди табиб буйруқона.

Шу ерга келганида йигитнинг юраги тез уриб кетганди.

– Яхши. Энди кўчаларнинг номини бир-бир айтаверасиз.

– Улар жуда кўп-ку.

– Масалан, Маданият қишлоғидаги кўчаларни-да.

– Ўҳ-ҳў. Маданият биздан анча узоғу, лекин синглим ўша ерга тушган-да. Шунинг учун ҳам у ерни яхши биламан.

– Яхши, айтинг, – деди табиб йигитнинг қўлини янада қулайроқ ушлаб олиб.

– Ҳим-м, Бўстон, Гулистон, Истиқлол, Мустақиллик, Навоий...

– Тўхтанг, яхши, – деди мўйсафид жилмайиб. – Энди шошилмай сон рақамларини бир бошдан айтиб чиқаверасиз.

– Вой, ҳаммасини-я. Бу нимага керак ўзи?

– Ишингиз бўлмасин. Буйруқни бажаринг. Ўша синглингиз яшаётган уй рақами нечанчи эканини биласизми?

– Ҳа. Қирқ еттинчи...

– Хўш, унда бундай қиламиз, бирдан юзгача бўлган рақамларни аста санайсиз.

– Ё тавба, худди мактаб боласига ўхшаб-а?

– Сизга "сананг" дедим! – деди табиб жиддий.

– Хўп. Бир, икки, ...қирқ етти...

– Яхши. Бу синглингизники. Давом этинг.

Йигитчанинг томир уришида бир оз ўзгариш юз берди. Аммо кейинги рақамлар айтиларкан, у тезлашиб борди ва олтмиш учинчи рақам келганида юрак гўё қафасдаги қушдай потирлаб кетди.

– Бўлди, етарли, – деб қўйди табиб ва бир қоғозни олиб "ташхис" ёза бошлади. Унда "Маданият қишлоғи, Навоий кўчаси, 63-уй" деб ёзилганди.

Табиб ота қоғозни аёлга тутқазиб деди:

– Ўғлингизнинг дардига шифо бўладиган дорини мана шу уйдан топасиз.

– Вой, – деб юборди аёл севиниб ва ўғлига ҳайратланиб қаради. – Ахир, бу холангнинг қўшниси, ҳалиги курсдошинг бор-ку, Хуршидамиди? Ўшаларнинг уй манзили-ку!.

Йигит қизариб кетди ва ерга қараб олди.

– Ҳа, ана. Сиз тўғри ўша Хуршидаларникига боринг-да, "Мен бу ерга ўғлимнинг дардига даво излаб келдим", деб синглингиз билан кириб бораверинг. Биттадан дастурхон қилиб олиш ёдларингдан чиқмасин. Гап тамом! – дея мўйсафид ҳузур қилиб керишиб ўрнидан ирғиб турди-да, йигитчани қучоқлаб, бағрига босди.

Ҳаётжон ғоят ҳаяжонда эди. Шундай бўлса-да, унинг дардига тўғри ташхис қўйгани учун табиб отани маҳкам бағрига босиб кулиб турарди. Содда аёл нима гап эканини барибир тушунолмаган чоғи, "Тавба, Хуршидаларникида қанақа дори бор экан-а?" деб ўзича ғудраниб қўйди.

– Бўпти, ўғлим, онангизни холангизникига тезроқ олиб боринг. Бу ёғини аёллар ўзлари ҳал қилишади, хўпми? – дея елкасига уриб қўйди.

– Кетдик, ойи, тезроқ борайлик. Қорнимам очиб кетди, – деди йигитча тилга кириб.

Улар Маданият қишлоғига боришдими, йўқми, бу биз учун қоронғи бўлса-да, ўша кунлари Маржон табиб ўз ишидан жуда завқланиб юрди ва бир кунда эллик-олтмиш беморни ана шундай кўтаринки кайфият билан қабул қилди.

У тез-тез жойини ўзгартириб қишлоқма-қишлоқ, зиёратгоҳ, чўпон овулларида, баъзан бирор беморнинг, таниш-билишларнинг уйларида тунаб қоларди. Унинг мижозлари турлича бўлиб, бири ўта қашшоқ, бошқаси ўртамиёна, баъзилари бўлса ўзига тўқ, бой-бадавлат хонадон эгалари эди. Шунга кўра табиб ота тунаб қоладиган жойлар ҳам гоҳо қўй қўтони, од-

дий хонадон, баъзан деворлари оппоқ, кафелланган душ-ваннали, ҳатто, унитази тилла суви юритилган бўлиб, одамни хижолат қиладиган даражада бўлар, ётишгаям оқ чойшаблар тортиларди. Бутун умри ғорда, тоғу тошда яшаб ўтган бундай меҳмон учун бу ҳолат эриш туюлар ва тузукроқ ухлай олмай туни билан думалаб чиқарди.

Муҳташам "евродом" ҳовлисида шарқираб оқиб турган сунъий шаршара, тунлари тепасида ою юлдузлар балқиб турадиган мармар чўмилиш ҳовузи ва унга олиб тушадиган гилам тўшалган зина йўлаклар, оврўпача тренажёр майдончасию, қимматбаҳо қандил, бачкана ҳайкалчаларнинг унга сираям қизиғи йўқ эди. У тоғ дараси яқинидаги табиий ўз шаршарасини, ўт-ўланлар тўшалган сўқмоқларни, виқор-ла бўй чўзиб турадиган қоя тошларни, мусаффо ҳавони, эркин машқлар бажара оладиган одамбошсимон ўша супали тошқояни, жонзоту қушларни ва ниҳоят, бир умр яшаб келган, ичкарига эмаклаб кирадиган бўлса-да, қадрдон ғор-уйини жуда-жуда соғинганди.

* * *

Маржон табиб ўшанда бадавлат Раҳматбойнинг салобат тўкиб турадиган ва камералару бақувват соқчилар билан қўриқланадиган европача уйида ихтиёрий-мажбурий равишда узоқ қолиб кетди. Чунки бойнинг қуруғидан тортадиган яккаю ёлғиз банги ўғли бўлиб, уни даволашга қатъий аҳд қилганди. Раҳматбой Маржон табибнинг довруғи ҳақида эшитган ва уни илтимос қилиб уйига олиб келганди.

— Оғзингизга сиққанини сўранг, отахон. Мана шу падар лаънати ўғлимни одамбашара қилиб беринг, илтимос, — деди Раҳматбой соқоллари ўсиб тиришиб-қақшаб турган йигитга рўпара қилиб.

— Биринчидан, менга ҳеч қанақа пулингиз керак-

мас, иккинчидан, ўзингизниям даволаш керак. Асабийсиз. Бечора, бу йигитнинг отасини сўкишни бас қилинг. Учинчидан, ўғлингизнинг танаси гиёҳванд моддадан тўлиқ заҳарланган. Уни даволашга узоқ вақт, сабр-тоқат керак бўлади.

– Сизга ҳамма шароитни яратиб бераман. Истаганча шу уйда яшайверасиз. Сиздан илтимос, ота, фарзандимни қутқаринг! Агар у даволанмаса ўлармиш. Буни дўхтирлар айтишди. Ахир, манави уйларни мен ким учун қурдим... – деди у чиндан ҳам йиғламсираб. – Мен ота-онасиз етим ўсганман. Агар мана шу яккаю ёлғиз фарзандимга бир гап бўлса зурриёдим қолмайди. Тушуняпсизми, ахир! Мендан зурриёд қолмайдиган бўлса нима учун яшадим? Шунча бойликларни мен нима учун йиғдим?!

Маржон табиб бир оз ўйланиб қолди. Ўзидан ҳам зурриёд қолмаётганидан афсусланди.

– Мен ҳам ҳайронман, – деди у ниҳоят. – Фарзандингизни ҳаддан зиёд эрка қилиб вояга етказгансиз. Мана оқибати, ўғлингизни меҳнат қилишга ўргатганингизда эди, эсиз... – деб қўйди табиб ота чуқур хўрсиниб.

– Тўғри. Ҳамма айб менда. Пул топаман деб туну кун тинмадим, ўзим ҳам касаллик орттирдим. Ҳар йили миллион-миллион пулим даволанишга, дори-дармон сотиб олишимга кетади. Ўғлим яхши юрсин деб ундан ҳеч қачон маблағимни аямадим.

– Шу туфайли унинг бу аҳволга тушиб қолишига сиз сабабчи бўлибсиз. "Падарига лаънат" дейишингиз тўғрига ўхшаб қолди. Лекин ўзингиз чиндан ҳам касалсиз. Буни "бой касал" дейишади. Ҳамма бадавлат одамларда асаб кетади, доимо қон босими юқори бўлади. Инфаркт, инсульт бўлиб ётиб қолиш улар учун "ҳавас". Улар шунақа тепса тебранмас, бир умр атрофида аёли ёки чиройли ҳамшира қизлар гирди-

капалак бўлишини исташади. Бир бадавлат колхоз раисини билардим. У жуда хонимсевар эди. Инсульт бўлиб тўшакка михланиб қолганида ҳам ёш ҳамшира қизни чақириб олиб унга кўп пул тутқазибди ва фақат қўлини ушлаб ўтиришни буюрибди. Кейин уни ўпмоқчи бўлиб интилган экан, лаби бир томонга тортиб кетибди. Қиз қўрқиб қочиб кетибди. Бу дунёга тўймай ўтиб кетди, бечора раис.

Раҳматбойнинг асаби қўзғади ва уни бир четга тортиб деди:

– Отахон, мен сизни бу ерга насиҳат олгани эмас, ўғлимни даволаш учун олиб келдим. Хўш, тўғрисини айтинг, бу тасқарани даволай оласизми, йўқми?

– Тўғри айтасиз, ўғлингизнинг дарди сизнинг мусибатингиз ҳисобланади. У туфайли хонадонингизда ҳаловат йўқолган, файз кетган, ҳамма касал.

– Мен сиздан сўраяпман! – дея ўшқириб берди мезбон бўзариб.

– Даволайман... Лекин бу осон бўлмайди. Сиз ҳамма ишингизни йиғиштириб ўғлингиз учун энди вақт ажаратишингизга тўғри келади. Фақат айтганларимни қиласиз, буюрганимни топиб келтирасиз.

– Розиман... Бошқа иложим ҳам йўқ. Бўпти, сиз билан бирга бўламан. Айтганингизни бажараман, отахон.

– Менинг бир ўйлаб қўйган яхши муолажам бор. Лекин бу қанақа самара беради ҳали билмайман. Истасангиз, шуни биргаликда синаб кўрамиз. Зора, барча гиёҳванд, ичкиликбоз, радиациядан заҳарланган, нурланганлар учун даволашнинг самарали усули топилса.

– Майли, розиман, тажрибангизни бошлайверинг.

– Билсангиз, ўғлингизнинг танаси сочидан тирноғигача заҳарланган, аввало танасини тўлиқ тозаламоқ керак бўлади.

Раҳматбойнинг кўзлари ярқ этиб кетди.

– Тозалаймиз!

– Ҳаром қонларини хижомат йўли билан олиб ташлаш керак бўлади.

– Олиб ташлаймиз!

– Унга енгил ҳазм бўладиган таомлар пиширириб едириш керак.

– Едирамиз!

– Доимо спорт билан шуғулланиши керак.

– Шуғулланамиз!

– Сувда сузиши керак.

– Сузамиз!

– Қўй-эчки сутидан айрон қилиб ичиб туриши керак.

– Ичамиз!

– Тарвузни истаганича ейиши керак.

– Еймиз!

– Ҳар куни буғли ҳаммом қабул қилиши керак бўлади.

– Қабул қиламиз!

– Ўтли банка, массаж ҳам олиши керак.

– Оламиз!

– Тонг-саҳар ва тунда сайр қилиш керак.

– Сайр қиламиз!

– Уч-тўрт соат оралиғида ўз сийдигини зардобга аралаштириб ичиб туриши керак.

– Ич... Нима?! Й-йўғ-е!.. Ҳай майли, ичамиз!

– ...Энг муҳими, гилвата топиб келасиз.

– Н-нима у, гилвата?

– Тоғу тошларда бўладиган кесаксимон маъдан. Аёллар ҳам баъзан боши қоронғилигида ейди-ку. У минералларга жуда бой, танадаги заҳарни тери орқали сўриб олиш хусусиятига эга.

– Уни қаердан топаман?

– Мен сизга миллион сўмлик дори сотиб олинг деяётганим йўқ-ку!

– Қанча керак?

– Уч-тўрт салафан қопда. Кейин зирк дарахти керак. Ҳар иккиси тоғда бепул топилади. Ҳўш, топамизми?

– Топамиз! Лекин ўша гил...

– Гилвата.

– Ҳа, гилватаниям ўглимга едирасизми?

Маржон габиб кулиб қўйди.

– Асло йўқ. Зиркни қайнатма қиламиз ва унинг сувини гилватага аралаштириб хамир қориб, йигитнинг танасини ўраб чиқамиз ёки суюқроқ лой қилиб ваннага соламиз.

– Ҳа. Шуниси дурустроққа ўхшайди.

– Йўқ. Хамир қилингани дуруст. Чунки бу ҳолда бошию бурнигача ўраб ташлаб бурни, оғзи, кўзини тешиб қўямиз, холос. Аввало, соч-соқолини устара билан яхшилаб қириб олиб ташлайсиз. Ўғлингизнинг мия, қулоқ-бурун соҳалариям заҳарланган. Биз тайёрлаган лой ана шу заҳарларни ўзига тортиб олади. Лекин фойдаланилган лойни кўмиб ташламоқ керак бўлади.

– Нега?

– Чунки унда ҳам заҳар, ҳам тортилган радиация нури бўлади.

– Демак, бу усул билан нур касаллигидан ҳам фориғ бўлинар экан-да-а?

– Ҳа, албатта. Ҳозирги замонда деярли барча одамларда мана шу касаллик мавжуд. Лекин ўзлари сезишмайди. Бу компьютер, телефон, телевизорлардан кўп фойдаланиш оқибати. Шунинг учун ҳам одамларнинг иммунитети пасайиб кетмоқда. Кейин сизга ўхшаб камҳаракатлилар, кимёвий ичимликлар, сунъий таом ейдиганлар тобора кўпаймоқда. Бу билан йил сайин одамларнинг вазни ошмоқда. Инсон семиз бўлганидан кейин ундаги қувват айланиш тизими издан чиқади. Томирларни ёғ босиб, қон айланиши бузилади. Қон босимнинг кўтарилиши, инфаркт,

инсульт ана шундан келиб чиқади. Хўш, гилвата билан зиркни топиб келасизми, йўқми?

– Албатта!

– Кейин ўғлингиз олти ойгача парҳез қилади. Ичмайди, чекмайди.

– Одамбашара бўладими, ишқилиб?

– Шуям саволми? Ҳатто уни уйлантиришингиз ҳам мумкин бўлади.

– Йўғ-е! – деб юборди Раҳматбой қувониб ва беихтиёр табиб отани кучиб олди.

Улар банги йигитни даволашга жиддий киришишди. Раҳматбой Маржон табибни олиб тоғу тошларга бирга кетди. Унинг "Жип" машинаси учун ўнқир-чўнқирликлар, сойлару тошлар ҳеч гап эмасди. Таниш чўпонлар овчилардан сўраб-суриштириб гилватанинг конини қидиришди, зирк меваларидан, баргию илдизидан ҳам теришди.

– Раҳматжон, энди менга бир ёрдамчи ҳамшира керак бўлади, – деди мўйсафид сафардан қайтишаркан.

– Бўлди, отахон. Ёшроғидан бўлсинми? – деб сўради у ҳазил қилиб.

– Э, йўқ. Менга тажрибали, ўғлингизни ағдариб-тўнтариб ҳуқна қиладиган, бақувват, ёшиям элликолтмиш ёшлардаги уқаловчи аёл бўлса.

– Бева бўлсинми? – сўради Раҳматбой кулиб.

– Фарқи йўқ.

– Менинг бир уқаловчи аёл танишим бор. Ўзи бева. Бечора, етимхонада ўсган, жудаям меҳнаткаш.

– Нима, етимхонада ўсган дейсизми? Ёши нечада?

– Олтмишлар атрофида.

Маржон табибнинг юраги шувв этиб кетди ва алланималарни ўзича ҳисоблай кетди.

Раҳматбой ҳайрон бўлиб боқди.

– Нима, уйланмоқчимисиз, дейман-а?

– Йўқ, – деди чол ва бир хўрсиниб олди. – Бил-

сангиз мениям бир зурриёдим бор. Лекин у гўдаклигида йўқолган.

– Ўҳ-ҳў, ростдан-а? – деди Раҳматбой ачиниб.

– Умид билан яшаяпман. Эшитишимча, уни етимхонага топширишган экан. Лекин суриштирдим, тополмадим. Шунинг учун етимхонада вояга етган ҳар бир олтмиш ёшлардаги аёл мени қизиқтирмай қўймайди.

– Ҳа-а, тушунарли, – деб қўйди рулдаги ҳамроҳи нигоҳини бир бор ташлаб оларкан, жиддийлашиб олиб. – Бўлмаса уни бирга қидирамиз.

– Топамизми?

– Топамиз!

– Шуҳратжон ўғлим ўзига келиб, тузалиб қолсин, албатта, ўзим сизга ёрдам бераман. Кўрамиз, республикамизнинг бутун етимхоналарини кезиб чиқамиз ҳали.

– Негадир ўша, сиз айтган ҳамшира аёлни ҳозир кўргим келяпти-да.

– Бўлди. Ҳозироқ унинг ҳузурига жўнаймиз-да. Бирйўла уни ишга ҳам таклиф қиламиз.

– Ўзи бирор жойда ишлайдими?

– Нафақага чиққан. Туман шифохонасида ишларди. Уч қизи бор. Кенжаси билан бирга туради.

Улар туман марказига етиб боришди. Ҳалимахон исмли бу аёл кўпқаватли уйда яшаркан. У Раҳматбойнинг йўқлаб келганини кўриб ҳайрон бўлди ва кўнглидан "Ишқилиб, мени манави чолга сўраб келмаган бўлсин-да" деган фикр ўтди. Чунки кечаги куни уч-тўрт чол чойхонада баҳслашиб бировларига совчи бўлиб келишиб, тоза бошини қотиришган ва рад жавобини олишгач, букчайиб қайтиб кетишганди. Энди бўлса туманда обрў-эътиборли Раҳматбойнинг ўзи...

– Танишинг, бу киши Маржон табиб бўладилар. Бу киши бўлса сизга айтган ўша Ҳалимахоним.

– Яхши, – деди мўйсафид салом-аликдан сўнг аёлнинг кўзларига сирли боқаркан.

Аёл “Нима бало, одам кўрмаганми, бу чол? Тавба, ўзи ҳилвираб қолибди-ку, уйланармиш...” дегандай кўзларини олиб қочиб рўмолининг учи билан юзини яширмоққа тутинди. Табибнинг хаёлидан бўлса, “Йўқ бу менинг қизим эмас. Тағин худо билади” деган фикр ўтди.

– Ичкарига киринглар, марҳамат, – деди аёл гўё “совчиларга” илтифот қилиб.

– Йўқ, бошқа сафар, – деди Раҳматбой. – Бу кишига ҳамшира ёрдамчи керак экан. Шунга сизни ишга таклиф қилгани келувдик.

– Вой... Қаерга?!

– Уйимга-да. Ўғлимни биргаликда даволайсизлар.

– Нима? Шуҳратжонни-я?.. – ҳайрон бўлиб сўради аёл. – Унга нима бўлди?

Раҳматбой ўрнига мўйсафид жавоб қайтарди:

– Танаси бир оз заҳарланган. Тўлиқ тозаланиши керак. Кейин уни яхшилаб массаж қилиб турсангиз бас. Хуллас, ҳамширалик қиласиз.

– Шу, холосми?

– Шу, холос.

– Яхши. Қачон борай?

– Ҳозир бориб йўл-йўриқ оласиз. Эртадан тўлиқ ишга тушамиз.

Улар ўша куни муолажалар қилиш учун ажратилган хонада тайёргарлик ишларини олиб боришди. Олдинда оғир меҳнат, машаққатлар кутиб турарди.

III БОБ
ТАНАСИ БОШҚА ДАРД БИЛМАС

Раҳматбой билан табиб ота тоғга кетган кун Манзурахон эрининг топшириқлари бўйича ўғли Шуҳратни даволаш учун мўлжалланган хонани супуриб-сидириб тозаламоқда эди. Бир пайт ўғлининг

"Ойи!" дея тўсатдан қилган нохуш қичқириғи уни ҳушёр торттирди.

– Қаердасиз, ойи?.. – дея яна фарёд чекди йигит.

Манзура қўлидаги супургини ташлади-да, зинадан тушиб ўғлининг хонаси томон чопди.

– Вой болам, сенга нима бўлди? Мана мен ҳозир, кетяпман!.. – деди у йўл-йўлакай ҳовлиқиб.

Шуҳрат хонасида букчайиб, тиришиб додламоқда эди.

– Менга дори беринг, тез! Ўлиб қоламан!..

– Сени табиб даволайман деяпти-ку, жон болам. Озгина сабр қилгин энди.

– Йўқ!.. – дея қатъий эътироз билан инқиллаб қичқирди йигит. – Менга ҳозироқ дори топинг, деяпман!

– Вой, мен уни қаёқдан оламан, болам? Уни очиқ сотишмаса.

– Менга пул топиб беринг, бўлмаса!..

– Бор-йўғи икки юз мингим бор, холос, бўладими?

Шуҳратнинг жиғи-бийрони чиқиб ўриндиқни тепиб ташлади.

– Унингиз урвоғам бўлмайди-ку. Камида икки миллион керак!

– Пул ахир дадангда-ку, мен қаёқдан олай?

– ...Билмадим... Бўлмаса мен ўламан, ҳозир...

Аёл нима қиларини билмай довдираб қолди. Қулоқларидаги тилла балдоқлари ва қўлидаги узукни тез ечиб олди. "Вой-вой!" дея кўксини силаб Шуҳрат янада букчая бошлади.

– Ма, болам. Тилла тақинчоқларимни ола қол.

– Мен боролмайман! Ўзингиз боринг!..

– Қаерга? Кимга борай?

– Мардон деганга... Анави қоғозда телефони бор... Бўлинг тез, деяпман! Уҳ-уҳ...

– Хўп-хўп, онагинанг ўргилсин! Мен ҳозир... – деди аёл ва апил-тапил шиппагини илиб чиқиб кетди.

Аёл қишлоқ гузари сари шошиб бораркан, дардини кимга айтарини билолмай изтироб чекарди. Хаёлидан "Э худо, бу қандай кўргулик? Яккаю ёлғиз ўғлим шу аҳволга тушиб қолса-я! Энди нима қиламан, дадасига нима дейман?" деган нохуш ўйлар кечарди.

...Мардон ҳадеганда гўшакни олавермади. Уни ҳам тушунса бўларди. Чунки бегона рақам бўлгани учун шубҳага бориши табиий. Ниҳоят бир кишининг дўриллаган овози келди:

– Алло, сизга ким керак?

– Ассалому алайкум. Мардон деган йигит сизмисиз?

– Эҳтимол. Нима эди?

– Ўғлим Шуҳратнинг аҳволи жуда оғирлашиб қолувди.

– Қайси Шуҳрат?

– Раҳматбой аканинг ўғли.

– Ҳим-м... Бой аканинг ҳурматлари бор, албатта. Майли-да.

– Илтимос, тушунасиз-ку, ахир.

– Опа, ташвиш қилманг. Биз Шуҳратбекни бундай оғир аҳволда ташлаб қўймаймиз. Ҳозир сиз қаердасиз?

– Қишлоқ гузарида.

– Ўша ерда бекатда қимир этмай ўтириб туринг, хўпми? Мен ўзим қўнғироқ қиламан. Шуҳрат уйдами?

– Ҳа.

– Уйда яна ким бор?

– Ҳеч ким йўқ.

– Яхши. Мени ўша бекатда кутинг.

– Хўп, – деди аёл ноилож.

Аёл қўнғироқни узоқ кутди. Ўтган-кетган танишбилишлар у билан сўрашишар, лекин унинг эс-ҳуши жойида эмас, сўроқларга нима деб жавоб қайтараётганини ўзи ҳам англамасди.

Ниҳоят, Мардон қўнғироқ қилди.

– Опажон, ҳаммаси жойида. Мен уйингизга бориб ўғлингизга "тез ёрдам" кўрсатдим. У тинчланиб, ҳозир яхши ором олаяпти. Уни безовта қилманг, хўпми?

– Вой, раҳмат – деди аёл ажабланиб. – Бу ҳалиги хизмат ҳақи...

– Янаги сафаргиси билан қўшиб берарсиз. Хайр, омон бўлинг.

Телефон гўшагида машина моторининг тез ўт олгани эшитилди-да, алоқа узилди.

Манзура уйига келиб тўғри Шуҳратнинг ҳузурига кириб борди. Соч-соқоли беўхшов ўсиб кетган ўғли укол олган қўлини буклаган ҳолда мусичадай беозор ором олмоқда эди. Баъзан у қовоқларини пир-пир учириб, аста оҳ-оҳлаган бўлиб, ўзича айш сурарди.

Аёл аста келди-да, йигитнинг тўзғоқ сочларини силаб, "Тузукмисан, болам?" деб қўйди. Сўнгра ўғлининг чекаётган бу азобларидан қачон фориғ бўлишини ёки умуман бу дунёдан жувонмарг кетиши мумкинлигини ўйлаб юраги орқага тортиб кетди ва ўзини ўғлининг устига ташлаб юм-юм йиғлади. "Бу дард сенга қаердан ёпишди? Нима қилиб қўйдинг, болам?.. Сенга бир гап бўлса нима қиламан?! – дея хўнграб бир фурсат нола қилгач, кутилмаганда шарт ўрнидан туриб кетди.

– Йўқ-йўқ! Нимадир қилишимиз керак. Наҳотки, шунча бойлик, обрўйимиз бўла туриб яккаю ёлғиз фарзандимизни асраб қололмасак?.. Бу не кўргулик? Пул бўлсаю даво бўлмаса...

Аёл чопиб бориб ўғлининг бошини кўтарди-да, бағрига маҳкам босди.

– Болам, сен тузалиб кетсанг бўлгани. Керак бўлса, уйларимизни, бор-будимизни сотамиз! Агар сенга бир гап бўлса... Ҳаммасига ўт қўяман, ўзимниям ўлдираман!

Аёл ана шундай изтироб ўтида ёниб тургани маҳа-

ли Раҳматбой, Маржон табиб ва Ҳалимахонлар бир-бир кириб келишди.

– Ҳа, нима гап, тинчликми?

– Бирор гап бўлдими? – сўради эри ва ўғлининг тепасига шошиб келди.

– Болам бечора қийналиб кетди, – деди аёл ва йиғлаб юборди.

– Хаҳ, хайрият, омон экану, қўрқитиб юборди-нгку, хотин.

Табиб ота келиб йигитнинг кўз қорачиқлари ва томир уришини текширди. Қонталаш билагига кўзи тушди-да, жаҳли чиқиб ғижиниб қўйди.

– Нима гап, ота? – сўради Раҳматбой хавотирланиб.

Мўйсафиднинг авзойи жиддий бузилди. Эр-хотинларни аямай сўкиб ташлашга чоғланди. Лекин ўзини аранг босиб олди.

– Ҳатто фашистлар ҳам ўз боласини бундай ўлдиришмайди. Сенлар бўлса... Эҳ! Садқаи одам кетларинг!..

– Нима қипти Шуҳратга?! – қичқирди Раҳматбой.

– Аҳволини била туриб яна дори бериб, укол қилибсанлар! Энди у кўпга бормайди. Аввал сенларнинг бор-будингни шилиб, ўзларингни инфаркт қилиб ўлдириб, кейин ўзи ҳам ўлади!

Эр-хотин қотиб қолишди. Раҳматбой хотини томонга ташланди.

– Ҳой! Ким қилди бу ишни?! Тўғрисини айт, ярамас!

– Болам жуда оғирлашиб қолувди. Мен Мардон деганни чақиртирдим. Келиб укол қилиб кетди.

– Қайси Мардон?!

Маржон табиб Раҳматбойнинг елкасига "тинчланинг" дегандай қўлини қўйди. Ҳалимахон аҳволни тушуниб бир четда жавдираб қараб турарди.

– Раҳматбой, қўйинг. Бўлар иш бўпти. "Тез ёрдам" кўрсатилибди. Баттар заҳарланибди. Лекин бу вақтинча. Уни даволаймиз, дедим-ку!

Манзура кутилмаганда ўзини табибнинг оёғига отди ва эзилиб нола қила кетди:

– Жон, отахон, боламни қутқаринг. Йўқса, менга бу ҳаётнинг кераги йўқ!

Раҳматбой ҳам кутилмаганда чиндан йиғлаб юборди.

– Қўлингиздан келса, тузатинг, ота... Бизнинг бор умидимиз шу бола, холос. Билсангиз, баттоллар атайин ўғлимни шу кўйга солишган. Мен уларни соғ қўймайман ҳали... – деди ҳўнгроқ овоз билан.

– Бўлди, бас қилинглар! – дея қичқирди бир пайт табиб. – Йиғи-сиғининг фойдаси йўқ, энди амалий ишга ўтайлик!

– Нима қиламиз, ота?..

– Нима қилардик, даволаймиз-да!

– Вой, рости биланми? Ўғлимни даволаса бўладими? – дея жавдирарди Манзурахон эмаклаган ҳолда.

Ҳалимахон чопиб келиб Манзуранинг қўлтиғидан оларкан, "Ҳа, ўғлингиз, албатта, тузалиб кетади ҳали" деб далда берган бўлди.

– Хуллас, гап бундай. Ҳозирдан бошлаб фақат менинг айтганларимни қиласизлар. Кейин бу ердаги гап остонадан нарига чиқмайди. Шуҳрат энди менинг ҳам болам. Шунга хўп десанглар, ҳозироқ ишга киришамиз, – деди табиб жиддий.

– Хўп. Икки карра хўп, – деди Раҳматбой ва мўйсафидни қучоқлаб олди. – Биз сизга ишонамиз, ота. Сиз нима десангиз шу...

– Бу эркатойингизни бир ой қўл-оёғини боғлаб даволаймиз. Яна бир ой назорат остида соғломлаштириш ишлари олиб борамиз. Бир ой ўзларинг менинг айтган тавсияларим бўйича иш олиб борасизлар. Ҳеч қандай "тез ёрдам", укол керак эмас. Қарабсизларки, уч ойдан сўнг, мен ваъда бераман, ўғлингиз соғ-омон ҳаётга қайтади.

— Вой, илоҳим, дард кўрманг, отажон. Сизни бизга худойимнинг ўзи етказди, — деди Манзура қуллуқ қилиб "Биз розимиз" деган маънода.

Шундай қилиб, кўпчиликлашиб даволаш муолажаларини бошлаб юборишди. Аввало, дастурхон атрофида оилавий кенгаш тузилиб ким нима билан машғул бўлиши бўйича вазифалар белгилаб олинди. Бу ишларнинг сир сақланишини таъминлаш учун гўё сўраганларга "Шуҳрат хорижга ўқишга кетди", деб айтиладиган бўлинди.

Маржон табиб ажратилган хонанинг ўртасига кичик тахта сўрини қўйдирди. Унда беморни бемалол ағдариб тўнтариш, "ломка"га тушиб қолган тақдирда оёқ қўллари, ва ҳатто, бошини ҳам маҳкамлаб боғлаб қўйиш мумкин эди.

Бу ерда яна беморни ҳуқна қилиш, қон олиш, ваннада ювинтириш, қолаверса, навбатчилар ётиш туриши, беморнинг овқатланиши, дам олиши учун ҳамма шарт-шароитлар яратилди.

Дастур бўйича ҳар кун саҳар беморни "жип" машинасида тоғ ён бағирларига, хушманзара жойларга олиб бориб қуёш чиқишини томоша қилдирадилар, сўнг шу ерда тибетча ёшариш амалларини бажарадилар, сайр қиладилар ва нонуштани янги сут-қаймоқлар билан қилиб қайтадилар. Шу туфайли Раҳматбойнинг ўзи ҳам ихтиёрий-мажбурий муолажаларнинг бир қисмига айланиб қолди ва табиб тавсияларига амал қилиб ўз соғлиғини ҳам тиклай бошлади. Манзуранинг ҳам ички дардлари кўп эди.

Унда ҳам аёлларга хос хасталиклар бўлиб, докторларнинг айтишларича, бошқа туғиши мумкин эмасмиш. Ҳалимахон уч беморни даволаш бўйича тиним билмай меҳнат қиларди. У мижозларни уқалар, ҳуқна қилар, банка қўяр, қон олишда ва бошқа тиббий муолажаларда, дамламалар тайёрлашда, парҳез таом-

лар пиширишда табиб отага яқиндан ёрдам берарди. Бемор Шуҳратнинг ёнида тунлари ҳам Манзурахон билан алмашиб навбатчилик қилишарди.

Хуллас, оғу заҳрига қарши оилада аёвсиз кураш бошланди. Кўпчиликнинг бундай оқилона, эзгу мақсад йўлидаги саъй-ҳаракатлари ҳадемай ўз самараларини бера бошлади.

Хунук воқеалар ҳам юз берди, албатта. Тўртинчи куни гилватадан тайёрланган лентасимон хамирни Шуҳратнинг қип-яланғоч танасига ўраб чиқилди ва фақат нафас йўллари, кўз, бурун, оғиз ва орқа томонидаги тешиклар очиб қўйилди. Аммо кутилмаганда Шуҳратда навбатдаги хуруж бошланди. У тинимсиз ўкирарди. Тўрт кишилашиб унга ёпишишди. Устидаги гилвата қоплама эзғиланиб кетди.

Табиб отанинг буйруғи билан Раҳматбой лентасимон пишиқ арқон олиб келди ва беморни қимирламайдиган қилиб сўрига маҳкамлашди. Ҳалимахон беморнинг танасига тинчлантирувчи ва ухлатувчи дорилар юборди. Сўнгра яна лойни яхшилаб ўраб, танага ёпиштириб чиқишди. Ўғлига бундай "азоблар" берилаётганини кўриб Манзурахон ўзидан кетиб йиқилди. Унга ҳам тиббий ёрдам кўрсатилди.

Бемор танасининг бошқа қисмларини ҳам тозалаш бўйича бирма-бир ишлар олиб борилди. Тери, жигар, ўпка, ошқозон, ичак, нафас-бронх йўллари, қон, ҳаттоки мия қобиқлари – барча-барчаси ўзига хос дунёвий халқ табобати усуллари билан тозалана бошландики, фақат шу йўл билангина танадаги заҳарлардан бутунлай фориғ бўлиш мумкин эди.

– Шундай қилмасак, заҳри қотилга ўрганган тана аъзолари орқа мияга буйруқ бериб оғу-дори истеъмол қилишни талаб қилаверади. Бу хуруж дегани, – деди Маржон табиб суҳбатларнинг бирида. – Ҳатто банги одам ичидаги гижжалар ҳам гиёҳванд бўлиб қоли-

шаркан, кейин инсон миясига "топиб кел", деб буйруқ бераверишаркан.

– Йўғ-е! Буниси қизиқ-ку, – деди Раҳматбой чойдан ҳўпларкан.

– Масалан, бир алкоголь беморнинг "аскарида" деб аталадиган йигирма метрли гижжасини коньяк билан туширганман.

– Ўҳ-ҳў, қандай қилиб?

– Мен унинг ичакларини тозалатиб бўлгач, икки кун ҳеч нима истеъмол қилмаслигини ва фақат ётишдан аввал фақат юз граммдан коньяк ичишини буюрдим. Унинг айтишича, тун бўйи унинг яна коньяк ичкиси келаверган. Лекин мижоз "қитмирлик қилиб" дўконга боравермагач, эртаси аскариданинг ўзи дўконга чиқиб келмоқчи бўлиб йўлга отланибди. Тентак жонивор ярим тунда дўкон ишламаслигини қаёқдан билсин.

Бу гапларни эшитган Раҳматбой аввалига ҳеч нима тушунмадими, эътибор бермади ва талмовсираб сўради:

– Аскарида дўконга ўзи борибдими?

– Ҳа. Коньяк сотиб олмоқчи бўлибди. Унинг буйруғини менинг мижозим бажармабди, якшанба-дам олиш куни бўлгани учунми, бемалол ухлайверибди-да. Жонивор бўлса кейин ўзи иложсиз ташқарига чиқиб кетиб адашиб қолибди.

– Ўша йигирма метрли-а?

– Ҳа. Коньяк ичкиси келибди-да, бечоранинг, – деди табиб бамайлихотир.

Бу гап Раҳматбойнинг орқа миясига энди етиб борган чоғи аввалига бензини келмаётган машина моторидек бир оз қиҳ-қиҳлаб турди-да, сўнгра ўт олди. У шундай кулдики, ҳатто нариги хонада ором олаётган Шуҳратнинг ҳам бундан кўзи очилиб кетди.

У устидаги қалин кўрпани олиб ташлади-да, ўрни-

дан турди. Мириқиб керишди. Спортча шортисини кийиб олди ва ҳовлига чиқди. Ҳаво мусаффо, ҳовлидаги улкан ва мовий ҳовузда самодаги булутлар акси кўриниб турар ва йигитни ўзига чорларди. Қўшни хонада тўхтамай дадасининг қувноқ кулгиси янграрди.

Шуҳрат чопиб борди-да, беихтиёр ўзини сувга отди. Шалоб этиб тушган товуш ва йигитнинг завқланиб қийқиришлари уйдагиларнинг эътиборини тортди. Ҳаммалари ташқарига отилишди. Ўғлининг ўзига келиб қолганини кўрган Раҳматбой мўйсафидни қучиб олди.

– Раҳмат сизга, отахон!

– Бу дастлабки натижа, холос.

Раҳматбой ва унинг рафиқаси ўзида йўқ шод эдилар.

– Бу ишни нишонлашимиз керак, отахон!

– Ҳа. Мен фақат коньяк ичаман.

Раҳматбой шундай кулдики, деразалар зириллаб кетди.

– Нега куляпсиз, дада? – сўради Шуҳрат сузишдан тўхтаб.

– Э-э... Отахон зўр латифа айтиб бердилар-да. Хоҳлайсанми, сенгаям айтиб бераман.

– Ҳа-ҳа.

Раҳматбой коньякхўр аскарида гижжаси ҳақидаги латифани ўзидан қўшиб-чатиб гапириб берди. Энди ҳовли ёш йигитнинг қувноқ қаҳ-қаҳаси билан тўлиб тошди. Манзурахон йиғлаб юборди. У қачондан буён фарзандининг бундай шодлигини кўрмаганди.

Ҳаммаси рисоладагидай кетаётганди. Энди Шуҳратнинг қўл-оёғи боғланмай ўзи эркин муолажа оладиган бўлди. У ниҳоят атрофидагиларнинг уни даволаш учун куйиб-пишаётганларини англаб етди. Кўнгли оғуни унута бориб, бир оз гаплашадиган, ҳарҳолда, ҳадеб нолийвермайдиган бўлди.

Аммо кунлардан бир кун Мардон пайдо бўлди. У

мижози Раҳматбойнинг ўғли тезроқ "ломкага" тушишини истаб қўнғироқ бўлишини пойларди. Лекин кутилган қўнғироқ бўлавермади. Мардон ўзича "Улар дорини бошқа "клиент"дан сотиб олишяпти, шекилли" деган ўйга борди ва Манзурахонга ўзи қўнғироқ қилди:

– Ассаламу алайкум, опажон!

– Во-алайкум, кимсиз?

– Мардонман. Ўғилча қалай?

– Вой, тузук, раҳмат.

– Ёрдамим керак бўлмай қолдими, дейман-а?

– Йўқ. Дадаси уни каттароқ касалхонага олиб кетувди.

– Фойдаси йўқ. Пулни бекорга совурасизлар. Улар тузатишолмайди.

– Бўлмаса, ким тузатади?

– Ҳеч ким. Фақат биз унинг умрини узайтира оламиз. Ўғлингиз касал, аллақачон бизга аъзо бўлган. Шунинг учун биз ундан хабар олиб, зарур бўлса дори-дармон етказиб турамиз. Сиз кўпроқ сотиб олиб қўйинг. Хуруж бўлганда укол қилиб қўяверасиз, вассалом.

– Қурғур дориларинг жа қиммат-де. Нархини туширишнинг ҳеч иложи йўқми?

– Доимий мижозларга, албатта бор. Масалан, сизга ярим нархида берамиз. Фақат бир шарти бор.

– Қанақа шарт?

– Бошқаларга ҳам сотиб турасиз. Бундан яхши даромад оласиз. Шунда Шуҳратбек учун дори, ҳатто текингаям тушади. Хўш, ишлаймизми?

– Ўйлаб кўраман.

– Лекин бу гап фақат орамизда қолсин. Шуни билингки, сиз аллақачон биз билан ҳамкорлик қилмоқдасиз. Таклифимга рози бўлаверинг, ютқазмайсиз.

– Хўжайиним...

– Хўжайинингиз асло билмагани маъқул. Ме-

нимча, фарзандингиз учун кўпроқ сиз қайғурасиз, шунақами?

– Хўп, майли, мен ўйлаб кўраман, хўпми?

– Қўнғироғингизни кутаман, – дея томоғини маъноли қириб қўйди Мардон.

– Ҳа, нимани ўйлаб кўрмоқчисиз? – сўради берироқда турган эри.

Аёл ким билан, нима ҳақида гаплашганини батафсил гапириб берди.

– Оббо, баттол-ей. Демак, Шуҳратни йўлдан урган шу бўлади, оғуфуруш, ифлос! Бунинг чорасини кўрмасак ўғлимизни у тинч қўймайди. Ким билади яна қанча ёшлар унинг тузоғига илинган экан?

– Нима қиламиз?

– Қўнғироқ қилса, "Пулнинг ҳаракатини қиляпман", таклифингиз менга маъқул" денг. Мен бир милиционер ошнам билан маслаҳатлашиб кўраман.

– Эҳтиёт бўлинг-да, дадаси. Бунақалар жуда ёмон бўлишади-я.

– Ҳа. Лекин ўз боламизни қузғундан ўзимиз асрашимиз лозим.

* * *

...Мардонни қўлга олиш қийин бўлмади. У таклифига кўнган Манзурахоннинг атайин уюштирган ҳаракатига ишониб, битта дозали шприцни ёнига олиб келганида жиноят қидирув бўлими ходимлари томонидан қўлга олинди.

Қизиғи шундаки, Мардоннинг келиши керак бўлган вақтда Шуҳрат навбатдаги гилвата муолажасига кўра ўраб ташланган эди. Режага кўра халоскор Мардонни Манзурахон Шуҳратнинг хонасига бошлаб кириши, иккита дозага пулни тўлаши ва у хаста йигитнинг қўлига укол қилишни бошлагани маҳали ходимлар уни қўлга олишлари керак эди. Лекин

Шуҳратни жойидан қимирлатиш мумкин эмасди. Шу туфайли унинг ўрнига Маржон табиб ўралиб атайин инқиллаб ётаверди.

– Ўҳ-ҳў йигитча, қалайсан энди? – деди Мардон унинг устига хурсанд иршайиб келиб уколини тайёрлар экан.

– Яхши. Фақат қариб қолдим, шекилли, – деди мўйсафид ва устидаги кўрпани кескин очиб юборди.

Мардон қўрққанидан бақириб юборди ва довдираб қолди. Уни осонгина қўлга олдилар.

Шундай қилиб куз тугаб, қиш келса-да, Раҳматбойлар оиласида соғломлаштириш ишлари фаол давом этди. Унинг устига Раҳматбойнинг ўзи устида ҳам асаб, қон босими юқорилиги, танасини тўлиқ тозалаш, озиш, танасидаги радиация нури ва бошқа заҳарли гардларни чиқариб ташлаш, тибетча ёшариш, тўкилган сочларини тиклаш, шамоллаган простата безларини даволаш бўйича муолажалар олиб борилди. Манзурахон ҳам эридан қолишмади. Ҳалимахон учун кун бўйи бетўхтов иш топилди.

Раҳматбой Маржон табибнинг маслаҳати билан "фито-бочка" деб аталувчи, физотерапевтик мослама сотиб олди. Уни фито-бочкадан одамнинг боши чиқиб турган ҳолда унинг танасига гиёҳли буғ юборилар ва шу алфозда танадаги тиқинларни эритиб, шифобахш таъсир этарди. Уни ҳовузи ёнидаги ҳаммомига ўрнатгирди. Бундан ташқари табиб отанинг тавсияси билан яна бир фарзандли бўлиш бўйича ҳам эр-хотиннинг ҳар иккисини даволаш муолажаси бир пайтда олиб борилди. Кекса табибнинг кўрсатмаларига кўра даволаш муолажаларини асосан Ҳалимахон бажарар ва у ҳам чин маънодаги Маржон табибнинг ҳамшира шогирдига айланиб қолганди.

Маржон табиб мазкур оиладаги мавжуд барча хасталиклар ва муаммоларни ҳал этишга қатъий бел боғла-

ди. Бу оила барча касалликларни енга олган, ўзлари учун соғлом муҳит ярата олган, унинг орзу-ўйидаги кўргазмали, соғлом хонадон бўлиши керак эди. Ҳозирги замон тилида бошқача айтганда, бу иш унинг илмий-тадқиқот иши бўлиб, залворли унвонларга лойиқ эди.

Унинг буйруғига кўра телефон алоқа воситалари узиб қўйилди. Тонг-саҳар, ҳали хўроз қичқирмасиданоқ қир-адирлар, тоғлик, сойлик, дала-дашт, хушманзара жойлар томон йўл олишар, тибетча ёшариш амалларини бажаришар ва уйга қайтиб ҳозирлаб қўйилган парҳез таомлар билан нонушта қилишарди. Сўнгра тушликка қадар тегишли муолажалар олишар, фито-бочка қабул қилишар, ором олишар, кимдир тренажер залида, кимдир чўмилиш ҳовузида сузса, кимдир қиздирилган қум халталарига кўмилиб ўралиб ётарди. Буларнинг ҳаммасини Маржон табиб назорат қиларди. Сўнгра кечки овқат ва кечки сайр амалларини биргаликда ўтказиб, бир оз телеахборотни кўриб барвақт ётиб, қотиб ухлардилар.

Бундан ташқари Маржон табиб Дилоромнинг саратон касаллигига қарши қўллаган "Ҳаёт эликсири"ни ҳам тайёрлаб, унинг бангилик касаллигига таъсирини амалда синаб кўрмоқчи бўлди.

Бутун оила бу синовга рози бўлишди. Раҳматбой бошида бошланган калликка қарши, Манзура бачадонидаги шамоллаш муаммоларини йўқотишда ҳам мана шу малҳамдан фойдалана бошлашди.

Табиб қанча вақт кетса ҳам мана шу қўллаётган ўз тажрибаларининг натижасини ўз кўзи билан кўришни ва амалий хулосалар чиқаришни истарди. Гиёҳванд йигитни бутунлай хасталикдан фориғ қилиш, оилани соғломлаштириш, ниҳоят уларга яна бир фарзанд туҳфа қила билиш кекса табиб учун улкан

орзу эди. Шу туфайли ҳам у қиш ичи шу хонадонда беихтиёр қолиб кетди.

Аммо хаёлининг бир четида доимо Дилзода турарди. "Бечора қиз. Аҳволи нима бўлди экан? Наҳотки, қиш совуқларида ўша қўй қўтонида ёлғиз қолиб кетган бўлса... Ундан бир хабар олиб қўйишим, иложи бўлса шу ерга олиб келишим керак", – деган ўйга борди мўйсафид ва бу масалада ёрдам бериши мумкин бўлган Раҳматбойга мурожаат қилишга қарор қилди.

Раҳматбой йўқ демади. Навбатдаги тоғу тошга саёҳатини ўша томонга буриб қўя қолди.

Кекса табиб йўл-йўлакай машина орқа ўриндиғида келаркан, кўз ўнгидан таниш сўқмоқлар, қишлоқ ва тоғ йўллари акс этарди. У беихтиёр шогирд йигит Меҳриддин билан кечирган кунларини ёдига олди. Лекин унинг Дилзода билан қандай танишиб қолганини ҳеч ақлига сиғдира олмади. Эслаб кулиб қўйди. "Яхши йигит. Тиришқоқ. Ундан ҳали яхши шифокор чиқади. Нима қилдийкин? Ўқишга кириб олдимикин? Дадаси шифокор, фан докторимиш. Қани энди у билан танишиб олсайдим. Ҳа. Сардорбекка айттириб, топтираман. Эҳтимол, Меҳриддин дадасиниям тоққа олиб келар..."

Ана шундай хаёллар билан бўлиб манзилга етганларини ҳам англамай қолишди.

Маржон табиб машинани қўй қўтондан берироқда тўхтатди. Унинг нияти қўшиқ куйлаётган қиз ёнига аста кириб бориш эди. Изғирин шамол увиллар, қўтон ичидаги пардалар сархуш лопиллар, қиз эса кўринмасди. Унинг ётоғи бўлган хашакхона ҳам бўмбўш. "Қариндошлари олиб кетишдимикан? Тузалиб кетган бўлса-ку, хўп-хўп" деб қўйди мўйсафид хаёлан ва машина олдига қайтиб келиб, "Сизлар машқ қилиб туринглар. Мен ҳозир келаман" деб Дилзодани қарамоғига олган чўпон – Гулмат тоғани қидириб кетди.

Қиз ўша ерда экан. Унга четки пастқам уйларидан

бир хонани ажратиб беришибди. Табиб отани кўриб беҳад қувониб кетди. Лекин ийманиб, чўпоннинг олдида ўзини кўрсатгиси келмади.

– Тузукмисан, қизим? – сўради табиб парда ортидаги беморига.

– Раҳмат. Ўзингиз яхши юрибсизми?

– Айтганларимни қиляпсанми?

– Ҳа.

– Натижа нима бўлди?

– Яхши. Доғлар йўқоляпти.

– Неча қоп олма единг?

– Жуда кўп. Кўнглимга тегиб кетди.

– Яхши. Қани, қўлингни кўрсат-чи.

Парда қимирлаб қизнинг териси бир оз буришган қўли чиқди. Мўйсафид қувониб кетди.

– Ие, яхши-ку! Энди бемалол очиққа чиқавер, қизим.

– Вой, ростданми?! – дея севиниб кетди қиз.

– Ҳечқиси йўқ. Сени олиб кетиб бир жойда даволайман, баҳоргача бутунлай яхши бўлиб кетасан.

– Нима, ўзингиз билан тоққа олиб кетасизми? – сўради чўпон.

– Йўқ, бошқа жойга. Унақа жой бу қизнинг тушигаям кирмаган. Бир бой одамнинг уйидаман. Унинг оиласини даволаяпман.

– Унақа бой одам, бунақа касали бор қизни уйларига қўйишармикан?

Бундай саволни мўйсафид кутмаганди. Шу туфайли бир оз каловланиб қолди. Хаёлига Ҳалимахон келди.

– Даволовчи ҳамширам бор. Ўшаникида тураверади, – деб қўйди у жавобан. – Қани, қизим, кетдик бўлмаса.

– Қаёққа?

– Сени даволаб, ўзимга қиз қилиб оламан. Кейин

менга қарайсан, манави тоғаларингдан хабар олиб турасан. Хўш, розимисан?

– Ҳа! – деди Дилзода ҳаяжон билан.

– Бўл тезроқ!

– Мен ҳозир...

– Ҳеч нимани олма. Уларни ёқиб юбориш керак. Мен сенга янги уст-бош сотиб олиб бераман.

Қиз кўп ўтмай енги узун кўйлак-лозим, камзул ва бошига катта гулли рўмол ташлаб, оёғига калиш, қўлига қўлқоп кийиб чиқди. Бу кийимни чўпоннинг хотини бергани сезилиб турар ва шу туфайли ҳам уни қирқ-эллик ёшлардаги жувон деб ўйлашлари мумкин эди.

– Танишинглар, бу менинг қизим Дилзодахон, – деди табиб ота машина ёнига келибоқ.

Раҳматбой бир сапчиб тушди.

– Ие, қизингизни топдингизми?

– Ҳа, ҳа, топдим, – деди мўйсафид қисқа қилиб.

Дилзода аста "Ассалому алайкум" деб қўйди.

– Э-э, муборак бўлсин. Топиларкану, ваҳима қилгандингиз-а.

– Ҳа, ҳайданг, кетдик!

– Келинг, хола, Шуҳрат, сен орқага ўтиб ол. Яхши бўпти. Мен жуда хурсандман. Неваралар ҳам бордир?

– Йўқ. Ҳали эрга тегмаган, – деди мўйсафид чўрт кесиб.

– Эҳ-ҳе, шунақами? Тоғу тошларда куёв дифицит бўлади-да.

– Кўп гапирмай, машинангизни ҳайданг.

– Хўп бўлади. Узр, отахон, – деди Раҳматбой яна бир бор аёлга назар ташлаб оларкан. Аммо рўмол тагидаги чиройли қошу кўзига нигоҳи тушиб аллanечук бўлиб кетди.

– Қизим ҳам давога муҳтож, Ҳалимахонникида яшаб туради.

Шуҳрат дадасига ҳайрон боқди. Раҳматбой қатъий эътироз билдирди.

– Э, йўғ-е. Ахир, сиз билан биз бир оиладек бўлиб қолдик-ку, отахон. Қизингиз ҳам бегона эмас, биз билан яшаб, ул-булга қарашиб юраверади.

– Майли, кўрамиз, – деди мўйсафид қисқа қилиб.

Қизини топиб олган бўлса-да, кайфияти яхши эмаслигини пайқаган Раҳматбой бошқа гап қистирмади, балки фикран "Бирор оилавий муаммоси бор шекилли, кейин сўраб билиб оламан", деб қўя қолди.

Табиб ота Ҳалимахонга ҳам "қизини" таништириб тезлик билан унинг танасини тўлиқ тозалаш, гилватага ўраш, ҳаром қонини олиш бўйича кўрсатмалар берди ва уни холироқ жойга чақириб олиб, қўлига бир талай пул берди.

– Қизим билан дўконларга бирга борасиз. Бир қатор янги миллий уст-бошлар, икки қатор ички кийимлар, упа-эликлар, хуллас, аёлларга нима зарур бўлса ҳаммасини олиб беринг. Кейин яхшилаб ювинтириб, сочларини турмаклатиб, кечки овқатга олиб келинг, хўпми? Кейин саломатлигининг ҳолати ҳақида ҳам айтарсиз.

– Хўп бўлади. Хола шу ерда яшайдиларми ё бизникига олиб кетайинми?

Мўйсафид бир оз ўйланиб қолди ва ўзига "Наҳотки, инсоннинг кийими ёшини бузиб кўрсатса", деб қўйди.

– Аввал айтганларимни қилинг. Кейин ўйлаб кўрамиз.

* * *

Кечки оқшом Раҳматбойлар оилавий дастурхон даврасида ўтиришгани маҳали Ҳалимахон оғзи қулоғида тўсатдан кириб келди. Унинг тили калимага келмасди.

– Қизим қани? – сўради табиб ота.

– М-мана. Келинг, келаверинг, Дилзодахон!..

Хонага "Ассалому алайкум" деб, шаҳло кўзларини жовдиратиб, илиқ табассум ила миллий кийимда бетакрор гўзал Дилзода кириб келди. Раҳматбойнинг оғзи очилиб қолди. Шуҳратнинг эса қўлидаги пиёласи тушиб кетиб чил-чил синди.

– Холам қанилар? – сўради Раҳматбой.

– Қанақа хола, гарангмисиз, – деди табиб хотиржам. – Одамнинг катта-кичиги уст-боши билан ўлчанмайди-ку.

Қизни ўтиришга таклиф қилишди. Дилзода ибо билан худди келинлардай хизмат кўрсата бошлади. Шуҳратнинг юраги шундай така-пука эдики, агар телевизорнинг товуши бўлмаганида уни ҳамма эшитиши мумкин эди.

Маржон табиб қизнинг ёқаси баланд кўйлаклари остига яширинган доғларга разм солди. Улар деярли сезилмаётганди. Шу туфайли ҳам кайфияти кўтарилди.

– Раҳматбой, бу дейман, қизим топилганини нишонламаймизми?

– Ие-ие, узр, отахон. Ҳой, хотин!..

– Дўконлар беркилиб қолган бўлса-я!

Уч эркак "Аскарида" латифасини эслаб шундай кулишдики, нима учунлигини англамаган аёллар ҳам уларнинг кулишларини кўриб кулаверишди.

– Менинг устимдан кулмаяпсизларми, ишқилиб? – дея тўсатдан сўради Дилзода хижолат чекиб.

– Э, йўқ, синглим, парво қилманг. Биз кулги муолажасини оляпмиз. Бир марта яхшилаб кулсангиз унинг қуввати ўн олтита тухум билан тенг. Ҳозир биринчи овқатга тухум еяпмиз, – деди Раҳматбой кулиб.

Ҳаммалари яна гурр этиб кулиб юборишди.

– Мен тухумни ёмон кўраман, – деди Дилзода.

Бу гап яна кулгига сабаб бўлди.

– Шуҳрат, қизимга олмадан узатвор.

Қиз "Олмаям емайман" деб кескин рад қилди.

– Нима қиласан бўлмаса?

– Ҳим-м, – дея ўйланиб қолди қиз ва кутилмаганда "Қўшиқ айтиб бераман" деб юборди.

Дилзода тузалмас мохов касаллигидан бутунлай фориғ бўлаётгани, бадбуй ҳидли, қўй-қўтонлар чангалидан қутулиб, яхши одамлар даврасига, яна қаср, кошонада пайдо бўлганидан, кечагина ўз жонига қасд қилишга тайёр қизнинг бугун ҳаёт нашидасини суришдан, қафасдан қутулган қуш каби бахтиёр парвоз қила бошлаганини ўз хонишларида ифода қилиб, чин дилидан куйлай кетди.

Унинг мурғак қалбидан отилиб чиқаётган майин нолалар даврадошларнинг дилларини яйратди, банги йигит Шуҳратнинг эса юрагини ўйнатди. У гўё ўзида хуруж бошлангани каби бошини хам қилиб, баъзан кўксини силаб тебраниб ўтирарди. Бу лаҳзаларда йигитнинг қалбида кечаётган кечинмалар фақат Маржон табибгагина аён эди. "Майли-да, ишқ ҳам уни даволашга кўмак беради. Аммо уларнинг тақдири туташадими, йўқми, буни худо эмас, Раҳматбой билади" деб қўйди у хаёлан.

Дилзода Муҳаммад Юсуфнинг "Капалаклар" деб аталган шеърини қўшиқ қилиб айтарди:

Туғилгандан мен шўрликнинг бағрим қон,
Бир жисмимда талашади икки жон.
Жон талашсам, тепамда чарх урган ул,
Капалаклар одамлардан меҳрибон...

Оққушларим оқ ёмғирда учарлар,
Саҳарлардан шудринг-шароб ичарлар.
Танламайин қабрларни қучарлар,
Капалаклар одамлардан меҳрибон...

Гулга қўнса қанотлари ботмайди,
Ожизларим бировга тош отмайди.
Бир кун яшар, бир-бирларин сотмайди,
Капалаклар одамлардан меҳрибон...

Бир қарасанг, на кулбаси, уйи йўқ,
На товуши, на қўшиғи, куйи йўқ,
Капалакнинг камбағали, бойи йўқ,
Капалаклар одамлардан меҳрибон...

Муҳаммадга ишонган, эй мўминлар,
Ўлсам сўзим эслаб, ўйга чўминглар,
Капалакнинг қанотига кўминглар,
Капалаклар одамлардан меҳрибон...

Қизнинг дарду аламини ўзида мужассам қилган ушбу қўшиқ нолалари гўё капалаклар мисоли енгил парвоз қилар, гўё даврадаги ҳар бир тингловчининг юрагига бир-бир қўниб деразанинг очиб қўйилган дарчаси орқали чиқиб, капалаклардай енгил қанот қоқарди.

IV БОБ
ЁВВОЙИ КЕЛИНЧАК ВОҚЕАСИ

Қор учқунлаб қишдан дарак берса ҳамки, Маржон табибдан дарак бўлавермади.

– Ишқилиб, ота омонмикин, хотин? – сўради Дилмурод хавотирлик билан.

– Ҳа, бахтимизга соғ бўлсинлар, ишқилиб.

– Иссиқ жон, қаерларда қолди экан-а? Худойдодниям дараги йўқ.

– Ишлари кўпайиб кетгандир-да... Шокиржонга ўхшаб, тағин билмадим.

– Э, нафасингизни иссиқ қилинг-е. Наилож, ўзимиз қишлаймиз, шекилли. Сабзавотларимиз етарли.

– Улар бизнинг ҳужрада музлаб қолиши мумкин.

– Ҳа. Сабзини ўрага кўмиб, қолганини табиб отанинг ҳужрасига элтамиз. Энди у ернинг дарвозаси кенг, шароитлари мўл.

– Ўша ерда қишласак, ўтин-тезак ҳам кўп кетмайди.

– Тўғри. Шундай қилганимиз маъқул. Бўлмаса, жониворларимизни ғоримизга жойлаймиз. Сим дарвозани яхшилаб беркитиб устидан қулфлаб қўяверамиз.

– Ҳа, Бургуталигаям яхши бўлади. Унча-мунчага касалликка чалинмайди.

– Иссиқ булоқ ёнимизда, гиёҳ, дори-дармонларимиз ҳам етарли.

– Айниқса, китобларни айтмайсизми. Уларни нақд хазина дейсиз.

– Ҳа. Мен бир илож қилиб отанинг битикларини нашр қилдиришим ёки бу иш қўлидан келадиган бирорта ақли зукко инсонга топширишим керак. Одамлар улардан яхши фойдаланиб шифо топишлари мумкин.

– Ҳа, тўғри айтасиз, дадаси. Бу ишларни биз бажармасак, ким қилади?

– Келинг, ўша ерда яшаймиз-да, китобу қўлёзмаларни мавзусига кўра саралаб тартибга соламиз. Нима дейсиз?

– Ҳа, уларда инсон саломатлиги учун фойдали манбалар жудаям кўп.

Шундай қилишди. Қор аралаш ёмғир тинган чароғон кунларнинг бирида улар Маржон табибнинг "Жаннатғор" аталмиш ҳужрасига кўчиб ўтишди. "Камбағал бўлсанг, кўчиб кўр" деганлари рост экан. Яхшиям, эшаклари бор. Дилмуроднинг пастлик томон қатнайвериб тинкаси қуриди. Эртаси бўлса чинакам қор ёға бошлади.

Ғор ичкарисида гўдак йиғиси ўзгача садо бераркан. Йиғлай бошлагани ёки қийқириб овоз чиқаргани ҳамоно Бургутали, баъзан ўз товушидан чўчиб тушар ва теварак-атрофга ҳайратланиб аланглади. Булоқ балиқлари унинг овунчоғига айланди. Дилором буюмлар орасидан Маржона гўдаги учун қўлбола ясаган қўғирчоғини ҳам топиб олди. Лекин гўдакнинг сувга тушиб кетиш хавфи бор эди. Шунинг учун Дилмурод силлиқ калтаклардан чиройли панжара ясаб ўрнатди. Ғор деворларига ҳам ёғочларни силлиқлаб жуда кўп осма токчалар ясаб, уларга идишлару озуқаларни жойлаштиришди. Китобларни бўлса сандиқчаларга тахлашди. Чунки улар аста-секин нам тортиб яроқсиз бўлиб бориши мумкин.

Китоблар орасида "Ёввойи келин" деб аталган бир замонавий саргузашт китоб бўлиб, уни Дилмурод охирги бор Тошлоққа бориб келганида суюкли хотини учун сотиб олганди. Бу китобда асар қаҳрамони Сабоҳат исмли келинчакни гиёҳванд йигитлар ўғирлаб олиб қочиб, бир ғорга олиб келишади. Не азобларни бошидан кечиришади. Келинчак ғорда қолиб кетади. Ўз қисматига ўхшаш бўлгани учунми, Дилором шу китобни қайта-қайта ўқиб чиқар ва ҳар ўқиганида кўз ёшлари китоб қатига томаверар, варақлари эса сарғайиб шишиб кетганди.

– Дадаси, сиз мана шу китоб муаллифини топишингиз зарур. У Олтиариқлик экан. Табиб отанинг битикларини нашр қилдиришга ёрдам берса ажабмас.

– Майли. Шу сафар борганимда Олтиариққа, албатта, ўтиб келаман.

– Бир йўла қўлёзмаларни ҳам олиб кетсангиз-чи-а?

– Бунинг учун табиб отадан рухсат олмоғимиз керак бўлади-да.

– У йўқ дермиди.

– Барибир у келса, кейин кетаман.

– Нима бўлсаям қўлёзмаларни тайёрлайверайлик. Ҳам ўқиймиз, ҳам саралаймиз.

– Яхши. Керакли жойларини дафтарга кўчириб ҳам оламиз. Чунки уларда даволашнинг ажабтовур усуллари кўп экан.

– Сиз билан бизнинг тақдиримиз ҳам, ўзи бир китоб.

– Шунақа. Лекин ўқувчи учун биз ибрат бўлолмаймиз.

– Тўғри айтасиз. Биз қонунбузар, қочоқлармиз.

– Мана кўрасиз, адолат барибир бир куни қарор топади.

– Агар Маржон табиб битикларини нашр қилдира олсак ва ундан неча-неча одамлар тўғри фойдалана билишса, демакки, қилган айбимизни қисман ювган бўлармидик.

– Ҳа. Табиб отанинг бир умр йиққан тажрибаси – бу хазина. Бу халқимиз учун яхши хизмат қила олади.

– Бўлмаса, вақтни бой бермайлик, дадаси. Сиз гиёҳлар бўйича, мен бўлса, шифоли емаклар, жонзотлар ҳақидаги маълумотларни саралаб чиқайлик. Табиб ота келишлари биланоқ қилган ишларимизни у кишига кўрсатамиз, нима дедингиз? Ҳарҳолда, билимимиз бор...

– Яхши. Унда овқатни сузинг. Қорин таталаб кетди.

– Бургуталиниям ухлатиб қўйишим керак.

– У ухлаяпти-ку.

– Вой! Қаранг, қандай ширин-а?..

Қўғирчоқни қучоқлаб, панжара ортидан балиқларга тикилганича пўстак устида болакай пишиллаб ухлар, енгил эпкин унинг қорамтир сочларини эркалар, ўчоқдан кўтарилаётган кўк тутун таом буғи билан қўшилиб ғорнинг улкан туйнуги томон сокин бўй чўзарди.

Аммо таом бўйи туйнукдан чиқиб, баъзи ёввойи жониворларнинг ҳам димоғини қитиқлар, баъзан

бўри, тулки, силовсин туйнукдан мўралаб қўйишар, аммо тубсиздек туюлган ғор ичига сакрашга ботина олишмасди. Унинг ўрнига ўша хушбўй ҳид туфайли шу атрофга келиб қолган юмронқозиғу сичқонларни тутиб тановул қилиб қўя қолишарди. Шу туфайли туйнук тепасида сокин парвоз қилаётган бургутларнинг ҳам доимий назоратида эди. Шу кўйи қиш ичи туйнукдан тутун бўйи аримади.

Дилмурод теварак-атрофларга, айниқса, сурув сақланаётган ҳудудга кўпроқ қопқон қўйди. Уларга хилма-хил жониворлар илиниб турди. Бир гал айиқ боласи ҳам тўр тузоққа тушди. Болакай онасини ёрдамга чақириб тоза бўзлади. Дилмурод етиб келганида онаси унинг атрофида нима қиларини билмай гир айланарди. Айиқчани тузоқдан бўшатиб олиш қийин эмасди, аммо бу ишга она айиқ кўп хиралик қилди. Баъзан бўри, тулки ҳам илинарди. Дилмурод уларга ўзича панд-насиҳат қилиб қўйиб юборарди. Лекин қуён, сувсар, каклик, тустовуқ каби жониворлар оиланинг асосий озуқа манбаларига айланиб қолди.

Қиш чўзилди. Қор белдан баланд эди. Қўй қўрага келиб кетиш йўлида юриш ҳам жуда мушкул бўлиб, худди узундан узоқ аскарларнинг окопига ўхшаб қолди. Албатта, бундай шароитда Маржон табибнинг ёлғиз ўзи сафардан қайтиб келиши амри маҳол эди.

Дилмуроднинг хаёлидан "Мўйсафидни қидириб бориб келсаммикин?" деган фикр ҳам ўтди, аммо Дилоромнинг ёлғиз қолиши ва бир гал ўзи ҳам бедарак кетганини эслаб, фикридан қайтди. "Ноилож, баҳорни кутишга тўғри келади" деб қўйди у.

* * *

Ниҳоят, баҳор шабодаси эса бошлади. Дилмурод билан Дилором ғор дарвозахонасию ичини "шинам кошона"га айлантириб, саранжомлаб чиқишди. Та-

биб ота учун ўзларича "сюрприз" тайёрлашди. Лекин Маржон табиб ҳам кутилмаган бир сюрприз билан келаётганди.

Табиб ота асосан Раҳматбойникида қишлади. Банги Шуҳратни даволаб, ора-орада бошқа беморларнинг ҳам ҳолидан хабар олиб турди, муолажалар ўтказди. Шулар ичида Дилзода ҳам бор эди.

Дилзода кутилмаганда соғайиб гўзал қизга айланди. Бундай ҳурликони ёлғиз қолдириш асло мумкин эмасди. Шу туфайли қизни ёрдамчиси Ҳалимахонникига олиб кетишни режалаштирди. Бир кўнгли тузалиб, кўркам йигитга айланган Шуҳратга уни унаштиришни ҳам ўйлади. Раҳматбойга қиз ҳақида қисқача гапириб ҳам берди. Аммо Раҳматбой кескин рад қилди. "Нима яккаю ёлғиз ўғлимга таг-тугининг тайини йўқ қизни олиб бераманми? Бизнинг кудалар ўзимизга мос бўлиши керак. Орзу-ҳавасимиз бор, ахир" деб жавоб қайтарди.

– Яхши. Лекин таклифимни бир ўйлаб кўринг, – деди табиб ҳам бўш келмай.

Хуллас, баҳор тароватини кўз-кўз қилаётган кунларнинг бирида тутинган табиб ота билан Дилзода ўша маҳобатли шаршара ва кўркам тоғлар бағрида пайдо бўлишди. Улар, аввало, Дилмурод ва Дилоромни йўқлаб ўтишмоқчи эди. Чунки қандай қишлашгани, гўдагининг ва ўзларининг аҳволини билиш жуда муҳим эди. Аммо шу ерда бир йўла дам олишни мўлжаллаб, ҳориб-чарчаб келишарди. Маржон табиб узоқроқдан, арчазор ичиданоқ "Ҳе-ҳе-ҳе-ҳей, мен келдим!" дея овоз берди. Тоғу тошлардан ажиб акс садо эшитилди.

– Қизим, эшитишмаяпти шекилли, сен ҳам ёрдам бериб юбор.

Дилзода бу гапни тўғри қабул қилди ва "Ҳе-ҳей, биз келдик!" дея қийқирди. Аммо жавоб бўлмади.

Ниҳоят, улар қўй-қўзили қўрғонга етиб олишди.

Аммо бу ерда ҳеч зоғ кўринмас, қўй-қўзиларни ғорҳужрадан олиб чиқиб кетган Дилмурод у ерни яна қулфлаб қўйган, янги излар уларнинг яқин орада бу ерни тарк этганларидан далолат берарди.

– Оббо, кеч қолибмиз, шекилли. Наҳотки, улар айланма йўл билан қишлоққа кетишди? Бечоралар жониворлар билан бирга қишлашганга, ўхшайди. Бургуталига нима бўлди экан-а? Омон бўлишсин-да, ишқилиб. Э худо, уларни ўз паноҳингда асра. Мундоқ хабар ҳам ололмадим. Менинг ғоримга ўтиб олишганида-ку, яхши бўларди. Аммо...

Табиб ғор уйига қор изғиринда гўдаги билан кира олмаётган Дилоромни кўз олдига келтирди. Дилмурод ичкарига кириб олиб гўё гўдак томон қўлини узатар, гўдакнинг юз-кўзларига қор урилар ва бирғиллаб йиғлар, беҳол она уни узатиб бера олмаётганди...

Мўйсафид бир чўчиб тушди. "Эҳ, мен нима қилиб қўйдим-а. Тезроқ келишим керак эди-ку. Бойнинг кошонасида кибрга берилдим, шекилли. Наҳотки, бу ерда ҳам бир оила борлигини ва улар ўз фарзандимдек бўлиб қолгани ёдимдан кўтарилди?! Ҳа, қариб қолдим, миям қурсин. Мен эси пастни кечиринглар..." деган нохуш ўйлар хаёлида лип-лип ўтди ва бехос шашт билан ўрнидан турди-да, "Кетдик, қизим" деди.

– Қаерга?

– Уйимизга!

Қизга бу сўз мойдек ёқди. Чунки унинг оёқ-қўллари жуда совуқ қотганди. Олов ёнида исиниб олишни жуда-жуда хоҳлаётганди.

– Мен жуда совқотдим, ота, – деди қиз дилидагини ошкора қилиб.

– Бу ёғи яқин қолди. Бир оз чидайсан энди, қизим.

– Уйингизда ҳеч ким бўлмаса, демак, жуда совуқ бўлса керак-а?

– Йўқ. Уйимнинг эшиги йўқ, тешиги бор. Тешикдан ҳар қанақа совуқ кира олмайди. У ерга ҳатто одам ҳам базўр киради, – деди мўйсафид ва шу маҳалгача эшик масаласини ҳал қилолмаганидан хижолат тортди.

– Эшакларимиз-чи?

– Ҳим-м, эшакларни шу ерда қолдирсак яхши бўларди. Лекин қўтон қулф экан, наилож, уларни қўйиб юборамиз. Бўриларга ем бўлгунларича ҳаёт гаштини сураверишади.

– Вой, ўлмасам!

– Ҳечқиси йўқ, эртага эрталаб уларни шу ерга олиб тушиб қўяман. Қулфни бузиб очиб, сўнг устларидан сим бойлаб қўяман. Бир кеча минг кеча бўлмайди.

Шу пайт шивалаб ёмғир ёға бошлади.

– Оббо, энди шу етишмай турувди. Эҳтиёт бўласан, қизим, тоққа шу аҳволда чиқишимизга тўғри келади.

– Қулфни ҳозироқ бузиб, ичкарида исиниб, ёмғир тинганидан сўнг йўлга тушсак-чи?

– Буям тўғри. Майли, бўлмаса бир оз дам олволамиз. Юра қол, қизим, – деди мўйсафид ва бир қиррали тошни олиб қулфни уриб синдирди.

Ичкари қўйнинг қийи ва мол тезаги билан тўла бўлиб, одам зотининг бу ерда яшаганлик нишонаси йўқ эди.

– Қизиқ, улар бу ерда яшамаган кўринади. Яшаган бўлганида, албатта, ўчоқ ўрни бўларди, – деди чол у ёқ-бу ёқни кўздан кечираркан.

Қиз ўртага хас-хашакларни йиғиб, олов ёқиб юборди. Гулханнинг кўкимтир тутуни ғор оғзидан чиқиб тоғ ёнбағирлаб кетарди ва тутун ҳиди нариги дарада сурувни боқиб юрган Дилмуроднинг димоғига ҳам етиб борди. Ит бехос ҳурий кетди.

Дилмурод баланд қоялардан бирига кўтарилиб қўйхонаси томон дурбини билан боқди. Ғор олдида

номаълум, тепасида юки бор икки эшак турар, ғор оғзидан буруқсиб тутун чиқарди.

Дилмурод қўрқиб кетди. Аммо нимадир қилиш керак, жониворларни тез орада у ерга қамаш лозим. Шу туфайли чўпон ёғочини милтиққа ўхшатиб аста пойлаб борди. Лекин бир эшакдаги милтиққа кўзи тушди-да, тез бориб қуролни олиб қўйди. Энди анча дадиллашди ва ҳақиқий қуролни ўқталиб ғор оғзида пайдо бўлди. Қулф бузилганини кўриб эсхонаси чиқаёзди ва шу ердан туриб ичкари томон қичқирди:

– Ҳой!.. Ким бўлсанглар ҳам қуролларингни ташлаб қўл кўтариб, ташқарига чиқинглар! Ғор ҳарбийлар томонидан қуршаб олинган!

Қиз "Вой!" дея қичқириб юборди. Мўйсафид бўлса хотиржам бир чўпни қўрга ташлаб қўйди-да, қичқирди:

– Ҳой Дилмурод, ўша ҳарбийларингга айт, келиб исиниб олишсин!

Аммо Дилмурод қўрққаниданми ё чиндан ҳам хижолат чекканиданми иккиланиб киравермади. Шундан сўнг Маржон табибнинг ўзи қўлларини кўтариб эмас, балки қулочини кенг ёзиб ғор оғзига чиқиб келди. Ортидан хавотир олиб Дилзода ҳам мўралади. Табиб отани кўриб Дилмурод қувониб кетди ва милтиқни бир четга қўйди-да, қучмоқ учун чоғланди.

– Э устоз, бормисиз? Соғинтириб юбордингиз-ку!

– Ҳа энди, бир қадримни билай, дедим-да.

Улар кўришаркан, Дилмурод "Бу қиз ким?" дея қулоғига шипшиди.

Менинг қизим. Исми Дилзода.

– Эҳ-ҳа, балки...

Дилмурод қиз билан дудуқланиб саломлашди-да, мўйсафиднинг қулоғига шивирлади.

– Мен бўлса эллик-олтмиш ёшли аёлни қидириб юрибман.

– Эшитдим, Наманганга, "Болалар уйи"га борибсиз. Лекин менга ҳеч нима демадингиз.

– Ахир, сиз ўшанда менга қизимнинг исми Дилзода, ёш қиз, демадингиз-ку.

– Ҳа, тўғри. Ўзимниям бундан хабарим йўқ эди.

– Э, унда муборак бўлсин, устоз!

– Раҳмат. Лекин мен Меҳриддин билан Фарғонадаги "Болалар уйи"га бордим. Хуллас, қизимни тополмадим.

– Нима?!

– Бу қизни асраб олдим. Уни тоққа атайин адаштириб, ташлаб кетишган экан. Сизлар кетиб қолсанглар менга кимдир қараши керак-ку.

– Тавба. Шундай гўзал қизни ташлаб кетишибдими-а?

– У мохов эди, тузатиб олдим, холос.

– Йўғ-е?! Қ-қанақасига? – каловланиб сўради шогирд.

– Шунинг учун ҳам узоқ қолиб кетдим-да.

– Ҳа, айтмоқчи, Дилором, Бургуталилар қани?

– Айтмайман, – деди Дилмурод ҳам атайин ўзини қайсарликка олиб.

– Хўп, майли. Ишқилиб, омонмисизлар?

– Ҳа.

– Қишдан эсон-омон чиқиб олдингларми?

– Ҳа.

– Биз совуққотиб қолувдик, ҳалиги... – деди табиб бузилган қулфга ишора қилиб. – Ҳужрамга борайлик, сизга бошқа қулф бераман.

– Сиз хижолат бўлманг, устоз. Қани, кетдик бўлмаса.

– Қаёққа?

– Сизникига-да. У ер иссиқ, овқат ҳам пишиб қолгандир.

– Нима?! Меникида яшаяпсизларми?

– Албатта.

– Дилором гўдаги билан қанақа қилиб, ҳалиги... Ёки уларни туйнукдан тушириб қўйдингизми?

– Бир илож қилдим-да. Буниси сир.

– Ўҳ-ҳў, – деди мўйсафид қалин қошларини хийла кўтариб.

– Бўлмаса, сизлар исиниб турингглар. Мен жониворларни олиб келай, кейин бирга кетамиз.

– Лекин энди қандай қулфлаймиз?

– Бир амаллайман-да. "Қулф бераман", дедингиз-ку.

* * *

Маржон табибнинг ғор-ҳужрасига олиб борадиган сўқмоқ юқорисида ҳали қорлар эриб улгурмаган, қорлар босилавериб муз қатламларига айланган эди. Шу туфайли юриш жуда оғир, ёғоч асолардан фойдаланишди. Аммо юраверіб, унинг ҳавосини олволган Дилмурод биринчи бўлиб чиқиб борди-да, атайин ғорнинг янги эшигини тўсиб олди. Лекин бу маҳалда эшик ортидан эмаклаб келган Бургутали "дад-да" деб темир панжарани ушлаб ўрнидан туриб оёқларига ёпишди. Отаси "Жим" ишорасини қилса-да, гўдак қиқирлаб кулиб қўйди.

– Ҳали узоқми? – сўради Дилзода ҳансираб.

– Етиб келдик. Фақат бир тешикка бош суқсак олам гулистон, – деди мўйсафид.

– Кошонангизга хуш келибсиз, устоз! – деди Дилмурод ва дарвозани кўрсатди.

Темир панжарани ушлаб турган болакай қийқириб қўйди.

– Вой анави болачани, намунча ширин бўлмаса! – деб юборди қиз.

Маржон табиб ҳам ҳайратланиб "Воҳ!" деб қўйди.

– Ўҳ-ҳў, дарвоза ҳам бўпти, посбониям бор, – деди у ва эшикни очиб гўдакни кўтариб оларкан. "Вой-бў,

менинг ўғлим катта бўлиб қолибди-ку-а" дея гўдакни алқаб, қучоқлаб ўпиб олди.

– Қани, ичкарига марҳамат қилсинлар. Ҳой, онаси!.. Қаердасиз?! Меҳмонлар келишди-ку!..

Ичкаридан Дилором пешвоз чиқиб мўйсафидни тавоф қилди ва Дилзода билан кўришди. Мўйсафид ғор ичидаги саранжом-саришталикни кўриб, "Э бўларкану... Яшанглар, қойил!" деб қўйди.

"Мен ҳозир" деди Дилором ва чопиб бориб бир китоб ичидаги аёл суратини топди-да, шошиб ола келди.

– Мана, бунисига нима дейсиз?

– Воҳ!.. Ахир, бу Маржона-ку! Қаердан топдингиз?

– Китоблар орасидан. Биз уларнинг ҳаммасини ташқарига олиб чиқиб шамоллатдик.

– Э, яшанглар, раҳмат. Манави суратни топганларинг лекин улуғ иш бўлибди. Энди ҳарҳолда қизимни топиш осонроқ бўлади.

– Ҳа, қизингиз онасига ўхшаши аниқ.

– Менинг қизим ўзимга ўхшайди, – дея гап қистирди Дилмурод.

– Ҳечам-да. Сизга ўғлингиз ўхшайди. Лекин манави аёл ойимнинг ёшлигига ўхшаб кетаркан.

– Хадича она қаёқдаю Маржона хола қаёқда...

Ҳеч кимга қўшилмай четроқда турган Дилзода ҳам суратни қўлига олиб "Опажон, суратдаги аёл сизгаям ўхшаб кетаркан" деб қўйди.

– Вой, бу қизни таништирмадингиз-ку, отажон? – сўради Дилором.

– Буям сизга ўхшаган битта қизим.

– Дилзода ҳам энди биз билан яшарканлар, – деди Дилмурод.

– Вой, қандай яхши. Энди зерикмайдиган бўлдим.

– Ўтирайлик. Бир дуо қилинг, устоз.

Мўйсафид олов атрофига пўстак тўшалган жойга ўтираркан, булоқ атрофидаги панжарани ушлаб қўй-

ди ва теваракдаги ўзгаришларга ҳам бир қатор разм солиб хурсанд бўлди.

– Қани, омин! Нима яхши ниятлар қилган бўлсак, ҳаммасига эришаверайлик, ёшлар бахтли бўлишсин, гўдаклар соғ-омон улғайишсин, қаторимиздан қолмайлик. Шу ерда ўтганлар, шу жумладан, Маржона опаларингниям руҳлари шод бўлсин, Оллоҳу акбар!.. Энди битта Қуръон тиловат қилиб қўямиз-а? – деди мўйсафид.

Унинг қироатона овози ғор сумалаклари оралаб ўзгача оҳангда янгради. Дилзоданинг кўнглидан эҳтимол "Бу ерда қўшиқ айтилса зўр бўлса керак!" деган сўз ўтган бўлса ажаб эмасди.

Мўйсафид, айниқса, китоблару қўлёзма битикларини тартибга солинганини кўриб жуда қувонди.

– Бу битикларингизни китоб қилиб нашр қилдиришни ният қилдик. Деярли ҳаммаси билан танишиб чиқдик. Кўп билимга эга бўлдик. Жудаям фойдали манбалар экан.

– Ҳа, тўғри. Ҳар қандай дарднинг давоси муқаррарлигига амин бўлганман. Бу ерда Шарқ, Ғарб, Сибирь, Олтой, Қашқар, Тибет халқ табобатида қўлланилаётган даволаш, умрни узайтириш бўйича маълумотлар кўп. Кейин ўз амалий тажрибаларим битилган. Қани энди уларни китоб қилинса, жуда улуғ иш бўларди.

– Бу улуғ ишга фақат сизнинг ижозатингиз керак, холос, устоз.

– Майли. Мен бўлмаса бир қатор кўз ташлаб қўяман. Кейин уларни қаерга топширмоқчисиз?

Дилором кўз ёшларига тўйинган шишиб, буришган китобни мўйсафиднинг қўлига тутқазди.

– Манавини ёзган одам бизга ёрдам бериши мумкин.

– Вой-бу, бу қанақа китоб?!

– Бу китобда сиз ҳақингизда ҳам ёзилган экан. Шу ер, мана шу ғор...

– Бу ерда ёзилишича, бир банги йигит бир келинни ўғирлаб шу ерга олиб келганмиш. Шу гап ростми? – сўради Дилмурод.

Мўйсафид, аввало, саргайиб кетган китоб муқоваси ва ундаги занжирбанд қиз суратига узоқ тикилди ва ички саҳифаларини бир-бир очиб кўрган бўлди.

– Ўҳ-ҳў. Демак, Сабоҳат ёзувчига бошидан ўтганларини айтиб берган экан-да.

– Ҳа-ҳа. Шунақа шекилли. Нима бўлган ўзи, бизгаям айтиб беринг.

– Майли, бугунмас эртага, хўпми, отажон? – деди Дилором меҳрибонлик билан. – Чарчагансиз, дам олинг. Мен сизга "люкс хона"га жой қилиб бераман.

– Ҳа, ваннани тайёрлаб "фито-бочка"ниям ёқиб қўйинг.

– Тушунмадим, – деди Дилором ҳайрон бўлиб.

– Ҳазиллашдим. Мен бу китобни аввал ўқиб чиқайин, хўпми? Қизиқиб қолдим.

Шу онданоқ Маржон табиб ўша китобни берилиб ўқий кетди. Йўлда чарчаган бўлишига қарамай ётоғида шамчироқ ёқиб олиб туни билан мижжа қоқмади. У баъзида "Уҳ-уҳ", "Оббо, қизталоғ-ей. Жа ошириб юборибди-ку" деб овоз қилиб юборарди.

Эртаси эрталаб кўзлари қизариб кетган табиб ота китобни эгасига тантанавор топширди.

– Мана, раҳмат. Ўқиб чиқдим.

– Вой, ростданми?

– Лекин ёзувчи жа ошириб юборибди. Кўз ёшларингизга арзимайди.

– Чиндан ҳам шу воқеа бўлгани ростми?

– Рост. Лекин Сарвар бу ерга рус йигит билан эмас, бир банги ўртоғи билан келганди. Кейин қизни институтдан эмас, тўйдан ўғирлаб келишган. Чунки қиз

келин либосида эди. Баъзи жойлари, масалан, қизни қўтосга боғлаб олиб келишлари, кейин қўтоснинг қочиб кетиши тўқилган.

– Нега? Бўлиши мумкин-ку?..

– Тўғри. Лекин бизнинг тоғларда қўтослар яшамайди. Улар Тибет, Ҳиндикуш, Помир тоғларида учрайди.

– Лекин мана шу ерда келинчакнинг сиз билан яшагани, кейин сиз уни қишлоғига элтиб қўйганингиз-чи?

– Булар рост... Афсуски, кейин ундан хабар ололмагандим. Кейинги тақдиримдан билмасдим. Бир чолга тегибди-я, қаранг. Билганимда... бошқача бўлармиди. Чиндан ҳам Дилзодага ўхшаган жуда гўзал эди.

– Хақиқатда нима бўлганини айтиб берарсиз.

– Албатта, айтиб бераман. Бир оз ухлаб олай, хўпми, қизим?

– Аввал нонушта қилиб олайлик. Мастава қилгандим.

– Мастава бўлса, ичамиз!

Мўйсафид яхши дам олволгач, гулхан атрофида ўтириб "Ёввойи келин воқеаси" ҳақидаги ҳақиқатни мамнуният билан ҳикоя қилиб берди.

* * *

Шунақа баҳор пайти эди. Мен қишлоқда қишлаб яна шу маконимга қайтдим. Йўл-йўлакай янги ўсиб чиққан шифобахш гиёҳлардан териб Шайтонқоя томондан эмас, узоқроқ бўлса-да, атайин айланиб у томондан келдим. Ниҳоят, қадрдон илиқ сувли жилғага дуч келиб қувониб кетдим. Ўз уйим, ватанимдек қадрли бўлиб қолган Жаннатғоримни жуда соғингандим. Ҳар доим шундай яқин қолганимда "Эҳ-ҳеҳей, мен келдим!"деб қичқиришни хуш кўрардим. Овозинг қояларда акс-садо беради. Буталар ортида ўтлаб юрган кийигу бошқа жониворлар ҳушёр тортиб, тум-тарақай қочишади, қушлар гувв учишади.

Буларни кўриш, ҳавонинг мусаффолигини, табиат гўзаллигини туйиш, билсангизлар, нақадар завқли!..

Хуллас, ўша жилға орқали бу ерга чиқиб келаётсам, не кўз билан кўрайинки, ғор оғзи ёнидаги дўлана шохларида ювилиб ёйилган аёл кийимларига кўзим тушди. Таққа тўхтадим. Айтмоқчи, у пайтда ҳали ғор оғзи ёпилиб қолмаганди. "Уйимга бесўроқ кириб олган ким экан?" деб ҳайрон бўлдим. Кейин "Ичкарида қуролли одамлар ҳам бордир" деган ўйга ҳам бордим. Тўғриси, дангал кириб боришга қўрқдим. Секин дарвозадан ичкарига қулоқ тутдим. Бирдан "шир-шир"деган занжир овози эшитилди. Кимдир занжир судраб чиқиб келаётганини сездим ва ўзимни тошлар ва арча ортига олдим.

Не кўз билан кўрайинки, ғордан сочлари тўзғиган кўйлаклари буталарга илинавериб титилиб кетган бир аёл чиқиб келди. Қўлида оқ рўмоли ҳам бор эди. У ўша биз ҳар вақт тибетча машқлар ўтказиб турадиган одамбошсимон улкантош томон борарди.

Энг ажабланарлиси, унинг оёғи занжирбанд бўлиб, бирор жойга боғланган қисми узилган, оёқ тўпиқларидаги ҳалқалари бўлса бутун эди.

Аёлнинг ортидан ҳеч ким чиқмаганига амин бўлгач, ортидан пойлаб боравердим. У тош қоянинг энг баланд жойига чиқди. У томони чуқур жарлик эканини яхши билардим. Шу туфайли кўнглимни "ўзини ташлаб юборса-я" деган хавотирлик чулғаб олди ва шундай қилса ортидан судралиб бораётган занжирга ташлаб ушлаб қолишни режа қилдим. Аста бориб занжирнинг бир учини тутиб ҳам олдим.

Аёл чиқиб келган қуёшга қараб бир нималар деб, илтижо қилди. Сўнг оқ рўмолини бошига ташлаб худди келинчаклар каби уч марта салом берди. "Салом, қуёш!" деганини эшитдим. Кейин қайрилиб тоғларга ҳам "Салом, тоғлар!" деб салом берди. Шу маҳал ор-

тига қайтганди менга кўзи тушиб қолди ва "вой!" деб юборди. Мен "Қўрқманг, мен мана шу ғор эгасиман" дедим. У ўзини ўнглаб олди-да, менга ҳам келин салом қилди. "Кўп яшанг, келин!" деб уни алқадим.

– Ассалому алайкум! – деди у қўли кўксида.

– Воалайкум. Сиз кимсиз? – деб сўрадим.

– Сабоҳатман. Тўйим куни Сарвар деган йигит шериги билан мени чимилдиқдан олиб қочиб шу ерга беҳуш ҳолда олиб келиб қўйишди. У мени яхши кўрарди.

– Сиз-чи?

– Йўқ. Мен Мансур деган йигитга турмушга чиқаётувдим. Шундан хабардор бўлиб қолувди. Эрталаб ошга келишиб, келин қайси уйда бўлишини ва қандай ўғирлашни режалаштиришган шекилли.

– У аввал сизга совчи қўйдирганмиди?

– Ҳа. Мен кўнмаганман. Отам мени унга зўрлаб узатмоқчи бўлди.

– Нега?

– У киши пойтахтда ишлайдиган бир амалдорга, яъни Сардорнинг дадасига иш юзасидан тобе эди. Кейин абитуриентлигимда бир муддат уларникида яшадим. Кейин билсам у ашаддий гиёҳванд экан. Дадаси уни мана шу занжир билан боғлаб боқаркан. Мени яхши кўриб қопти. Хуллас, шу қизга уйлансам бангиликни ташлайман, депти.

– Ичкарида ким бор?

– Ҳеч ким?

– Сарвар қани?

– Эҳ-ҳе, гап кўп, отажон. Ичкарига кирайлик, қумғонда чой қайнаётувди.

– Нега оёғингиздагини ечиб қўймадингиз?

Мен унинг ҳалқа тақилган оёқларига разм солдим. Тўпиқлари ҳалқа изидан қизариб шилиниб кетганди.

– Ўҳ-ҳў, буни тезда ечиб ташлаб малҳам суртиш керак.

– Сарвар калитини олиб кетган-да. Мен уни узолмадим. У томонини қозиққа қоқиб кетганди. Бир илож қилиб суғуриб олдим.

– Бунга қанча вақт бўлди?

– Ўтган йили ўн биринчи ноябрда тўйим бўлганди...

– Эҳ-ҳе, мен ноябрь бошларида бу ердан кетгандим.

– Демак, етти ойдан бери шу аҳволда экансиз-да? Шу ерда қишлабсиз...

– Ҳа.

– Сарвар қайтиб келмадими?

– Йўқ.

– Қандай тирикчилик қилдингиз?

– Сизнинг захира озуқаларингиз бор экан. Кейин ёввойи эчкилар кўп. Уларни қўлимга ўргатдим. Уларнинг бир тўдаси оқшом шу ерда тунашади. Мен уларни соғаман. Ҳатто бир-иккитасини сўйдим, – деди қиз ва тўсатдан кулиб юборди.

– Нима?! Қандай қилиб?

– Яшаш учун курашишга мажбур бўлар экансанда. Қаҳратон қиш совуғида ташқарига чиқиб бўлмасди. Э кўйинг, бу ҳақида эсласам... Биринчи марта бир эчкининг оёқларини боғладим-да, кейин қарамай туриб бўйнига болта билан туширганман. Қон отилиб ҳамма ёғимни расво қилган. Кейин бир илож қилиб терисини шилиб олдим. Гўштидан ҳар хил овқатлар пиширдим. Терисидан оёғимга махси тикиб олдим, – деди қиз пўстагини ағдариб кийиб олган оёқ кийимига ишора қилиб.

Биз ичкарига кириб бордик. Димоғимга қий ҳиди урилди. Бу чиндан ҳам жониворлар кириб ётаётганидан далолат берарди. Келинчак занжирини ширилатиб юриб гиёҳли чой дамлади. Мен унинг оёғидаги ҳалқани қандай қилиб кесиш ҳақида ўйлардим. Уни

фақат уриб синдириш мумкин. Лекин оёғига шикаст етса-чи? Бошим қотди. У чой устида ўз ҳаёти ва бу ерга қандай келиб қолгани ва Сарварнинг нима сабабдан кетиб қолганию, уни номардларча ташлаб кетиб қайтиб келмаётгани ҳақида тўлқинланиб гапирарди. Менинг икки хаёлим бўлса ҳалқаларда эди. Ҳужрамдаги эски жомадонларни титкилаб эгов ёки темир арра қидирдим. Синиқ бир бўлакчаси топилди. У билан аста аралай кетдим. Келинчак эса ўз бошидан ўтганларини гапириб бераверди.

Сарварнинг келинчакни ташлаб кетиб қолишига бир мудҳиш воқеа сабаб бўлган экан:

...Келинчак ўшанда кўзини очса, ўзини шу ёввойи жойда кўрибди. Олдида Сарвар унга маҳлиё бўлиб ўтирганмиш.

– Уйғондингми, гўзалим?

– Вой биз қаердамиз?

– Жаннатғорда. Биз сен билан бу ерда энди эркин ва бахтли турмуш қурамиз.

– Нима?! Йўқ-йўқ, мен энди Мансур акамнинг хасмиман. Мени жойимга элтиб қўйинг! – деб чинқириб йиғлабди.

– Ўрнидан туриб, қочиб кетмоқчи бўлиб, эшикни излабди.

– Ўтир жойингга, гаплашиб оламиз! – дея қичқирибди Сарвар.

– Йў-ўқ!..

– Бақиришингнинг фойдаси йўқ. Биз жуда узоқда, тоғлар орасидамиз. Бу ерни ҳеч ким топиб келолмайди. Кейин тўйинг кеча бўлиб ўтиб кетди. Қишлоқда "Бошқа севган йигити билан қочиб кетди" деган гап тарқалган. Шунинг учун энди фойдаси йўқ. Агар рози бўлсанг...

– Аблаҳ, ярамас! Нима қилиб қўйдинг? Ҳаётимни расво қилдинг-ку!

– Сабо, ҳаммаси яхши бўлади. Менда пул, бойлик етарли. Бу ерни кошонага айлантирамиз, маликалардай яшайсан, – деб Сарвар пачкалаб доллар пулларни ўртага ташлабди.

– Йўқ! Сен ит эмган бангисан! Ҳе пулинг бошингдан қолсин! Ҳеч қачон сенга тегмайман!

– Бангиликни ташлайман, сўз бераман. Сени яхши кўраман ахир, ишон! Сенсиз яшолмайман!

– Ишонмайман! – дебди Сабоҳат қичқириб. Шунда Сарвар пичоқни олиб қизнинг олдига ташлабди.

– Бўлмаса манави билан мени ўлдир! Санч!..

– Йўқол! Пичоғинг билан қўшмозор бўлгур! – деб келинчак пичоқни олиб бир четга отиб юборибди.

Шунда йигит шарт ўрнидан турибди-да, ўзи билан олиб келган ов милтиғини олиб қизнинг олдига ташлабди ва кўкрагини очиб тиззаси билан рўпарасига чўкка тушибди.

– Унда отиб ташлай қол! Сенсиз бу ҳаётнинг менга қизиғи йўқ!

Жаҳли чиққан қиз бу йигитнинг навбатдаги найранги деб қабул қилибди ва милтиқни қўлига олиб уни ҳам итқитиб юбормоққа чоғланибди ва бир четга улоқтирибди. Аммо кутилмаганда жуда ҳам нохуш воқеа юз берибди, – деди мўйсафид ва шу ерга келганида бир оз тин олиб, атрофидагиларга бир назар ташлаб олди.

– Кейин нима бўпти? – сўради Дилором бетоқатланиб.

Табиб ота шошилмай чойдан бир ҳўплаб олди-да, келинчак ўтирган, милтиқни итқитган ва Сарвар чўккалаб турган жойларни бир-бир кўрсатган бўлди.

– Нима, Сарварни отиб ташлабдими? – сўради Дилмурод ҳайрон боқиб.

– Йўқ, шеригини. Милтиқни улоқтираётганида у

тўсатдан отилиб кетибди ва ғорга ўтин олиб кириб келаётган ҳамроҳининг кўксига тегибди.

Тингловчилар "Воҳ!" деб юборишди.

– Йигитнинг жуссаси олдинга йиқилиб, қўлидаги ўтинлар сочилиб кетибди. Сабоҳат қўрқиб кетиб қичқириб юборибди. Сарвар яраланган йигитга ёрдамга шошилибди. Қиз қўрққанидан ўзидан кетиб қолибди. Сарвар ҳар эҳтимолга қарши ўзи билан олиб келган ҳалқали занжирни қизнинг оёқларига тақиб унинг бир учини қозиққа қоққан бўлибди-да, "Мен уни тез касалхонага олиб бориб қайтаман, сен мени кут" деб юзига сув сепиб, шапатилабди-да, ярадор шеригини орқалаб олиб чиқиб кетибди. Келинчак ўзига келиб орқасидан "Ҳой!" деб югурган экан, занжирбандлиги учун йиқилиб тушибди ва додлаб қолаверибди. Сарвар шеригини отга юклаб тез олиб кетибди.

Сабоҳат "Энди барибир номим ёмон отлиқ бўлди", деб Сарварга тегишга ҳам ўзича рози бўлган экан. Аммо у бутунлай қайтиб келмабди. Шундан сўнг қозиқни узибди ва ҳар куни эрталаб ташқарига чиқиб қоя устига чиқиб Сарварнинг эсон-омон қайтишини худодан илтижо қилиб сўраркан. Сўнгра аввало, қуёшга ва тоғларга гўё тўйдан кейин ўтказилмай қолган тадбирни тўлдириш учун "Келин салом" қиларкан. Ана шунақа гаплар... – деб қўйди мўйсафид оғир тин олиб. – Инсон ҳар қанақа ҳолатга тайёр бўлиши керак экан-да, қаранглар, у келинчак деярли саккиз ой ёлғиз ўзи яшабди, йигитнинг қайтишини умид қилиб, сабр-тоқат билан кутибди.

Бу ҳикоя ўз-ўзидан баҳсли мунозарага сабаб бўлди. Чунки Дилором билан Дилмурод китобни ўқиб чиқишган. У ердаги воқеалар бу айтилгандагидан кескин фарқ қиларди. Шу туфайли саволлар ёғилиши табиий эди.

– Ҳой, китобни мен ёзмаганман. Бундан мутлақо хабарим ҳам йўқ эди. Демак, бу воқеа ҳақида Сабоҳат кимгадир айтиб берган. Кейин ўша одам ўзидан қўшиб-чатиб ёзувчига етказган. Лекин Сарварнинг ўлганини, Сабоҳатнинг кейинги тақдирини китобдан ўқиб мен чиндан ҳам таъсирландим. У қизнинг сабр-бардошига, матонатига тан бердим, қойил!

– Сиз у келинчак билан бир муддат бирга яшабсиз. Табобат ҳақида, инсон умрини узайтириш мумкинлиги ҳақида кўп сабоқ берибсиз, тўғрими? – сўради Дилмурод.

– Ҳа, тўғри. Булар ҳақиқат.

– Ўтларнинг бошоғини териб, ун қилиб, чучвара қилганларинг-чи, ростми? – сўради Дилором ўта қизиқиш билан.

– Ҳа, тўғри. Ўшанда чучварани жудаям егим келувди. Демак, танамда витаминларга талаб бўлган. Бошоқларни териб дон янчадиган асбобимда ун қилдим. Сабоҳат хамир қилиб кичкина-кичкина чучварачалар ясади. Ундан тановул қилиб, мириқиб терлаб ётганим рост.

Дилзода чой қўйиб, уларнинг қизғин баҳсига қулоқ тутаркан, айнан шу баҳсга сабаб бўлаётган кўз ёшлари томавериб сарғайиб, шишиб, муқоваси хира тортиб кетган ўша китобни қўлига олиб ҳайрат билан варақлаб қўярди. Китобнинг сўнгги саҳифаларида чиндан ҳам Маржон табиб ҳақидаги иборалар бор эди. Дилором қизга томон кулиб қаради-да, мўйсафидга яна савол ташлади.

– Кейин анави Нусрат деган гиёҳванд йигитни даволадингизми?

– Ҳа. Худди Раҳматбойнинг ўғли Шуҳратни даволагандай. Лекин ундан яхши шогирд чиқмади. Тиб-

биётга умуман қизиқмас экан. Ўзиям аранг олти ой чидади. Қиш келиб қолди. Биз тоғма-тоғ, қишлоқма-қишлоқ юрардик. У менга ҳам ёрдамлашарди, ҳам ўзи даволанарди. Анча ўзига келиб қолувди. "Иссиқ кийимларимни олиб келаман", деб кетворди-ю, қайтиб келмади.

– Сиз уни қандай даволадингиз? – сўради Дилмурод.

– Ўша гилвата билан. Тоғда улар истаганча топилади. Зиркли қайнатма билан гилватадан қуюқ лой қилиб суртиб офтобда ётарди. Кейин бир-икки бор танасини тўлиқ тозалаб заҳарлар олиб ташланди. Хуллас, ҳаётга қайтди. Уйига ўтиб ундан бир бор хабар олиб қўйиш ниятидаман.

– Ҳа, боришимиз керак. Олтиариқ узоқ эмас-ку. Лекин айтинг-чи, Сарварнинг келинчак ёнига қайтиб келмаганига аслида нима сабаб?

– Сарвар ҳам ўша куниёқ ҳалок бўлган. Лекин манави китобда ёзилгандек эмас. Булар ҳаммаси ёзувчининг детектив асарига мослаб қилинган бадиий тўқималари, холос. Аслида эса ўшанда Сабоҳат унинг шеригини бехосдан отиб қўйгач, уни шифохонага тезроқ олиб бориш учун аввал отда, сўнг "Нива" машинасида катта тезлик билан олиб кетаётганида йўлидан бир жонивор чиқиб қолган ва унга чап бераман деб жарга қулаган. Ҳалокатдан кейин куйган машина текширилганда юкдонидан Сабоҳатнинг сумкачаси ва паспорти чиққан ва иккинчи жасад суяклари уники деб, ҳалок бўлганга чиқаришган. Ҳар икки хонадонда аза очилган. Шунинг учун Сабоҳатни ҳеч ким қидирмаган. Агар мен топиб олмаганимда... – деб қўйди мўйсафид ва "Нима бўларди, билмадим, деган маънода "эҳ" дея қўл силтаб қўя қолди.

V БОБ
ДАРДЛИЛАР ТИЛЛАШГАНДА

Эртаси Дилмурод устозининг ташрифи шарафига қўй сўйди. Ҳаво чароғон эди. Ташқарига – одам-бошсимон улкан қоя тош устида олов ёқиб, атрофига пўстаклардан жой ҳозирлашди. Осма қозонда бешбармоқ, чўғда кабоб тайёрлашадиган бўлишди. Бу ишларга аёллар Дилором ва Дилзода уннаб кетишди. Табиб ота Дилмурод билан бирга сурувдан хабар олишиб, деҳқончилик ишлари, йиғилган гиёҳлар билан танишиб чиқишди. Мўйсафиднинг кўнгли тўлган шекилли, димоғи чоғ эди.

Хаёлига негадир шу тобда Меҳриддин келди. Кўнглидан "Эҳ қанийди, шу йигит бир келиб кетсайди. Қизиқ. Дилзодани таний олармикин?.. Ўқишга кириб олдимикин? Дадасиниям бир олиб келсайди, танишармидик" деган ўкинч ўтди.

– Меҳриддиндан хат-хабар йўқми? – сўради мўйсафид Дилмуроддан.

– Йўқ. Нима эди?

– Жа яхши йигит экан-да. Биз у билан кўп беморларни даволадик. У табобатга жуда қизиқиб қолди. Ундан, худо хоҳласа, яхши шифокор чиқади, – деди табиб ва ичи қотиб қолган беморни қандай даволаганларини беихтиёр гапириб берди.

Ҳар икковлари қотиб-қотиб кулишди. Шу зайл гурунг бериб, давра тайёрланган жойга қандай келиб қолганларини билмай қолишди.

Дилором уйни кўтарганида бир доира ҳам топиб олган экан. Нам тортиб, попиллаб чалингани учун уни ҳам олов олдига суяб қўйишибди.

– Ўҳ-ҳў, базми жамшид қиларканмиз-да-а? – деди мўйсафид.

– Ҳа, – дея жавоб берди Дилором. – Сизнинг келишингиз бизлар учун ҳам, тоғлар учун ҳам байрам-да.

– Э-ҳа, лекин бу тоғлар ҳали доира овозини эшитишмаган.

– Қўшнайингизни эшитишгандир?

– Ҳа. Фақат дардларимни эшитавериб зерикишган. Қани энди шундай қўшиқ бўлсаки, улар ҳам ўйнаворишса.

Дилмурод эътироз билдирди.

– Э, қўйинг. Ғорингизнинг оғзи бутунлай беркилиб қолмасин, тағин.

– Ҳа-я, унда бақирмайсизлар. Секин чалиб, ашулани шивирлаб айтасизлар, – деди мўйсафид кулиб ва гулхан олдига келиб доирани қўлига олди. Доиранинг иссиқ тери қопламасини меҳр ила силаб қўйдида, кутилмаганда даранглатиб чала кетди.

Ҳаммалари шодланиб, хурсанд қийқиришди. Улар рақсга тушмоққа ҳам, қўшиқ айтмоққа ҳам шай эдилар. Аммо кутилмаганда нариги дара томондан келган аллакимнинг товушидан доира овози таққа тўхтади.

Узоқдан яна бир бор "Эҳ-ҳе-ҳей!" деган овоз келди.

– Ким бўлди экан-а? Наҳотки, илтижоим Оллоҳга етиб Меҳриддин келаётган бўлса?.. – деди Маржон табиб ҳайрат билан ва беихтиёр Дилзода томон нигоҳини ташлади.

Қиз ҳам севиниб, ҳаяжондан қизариб кетди.

– Э-ҳе-ҳей! Биз бу ёқда! – дея қичқирди отахон.

Узоқда, арчалар сийракроқ жойда икки одамнинг майда жуссаси кўринди. Бири оқ, бири қорамтир кийимда бўлиб, кимликларини англаб бўлмасди.

– Дилмурод тез дурбинимни олиб чиқинг! Ким экан-а улар?

– Наҳотки, бу Меҳриддин, дадаси Раҳмон акам билан келишаётган бўлишса?! – деди Дилором қувониб.

– Ҳа-я, яхши меҳмон ош устига, деганлар. Буни қаранглар-а... Унда дастурхон тузай қолинглар. Кўрпачалардан олиб чиқинглар.

– Дилзодахон, юринг, биз хамиримизни ёя қолайлик.

– Хўп бўлади, – деди қиз, лекин у келаётганлар томон илинж билан қараб-қараб қўярди.

Кўп ўтмай йўловчиларни қораси кўринмай қолди. Чунки улар келаётган сўқмоқ дарадан қиялаб, қоялар орасидан ўтарди. Мўйсафид дурбинини Дилмуроднинг қўлига тутди-да, қўйнидан қўшнайини чиқарди ва меҳмонлар келгунига қадар "Чўли ироқ" куйини берилиб чала кетди.

Ниҳоят, аёллар ичкаридан хамирларини тайёрлаб олиб чиққанлари маҳали асолари қўлида, ҳансираб, терлаб-пишиб икки йўловчи ташриф буюришди.

Мўйсафид куйини берилиб чаларди. Дилмурод бўлса, оловга чўп ташлаб, кўзларини юмиб тингларди. Дилором кутилмаганда "Вой!" деб юбориб уларнинг эътиборини тортди.

– Бегоналар экан-ку булар!

Дилмурод ўрнидан сапчиб туриб кетди. Аёллар рўмол учлари билан юзларини яширган бўлишди. Аммо мўйсафид қувониб кетиб қулочини кенг очди.

– Э-э, Раҳматбой! Келсинлар, келсинлар!..

– Ассалому алайкум, – деди Раҳматбой ва қучоқлашиб кўришишди.

– Келинг, Шуҳратжон, ўғлим!

– Яхши юрибсизми, отажон? – сўради Раҳматбойнинг ўғли ҳам.

– Қандай шамол учирди-а сизларни?

– Шамол эмас бу. Сизнинг буюрган муолажаларингизни бажаряпмиз, холос, – деди Раҳматбой ва бўйнидаги терларини артаркан, Дилмурод билан ҳам илиқ сўрашишди. Сўнгра аёллар томон ҳам қа-

раб “Яхшимисизлар?.. Дилзодахон, яхшимисиз?” деб сўради.

Аммо Шуҳрат Дилзодадан кўз узолмаётганди. Дастурхон олдидаги олов ҳам, гўзал тоғлар, хушманзара табиат ҳам унинг диққатини тортмади. Дилзоданинг бўлса негадир кайфияти бузилди ва жиддийлашиб қолди. Табиб ота бу ҳолатни англагандай бўлди. У кечагина уч ой ҳашаматли хонадонда яшаб, оиласини даволаган беморларининг дарров изидан узоқ йўл босиб келганларидан ҳайронда эди.

Бироқ бунинг боиси бор экан. Раҳматбой холироқ жойда ёрилди.

– Отахон, энди тушунасиз-ку. Шуҳратни уйламасак бўлмайди.

– Ҳа, тўғри.

– Ўша сизнинг таклифингизни биз ўйлаб кўрувдик. Шунга...

– Қайси таклиф?

– Дилзода тўғрисида. Ахир, ўзингиз айтган эдингиз-ку.

– Таги-туги йўқ бир қизни-я? Орзу-ҳавасингиз бошқачароқ эди-ку, чамамда?

– Ҳа, шунақа. Лекин ўғлим ўша қиздан бошқасини хоҳламайман, деб туриб оляпти-да... Мана сиз билан қуда бўлиб қўя қоламиз. Обрў-эътиборлисиз...

– Бойман. Юринг кошонам ичкарисини бир кўринг. Эҳтимол, ўғлингиз келин сеплари билан ҳам танишар...

– Бизга бойлигингиз, келиннинг сепи керакмас. Фарзандимизнинг хоҳиши шунақа бўлса нимаям қилардик. Қизингизни яхши кўриб қолибди-да.

Маржон табиб тақка тўхтади. Негадир Дилзодага оталарча меҳри жўшиб кетди. Ундан ўз қизини бағридан юлиб олишаётгандай ҳис қилди ва кескин жавоб қайтарди:

– Қизим ҳали ёш. Уни ўқитмоқчиман. Кейин унинг қариндошларини қидириб топмоқчиман. Кимлар улар, билмайман. Тушунасиз-ку, ким бўлишсаям олдиларидан бирров ўтиб қўйишимиз керак бўлади.

– Ҳа, тўғри. Узр, отахон. Лекин ўйлаб кўрарсиз. Ўшанда бу таклифни ўзингиз берганингиз учун...

– Буни вақт кўрсатади. Ҳали ҳаёт олдинда. Яхшиси, Шуҳратни бирор ўқишга беринг ёки тадбиркорлик билан шуғуллансин. "Бекорчидан худо безор" деганлар. Уни меҳнат, жамият тарбиялайди. Агар тақдирларига битган бўлса, ёшлар ўзлари топишиб олишади. Дилзоданиям кўнглини билишимиз керак. У бечора дард билан мардларча курашаётган худонинг бир бандаси, холос. Бундай етим-есирларга ёрдам бериш сиз билан бизнинг инсонийлик вазифамиз ҳисобланади.

– Бўлди, отахон. Мен Шуҳрат билан ўзим гаплашиб қўяман. Бор гапни айтаман. Келинг, бу мавзуга бошқа қайтмайлик, ўзимизнинг даволаш ишларимиздан гаплашайлик.

– Юринг бўлмаса. Кошонамизга кирайлик.

Улар учовлон Жаннатғорга кириб боришаркан Раҳматбой ҳайратланиб ёқа ушлади.

– Вой-бў, жуда ажойиб жойлар эканми? Қара, Шуҳрат...

– Ҳа-ҳа, кўряпман, дада. Анави шифтда осилиб турганлар нима?

– Уларми, сумалак дейилади, – жавоб берди мўйсафид. – Ичкарида илиқ булоқ бор. Унда балиқлар...

– Эҳ-ҳе! Бу ерга сайёҳларни жалб қилса бўларкан. Айниқса, хорижликлар кўрсами? – деди Раҳматбой.

– Эко-туризм демоқчисиз-да-а, дада?

– Ҳа. Тасаввур қилинглар-а! Улар табиат билан танишиб шу ергача узоқ юриб келишади-да, шу ерда тунаб қолишади, ташқарида олов ёқиб ўтиришади. Ана бизнес!

– Шу иш билан мен шуғулланайинми, дада?

Раҳматбой Маржон табиб томон ялт этиб қаради.

– Бунинг учун яхши билим эгаси бўлмоғингиз керак бўлади, ўғлим. Табиат, ботаника, география дегандек.

– Яна тилниям, тарихниям билиши керак, – деди Раҳматбой қўшилиб.

– Бунинг ўқиши борми ўзи? – сўради табиб.

– Албатта. Ҳозир сайёҳлик коллежлари, институтлариям, очилган.

– Ана. Бўлмаса Шуҳратжон ўшанақа институтга кира қолсин. Кейинчалик сайёҳлик корхонаси очиб олади.

– Бўладими, ўғлим?

– Бўлади.

Учовлари қучоқлашиб олишди ва ташқарига чиқиб хушкайфиятлик билан даврага қўшилиб бешбармоқни иштаҳа билан тановул қилишди. Раҳматбой рюкзакдан коньяк, конфетлар чиқариб қўйди. Дилзода даврада деярли ўтирмади.

– Отахон, "Аскарида" учун битта олайлик.

– Майли-майли. Уям ташқарига чиқиб дунёнинг кенглигиниям бир кўриб қўйсин, – деди мўйсафид.

Улар хохолаб кулиб юборишди.

– Ким у Аскарида? – сўради Дилмурод ажабланиб.

– Раҳматбойнинг севимли ҳамроҳи, – деди мўйсафид меҳмоннинг юмалоқ қорнига ишора қилиб.

Дилмурод буни тўғри тушиниб, "Ҳа-а" деб қўя қолди.

Озгина отиб юзларига қизиллик инган нуроний табиб энди доирани қўлига олди-да, лапар айтиб, чала кетди. Унга бошқалар ҳам беихтиёр қўшилишди:

Дарё тошқин, сувлар шошқин ўтолмайман-о,
Отим ориқ манзилимга етолмайман-о.
Отгинамни ориқ қилган шу майда тош-ей,

Юзгинамни сариқ қилган шу қалам қош-ей.
Вой укажоним-ей, қуралай кўзим-ей,
Бизлардан ҳам ортиқмиди бўйларингиз-ей...

– Ҳамма рақсга тушсин! – ҳайқирди хонанда.

– Мусиқатерапия! – дея қичқирди Раҳматбой ҳам.

Ойдин тун қўйнида, бепоён тоғлар бағрида рақс, шоду хуррамлик, ҳаётдан завқ олиш, шукроналик ҳисси, руҳиятларини поклаш муолажалари то чарчагунларига қадар давом этди.

Эркаклар олов атрофида, аёллар ғор ичида мириқиб дам олишди. Қуёш чиқишига яқин табиб ота ҳаммаларини уйғотиб тибетча ёшариш амалларини бажаришга чорлади.

Машқлар тугагач, Дилмурод табиб отанинг ёнига келди.

– Ҳорманг, устоз, чарчамадингизми?

– Йўқ, раҳмат, келинг.

– Эшитишимча, меҳмоннинг машинаси Шокиржоннинг кулбаси ёнида қолганмиш.

– Ҳа, нима эди?

– Дилоромни қишлоққа жўнатиб юборсам дегандим.

– Нима, бутунлайми?

– Ҳа. Болалар катта бўлиб қолишди. Бургуталиям бу ерда ёввойи бўлиб кетмасин, боғчага борсин, дейман-да.

– Яхши. Ўзингиз-чи, ёввойилашмадингизми ҳали?

– Йўғ-е, устоз. Мен қўй-қўзиларнинг бир қисмини сотиб қайтиб келаман. Кейин бирга бўламиз.

– Қўзиларингизни бўрига ишониб-а? – кулиб қочирим қилди мўйсафид.

– Бўрилар учун нафақат қўй, биз билан сиз ҳам овқатмиз. Сиздан ортгани бизга-да, устоз.

– Бўпти. Ҳамма бўғозларини ажратиб қолдиринг. Кейин шу ерга қамаб турамиз. Дилзода ўзи эплар.

Дилмурод қувониб кетди.

– Раҳмат, устоз. Лекин меҳмон нима деркин?

– Ҳим-м... У амалдор, бой одам. Йигирма километрга қўйларингизни ҳайдашиб борса борипти-да, – деди мўйсафид ва бу масалани дангал ҳал қилиш мақсадида бир қоятош устида ўй суриб ўтирган Раҳматбойни ўзига чорлади.

– Сизга арзимас бир кичик хизмат бор-да, биродар.

– Бош устига. Нима қилай?

– Сизга топшириқ. – Йигирма километрча пиёда юрасиз, яъни машинангизгача.

– Буни шундоқ ҳам бажараман. Ахир, бу тернекур, – навбатдаги соғломлаштириш машқи-ку.

– Ҳа. Лекин бу сафар бошқачароқ. Сизнинг асабингиз тўлиқ шифо топиши учун қўй-қўзиларнинг йўл-йўлакай ўт чайнаши, сигирнинг кавш қайтаришини томоша қилишингиз, "қуре-қуре" деб пиёда ҳайдаб юришингиз талаб этилади. Сиз жониворлар билан ҳам тиллашишингиз, уларнинг ҳаракатидан завқ олмоғингиз лозим.

– Эҳ-ҳе, подани ҳайдашиб боринг, деб қўя қолингда, отахон.

– Сиз расмий гапларга ўргангансиз-да, нима қилай, ахир?

– Келишдик. Қани, ўша пода?

– Пода эмас, сурув. Дилмурод уларни бугун саралайди. Йўлга тайёргарлик кўришади. Эрта саҳар жўнайсизлар, бўладими?

– Бўлади, – деди Раҳматбой ҳарбийча ғоз туриб.

Қишлоқларига қайтиш ҳақида хабар топган Дилором беҳад севиниб кетди ва чопиб бориб Маржон табибни қучиб олди.

– Раҳмат сизга, отажон.

– Нима учун энди, қизим?

– Ҳаммаси учун, яхшиликларингиз учун.

– Омон бўлинглар, бахтли яшанглар. Ойингга мендан салом айт. Айтмоқчи, унинг соғлиғи яхшими?

– Қон босими қийнайди-да.

– Унга айт, манави бўйнининг ортидан, қулоқларининг тагидан қон олдирсин ё зулук қўйдирсин, – деди мўйсафид аёлнинг бўйнини ушлаб кўрсатиб.

– Манави ерида қўш холи бор-да, зиён қилмайдими?

– Қўшхол дейсанми?

– Ҳа, худди пиллага ўхшайди. Меҳриддинникидақа.

Табиб ота бир сония тек қотди. Негадир кўз ўнгида Маржонанинг булоқда чўмилаётгани ва унинг бўйни орқасидаги пилласимон холи намоён бўлди.

– Ойингнинг фамилияси нима? – сўради у беихтиёр.

– Давлатова.

– Нима, Давлат бобонинг набирасими у?

– Йўқ. Давлатнинг қизи. Сизга айтганман-ку, ахир "ойим етимхонада катта бўлган", деб. У ерда ота-онаси номаълум бўлган болаларга Давлатов, Давлатова деб ном беришаркан.

Мўйсафиднинг юрагига бир чўғ тушгандай ҳушёр тортди.

– Исми нима?

– Хадича. Давлатова Хадича. Нима эди?

Табиб ота ички киссасига тез қўл солди ва Маржонанинг суратини олди. Қўли аста титрарди.

– Манави суратни олиб бориб бер. Эҳтимол, ойинг қизимни топишга ёрдам берар.

– Албатта, бераман.

– Айт-чи, ойинг Маржонага ўхшайдими, йўқми-а?

– Маржона ёш, ойим бўлса кексайиб қолганлар.

Эски алъбомда ойимнинг ёшлигидаги суратлари бўлиши керак. Олиб солиштириб кўраман, хўпми?

– Хўп. Меҳриддингаям салом айт. Иложи бўлса дадаси билан бир келишсин, бўптими?

– Албатта, айтаман.

* * *

Эртаси тонг ғира-ширасида Раҳматбой бошчилигидаги сурувли карвон йўлга тушди. Дилором Бургутали билан от устида боришар, тили чучук болакай завқланиб қийқирарди. Дилмурод бўлса сурув бошида борар, Раҳматбой юкли эшакларни етаклаб олган Шуҳрат билан қўй-эчкилар ортидан завқланиб ҳайдаб боришарди.

– Хайр, отахон! Таклифимни яна бир ўйлаб кўринг, бўптими?! – қичқирди у.

– Хорижлик сайёҳларингиз келаверишсин-чи, бир гап бўлар! – деди табиб кулиб ва Дилзода томон бирров қараб қўйди.

Қиз эса ҳеч нимани англамади. Шундай бўлса-да, ўзининг тақдири энди мана шу яхши одамлар қўлида эканидан беҳад мамнун эди.

Қўй-қўзилар овози узоқ-узоқлардан ҳам эшитилиб турди.

VI БОБ
АДОЛАТ САРИ

Раҳматбой бошчилигидаги "карвон" жўнаб кетганидан икки кундан сўнг кутилмаганда тоққа Сардорбек ва Меҳриддинлар ташриф буюришди. Қизиғи шундаки, улар йўлда "карвон"ни учратишмабди. Табиб отани бу ҳолат таажжублантирди.

– Эҳ, аттанг, – деб қўйди у афсусланиб, – лекин нимаям қила олардик?

– Биз ҳам заруратдан келдик-да, – деди Сардорбек.

– Нима, бирор оғир бемор борми?

– Йўқ, – деди Меҳриддин чайналиб.

Унинг юз-кўзида ташвиш изи акс этиб турарди.

Дилзодага ҳам эътибор бермади. Қиз ҳам оҳиста "Хуш келибсизлар", деб қўяркан, йигитларнинг нимадандир безовта эканликларини пайқади. Бу ўша мўйловлари сабза урган, сочлари қўнғироқ, уни биргали қувлаган талаба йигит эди. "Мени танимади. Эҳтимол, ўз мушкулоти билан бўлиб..." деган фикрга борди қиз.

– Бу менинг қизим, – деб қўйди мўйсафид "танишинглар" деган маънода.

Йигитлар бир сапчиб тушишди.

– Э, муборак бўлсин! Охири топибсиз-да-а? – деди Меҳриддиннинг чеҳраси очилиб.

– Ҳа. Лекин бу қизни асраб олдим.

– Шунақа денг? – деб қўйди Сардорбек ҳам.

– Дилзода! Овқатга уннайвер, қизим!

– Хўп бўлади, отажон.

Шу тобда Меҳриддиннинг кайфиятида кескин ўзгариш бўлишини кутган Маржон табиб негадир бу ҳолни сезмади. Йигит анчагина жиддий кўринарди.

– Тинчликми, ўғлим? – сўради у ниҳоят.

– Мени судга чақиришувди. Шунга...

– Ие! Ёпирай! Бирор иш бўлувдими?

Меҳриддин "Сиз гапиринг" дегандай ҳамроҳига маъноли боқди. Сардорбек сўзлаб кетди:

– Эсингиздами, тоға? Сизлар шўрданаклик дўхтирлар "бўлмайди" деб жавоб бериб юборган қабзиятли бир беморни даволагандинглар.

– Ҳа, анави исми нима эди? Зуҳриддинми? Хўш-хўш?..

– Ўша йигитнинг бир укаси ва жияни Россиянинг Приморье ўлкасида ишлашаётган экан. Дўхтир Зуҳрид-

дини “бўлмайди” деб уйига жавоб бериб юборганидан сўнг уларга телеграмма юборишибди. Лекин улар йўлда пулларию ҳужжатларини ўғирлатиб қўйишгани учун уч ойда аранг, хароб аҳволда кириб келишибди. Қараса, Зуҳриддин соғ-омон юрган экан. Кейин телеграмма юборганликларининг сабабини суриштиришибди. Сўнг жаҳл отига миниб тўғри туман касалхонасига бориб, ўша Ражаббой деган дўхтирни топишибди-да, уни бир хилват жойга олиб бориб тоза калтаклашибди.

– Ё худо, ёмон бўлибди-ку! Эҳ, нодон ёшлар! – деб қўйди мўйсафид ачиниб. – Хўш, кейин-чи? Дўхтир судга берибдими?

– Ҳа.

– Унда Меҳриддин ўғлимнинг нима айби бор экан?

– Айби йўқ. Уни гувоҳ сифатида чақиришибди.

– Тушунмадим?

Меҳриддин ҳам энди тилга кирди. Дилзода сабзи арчаркан, суҳбатга хавотирлик билан қулоқ тутарди.

– Ўшанда беморимиз ўзига келиб ўтирганида ичкарида сиз дам олаётгандингиз, дўхтир хабар олгани келган экан. Бизлар танишдик. Бемор мени “Шу йигит тузатди”, деб кўрсатиб юборди. Дўхтир аввал ҳайрон бўлди. У беморни чиндан ҳам мен даволаган деб ўйлаб, терговчига айтиб ўқиш жойимга мурожаат қилдирибди. Мен терговчига “Даволаган мен эмас, Маржон табиб”, деб айтдим. Шунинг учун энди сизниям чақиришяпти.

– Гувоҳ сифатида, албатта, – дея қўшиб қўйди Сардорбек.

– Ҳим-м, яхши иш бўлмабди-да. Хўш, у йигитларга нима айб қўйиляпти?

– Безорилик. Ўзбошимчалик билан жазолаш. Буни русчасига “самосуд” дейилади.

– Агар улар ҳимоя қилинмаса, уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум этиларкан.

– Эҳ, бечораларга қийин бўпти-ку-а?

– Ҳа. Энг ёмони улар ҳужжатларини яна янгилаб, йўлкира учун бир от, бир сигирларини сотиб самолётга чиқишаётганларида қўлга олинишибди. Чиптага ҳам куйиб қолишибди. Зуҳриддин ҳам ўзини айбдор ҳис қилиб бор-будини берган экан.

– Ё, алҳазар! Бу энди қандай кўргулик бўлди-а?! – деб қийқириб юборди табиб ота ва "Бай-бай" дея бошини силтади. У дўхтирга эмас, кўпроқ жабрланган оға-иниларга жуда ачинаётганди. Шу туфайли бошини чангаллаб бир оз сукут сақлаб қолди ва ниҳоят қарорини айтди:

– Албатта, бораман! Бечора йигитларга жабр бўпти. Ана бемаънилигу, мана мантиқсизлик! Лекин қонун қонун-да!

– Тўғри. Лекин у йигитлар камалиб кетишса адолатсизлик бўлади.

– Терговчи мендан "одамларни даволаш учун лицензиянгиз борми, йўқми?" деб сўради. "Устозимда бўлса керак. Мен у кишига ёрдам бердим, холос. Биз нима бўлсаям бир кишини ўлимдан сақлаб қолдик", деб айтдим.

– Тўғри айтибсиз, ўғлим. Лекин мендаям унақа рухсатнома қоғози йўқ ва ҳеч қачон бўлмаган.

– Унда нима бўлади?

– Жаримага тортишса керак, – деди Сардорбек қуруқ қилиб.

– Ҳа. Афсуски, қонунларимиз ана шундай қоғозларни тан олади. Инсон туғиладики, унга "Туғилди" деб қоғоз берилади, ўлса "Ўлди" деб. Бу қоғозлар бўлмаса инсон туғилмаган, туғилса ҳам ўлмаган бўлиб, гўё боқийдек яшайверди. Ана сизга яна бир мантиқсизлик.

Улар шу зайл узоқ суҳбат қурдилар. Бу орада Дил-

зода ош дамлади. Харажатини Сардорбек олиб келганди. Аммо Дилзода ийманиб уларнинг даврасига қўшилмади. Бир четда кашта тикиб ўтираверди.

– Бўлмаса, сизлар узоқ йўл юриб чарчаган кўринасизлар. Ётиб дам олинглар. Эртага эрталаб нима қилишни ўйлаб кўрамиз.

– Нима, жўнамаймизми? – сўради Меҳриддин шошиб.

– Дилмуроджонни кутишимиз керак. Унинг қўй-қўзиларига ким қарайди? Кейин биз ҳам энди катта рўзғор бўлиб қолдик, – деди мўйсафид Дилзодага ишора қилиб.

Орага бир оз жимлик чўкди. Дилзода беихтиёр бир қўшиқнинг хиргойисини бошлаб юборди:

Энг гуллаган ёшлик чоғимда,
Сен очилдинг, кўнгил боғимда.
Шунда кўзим кўрди баҳорни,
Шунда қалбим таниди ёрни...

Меҳриддиннинг юраги ҳаприқиб кетди... "Ким бўлди бу қиз? Наҳотки, бу ўша... " деган ўйлар хаёлидан яшин тезлигида ўтаркан, ҳайратдан оғзи ярим очилиб қолди. Маржон табиб йигитнинг бу ҳолатини кўриб мийиғида кулиб қўйди.

– Ҳа, ўғлим, жим қолдингиз?

– Наҳотки, бу ўша қиз?..

– Дилзода, қара, аканг сени танимаётганмиш.

Қиз кулиб юзини тўсиб олди.

– Хуллас, менга қиз бўлди. Қариганимда менга қарайди деб...

– Яхши қилибсиз, – деди талаба йигит ўзига келиб.

Унинг ич-ичидан қувонаётгани яққол сезилиб турарди. Лекин бу қувонч қизнинг даво топиб кетгани

учунми ёки бошқа сабабми, англаб бўлмасди. Ниҳоят, қизга мурожаат қилишга журъат қилди.

– Яхшимисиз, Дилзодахон? Соғайиб кетибсиз, хурсандман!

– Раҳмат, Меҳриддин ака.

– Қизим, йигитларга жой солиб бер. Биз ташқарига чиқиб бир айланиб келамиз, хўпми?

– Хўп бўлади, отажон.

Улар ғордан ташқарига чиқиб юлдузларга бурканган кенг осмонга қараб, мусаффо ҳаводан тўйиб нафас олишди. Аллақаёқдан каккунинг овози келарди.

...Тунда фақат Меҳриддин ухлай олмади. Бир ёқда сессия яқин, ўқиш ташвишлари бўлса, унинг суд жараёнларига жалб қилиниши, уйидагиларнинг хавотирлиги ошиб тушди. Аммо Дилзодани тасодифан учратиб қолиши унга қандайдир руҳий таскинлик бериб, ташвишлари бир зумда унут бўлди. Нима бу? Қизга меҳри тушиб қолганиданми ёки муҳаббатми? Ўйлаб ўйига етолмасди. Тушида гўё икки ёш тоғлар, тошлар, гулу гулзорлар оралаб худди ҳинд фильмларидагидек қўшиқ куйлаб, қувлашиб юришарди.

Дилзоданинг тушларига ҳам, эҳтимол, шундай ҳолатлар кираётган бўлса, ажаб эмасди.

Йигитлар барвақт уйғониб кетишди. Чунки Дилзоданинг нонушта тайёрлаётиб, одатдагидек, аллақайси қўшиқни баралла, беихтиёр ва озод куйлаши уларни уйғотиб юборди. Табиб ота бўлса аллақачон сурувларни ташқарига ҳайдаш учун нариги дарага ўтиб кетибди.

– Ассалому алайкум. Яхши дам олдингларми, совуқ емадингларми? – сўради Гулзода майин табассум қилиб. – Анави қумғонда иссиқ сув бор, ювиниб ола қолинглар.

– Раҳмат. Камбағалга булоқ сувиям бўлаверади, – дея кулиб жавоб берди Меҳриддин.

– Нима, балиқларнинг ҳақини туя қилмоқчимисан? – сўради Сардорбек ҳам ҳазил қилиб.

– Умуман олганда, асабни балиқ билан ҳам даволаш мумкин. Мен яқинда интернетдан ўқидим. Хитойда оёқларини уқалайдиган балиқлар бормиш. Оёғингни сувга солиб турсанг уқалаб, тинчлантирармиш.

– Уқаламайди. Тишлаб-тишлаб емоқчи бўлади, лекин тишлари йўқ. Шунинг учун кирларингни сўради.

– Барибир ёқимли қитиқлайди-да.

– Бўлиши мумкин. Лекин менинг фикримча, асабни энг тинчлантирувчи даво, бу – қўшиқ. Масалан, Дилзоданинг ашулалари ҳар қандай дардга даво бўлиши мумкин.

– Йўғ-е, жуда оширвордингиз-ку, акажон, – деди Дилзода нонуштага жой ҳозирларкан.

– Унда Дилзодага мусиқа билан даволаш клиникаси очиб бериш керак, – деб қўйди Меҳриддин.

– Ўзи бўлиши шарт эмас, диск қўйиб фонограмма қилсаям бўлаверади, – деди Сардорбек.

Ёшлар мириқиб кулиб олишди.

– Меҳриддин ака, янги қўшиқлардан олиб келмадингизми? – тўсатдан сўраб қолди қиз.

– Бор, – деди йигит ва қўл телефонини олиб, ундаги ёшларбоп эстрада қўшиқларидан бирини баралла қўйиб юборди.

Дилзода яйраб кетди. Унинг гир-гир айланиб рақс тушгиси келди. Ўзини аранг тийиб турарди. Севиниб қўшиқ оҳангига монанд қўшилиб куйлай кетди. Кўнглидагини сезган Меҳриддин уни лутфан рақсга таклиф қилди. Икки ёш рақс туша кетишди. Сардорбек бўлса қарсак чалиб турди. Мусиқа садолари ғор ичида ажиб жаранглар, гўё атайин жиҳозланган дискотека залини эслатарди.

Ёшлар тоза ўйнадилар. Гўёки баланд самода эркин парвоз қилардилар. Шу тонгда улардан-да бахтиёр

ҳеч ким йўқдек эди. Аммо мўйсафиднинг тўсатдан пайдо бўлиши уларни чўчитиб юборди.

– Э, яшанглар! Нима, шўхроғидан йўқми, шўхроғидан-а?!

– Қанақаси? Ҳозир топамиз-да.

– Ҳалиги, нима дейди. "Андижон самоси"ми ё "Тановор"ми?..

– Унақаси йўқ. Лекин "Бониэм" бор. Сизларнинг ёшликларингда айтишган, шекилли – деди Меҳриддин.

– Ҳим-м, эшитмаган эканман. Майли қўяверингчи. Ишқилиб, ўзбекча ўйнаса бўладими?

– Бўлмаса, бўлгизади-да.

– Ҳай, майли. Ўзингиз ўйнаб кўрсатасиз.

Меҳриддин мусиқани топиб қўйиб юборди ва замонавий брек усулида рақс қила кетди. Қолганлар қарсак чалиб туришди. Йигит қизни даврага чорлади. Лекин у "Билмайман" деб кўнмади.

– Э, яшанг, ўғил бола! – деди мўйсафид кулиб мусиқа тугагач. – Мундоқ мумтоз қўшиқлардан йўқми? Бу деворларнинг қулоғини бир очиб қўярмидик.

– Масалан, ким?

– Маъмуржон Узоқовми ё Жўрахон Султоновми.

– Унақалар йўқ. Лекин, ҳа, Шерали Жўраев дегани бор. Қўйиб берайинми? Ўйнаб бўлмайдию, ҳарҳолда мириқиб тинглаш мумкин.

– Майли бўлмаса, оғир сафар олдидан бир мусиқа тинглаб асабларимизни тинчлантириб оламиз. Лекин сизга бир эътирозим бор.

– Нима экан, устоз?

– Миллий мумтоз қўшиқ-куйларимизни, албатта, мана бу матоҳингизга ёзиб юринг. Чунки улар неча минг йиллардан буён аждодларимиздан ўтиб-ўтиб, миллатимиз шаъни учун хизмат қилиб келмоқда. Уларда ўтганларнинг руҳи бор ва доим бизга мадад-

кор бўлиб келади, даволайди. Анави лики-ликиларга келсак, бизнинг миллатимизга хос эмас. Улар ҳалиги нима дейди, вақтинчалик оғриқ қолдирадиган кимёвий дориларга ўхшайди.

– Тушунарли, устоз.

– Хўп, бир эшитайлик-чи, қани.

Шерали Жўраев ижросидаги "Яралган" қўшиғи янграб кетди:

Ҳижрон ҳоким, бу дунё
Асли бир кам яралган.
Наҳот, бир муҳаббатга,
Минг бир ҳакам яралган?!
Бахт ярим, қайғу ярим,
Айт, не бекам яралган?
Наҳотки, эзгуликнинг,
Кўзлари нам яралган?!

Момо Ҳаво меҳридан
Шу буюк ғам яралган.
Ғунчанинг япроғи деб,
Тонгда шабнам яралган...

Маржон табиб кўзларини юмиб олгани ҳолда қўшиқни жон қулоғи билан тинглар, ора-орада "Воҳ!" деб юборарди. Қўшиқ тугагач, у бир оздан сўнг ўзига келди.

– Ҳақиқатан яхши қўшиқ экан. Маъноси жудаям чуқур. Билиб қўйинглар, сизлар қўшиқ тинглаганда биринчи навбатда унинг мазмунига аҳамият беринглар, – деди мўйсафид ёшларга қарата, – тушунарлими?

Ёшлар "тушунарли" дейишгач, у ўрнидан турди-да, ўйиқ токчаларининг бирида турган қўшнайини қўлига олди.

– Мен сизларга ҳозир бир куй чалиб бермоқчиман.

Фақат унинг мазмунига эътибор бериб кўз олдингизга келтирасизлар, яъни кўзни юмиб тинглайсизлар, – деди Маржон табиб ва "Чўли ироқ" куйини аввалига паст пардада ижро этиб, сўнгра уни кучайтира борди. Тингловчилар назарида куй сеҳридан гўё ғор титрар, сумалаклар кўз ёш қиларди...

* * *

Эртаси Маржон табиб бошчилигидаги икки ёш йўлга тушишди. Сардорбек Дилмуродни кутиб чорвага қараб қолди.

– Демак, тоғам келиши биланоқ ортларингдан туман судига ўтавераман, – деди у хайрлашаркан.

– Келишдик, ўғлим, – деб қўйди мўйсафид ва қўшиб қўйди: – У ердан тополмасангиз Раҳматбойникида бўламиз.

– Ким у Раҳматбой?

– Чустнинг энг обрўли одамларидан. Шундоқ ошхўрлар боғининг орқа тарафида туради!

– Ўҳ-ҳў, ҳали ошхўрлик ҳам қиламиз, денг?!

– Бўлмасам-чи. Судда ютиб чиққанимизни ювамиз-да, – деди мўйсафид ишонч билан.

– Хўп, сизларга омад, ота. Лекин Меҳриддинни ўқишига тезроқ жўнатвориш керак. Дадаси менга қаттиқ тайинлаган.

– Яхши, – деди мўйсафид эшак жиловини қайтараркан. – У киши ошхўрликка келмасмикан, танишиб олармидик.

– Майли, мен Раҳмон акани таклиф қиламан. Тошкент бир қадам-ку.

Мўйсафид эшагига қарата "Чуҳ!" деди. Икки ёш эса пою пиёда ортидан жўнашди. Йигитнинг орқасида спорт халтаси, қизнинг қўлида эса тугуни бор эди. Улар жуда бахтиёр эдилар. Шайтонқояда чол эшакни, йигит эса қизнинг қўлидан тутиб эҳтиётлик билан ўтишди.

Меҳриддин қизнинг қўлларидаги доғларга эътиборини қаратди. Чиндан ҳам тузалиб қолганидан ва бу ишда ўз ҳиссаси ҳам борлигидан завқланди. "Қизиқ, – деб қўйди у хаёлан. – Яқинда бу қизга ҳеч ким яқинлаша олмасди, энди бўлса, бизлар бемалол қўл ушлашиб юрибмиз. Хайрият, даволаш муолажаларимиз бесамар кетмабди. Агар бу қизга биз учрамаганимизда нима бўларди? Демак, тақдир деганлари шумикин? Лекин табиб отага қойил, ўзлари айтганларидек, ташландиқ қизни ҳурлиқога айлантира олибдилар".

Ана шундай ўй-хаёллар оғушида улар узоқ жим боришди. Лекин шаршарага келгач, дами чиқиб кетган пуфаклардай повиллаб кетишди ва шу ерда тамадди қилиб, мириқиб дам олишди. Сўнгра яна йўлга тушишди.

Улар, аввало, вазиятни билиш учун собиқ беморлари Зуҳриддинникига кириб ўтишди. Зуҳриддин анчагина ўзига келиб қолган, юзига қизиллик инган, лекин юз-кўзида мушкулоти борлиги аниқ сезилиб турарди. Хонадондагилар меҳмонларни илиқ кутиб олишди ва дастурхон ёзишди. Бир пиёла чой устида табиб ота бўлиб ўтган ишлар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлди. Уй эгалари ҳарҳолда Меҳриддиннинг сўзларини тасдиқлашди. Улар жуда хомуш ва хавотирли кўринарди.

– Бу ерда телефонларинг ишлайди-а? – тўсатдан сўради мўйсафид.

Меҳриддин киссасидан уяли телефонини чиқариб текширган бўлди.

– Ҳа, алоқа бор экан.

– Бўлмаса, бир жойга қўнғироқ қилинг, ўзим гаплашаман, – деди мўйсафид ва ички киссасидан бир ташриф қоғозини олди.

Бу Раҳматбойники эди. У қўнғироққа тез жавоб қайтарди. "Алло, ким бу?" деган овоз келди. Маржон табиб ҳали умрида бунақа телефон билан гаплашма-

ган эди. Шу туфайли нима деярини билмай аввалига довдиради.

– Бу мен-да, иним.

– Алло, кимсиз?

– Табиб тоғангизман, Раҳматбой?

– Табиб... Ие-ие-ие, й-йўғ-е!? Қанақасига?

– Ҳа энди, менинг ғор ҳужрамгаям "тараққиёт" етиб келди-да.

– Ким ўрнатиб берди?

– Ким бўларди? Фаришталар, инсу жинслар.

Раҳматбойнинг шарақлаб кулгани эшитилди.

– Оббо, сиз-ей! Бирор сайёҳ бордими, дейман-а. Бўлди, энди ўзим сизга шунақа телефон совға қиламан. Аввал қуёшдан зарядка оладиган матоҳни топай.

– Қулоқ солинг, Раҳматбой. Бу тўғрида кейин гаплашамиз. Сизга бир муҳим хизмат чиқиб қолди.

– Ие, шунақами? Бемалол. Нима қилиш керак?

– Биз ҳозир Шўрданакдамиз. Эсингиздами, ҳалиги қизим Дилзодани олгани келган эдик-ку.

– Ҳа-ҳа, эсимда.

– Шунинг сал пастроғида, Зуҳриддин деган йигитникидамиз.

– Э, ҳалиги "ўлиб тирилган"ми?

– Ҳа, аммо бир муаммо чиқиб қолди.

– Нима? Барибир бўлмабди-да-а?

– Э, йўқ. Мана олдимда сўппайиб ўтирибди. Хуллас, гап кўп. Мени судга чақиришган.

– Нега?

– Даволашга ҳаққим йўқ экан.

– Оббо, муттаҳам бюрократлар-ей. Бирортаси устингиздан ёзибдими-а?

– Билмадим. Ҳарҳолда бир концлагерда, бир Сибир турмасида ўтириб, кейин қочиб келган одамман. Кўп жаврамайлик, хўпми?

– Бўлди, тушундим. Мен ҳам сиз томондан келга-

нимга икки-уч соат бўлди. Ҳозир юмушларимни бир бор кўздан кечираману ҳузурингизга жўнайман-да, ота.

– Ўғлим, қалай?

– У Тошкентга, "Бизнес-мактаб"га кетди.

– Э, яхши. Чарчаган бўлсангиз ҳайдовчингизни олволинг.

– Хўп бўлади.

– Яхши, Раҳматбой!

Икки соатлардан сўнг дорвоза олдида Раҳматбойнинг қора "жип"и пайдо бўлди.

* * *

– Хўш, демак, ҳаммаси тушунарли, – деди Раҳматбой даврада ўтираркан. – Аввало, йигитларнинг адвокатини топиб гаплашмоғимиз керак бўлади. Чунки у суд жараёнини жиловлайдиган одам. Бўлмаса, мундоқ қиламиз, ҳозир бизникига жўнаймиз. Мен ўша адвокатни ўзим топаман. Хавотир олманг, табиб ота, сизни ҳеч ким хафа қилишига йўл қўймайман. Ахир, сиз...

– Тўхтанг, Раҳматбой, – деди Маржон табиб унинг гапини бўлиб. – Мени ҳеч ким хафа қилолмайди. Бизнинг мақсад мени эмас, анави икки жабрланган йигитни қутқариш. Манави оиланинг аҳволини қаранг, ахир. Охирги сигириниям сотишибди-ку. Бу йигитлар яна ўша иш жойларига қайтиб кетишмаса, ишлаб пул топишмаса, ҳоллари не кечади? Ҳали учовлариям уйланмаган йигитлар экан. Йўқ. Агар улар озодликка чиқмас экан...

– Яхши. Лекин қонун бу ерда фақат дўхтирнигина ҳимоя қилади-да.

– Шунинг учун биз, аввало, ўша дўхтир билан гаплашмоғимиз керак, шекилли. У аризасини қайтиб олса яхши бўларди.

– Бўпти, шундай қиламиз.

– У ҳозир қаерда экан?

– Уйида бўлса керак, – деди Меҳриддин.

– Бўлди. Ишни ўша одамга учрашишдан бошлаймиз. Бозорга кириб ул-бул олволамиз, – деди Раҳматбой.

Мўйсафиднинг кўнглидаги гап бўлгани учун шу ондаёқ дуога қўл очди ва ўринларидан туришди.

– Ие, ўтиринглар, палов дамланяпти-ку, – деди Зуҳриддин ҳайрон бўлиб.

– Паловни, ука, бафуржа акаларингиз билан ейми-миз, бўптими? – деди Раҳматбой.

– Ҳа, худо хоҳласа, ўша, маҳаллангиздаги чойхонада, – дея қўшиб қўйди мўйсафид.

– Ростданам ўша чойхонада кунига етти тонна палов дамланадими? – қизиқиб сўради талаба йигит.

– Ҳа, агар биз кирсак. Кирмасак беш тонна, – деди Раҳматбой ва йигитнинг елкасини қоқиб кулиб юборди. – Лекин бу зўр бола экан-да. Ким бу йигит, таништирмадингиз-ку? Ё энди ўғлингизниям топиб олдингизми-а?

– Шундоқ десам бўлаверади. Бу йигит менга чевара ўрнида. Отаси катта дўхтир эмиш. Ишлар битаверсин, у кишиниям чақиртирадиган бўлдик.

Улар машинага жойлашишаркан, суҳбат қизғин давом этди:

– Э, яхши. Ўғлим Шуҳрат билан таништириб қўйсак бўларкан.

– Ҳа, албатта. Ёшлар бир-бири билан тез тиллашади.

– Айниқса, ҳозирги замонда телефон деган қулоқ, интернет деган узун тил чиққан.

– Дилбузар деганиям бор. Лекин буларнинг ҳаммаси нур, радиация. Инсоннинг танасини заҳарлайди, иммунитетини пасайтиради, камҳаракат қилиб қўяди.

– Бунинг давоси яна ўша гилватами? – сўради Раҳматбой машинани ўт олдираркан. Сўнгра Дил-

зода ҳам жойлашиб олганига ишонч ҳосил қилгач, у билан илиқ саломлашишди-да, юргизиб кетди.

– Ҳа. Зирк суви билан хамир ёки лой қилиб.

– Оббо, отахон-ей, барибир ўз услубингизда қаттиқ турасиз-да?

– Медицина ҳали нурланиш касалликларига қарши бошқачароқ усул яратмаган бўлса нима қилиш керак?!

– "Ҳаёт эликсири" бор деган эдингиз-ку.

– Ҳа. Лекин бу кенг қўлланилмаяпти-да.

– Компьютердан, телевизор, телефондан нурланиш, бу – янги касаллик. Ҳали беш-ўн йилдан кейин унинг асоратлари роса сезила бошлайди.

– Ҳозирдан сезилмаяптими? Асабийлик, бош оғриши, руҳий касалликлар, умуртқа чурраси пайдо бўлиши, кўришнинг пасайиши – булар ҳаммаси ана шулар туфайли-да. Ҳалиги, нимайди кампиртурмиди? – сўради мўйсафид.

Меҳриддин кулиб юборди.

– "Кампиртур"мас, компьютер.

– Ўзларига мослаб олдилар-да, – деди Дилзода ҳам суҳбатга қўшилиб.

Кулги кўтарилди.

– Ўҳ-ҳў, бу қизимиздан ҳам гап чиқаркан-ку-а? – деди Раҳматбой кулиб ва салон ойнаси орқали қизнинг чеҳрасига бир бор нигоҳ ташлаб оларкан. Хаёлидан уйлантирмоқчи бўлган ўғлими ё бошқа нарса кечдими, фақат ўзигагина аён эди.

Шундан сўнг у то шаҳарга етгунича жим кетди. Йўловчилар ҳам ғиқ этишмади.

Аввал касалхонага кириб Раҳматбой дўхтирнинг уйини суриштирди. Унча узоқ эмас экан.

– Ўзим кириб чиқаман. Кейин сизларни чақираман, – деди у ва совға халталарини олиб қия очиқ турган гулдор темир дарвозага: "Ҳой, ким бор?" дея бош суқди.

Ичкаридан аёл кишининг жавоби эшитилди.

– Ошнам қалайлар?! – деди Раҳматбой атай кулиб.

Аёл унинг қўлидагиларни кўриб қувониб кетди. Ражаббой ҳам бирор яқин ошнам келди, деб ўйлаган шекилли, айвонга оҳиста майкачан чиқиб келди. Унинг қовоқлари кўкариб, шишиб кетган, базўр оқсаб юрарди. Раҳматбойни кўриб ҳайрон бўлди. У билан бир-икки бор тўй-ҳашамларда кўришгану, яқин биродарлар эмасди. Хаёлидан, "Наҳотки, у ануви безориларнинг қариндоши бўлса?", – деган фикр лоп этиб ўтди ва "Унча-мунчага бўйин эгадиган одам эмас бу" деб қўйди.

– Ассалому алайкум! Тузукмисиз, ошна?

– Ҳа, келинг, Раҳмат ака, анча яхшиман. Қалай шомол?..

– Эшитиб хафа бўлдим. Сизни бир йўқлаб қўяйин, дедим-да. Одам одамга керак, ахир.

– Э, раҳмат. Келинг, ичкарига марҳамат. Ҳой, хотин!

– Ҳув!

– Тез қаравор.

– Мана чой дамлаяпман!

– Ҳеч бўғилманг, Ражаббой, ҳаммаси ҳали яхши бўлиб кетади.

– Ҳа, энди бир кўргулик-да.

– Қани, омин! Қасд қилганлар паст бўлсин, жазосини олсин! – деди Раҳматбой жойлашиб олгач, дуога қўл очиб, сўнгра беморнинг ҳол-аҳволини такроран сўраб чиқди.

Ражаббой ҳамон ҳайронда эди.

– Кўрмайсизми, энди...

– Ҳа, бу ёшлар шунақа. Уларни тарбиялаш жа қийин бўп кетди. Мана, менинг яккаю ёлғиз ўғлим ҳам қулоқсиз. У наркоман бўлиб қолди.

– Шунақами? Буям кўргулик-да, ака.

– Шунақа. Сиз нима дейсиз? Шу ўғлимни туза-

тиб бўлармикин? Агар даволаб берсангиз сўраганингизни берардим. Мени биласиз, бир сўзли чўрткесар одамман, – деди Раҳматбой ва киссасида бир ўрам доллар чиқариб, ўртага тап этказиб ташлади. – Агар ўғлимни даволасангиз манашу пулларнинг ҳаммаси сизники. Яна мукофот ҳам бераман.

Ражаббой довдираб қолди. Шу маҳалда чой, қанд-қурслар кўтариб кириб келган аёли пулни кўриб кўзлари ўйнаб кетди. Дўхтир аввалига ажабланди ва у ёқ-буёқ шубҳаланиб қараб олган бўлди.

– Э, йўқ, қўлимдан келмайди, ака, – деди у жиддий.

– Вой, нега энди, дадаси? – ҳовлиқиб сўради аёл.

– Ҳа, нега? Таниқли шифокорсиз-ку. Мен сизнинг олдингизга нажот излаб келдим, ахир! – деди бой ялинганнамо.

– Бошқа дўхтирлар кўп-ку, ака.

– Бориб укол-пукол қилиб қўяверинг-да, дадаси.

– Бор, йўқол! Сен гапга аралашма!

– Бўлмаса, нега шифокорлик қиляпсиз? – кескин сўради Раҳматбой.

– Мақсадингиз нима ўзи? – жиддийлашди Ражаббой ҳам.

– Менга ўғлимни даволайдиган шифокор керак.

– Бунинг иложи йўқ. Ҳеч ким уни даволай олмайди.

– Демак, ўғлим ҳам ўлади, шунақами?

– Йўқ. Мен ундай демоқчи эмасман... Ҳаракат қилиб кўрамиз, албатта.

– Лекин ишончингиз комил эмас, тўғрими?

– Ҳа, энди... – дея чайналди дўхтир.

– Унда нега шифокорлик қиляпсиз? – дея яна сўради Раҳматбой овозини бир оз кўтариб.

– Давлат ўқитган, дипломим бор, ахир.

Раҳматбойнинг жаҳли чиқиб қизариб кетди. У ўзини аранг босиб турарди.

– Ўғлимни даволайдиган шифокор топиб бера оласизми? Дипломи борми, йўқми, менга фарқи йўқ.

– Йўқ. Тополмасам керак.

– Агар ўзим топсам-чи?

– Майли, ахтариб кўринг.

– Ўғлимни тузаттириб олсам-чи? Шунда сиз ўша дипломингизни йиртиб ташлаб, ишингиздан воз кечасизми?

– Бу нима деганингиз?

– Мен сендан сўраяпман!

– Ҳай-ҳай, – дея атайин кириб келди аёл, – мундоқ чой-нонлардан олишиб ўтиринглар. Шовқинларинг кўчага эшитиляпти-я!

– Узр, кеннойи, илтимос, чиқиб туринг. Биз ҳозир эркакча гаплашяпмиз.

– Бор, жўна дедим! – дея ўшқирди Ражаббой ҳам.

Хотини минг хавотирлик билан чиқиб кетаркан: "Ишқилиб, эримни яна дўппослашмасайди", деган ўйга борди ва бирор қўни-қўшни бўлса айтиб келиш учун кўча томон чопди. Кўчадаги машинада йўловчилардан бошқа ҳеч зоғ кўринмасди.

– Ҳой, яхшилар! Келинглар! Яхшимисизлар?

– Шукр, раҳмат, – деди мўйсафид.

– Анави барваста меҳмон сизлар биланми?

– Раҳматбойми? Ҳа, нима эди?

– Эрим билан жанжаллашяпти. Ҳозир муштлашиб кетишмасайди, деб қўрқиб кетяпман.

Мўйсафид талаба йигитга имо қилди.

– Бир кириб чиқинг-чи, ўғлим. Нима гап экан?

Меҳриддин эшик олдида бир оз туриб, ичкаридаги вазиятга ўзича баҳо берди.

– Ўғлингизни бир мен эмас, бошқа шифокор ҳам даволай олмайди, дедим-ку, – дея куюнарди Ражаббой.

– Агар даволаса-чи, ўша гапми?

– Ўша гап. Қўлни беринг, – деди Ражаббой ҳам мардларча.

Унинг мақсади тезроқ шу "бош оғриқ" Раҳматбойдан қутулиш эди. "Кейин бир гап бўлар, наркоманни барибир даволаб бўлмайди", – деди у ўз-ўзини ишонтириб.

Суҳбат бир оз самимийлашганини сезган Меҳриддин эшикни "тиқ-тиқ" қилиб, "Мумкинми?" дея кириб борди. Дўппосланган одамнинг оғзи ярим очилиб қолди.

– Ие-ие, келинг, ука...

– Нима, сизлар танишмисизлар?

– Б-бу йигит зўр йигит. Анави ўладиган йигитни шу бола тузатувди-да.

– Нима, ўладиган? Нега ўларкан?

– М-мен ўшанда билмай...

– Шунинг учун сизни калтаклашган, шунақами?

– Ҳ-ҳа...

– Гап бундай. Мана шу йигит менинг ўғлимни даволайман, деди. Шунга ишонсам бўладими, йўқми?

– Ҳ-ҳа, албатта бўлади.

– Ваъдамиз-чи? Ҳозиргина менга қўл берганингиз, эсингиздами?

– Эсимда, – деди дўхтир руҳан тушиб ва малакасиз эканини тан олгандай ерга қараб чуқур хўрсиниб олди.

– Энди гап бундоқ, Ражаббой, – дея оҳиста гап бошлади Раҳматбой, – "Йигит киши айтаверадиям, қайтаверадиям" деган мақол бор. Агар суд раиси номига ўша сизни дўппослаган йигитларга "ҳеч қандай даъвойим йўқ", деб тилхат ёзиб берсангиз, дипломингизниям йиртмайсиз, ўз ишингизни қилиб, яна одамларни "ҳалиги" қилишда давом этаверасиз, – деди Раҳматбой "ҳалиги"сўзига алоҳида урғу бериб. – Ҳамма гап шу ерда қолади, хўш?..

– Э, шунақа демайсизми, Раҳмат ака. Одамни чўчитиб юбордингиз-ку. Битта қоғоз экану, керак бўлса ўнта ёзиб бераман.

– У йигитларни тўғри тушунинг, айблари йўқ. "Жаҳл келса, ақл кетади" деганларидек ёшлик қилиб қўйишган. Уларнинг ўрнига мана мен сиздан кечирим сўрайман, – деди Раҳматбой ва бойлам пулни олиб ичидан иккита қоғозни суғурди-да, жабрланувчининг олдига ташлади. – Манавини олиб қўйинг, чин кўнгилдан.

Ражаббой қаттиқ эътироз билдира кетди.

– Э, йўғ-е, нималар деяпсиз. Бир жойдаги одаммиз, ахир.

– Дори-дармон сотиб оларсиз. Билсангиз, улар жа қиммат бўлиб кетган.

Шу маҳал хотиржам бўлиб кириб келган аёли баҳсга аралашди.

– Вой, олаверинг, дадаси. Бу пул сизга ҳалол.

– Ҳа, янгам тўғри айтаяптилар. Бу пешона терингиз, чеккан азобингиз ҳақи.

Ниҳоят, Ражаббой пулни олиб қийқирди.

– Хотин!

– Ҳов!?

– Бор, қоғоз-қалам олиб кел!

Улар тилхатни олиб чиққанларида, олди ўриндиқдаги табиб ота хуррак отиб мизғир, Дилзода бўлса унинг юзига қўнган пашшаларни қўриб ўтирарди.

Эр-хотин уларни қуюқ кузатиб қолишди.

– Энди адвокатни топишимиз керак, – деди Раҳматбой машинани юргизаркан.

– Лекин анави дўхтирни тоза бопладингиз-ку, амаки.

– Муттаҳамга муттаҳамлик қилмасанг бўлмайдида.

– Ростданам ўғлингиз, ҳалиги...

– Ҳа, гиёҳванд касал эди. Лекин манави устозингиз уни аллақачон даволаб қўйдилар.

– Йўғ-е?!

– Ҳа, тўғри. Биз Ҳалима опам билан бирга ёрдам бердик, – деди Дилзода тасдиқлаб

– Нима, наркоманниям даволаса бўларканми?

– Бўларкан. Ҳали ўша ўғлим билан ҳам танишиб оласиз.

Бугун бизникида қоласизлар. Умуман, иш ўхшагунича тураверасизлар.

– Ҳалима опаниям чақирамиз-а? – сўради Дилзода.

– Албатта.

– Ким у Ҳалима опа? – сўради Меҳриддин.

– Ҳамшира. Ҳам уқалайди, ҳам даволайди, зўр мутахассис.

– Ўғлингизнинг даволанишига қанча вақт кетди, амаки?

– Тўрт ойга яқин.

– Умуман бутун қиш ичи. Кейин тоққа яқинда борувдик, – деди қиз.

– Ҳа, биз ҳам у ердан бугун келувдик. Ишлар бунақа бўлиб кетишини ким ўйлабди, дейсиз.

Улар адвокатнинг ким эканини аниқлаш учун аввал суд биносига боришди. Раҳматбой унинг телефон рақамини суриштириб билди. Бинодан чиқа солиб қўнғироқ қилди ва учрашув жойини аниқлади. Сўнгра айтилган жой – қайсидир адвокатлик бюросига етиб боришди.

Раҳматбой машинани тез ҳайдаб, ишларни жадаллик билан бажарар, гўё бу билан табиб ота учун содиқ эканини амалда кўрсатиб қўймоқчидай кўринсада, бутун саъй-ҳаракатлари жазога тортилиши кўзда тутилаётган икки йигитни тезроқ қутқариб олишга қаратилганди.

* * *

Раҳматбой Нодиржон исмли адвокат олдига кира солиб, унинг олдига "Давойим йўқ" деган Ражаббой дўхтирнинг тилхатини қўйди.

– Манавилар гувоҳлар. Бу отахон ўша ўлимдан сақлаб қолган беморнинг даволовчиси Маржон табиб бўлади. Буниси ТошМИ биринчи курс талабаси, табиб отанинг шогирди Меҳриддин Давлатов.

– Бу кишини биламан. Устозингизни топмасангиз бўлмайди, деб мен тайинлагандим. Отахон сизнинг паспортингиз, табиблик фаолияти юритиш учун лицензиянгиз борми? Бўлса тезда ксеронусха олишимиз керак бўлади.

Маржон табиб киссасини кавлаштираркан, Меҳриддин томон сирли нигоҳ ташлади ва сўрашга ботинди.

– Ўғлим, фамилиянгизни Давлатов дедингизми?

– Ҳа, бу бобомнинг фамилияси. У кишиям, момом ҳам "Болалар уйи"да бирга катта бўлишган экан. Нима эди?

– Ўзим, шундоқ, – деди мўйсафид ва ўзини негадир ёмон ҳис қила бошлади.

Унга тез сув тутқазишди.

– Қўрқманг, отахон, сизни гувоҳ сифатида чақирдик, холос.

Мўйсафиднинг қўли қалт-қалт титрар, унда титилиб кетган, жуда эски собиқ иттифоқ паспорти турарди.

– Мана бори шу. Бошқа қоғозим йўқ, – дея олди у аранг ва кутилмаганда ўзидан кетиб йиқилди.

Яхшики, уни талаба йигит тутиб қолди. Мўйсафид бўйнидаги томирини ушлаган ҳолда қичқирди:

– Тез пиёзми, саримсоқми, ё сирками, топинглар!

Нодиржон музхонани очиб бир бош пиёз олди.

– Нима қилиш керак?

– Иккига бўлинг, тез!

Пиёз кесиб узатилди. Меҳриддин пиёзни мўйсафиднинг бурнига яқин олиб келди.

– "Тез ёрдам" чақиринглар, қон босими тушиб боряпти, шекилли.

Раҳматбой қўнғироқ қилди. Меҳриддиннинг кўрсатмасига биноан мўйсафидни юмшоқ ўриндиққа оёқларини кўтариб қўйилган ҳолда ётқизишди. Нодиржон ёстиқ топиб чиқди.

– Ёстиқ керак эмас. Бошга қон келиши яхшиланади, – деди талаба йигит ва мўйсафиднинг кўз қорачиқларини текшириб кўрди. – Кўрпа борми? Ўраб қўйишимиз керак.

Раҳматбой машинаси томон чопди. Бир адёл олиб келди.

Маржон табибнинг кўз ўнгидан бир-бир кечмиши, ота-онаси, Маржона билан учрашуви, концлагер, табиб кампир, Маржонанинг сўнги бор тоғда рўмол силтаб қолиши, НКВД сўроқлари, зах камера, Сибир изғиринида дарахт арралашлари, қочишлари, Қашқар, Тибетдаги устози, ватанга пиёда қайтиши, ғор ҳужраси ва у ердаги бош суяк чаккасидаги маржон, ғор деворидаги ёзувлар кўз олдидан лип-лип ўтди. Ёзувдаги "Қизимизнинг билагида тумори бор" деган сўзлар қайта-қайта жонланди, бир гўдак қўлларига тақилган кўзмунчоқ ва тумор кўриниб кетди.

– Тумор-тумори бор!.. – дея алаҳсираб қичқира бошлади мўйсафид. "Тез ёрдам" етиб келди ва унга тинчлантирувчи укол қилишди.

– Ҳеч гапмас, қаттиқ чарчаган. Буни "переутомление" дейилади. Лекин биринчи ёрдамни тўғри кўрсатибсизлар, раҳмат, – деди шифокор.

Раҳматбой Меҳриддинга мамнун боқди.

– Бу хавфли эмасми? – дея сўради у.

– Эҳтимол, касалхонага ётқизиш керакдир? – сўради Нодиржон ҳам.

– Йўқ, ўтиб кетади. Бу кишига новвотли ё асалли чой бериб, уй шароитда ўралиб ётишлари керак. Бир терласалар ўтиб кетади.

– Ҳаҳ, хайрият, – деб қўйди Раҳматбой ва шифокорни бир четга тортди. – Биласизми, бу кишининг ёши бир кам юзда нима дейсиз? Ёки тайёрлигимизни... ҳалиги кўраверайликми-а?

– Ўҳ-ҳў, рости билан юздами? Лекин юраклари бақувват-ку. Бу киши ҳозир қаттиқ асабийлик, стресс ҳолатидалар, холос. Қандайдир тумор билан боғлиқ воқеа бўлган, шекилли-да-а?

Раҳматбой ўйланиб қолди ва унинг ўзидан кетиш олдидан бўлган суҳбатни ёдига олди. "Меҳриддиннинг фамилияси Давлатов экани ва бобоси етимхонада катта бўлганини эшитгач... Э-ҳа, йўқолган гўдак қиз. Унинг қўлида тумори бўлгандир. Демак, бу қизни болалар уйига олиб боришганида, қўлида тумори бўлган, фамилияси Давлатова ҳарҳолда энди суриштиришга бир далил бор... "деган ўйга борди.

Мўйсафидни уйига олиб бориб ётқизиб қўйишди. Ҳалимани чақиртиришди. Улар Дилзода билан мўйсафидга қарай бошлашди.

– Бўпти. Сизлар бобойни кечгача йигитдай қилиб қўйинглар. Мен палов буюртириб қўяман. Оқшом ҳаммамиз меҳмонхонада гурунг берамиз, хўпми?

Улар адвокат ҳузурига яна қайтиб кетишди.

Йўлда Раҳматбой мўйсафиднинг ўзидан кетиш сабаблари билан боғлиқ ўз тафсилот ва тахминларини талаба йигитга сўзлади. Меҳриддин ҳам бир оз ўй суриб қолди ва тўсатдан Фарғонадаги момосига қўнғироқ қилди. Гўшакни Дилором олди. У ўша ерда истиқомат қилаётган экан. "Гўдак қўлидаги тумор" ҳақидаги гап аллақачон Хадича аяга ва у орқали, баъзи "Болалар

уйи"нинг собиқ тарбиячиларию тарбияланувчиларига тарқалган экан. Бу матоҳ кейинчалик айнан Хадича аяга тегишли экани маълум бўлди.

Аммо Раҳматбойнинг кўнглида бир савол жавобсиз муаллақ турарди. "Мободо табиб ота жон таслим қилсалар, у кишининг майитини ўзи васият қилганидек, ғорга олиб бориб кўмиладими ёки шу ерга?.. Лекин унинг бу дунёдан армон билан ўтиб кетиши мумкин эмас. Демак, тезроқ ўша туморли қизини топишим ва китобини нашр қилишга кўмаклашишим керак".

Раҳматбой билан Меҳриддин суд кунини аниқлаб, оқшом пайти уйга кириб келишганида Маржон табиб юмшоқ ўриндиққа суяниб, шошмақом ашулаларидан бирини мириқиб тинглиб, ўзи ҳам унга қўшилиб хиргойи қилиб ўтирар, аҳволи ва кайфияти бир мунча яхши эди.

— Қон босимим тушиб кетибди, қаранг. Пиёз билан жигарни қовуртириб едим, — деди у дабдурустдан.

— Э, хайрият, бизни жа қўрқитиб юбордингиз-ку-а?

— Анави иккала йигит озод бўлишмагунича ўладиган аҳмоғингиз йўқ.

Раҳматбой хурсанд келиб муйсафидни худди ўз отасидай меҳр билан қучиб олди.

VII БОБ
ҲУКМ

Ниҳоят, суд бошланди. Суд раиси йиғилиш моҳиятини эълон қилгач, сўзни қораловчи — прокуратура ходими Бердиевга берди. Ходим соқчи назоратидаги панжара ортида шумшайиб ўтирган икки норғул йигитни тўйгунича қоралаб уларнинг жамият учун ниҳоятда хавфли жиноятчилар экани ва хизмат вазифасини ўтаб турган бир бечора жабрланувчига ўзаро жиноий

тил бириктириб, куппа-кундузи қасддан тан жароҳати етказиб таҳқирлаганликлари ва ўзбошимчалик билан уни ўзларича жазолаб қонунга хилоф иш тутишгани ҳақида узундан-узоқ гапириб, улар узоқ муддатли жазога лойиқ эканликларини суд раисидан сўраб, экспертиза хулосаларини тақдим этди.

Адвокат Нодиржон Холматов эса дарҳол жабрланувчи Ражаббой Икромов томонидан даъво аризасини қайтиб олиш тўғрисидаги ариза киритилганини маълум қилиб уни раис ҳукмига ҳавола қилди ва ҳар икки йигитнинг зудлик билан озод қилинишини сўради. Шундан сўнг жабрланувчи, айбдорлар, гувоҳларга бир-бир сўз берилди.

Судда "ўлиб, тирик қолган" ва бугунги оворагарчиликнинг бош сабабчиси бўлган Зуҳриддин Каримов ва унинг бошқа оила аъзолари ҳам, Раҳматбою, унинг яқин биродарлари ҳам кузатувчи сифатида иштирок этишарди.

Сўз адвокат Нодиржонга берилди:

– Ҳурматли суд ҳайъати раиси! Муҳтарам суд иштирокчилари!

– Англашимча, бугунги суд мажлиси бир тиббиёт ходимининг ўз вазифасига масъулиятсизлиги устида бормоқда. Жабрланувчи Ражаб Икромов бемор Зуҳриддин Каримовни даволаш чораларини кўриш ўрнига "Уни даволаб бўлмайди" деган шошма-шошарлик билан хулоса чиқарган. Бу хулоса ўз навбатида бемор ва унинг яқинлари учун руҳий зарба бўлиб, уларга ҳам маънавий, ҳам моддий томондан катта зиён етказган. Бундай ҳолатда аслида тегишли тиббий ёрдам ололмаган бемор томонидан судга даъво аризаси тақдим этилганида тўғри бўлади. Укаларининг таъзиясига олис юртдан минг азоб билан етиб келган ака-жиян Акмал ва Шоҳид Каримовлар Зуҳриддиннинг соппа-соғ эканини кўриб, жаҳл отига

миниб ўзбошимчалик билан Ражаб Икромовни жазолаб, ноқонуний хатти-ҳаракат содир этганлар. Улар бу хатти-ҳаракатлари учун, албатта, жамоат тартибини бузганлик ва безориликда айбланадилар. Лекин шу ҳолатга бевосита сабабчи бўлган Ражаб Икромовнинг ўз айбини тан олиб, ўзига тан жароҳати етказган бўлишса-да, ҳар икки ёшни кечиришга тайёр эканини ҳисобга олинишини сўрайман.

– Яхши, – деди суд раиси. – ҳозирча ўтиринг. Марҳамат гувоҳ Каримов Зуҳриддин таклиф этилсин!

Зуҳриддин минбарга чиқиб келиб фақат ҳақиқатни гапириш тўғрисидаги огоҳлантириш тилхатига имзо чекди.

Прокуратура ходими уни саволга тутди:

– Айтинг-чи, фуқаро Зуҳриддин Каримов, сизни туман касалхонасида чиндан ҳам мана шу одам даволаганми? – деди у Ражаббойни кўрсатиб.

– Ҳа!

– Унинг шахси ҳақида илгари яхши билармидингиз?

– Йўқ. Кейин билдим.

– Акаларингизни доктор Икромовни жазолашга сиз йўналтирдингизми?

– Йўқ. Мени соғ-омон эканлигимни кўриб жаҳллари чиқиб кетди-да. Узоқ Приморьедан келиш учун катта сарф-харажат қилишган, ахир. Кейин кўп вақт йўқотишди. Мана ҳозир ҳам...

– Мен сиздан "жабрланувчи Икромовни калтакланишига уларни сиз ундадингизми?" деб сўраяпман?!

– Йўқ, дедим-ку. Агар мен чиндан ҳам ўлиб кетганимда улар Икромовни ҳеч қачон дўппослашмаган бўларди.

Залда енгил кулги кўтарилди. Суд раиси "Тинчланинглар!" дегандай ёғоч болғасини тақиллатиб уриб қўйди.

– Сизни ким даволади? – тўсатдан сўради суд раиси.

– Маржон табиб!

– У гувоҳ сифатида чақиртирилган, – деди Нодиржон қўшилиб.

– Яхши. Қани, у киши?

Орқа ўриндиқда ўтирган табиб ота аста ўрнидан турди.

– Йўқ, бу чол эмас, бир йигитча эди, – деди Ражаббой шоша-пиша ва "Ана ўтирибди" дея Меҳриддинни кўрсатди.

– Сизга сўз берилгани йўқ ҳали, жим ўтиринг! – дея уришиб берди раис.

Ражаббойнинг дами ичига тушиб кетди.

– Келинг, отахон, – деди раис жилмайиб. – Узр, сизни безовта қилиб қўйишибди-ку.

– Ҳечқиси йўқ. Адолат учун курашга ҳамиша тайёрман.

– Бу ерда, яъни ҳужжатларда сизнинг турар жойингиз кўрсатилмабди. Қаерда турасиз?

– Шу ватан фарзандиман. Узоқ тоғда, ғорда яшайман.

– Қаерда рўйхатдан ўтгансиз?

– Ҳозирча ҳеч қаерда.

Қораловчи қўл кўтариб рухсат сўради.

– Мумкинми, ўртоқ раис. Мен бу киши ҳақида айрим маълумотларни аниқладим.

– Марҳамат.

– Бу киши бир минг тўққиз юз қирқ еттинчи йили муқаддам судланган. Ҳарбий трибунал уни Сибирь қамоқхоналаридан бирига узоқ муддатли жазони ўташ учун юборган. бир минг тўққиз юз эллик иккинчи йили қамоқхонада кучли ёнғин содир бўлган ва бу киши ҳалок бўлганлиги ҳақида менда архив маълу-

мотномаси бор, – деди у ва ўша қоғозни суд ҳайъатига тақдим этди.

Мўйсафид бир сапчиб тушди.

– Нима, мен ўлган эканманми?

Залда яна кулги ва шивир-шивир бошланди.

– Билмадим. Биз қоғозга ишонамиз, отахон, – деди қораловчи.

– Бўлмаса, нега чақирдинглар?

Залда яна кулги кўтарилди. Суд раиси "Тинчланинглар!" дея қичқирди-да, мўйсафидга юзланди.

– Хўш, кейин-чи? – сўради раис совуққонлик билан.

Залга сув қуйгандай жимлик чўкди. Панжара ортида ўтирган йигитлар ҳам ҳайратланиб қотиб қолишди.

Кейин билмайман бу киши қаердан пайдо бўлган. Лекин шу нарса аёнки, ҳеч қаерда ҳисобда турмайди. Паспорт режимини мунтазам бузиб келмоқда. Қўлидаги эски собиқ Иттифоқ паспортини ҳамон янгиламаган. Табиблик фаолиятини юритиш учун ҳеч қандай рухсатномаси йўқ. Демак, бу киши ҳам фирибгар сифатида қонун олдида жавоб бериши керак.

– Тўғри. Лекин бу кишининг устидан ҳеч қандай шикоят тушмаган. Бу давоингиз ўринсиз, давом этинг, – деди раис.

– Хуллас, бу фуқоронинг ҳеч қандай медицинага алоқаси йўқ. Зуҳриддин Каримовни даволанишига келсак, бу бир тасодиф, холос. Яхшики, унинг ёнида Тиббиёт коллежи талабаси Меҳриддин Давлатов бўлган ва у беморга профессионал даражада хизмат кўрсатган.

– Тўғри, – дея уни тасдиқлаб қўйди Ражаббой.

Зал жонланиб ғовур-ғувур бошланди.

– Мумкинми? Мен эътироз билдираман! – деди адвокат Нодиржон.

– Марҳамат.

– Маржон табиб ота номига айтилган ва у кишини фирибгар дейишни, менинг коллегам томонидан қилинган очиқдан-очиқ туҳмат деб ҳисоблайман. Чунки бу киши профессионал ҳарбий шифокор. бир минг тўққиз юз ўттиз саккизинчи йили у киши Ўрта Осиё тиббиёт институтининг даволаш бўлимини тамомлаган. Мана менда архив ҳужжатида ксеронусха бор, – деди у ва бир парча қоғозни суд раисига тақдим қилди.

Қораловчининг ранги бўзарди.

– Яхши. Ҳар икковингиз ҳам ўтиринг. Айтинг-чи, табиб ота, сизнинг асл исм фамилиянгиз нима?

– Шоҳназаров Сафарёр. бир минг тўққиз юз ўн олтинчи йилда Фовасой қишлоғида туғилганман. Ота-бобом табиб бўлишган. Кейин тиббиёт олийгоҳини тугаллаб урушга кетдим. Ҳарбий шифокор сифатида хизмат қилдим. Кейин душманга асир тушиб қолиб бир муддат Польшадаги концлагерлардан бирида бўлдим. У ерда маҳбуслардан ташқари душман зобитлари ва уларнинг оилаларини ҳам даволаганман. Бу ҳақида НКВДга маълум бўлиб қолгани учун урушдан қайтиб келгач, мени қамоққа олишди. Қолгани сизларга маълум.

– Сиз даволаш жараёнларида асосан қайси услубдан фойдаланасиз?

– Кўпроқ халқ табобати усулларидан ва уларни иложи борича замонавий медицина билан қўшиб олиб бораман.

– Демак, ҳам табиб, ҳам шифокорсиз, шундайми?

– Шунақа.

– Каримов Зуҳриддинни қай йўл билан даволаганингизни сўзлаб бера оласизми?

– Ҳа. Ноанъанавий халқ табобати усули билан даволадим. Шогирд йигит иккаламиз унинг ичакларини тозалашга ва ичини юргизиб юборишга эришдик.

— Сиз илгари шундай йўлни қўллаганмисиз?

— Мен бу даволаш усулини концлагердан қочганимдан сўнг мени ўлимдан қутқариб қолган Тоня исмли табиб кампирдан ўрганганман. Бир минг тўққиз юз қирқ учинчи йилдан бир минг тўққиз юз қирқ еттинчи йилгача шу аёлнинг ёрдамчиси бўлганман.

— Нима, бу усул замонавий медицинада қўлланилмайдими?

— Афсуски, йўқ. Лекин бунинг учун Ражаббой ва бошқа шифокорлар айбдор эмас. Тўғри, улар ўз устида ишламай, малакаларини оширмай қўйишган. Халқ табобатидан бутунлай бехабарлари ҳам кўп. Чунки тиббиёт институтларида ноанъавий даволаш усуллари ўқитилмайди. Улар ҳатто қайси гиёҳ нимага дори эканини ҳам билишмайди. Билганлари фақат дорихонанинг кимёвий дорилари, холос. Уларнинг бозори чаққон. Дўхтирлар бугунги кунда инсонни даволаш учун эмас, кўпроқ даромад олиш пайида бўлиб қолишган. Одамлар ҳам содда, билимсиз. Тоғу тошлар, ўз томорқаларида ўсиб униб ётган шифобахш гиёҳлару маъданлар бўла туриб кимёвий дориларга ружў қўйишган. Оқибатда жигарлари ишдан чиқмоқда, барвақт ўлиб кетишмоқда.

— Тўхтанг! Сиз четлаб, ўтлаб кетяпсиз. Сиз тиббиётда қўллаш мумкин-ку, лекин қўлланилмаётган яна қандай даволаш усулларидан фойдаланяпсиз?

— Асосан қортиқ, ҳижомат, зулук солиш йўллари билан қон оламан. Кейин инсон танасини тўлиқ тозалаб олиб, сўнгра даволашга киришаман. Албатта, беморнинг мизожини ҳисобга оламан ва шунга кўра алоҳида емоғу ичмаклар тайёрлаб истеъмол қилинишини буюраман. Яъни ошқозон, сўлак безлари ва орқа ичак орқали дориларни юбортираман. Афсуски, замонавий медицинада бу ишлар амалда бажарилмайди. Кимёвий дориларнинг мизожи совуқ ва булар

Осиё аҳолиси учун самарасиз ҳисобланади. Хитой, Тибет, Корейс, Япон тиббиётларида кимёвий дори-дармонлар умуман ишлатилмайди. Улар асосан табиий дори ва маъданлардан, ноанъанавий халқ табобатидан фойдаланишади. Шунинг учун ҳам уларда одамлар узоқ умр кўришади.

– Бизда Шарқ табобатининг алломаси Абу Али ибн Сино услубларидан фойдаланишади, дейишади-ку.

– Йўқ. Бу ҳақиқат эмас. Оғизда айтилади, холос. Масалан, ибн Синонинг "Мизож таълимоти"ни ҳеч қайси дўхтир билмайди ва амалда фойдаланмайди. Ахир, ҳар бир жонзотнинг, ҳар бир гиёҳу дов-дарахтнинг ўз мизожи бор. Инсон қаерда туғилиб-ўсган бўлса, унга фақат ўша ватани тупроғида униб-ўсган ўт-ўланлару маъданлардан тайёрланган дармон дорилар даволи таъсир қилади. Африканинг бананию, Австралиянинг папаяси ўша ўзининг ерли аҳолиси учун фойдалидир. Турли кимёвий дорилару олис ўлка меваларини телевизорда реклама қилишдан мақсад даволаш эмас, балки кўпроқ пул ишлаш, холос.

– Мен эътироз билдираман. Бу сўзлар бугунги суд йиғилишига дахлдор эмас, – деди қораловчи Бердиев.

– Эътирозингиз қабул қилинади, – деди суд раиси маъқуллаб.

– Мумкинми? – деди шу пайт Раҳматбой қўл кўтариб.

– Ха, Раҳматбой ака. Марҳамат, нима демоқчисиз?

– Мени танийсизлар. Шу ерлик холис фуқароман. Мен Маржон табиб таърифини эшитиб бедаво дардга чалиниб қолган яккаю ёлғиз фарзандимни даволатдим. Аввал уни катта-катта шифокорларга кўрсатдим. Улар мужмал жавоб қайтаришди. Фақат тинчлантирувчи укол беришарди. Хуллас, фойдаси бўлмади.

– Қисқароқ қилинг. Фарзандингиз қанақа касал эди?

– Наркоман!

Залда ҳайратланиш, яна шивир-шивир бошланди.

– Тузатдими?

– Тузатди! Шунинг учун мен табиб отанинг ҳар бир сўзига қўшиламан. Бу ерда анави йигитларни эмас, дўхтир Ражаббойни айбдор деб ҳисоблайман. Демак, баъзи шифокорлар неча-неча беморларга малакали хизмат кўрсатмай, даволаш чорасини кўрмай, осонгина "Ўлади" деб жавоб берворишмоқда. Бу билан ўз зиммаларидаги вазифани оқлашмаяпти. Баъзи дўхтирлар бўлса таъмагир, қўлингизга қарайди, оғзига сиққан дориларни ёзиб ташлайверишади. Кейин дорихонага бориб ўз бонусларини олишади. Шунинг учун сиз муҳтарам раисдан оддий фуқаро сифатида анави йигитларни эмас, балки бошқа дўхтирларни огоҳлантириш мақсадида, қонун доирасида Ражаббойни айбдор қилишингизни талаб қиламан! – деди Раҳматбой жиддий.

Кутилмаган бу гапдан залдагилар чайқалиб кетди. "Тўғри!" "Йигитлар озод қилинсин!" "Табиб отага қойил!" деган хитоблар янгради.

– Тинчланинглар! – дея қичқирди раис. – Раҳмат, Раҳматбой ака, жойингизга ўтиринг. Сўз гувоҳ Давлатов Меҳриддинга берилади. Марҳамат!

Минбарга Меҳриддин чиқиб келди.

– Хўш, Меҳриддин, – деди раис олдидаги қоғозларни кўздан кечириб. – Сиз табиб отани қаердан танийсиз?

– У кишига мен шогирд тушдим ва тиббиёт коллежида ўқиб юрганимда халқ табобати бўйича амалиёт ишимга раҳбарлик қилдилар. Шунда биз Каримов Зуҳриддинни бирга даволадик. Кейин яна бошқа

жуда кўп тузалмас беморларниям кўрикдан ўтказиб, даволаб муолажаларини бирга ўтказдик.

– Сиз мана ҳозирда Тиббиёт институти талабаси экансиз. Табиб отанинг иш услубига қандай қарайсиз? Улар тўғрими?

– Ҳа. Устозим халқ табобати билан замонавий тиббиётни қўшиб олиб борадилар. Масалан, беморни дастлаб қабул қилганимизда, уларни кўздан кечириб, ўз қўйган ташхисини тасдиқлаб олиш учун уларга қон ва сийдик таҳлили ёки МРТ суратларини олиб келишни буюрадилар.

– Ташхисни қандай қўяди?

– Асосан беморнинг томир уриши, тил ранги, кўзи, сочи, юзи ва тирноқларига қараб.

– Ҳим-м, яхши. Айтинг-чи, Меҳриддин, агар Каримов Зуҳриддинни даволашда сизлар қўллаган усулни дўхтир Ражаббой ҳам қўллаганида чиндан ҳам бемор тузалиб кетармиди?

– Ҳа. Каримов ортиқча азоб чекмаган бўларди. Унинг ичини ювиб ташлаш чораси кўрилмаган.

– Бунинг учун сиз дўхтирни малакасиз деб ҳисоблайсизми?

– Ҳа. У киши ўз касб маҳоратини, билим малакасини ошириб бориши, бунинг учун соҳага доир кўп китоблар ўқиши керак эди. Бу бошқа тиббиёт ходимларига ҳам тегишли.

Шу маҳал суд раисининг ёнида ўтирган халқ маслаҳатчиларидан бири бўлган Машрабжон раиснинг қулоғига бир нималар деб шивирлади. Улар бир оз тортишишди. Залда ҳам безовталик бошланди. Ниҳоят, бир қарорга келинган чоғи, раис тахта болғачани оҳиста уриб деди:

– Раҳмат сизга, гувоҳ Давлатов. Суд ҳайъати маслаҳатлашгани чиқиб кетади. Икки соатга танаффус эълон қилинади!

* * *

Судъя ва ҳайъат аъзолари ўз хоналарига кира солиб қизғин баҳслашиб кетишди.

– Жуда қизиқ иш бўляпти-ку-а? Ражаббой айбдор бўлиб қоляпти, – деди раис.

– Ҳа. Жуда эҳтиёт бўлмоғимиз керак. Агар қораланса, демакки, бутун бошли соғлиқни сақлаш тизими қораланади – деди маслаҳатчи Муҳаббат Алимовна.

– Нега ўзи биздаги тиббиёт табобатни инкор қилади-а? Ахир, ота-боболаримиз шу йўл билан даволаб-даволаниб келишган-ку. Тиббиёт институтларида халқ табобати ўқитилмас эмиш, тавба.

– Эшитганман, фақат игна билан даволашдан тушунча бериларкан, холос.

– Билсангизлар, замонавий медицинада касалликлар бўлиб-бўлиб ўрганилади ва шу соҳа бўйича мутахассислар тайёрланади. Масалан, кардиолог юрак соҳаси, стоматолог – тиш, оталаринголог – оғиз, бурун, қулоқ, гастролог – ошқозон-ичак, офтальмолог – кўз, невропатолог – асаб, мия, – деди раис.

– Андролог – эркак, гинеколог аёл... – деб қўшиб қўйди Машрабжон ҳам.

– Тўғри. Халқ табобатида бўлса инсон танаси яхлит ўрганилади. Агар беморни бир кунда бешта мутахассис кўрса, уларнинг хар бири ўз йўналишида ташхис қўйиб дориларни ёзиб бераверади. Натижада бутун оғирлик бечора жигарга тушади. Лекин булар даволамайди, вақтинчалик ёрдам беради, холос. Табиблар бўлса, бутун эътиборини мизожига кўра беморнинг умумий саломатлигини тиклашга қаратишади.

– Хўш, унда нима хулосага келамиз? Табиб ота жазоланадими ё дўхтир Ражаббойми? Қонун кўзи билан қарайлик. Бу ерда инсонлар тақдири турибди,

ахир. Озгина хатоимиз билан икки ёш йигит бадном, табиб ота бўлса фирибгар бўлиши мумкин, – деди суд ҳайъати раиси ўйга толиб.

– Менда бир таклиф бор, – деди Машрабжон.

– Қанақа?

– Табиб ота ҳақида мен ҳам одамлардан яхши гаплар эшитганман. Биз ҳам у кишининг моҳир табиб эканини амалда синаб кўришимиз мумкин.

– Қандай қилиб?

– Маҳалламизда узоқ муддатга қамалган бир маҳбус одамни, қамоқхоналар госпиталидаги дўхтирлар "бўлмайди" деб уйига жавоб беришган экан. Маҳалладигилар уни "Ана кетди, мана кетди" деб туришибди.

– Ўҳ-ҳў, қамоққонадан келибдими?

– Ҳа. Оғир жинояти учун узоқ муддатга кесилган экан. Уни бир кишилик зах камерада сақлашибди. Ҳукуматдан афв сўраб, айбига иқрор бўлиб чин пушаймон бўлганини ва фақат ўлими олдидан оиласи билан бўлишни рухсат сўраб арз қилган экан, аризаси қабул қилинибди. Бир йилдан буён тўшакда ётганмиш. Жуда оғирмиш. Шуни табиб ота даволай олармикин, нима дейсизлар?

– Агар даволай олса унда қонунларимиз ҳам ожизлик қилиб қолади. Қанақа касал экан ўзи? – сўради Муҳаббат Алимовна.

– Иккала оёғи акашак бўлиб, орқасига букланиб пайлари тортишиб қолганмиш. Ўзи юролмайди. Ўғли Шодмонбек опичиб олиб юради.

– Бир бориб кўрмаймизми-а? Видео тасвирга олиб суд залида экранга қўйиб кўрсатамиз. Қани, табиб билан дўхтир нима дейишаркин.

– Маъқул, – деди раис бир оз ўйланиб олгач. – Бўлмаса, шунга қараб хулоса чиқарамиз. Лекин Маржон табибнинг таърифини эшитганман. У оддий халқ орасида жуда машҳур.

– Билиб бўлмайди. Мободо табиб даволай олмасачи-а?

– Унда қонун бўйича ишни якунлайверамиз-да, – деб қўйди раис ва жиддий ўйланиб қолди.

– Даволаса-чи? – тўсатдан сўради Машрабжон.

– Унда, дўхтир Ражаббойнинг ўзини жазолашга тўғри келади. Лекин бу гап шу ерда, орамизда қолсин. Бировга айтиб қўйманглар тағин.

– Ҳозир шундоқ борайлик-да, беморни кўриб, тасвирга туширайлик, касалхона берган тиббий хулосаларини олайлик. Кейин тушлик қилиб келиб, суд ишини давом эттирамиз. Қалай?

– Бўлади. Кетдик, бўлмаса, – деди суд раиси Fозиев.

* * *

Улар тўғри бемор Худоёр Шокиров ҳузурига кириб келишди. Озиб-тўзиб кетган, уни кўрпага ўрабчирмаб қўйилган, кўзларини мўлтиратиб ётар, базўр гапирарди. Тепасидаги катта амалдорларни кўриб кўзлари янада жавдиради. Беморнинг Шодмонбек исмли ўғли суд раиси Fозиев талаб қилган ҳужжатларни тез олиб чиқиб берди.

– Ҳим-м, диний-экстремист бўлган экан-да-а? Сен ҳам отанг йўлидан бормаяпсанми, ишқилиб?

– Э, йўқ. Отам шунақа, қайсар бўлганлар-да. "Қайтинг" дейишсаям қайтмаган. Мен асло бу йўлдан юрмайман. Ҳар хил диний китоблари бор эди. Ҳаммасини ёқиб юбордим, – деди йигит ерга қараб.

– Тўғри қилибсан. Отанг бир адашган банда. Мана, оқибатини кўр. Тоза қийналаётгандирсизлар-а?

– Ҳа энди... Нима бўлсаям отам-да...

– Унинг тузалиб кетишини хоҳлармидинг?

– Албатта, лекин бунака мўъжиза ҳеч қачон рўй бермаса керак.

– Нега энди? Оллоҳдан яхшилаб сўрасанг, бир кунда беш маротаба ўрнига саккиз марта намоз ўқисанг худо ўзи бераверади, дейишади-ку.

– Бўлмаган гап. Лекин дўхтирлар нега даволай олишмади? Шунга ҳайронман.

– Табибларга-чи, кўрсатмадингми?

– Бунақа табиб бўлмаса керак. Уч-тўрт марта имомни чақириб дам солдирдим, фойдаси бўлмади.

– Истасанг, бир яхши табиб бор. Ўзи тоғда яшайди. Ҳозир отангни видеога олиб у кишига кўрсатамиз. Агар тузатаман деса олиб келамиз. "Чиқмаган жондан умид" дейдилар. Хўш, розимисан?

Йигит бу амалдор кишининг сўзлари самимий эканини ҳис қилди ва бошини ирғаб, розилик билдирди.

– Машрабжон, бўлмаса отанинг суратини тушириб олсангиз. Лекин унда биз чиқиб қолмайлик тағин.

– Ҳа. Шодмонбек тушади, холос. Сиз бўлмаса, йигит отамизнинг устидагини олиб ташлаб, ишламай қолган оёқларини кўрсатинг. Кейин қанақа қилиб у кишини юргизасиз, кўтарасиз?..

– Отам юрмайдилар. Оёқлари букланиб қотиб қолган. Лекин ўзлари енгиллар. Бемалол кўтариб олиб юраверaман.

– Бўлмаса, акахонлар, сизлар ташқарига чиқиб туринглар. Мен, яъни оператор, ташқаридан кириб келиб аста тасвирга тушираман.

Беморнинг аҳволи яхшилаб тасвирга олинди ва уни суд залидаги компьютерга уланиб, экранга қўйиб кўрилгач, раиснинг ишораси билан суд ишининг давом этиши маълум қилинди.

– Туринглар, суд келяпти! – дея одатдагидай хитоб қилди котиба.

Йиғилганлар тез ўринларидан туришди.

Раис ва маслаҳатчилар шитоб билан кириб келишди.

– Ўтиринглар! Суд ишини давом эттиради. Хўш... Сўзни аввал қонунбузарларга берсак-да, кейин гувоҳлар билан музокарани давом эттирамиз.

– Узр, ўртоқ раис. Мен суд ишига дахлдор яна бир беморни олиб келувдим! – деди Раҳматбой баралла.

– Ким экан у?

Раҳматбой эгнига атлас кўйлак, бошига ироқи дўппи кийиб олган Дилзодага ишора қилди. Гўзал қиз қўли кўксида таъзим қилди.

– Бу қизниям тузалмас, дейишган экан. Маржон табиб даволабдилар.

– Қанақа касал эди?

Қиз ерга қараб олди. Кўзларига ёш келди. Юзини тўсди. Раҳматбой тез ёнидан ручка чиқарди-да, бир парча қоғозга "Мохов" деб қоғозни буклаб раисга томон узатиб юборди. Раис уни ўқиб бир сапчиб тушди. Маслаҳатчилари ҳам бир-бир ёзувни қўлга олиб ҳайратда қолишди.

– Бу чин ҳақиқат. "Медицина буниям ҳеч қачон даволай олмайди" дейишади. Қизиқсанглар, марҳамат, қизнинг ўзидан эшитинглар.

– Йўқ. Шарт эмас, – деди раис ва сўзни панжара ортидаги Акмал Каримовга берди.

– Мен қилган ишимдан жуда пушаймонман. Иложи бўлса кечиринглар, – деди у бошини хам қилиб.

– Сиз-чи, Шоҳид Каримов, безорилик қилганингизни тан оласизми?

– Ҳа. Бошқа такрорланмайди, кечиринглар, – деди йигит қизариб-бўзариб.

– Нодиржон, сизнинг гапингиз борми?

– Ҳа. Ҳурматли суд иштирокчилари! Билсангизлар, бу йигитлар, меҳнаткаш, ҳалол йигитлар. Оилалари жуда ҳам ночор. Яна ўз ишларига қайтиб кетиш-

лари учун бир сигир, бир отларини сотиб самолётга чипта олишган экан, бунгаям куйиб қолишди. Чунки қидирувга берилгани учун улар аэропортда қўлга олинишган. Улар оиланинг асосий боқувчилари ҳисобланади. Шунинг учун уларни кечириб, енгиллик берилишини сўрайман.

– Уларни қўйвориш керак! Ҳеч қанақа айблари йўқ! – дея қичқирди Маржон табиб.

– Отахон, ҳали сизга сўз берилган йўқ-ку!

– Э, узр.

– Лекин қонун бўйича сиз фирибгарликда айбланмоқдасиз.

– Ие, нега энди? – ажабланди Раҳматбой.

– Отахон лицензиясиз аҳолига тиббий хизмат кўрсатиб келмоқдалар.

– Дипломи бор экан-ку?

– Лицензия соғлиқни сақлаш вазирлиги томондан берилади. Диплом маълумот олгани ҳақида, холос.

– Оббо! – деб юборди табиб ота. – Бу дунёда бари бир адолат қолмабди. Мени қамасангиз қаманг! Лекин анави йигитларни қўйиб юборинглар, илтимос! Агар қўйиб юбормасанглар мен паспортимни ҳеч қачон алиштирмайман! Чунки ўз фуқароларини адолатли ҳимоя қила олмаган қонунларнинг менга кераги йўқ!

– Отажон, қулоқ солинг. Биз уларни қўйиб юборамиз. Кейин сизнинг фирибгар эмас чиндан ҳам халқ шифокори эканингизга ишонишимиз керак. Бунинг учун, хўп десангиз, сизга бир таклифимиз ҳам илтимосимиз бор.

– Нима экан?

– Шаҳримизда бир бемор бор. Униям дўхтирлар, тўғрироғи госпитал шифокорлари "бўлмайди" деб хулоса қилиб уйига жавоб беришган экан. Бир йилдан буён кўрпа-тўшак қилиб ётибди. Одамларимиз

шу беморни видео тасвирга тушириб келишган. Бир кўрасизми-а?

– Ҳа, албатта, – деди мўйсафид ҳушёр тортиб.

– Бўлмаса, берироқ келинг. Сиз ҳам Ражаббой.

Тасвир экранга қўйиб кўрсатилди.

– Хўш, дўхтир Ражаббой? Сиз нима дейсиз? Мана истасангиз қўлимда касаллик тарихиям бор.

– Бу невропатологнинг иши. Мен ахир, оддий терапевтман, – деди ниҳоят Ражаббой қизариб-бўзариб.

– Сиз-чи, табиб ота?

– Тузатиш керакми, ҳеч гапмас бу.

– Қанча вақт кетади?

– Оёғининг пайи тортишиб қолибдими?

– Ҳа. Шунақа шекилли.

Овқат ейиши яхшимикин?

– Ҳа, яхши, – деди маслаҳатчи аёл ҳам шоша-пиша синовчан боқиб.

– Бир ой вақт кетади, – деди табиб ота баралла.

– Йўқ, бир ой кўп. Ишни тезроқ ёпишимиз керак. Чунки мен бир ҳафтадан кейин пойтахтга малака оширишга кетишим зарур эди.

– Бўпти. Бир ҳафтада оёққа туради. Лекин қўлтиқтаёқ билан юради, бўладими?

– Йўғ-е! – Хитоб қилди Раҳматбой.

– Келишдик, – деди раис ва ёғоч болғачани тақ этказиб бир урди-да "Суд бир ҳафтага қолдирилди!" деб эълон қилди.

Соқчилар панжара ортидаги йигитларнинг қўлларига кишан солиб олиб чиқиб кетишди.

* * *

Суд маслаҳатчиси Машрабжон раиснинг топшириғига кўра Маржон табибни беморникига олиб кетди. Ортидан Раҳматбойлар йўл олишди. Табибнинг

дарров етиб келганини кўрган Шодмонбек довдираб қолди. Табиб ота кела солиб бемор Худоёрнинг устидаги ёпинчиқни очиб ташлади-да, унинг ҳолати, тили, кўзлари ва томир уришини текшириб кўрди. Сўнг букланиб қолган оёқларини ёзишига уринди. Оғриқдан беморнинг кўзлари косасидан чиқаёзди. Пай шу қадар тортишган эдики, суяклар гўё яхдек қотиб қолганди. Табиб чуқур ўйга чўмди, узоқ жим ўтирди. Ниҳоят, тилга кирди:

– Ҳим-м, тушунарли...

– Нима дейсиз? Тузата оламизми? – сўради Раҳматбой хавотирлик билан.

Мўйсафид қўлини унинг елкасига мамнунлик билан ташлади.

– Сизлардек шогирдларим бор, ахир. Албатта, тузатамиз! Лекин бу ерда шароит йўққа ўхшайди.

– Бўлди. Беморни бизникига олиб кетамиз "Кўпчиликдан қуён қочиб кетолмас" деган гап бор. Бу бир дард экан, холос-ку.

– Ҳа. Лекин туну кун ишлашимизга тўғри келади.

– Ишлаймиз, тўғрими? – сўради Раҳматбой Меҳриддинга қараб.

– Албатта, – деди йигит ва қўшиб қўйди: – Ё дадамниям консултацияга чақирайликми? Ҳар ҳолда тиббиёт фанлари доктори-ку.

– Аввал ўзимиз бир уннаб кўрамиз. Иш чиқавермаса, чақираверамиз, – деди мўйсафид.

Шундай қилиб, бемор олиб кетилди ва уни Раҳматбойнинг ўғли даволанган хонага жойлаштирилди. Ҳамшира Ҳалимахонни ҳам топтириб келишди. "Касаллик" деган ёвга қарши Маржон табиб бошчилигидаги "жанговор гуруҳ" тузилди, "жангга" қай тариқа кириб бориш ва ғалаба қозониш стратегия ва тактикаси ишлаб чиқилди.

– Хўш, Раҳматбой. Ҳомийлик қилишга тайёрмисиз?

– Савоб ишни охиригача қилмоқ керак, албатта.

– Меҳриддин қоғоз-қалам олинг-да, керак бўладиган нарсаларнинг рўйхатини тузиб берайлик.

– Хўп бўлади, устоз, – деди Меҳриддин гўё жанг майдонидаги аскарлардек ғоз туриб ва ёзишга тутинди. Кундалигини ҳам очиб кун ва соатни ёзиб қўйди.

– Ёзинг: тоза асал, тоғники – бир килограмм. Хантал – икки юз грамм. От ёғи – ярим кило. Қалампир. Ўн беш йиллик узум сиркаси. Ёзилдими?

– Ҳа!

– Кейин беморга қўй гўшти, қўй ёғида шўрва ҳам тайёрлаб бериб турилади. Буни, қизим, сен тайёрлайсан. Умуман ошпазлик ишларини ўзинг бажарасан, хўпми? – деди табиб Дилзодага қараб.

– Хўп бўлади, отажон, – деди қиз мамнунлик билан.

– Ҳалимахон сизга энг оғир вазифа: беморни уқалайсиз.

– Яхши, – деди аёл.

– Меҳриддин, ўғлим. Демак, сиз менга ҳар доимгидек ёрдамчилик қиласиз ва ёзиб борасиз. Раҳматбой, сиз буғли фито-бочкангизни бир ҳафтага бериб турасиз.

– Жоним билан.

– У ҳолда кийимларимизни алмаштириб, ниқобу қўлқопларимизни кийиб, ишни бошлайверамиз.

– Аввал овқатланиб олинглар, иш қочмас, – деди Раҳматбой.

Хадемай уч даволовчи худди операцияни бошлаётган шифокорлардай кийиниб олишди. Меҳриддин кундалигига алланималарни қайд қилиб, "Биринчи кун" деб тагига чизиб қўйди.

– Ишни нимадан бошлаймиз, устоз? – сўради у.

– Хўп. Беморнинг бадани, ички аъзоларидаги қон жуда совиб кетган. Бу ерда у гўё совуқ сувда сузаётга-

нида томири тортишиб қолгандай ҳолатда. Қон жуда суст айланмоқда. Шу туфайли оёқларини ва умумий баданини асал, хантал ва унга қизитилган от ёғини аралаштириб суриб тўлиқ уқалаймиз. Оёқлари илажи борича тортиб уқаланади. Меҳриддин, сиз ҳам Ҳалимахонга ёрдам берасиз. Вазифа тушунарлими?

– Ҳа!

– Раҳматбой, сиз бочкангизни ёқтириб қўйинг. Плюс қирқ-қирқ икки даража бўлсин. Бочка ичига, оёқ остига арча шохлари ёнғоқ барги ва исириқдан ташлаб қўйинглар. Ҳа, айтмоқчи, мен ҳозир халтамдан мойчечак, исканжабил, арпабодиён ва яна уч-гўрт хил гиёҳлардан олиб бераман. Уларни Дилзода майдаласин. Кейин буғ бочканинг буғхонасига соласизлар, хўпми?

– Хўп, – деди Дилзода итоат билан.

– Бўлмаса, қани йигитлар, беморни кўтариб уқалаш ўриндиғига пастга қаратиб ётқизинглар-чи.

Меҳриддин билан Шодмонбек бемор Худоёрни икки қўлтиғидан олиб кўтаришди. У жуда енгил, худди оёқлари бекилиб қолган қўғирчоққа ўхшарди. Уни қорни билан ётқизиб қўйсалар-да, оёқлари букланиб муаллақ тураверди.

– Хона совуқ. Электр печ қўйиб беринглар. Беморни тўлиқ ечинтириб устига адёл ташлаб қўйинглар. Ҳалимахон, сиз орқа томонидан уқалашни бошлайверинг. Қани омин, бемор шифо топиб кетаверсин!

Ҳалимахон сал илитилган асалли, ханталли от ёғини аввал аралаштириб олди-да, "бисмиллоҳ" дея ишга тушиб кетди. Букланиб қолган оёқларини ҳам оз-оздан тушириб-тушириб силаб уқаларди. Бемор эса оғриқдан инграр, қўйиб берса дод деб бақиргиси келар, аммо атрофидаги инсонлар уни даволаш учун чин юракдан куйиб пишаётганини кўриб бардош беришга ҳаракат қиларди. Уни бир соатча, у ёқ-бу ёққа

ағдариб, уқалангач, табиб отанинг тавсиясига кўра баданига тўлиқ тоза асал суртиб чиқилди ва икки йигит унинг қўлтиғидан олиб буғли фито-бочкага киритиб, бошини чиқариб ўтқазиб қўйишди.

Бочкадан чиқаётган гиёҳлар ифори хонани тутиб кетди ва от ёғининг бадбўйлиги сезилмай қолди. Бочкадан фақат калласи чиқиб турган беморнинг кўзлари масрур боқар, у одамларнинг бундай меҳрибон эканини ҳеч қачон ҳозиргидек ҳис қилмаган бўлса ажаб эмасди.

Кўп ўтмай бадани қизиганидан қизиб чаккасида маржон-маржон терлар чиқа бошлади. Ҳалимахон унинг юз-кўзини меҳр билан артиб, гиёҳли дамламадан баъзи-баъзида ҳўплатиб ичириб турди. Дилзода қўй гўшти ва ёғида қайнатма шўрва пиширарди. Пиёз тўғраётгани учун кўзларидан ёш оқарди.

— Ҳалимахон, энди шўрва сувидан ҳам озгина ичириб қўйинг. Яхши терлайверсин.

Шундай қилинди. Сўнгра табибнинг топшириғига биноан бемор бочка ичидан даст кўтариб олиниб илиқ душда ювинтирилиб, қуруқ чойшаб билан ўралди, сўнгра яна уқалаш столига ётқизилди. Стол ён атрофида иккита электр иситгич ёниб турарди.

Беморни ханталли от ёғи билан яна уқаланди ва ётқизиб оқ чойшабли кўрпага яхшилаб ўраб қўйилди. Табиб ота бу пайтда чойнак ичига аччиқ қалампир тўғраб дамлаб қўйганди. Ётган беморга қалампирли чой ичирилди. Бемор энди қизиб терлай бошлади.

— Устоз, беморнинг юраги тез уриб кетди-ку, — деди Меҳриддин бир пайт.

— Ҳа, бу қалампир туфайли. Тез докани совуқ сувга намлаб, юрак соҳасига қўяверинглар. Муз бўлса, ўраб қўйинглар. Сиз Ҳалимахон юракнинг атрофига совуқ докани айлантириб силайверинг. Бу юрак уришининг тезлигини пасайтиради.

– Қалампирли чой нега берилади, устоз?

– Биз бемор танасини ташқи томондан қиздирдик. Энди ичкаридан қотиб қолган ичагу томирларни қиздиришимиз керак. Шунда томирлар очилиб, қон юриши тезлашади.

Бир оздан сўнг юрак уриши меъёрлашди. Бемор қаттиқ терлади ва тагидаги чойшаб ивиб кетди. Уни олиб ташлаб янгисига алмаштирдилар. Унга яна озгина шўрва сувидан ичкизиб қўйишди.

– Майли, энди бир оз ором олсин. Биз ҳам овқатланиб олайлик, – деди Маржон табиб.

– Юринглар қани, меҳмонхонада дастурхон тайёр, – деди уларни диққат билан кузатаётган Раҳматбой.

– Ҳалимахон, сиз Дилзода билан шу ерда қолинглар. Бир оздан сўнг беморга шўрва бериб, гўшт-ёғидан ҳам едириб қўйинглар, хўпми? Бу бечорани ахир, шунча одам савалайверса қуввати қолармиди.

– Хўп, тушунарли, – деди Ҳалимахон.

– Сизларга бошқа овқат ҳам олиб келишади, – деди табиб ота ва оқ халатини ечиб қўлларини ювишга тутинди.

Бир оз танаффусдан сўнг яна муолажалар бошланди. Табиб отанинг мақсади тезроқ беморни оёққа турғизиш эди. Бунинг учун у ўзининг бор маҳорати ва амалий тажрибасини ишга соларди. Чунки ўз ғурури, аҳди ва икки йигитни озод қилиш, қолаверса, бир умидсиз беморни яна ҳаётга қайтаришдек елкасидаги масъулиятни чуқур ҳис қиларди. "Мен учун энг муҳими натижа. Бунинг учун беморнинг оёқларида қонни тўла юргизиб юбориш, пайларини юмшатиш керак" derди у фикран.

Бемор Худоёр ётқизилиб, уни яна тўла уқаланди ва энди бутун танаси бўйлаб, ҳаттоки оёқлар букик бўлса-да, ўт ёрдамида ҳавоси чиқариб юбориладиган

шиша банкалар қўйиб чиқилди. Оғриқдан бемор бетиним инграрди.

– Чиданг, бардошли бўлинг, ҳаммаси яхши бўлади. Сиз, албатта, тузалиб кетасиз, – дер эди табиб ота унга далда бўлиб.

Банкаларни пақиллатиб олиб ташлангач, қизариб, қорайиб қолган жойлари зайтун ёғи билан силанди. Сўнгра белдан товонга қадар иссиқ шам – мум қоришмаси билан ўраб чиқилди. Шу тариқа беморга бир мунча вақт ором берилди.

– Шодмонбек, энди отангизни кийинтиринг. Кейин уни Меҳриддин иккингиз қўлтиқлаб оёқ босишга, иложи бўлса юргизишга ҳаракат қилиб кўринглар, – деди мўйсафид.

Йигитлар айтганини қилишди. Аммо елкаларига олиб қанча силташмасин бемор оёғини узатмади. Йигитлар чарчагунларича юришди. Оёқлар жуда оз миқдорда, бор-йўғи уч сантиметрга очилди, холос.

– Бугунча етади. Беморни овқатлантириб, сўнг иссиқ ўраб ётқизиб қўйинглар.

– Яна шўрва берайликми? – сўради Ҳалимахон.

– Йўқ. Қўй ёғида атала қилиб беринглар. Иссиқ-иссиқ еб олсин. Ичаклари қизиши керак, – деди табиб ота ўйчан.

Унинг бугунги қилинган муолажадан қониқиш ҳосил қилмагани сезилиб турарди. Буни Меҳриддин ҳам англади ва аста ёнига келди.

– Дадамга қўнғироқ қилиб маслаҳат сўрасак нима дейсиз, устоз? Ҳарҳолда у киши катта мутахассис.

– Майли, ўғлим, ихтиёрингиз.

Меҳриддин қўнғироқ қилиб дадасига бўлаётган ишлар ҳақида қисқача ҳисобот берган бўлди. Суд мажлисида бир беморни тузатиш мажбуриятини олганлари унинг аҳволи ва қилаётган муолажалари ҳақида ҳам тез-тез гапириб берди.

– Ўҳ-ҳў, ўзларингизни жуда азобга қўйибсизлар-ку-а? – деди Раҳмон ака таажжубланиб.

– Бу жуда муҳим, дада. Устозим беморни, албатта, тузатамиз, деб сўз бердилар. Кейин бир ҳафта муддат олишди, холос.

– Демак, судья у кишининг ҳақиқий табиб эканига ишончи комил бўлиши учун атай қисқа муддат берган. Ҳай майли, бўлар иш бўпти. Демак, сизлар асосан физиотерапевтик муоалажа қилаяпсизлар, тўғрими?

– Ҳа, шунақа.

– Лекин шуни билиб қўй, ўғлим. Сизлар фақат беморнинг танасини, яъни жисмини даволаяпсизлар, холос!

– Шундай. Нима эди?

– Унинг руҳи-чи?

– Қанақа қилиб?..

– У киши узоқ муддат зах камерада ўтирган, ҳаётдан, яшашдан умидини узган ва ўз-ўзини "Мен барибир ўламан" деб ишонтириб олган бўлса керак, тўғрими?

– Ҳа, тўғри.

– Унинг орқа мияси ана шу сигнални, яъни умидсизликни қабул қилиб бутун танасига юборган. Унда яшашга иштиёқ бериш керак. У завқлансин, кулсин, ҳайқирсин. Тушундингми, ўғлим?

– Ҳа! – деди Меҳриддин ҳаяжон билан. – Мен сизни тушундим, дада. Келишга имкониятингиз борми?

– Бир-икки кундан кейин боришга харакат қиламан. Сизлар муолажани давом эттираверинглар. Саволинг бўлса, бемолол қўнғироқ қилавер. Ҳа, айтгандай, суддан ўқиш жойингга хабарнома олишни унутма.

Меҳриддин дадасининг тавсияларини устозига ҳаяжон билан етказди.

– Баракалла! Дадангиз ҳақиқий мутахассис экан. Қаранглар-а, шу оддий нарса хаёлимдан кўтарилибди-я. Эсингиздами эридан калтак еган, боши қаттиқ лат еган ёш келинчак?

– Ҳа, сочини олиб ташлаб қон олган эдик.

– Уша келинчак ҳам ана шундай руҳий тушкунликда эди.

– Тўғри. Ҳозир бўлмаса, бир иш қиламиз.

– Нима?

– Муолажани давом эттирамиз. Лекин бу мусиқатерапия бўлади. Раҳмат амакингизга айтинг ҳалиги ашула айтадиган магнитофонини қўйиб берсин. Аёлларниям чақиринг, ўйнаб беришади.

Катта залда телевизор кўриб ўтирган Раҳматбой табиб отанинг қарорини эшитиб, "Ўҳ-ҳў, жаҳолатга қарши маърифат билан кўришарканмиз-да", деб кулди.

Беморнинг бошини баланд кўтариб деярли ўтқазиб қўйишди. У бир оз ўзига келиб қолган, бироқ озиб-тўзиган юз-кўзида ҳамон тушкун кайфияти аримаганди. Гўё уни беҳуда эзиб-эзғилаб куйиб-пишаётган атрофидаги одамларга ҳамон бефарқ қарарди.

Савол беришса жавоб ҳам қайтаргиси келмасди.

Шўх қўшиқлардан бирини баланд қўйиб, ўзларича базми-жамшид қилишаркан, ҳар замон-ҳар замонда табиб ва Меҳриддин буларни томоша қилаётган беморнинг юз ўзгаришларини кузатар эдилар. Дилзода билан Ҳалима чиройли рақс тушарди.

– Шодмонбек! – деди табиб кутилмаганда.

– Лаббай!

– Уйларингизда отангизнинг ёшлигини, яхши кунларини эслатувчи суратлар, кинотасвирми ё унинг энг яқин дўстларими, аёлими, набираларими, нима бор?

– Фотоальбоми, кейин опамнинг тўйи туширилган кассета, жиянчаларим бор.

– Отангиз қанақа овқатни кўпроқ яхши кўрардилар?

– Мантини.

– Опангизга айтинг, манти пишириб, жиянчаларингизни ола келсин. Альбому, тўй кассеталариниям олиб келинглар. Тушундингизми?

– Ҳа.

– Чопинг!

* * *

Иккинчи кун

– Бугунги режамиз қанақа, устоз? – сўради Меҳриддин қўлига дафтарини оларкан.

– Кечаги ишларни яна қайтарамиз-да. Ҳа, айтмоқчи, Раҳматбой?

– Лаббай, отажон.

– Ҳалиги икки қўл билан кўтарадиганингиз борку. Нима эди?

– Штангами?

– Ҳа, ўшадир-да. Ишқилиб, вазнини қўшиб борса бўлади-ку.

– Демак, у штанга тош қўшиб берилаверади?

– Худди ўзи. Ўша матоҳингиз керак. Уни беморнинг оёғига осиб қўйиб, ҳар куни оғирликни ошириб бораверамиз.

– Тушундим. Демак, пайларини чўзиш учун, – деди талаба йигит.

– Кейин муолажа пайтида мароқли ва умуман кун бўйи қўшиқсиз чиройли мусиқанинг ўзи янграб туриши лозим бўлади.

– Машинамда зўрлари бор. Бетховен дейсизми, Моцартми, сиз учун ҳаммасини "есть" қиламиз-да, отахон.

– Мен учун эмас, бемор учун. Иложи бўлса миллий, шарқ мусиқалари бўлсин.

– Менимча, беморнинг йигитлик даврини эслатувчи қўшиқлар. Бу бир минг тўққиз юз саксонинчи йилларники, тўғрими?

– Баракалла, ўғлим! – деди табиб ота ва шогирдининг елкасини қоқиб қўйди.

Даволовчи гуруҳ берилган кўрсатмалар бўйича яна муолажаларни завқ-шавқ билан бошлаб юборишди. Сўнгра тушликдан сўнг беморнинг оёқларига чилвир боғлаб, ўриндиққа штанганинг энг кичик тошларини осилтириб қўйишди ва шу ҳолатда кўрпага ўралди.

Беморнинг пайлари бугун сезиларли даражада чўзилди.

* * *

Учинчи кун

– Кеча бемор яхши терламади. Бугун қўй ёғи ва гўштида шўрва тайёрлаб унга занжабил ҳам қўшамиз. Бочкага солишдан аввал асалга сунбулани қўшиб танага суртамиз. Кейин беморни эмаклатиб юргизиб кўрамиз, тушунарлими?

– Ҳа! – дейишди даволаш гуруҳидагилар баралла.

– Мен айтганларингизни олиб келдим. Опам тушликка гўштли, кўкатли, ошқовоқли манти қилиб келадиган бўлдилар.

– Яхши. Демак, бугун руҳий муолажани кучайтирамиз. Беморга иложи борича яхши муомалада бўлинглар, ўзаро жилмайиб гаплашинглар, доим кулиб юринглар. У ҳам ўзини эркин ва бахтиёр, яхши одамлар даврасида эканини ҳис қилсин.

Яна муолажа бошланди. Бемор ётган сўри рўпарасидаги деворга телевизор ўрнатилди, унга видеомагнитофон уланди. Уқалаш ва буғли бочка муолажаларидан кейин оёғига тошни боғлаб, унинг вазнини ошириб ўраб қўйилганидан сўнг телевизорга ўн йил аввалги

бўлиб ўтган тўй маросими қўйиб берилди. Бу воқеа у қамоққа кетишидан беш йил аввал бўлганди. Унда аёли ҳаёт бўлиб, туйда югуриб-елиб хизмат қиларди.

Шодмонбекнинг кўзларига ёш келди. У югуриб-елиб хизмат қиларди Худоёр бўлса ҳайрон жавдирарди. Ўғли унинг ориқ қўлини маҳкам тутди.

– Дада, қаранг, бу бизнинг уйимиз. Ана ойим, онам, синглим... Кўряпсизми?

– Ҳ-ҳа... болам, – деб қўйди у ниҳоят ва телевизорни завқ билан кузата бошлади.

Бу орада табиб ота Меҳриддиннинг қулоғига шивирлаб, оёққа осилган тошнинг вазнини аста ошириб қўйишни буюрди. Бемор томошага шундай берилиб кетдики, бундай қилинганини сезмай ҳам қолди.

Тушликка чиндан ҳам беморнинг қизи катта дастурхон билан ва икки болаларини етаклаб кириб келди. Кичик ўғилчаси эндигина юраётган ва жуда шўх экан. Уни кўтариб беморнинг тиззасига ўтқазиб қўйишди ва тош вазнини қўшиб қўйишди. Болакай қийқириб бетиним ирғишлади. Бемор ҳам илк бор кулди. Демакки, яшашга бўлган завқи ошганидан далолат. Бу катта муваффақият эди.

Сўнгра уни эмаклатиб юргиздилар. Болакайни устига миндириб гўё "от устида" ушлаб юрилди. "От минди" ўйини барчага ҳузур бағишлади. Шу ернинг ўзига хонтахта қўйилиб ҳаммалари бемор билан бирга мантихўрлик қилишди. Болача бобосининг қучоғига ўтириб олди. Бу, эҳтимол, бемор Худоёрнинг ҳаётида кейинги ўн йиллардаги энг тотли дамлар эди.

* * *

Тўртинчи кун

Маржон табиб одатдагидек нонуштада бугунги даволаш муолажа режасини эълон қилди:

– Битта яхши, силлиқ катта тош топиб уни қиз-

диринглар. Ҳалиги мен айтган ўн беш йиллик узум сиркаси топилдими?

– Ҳа, ертўлада бор, – деди Раҳматбой.

– Яхши. Уқалашдан сўнг тош вазнини ошириб қизиган тошни тиззанинг орқа томонидан эҳтиётлик билан қўясизлар. Кейин тошга пуркагич ёрдамида сиркадан сепиб оёқ тепасидан пленка ўраб кўрпа ташланглар.

– Тош оёққа тегиб кетса куйиб қолади-ку.

– Ҳа. Тегмаслик чорасини кўришимиз керак.

Майли, тош кичикроқ иккита бўлсин ва уларни тез-тез алмаштириб турилсин, бўладими?

– Бўлади, – деди Меҳриддин.

– Худо хоҳласа, бугун оёқ босиб юргизишга уриниб кўрасизлар. Агар оёқлар ерга тегса, демак, бу ишларимиз яхши дегани бўлади. Хўш, ҳамма тайёрми?

Маржон табиб дуо ўқигач, ҳаммалари ўрнидан туриб, енг шимариб ишга киришиб кетишди.

– Бугун ҳам тўй томошасини кўрсатамизми? – сўради Шодмонбек.

– Йўқ. Бугун фотоальбомини варақлаб очиб кўрсатасиз. Болалигини, синфдошларини эсласин. Марҳума ойингиз билан тушган суратлар ҳам борми?

– Ҳа, бор

– У билан қандай танишган?

– Савдо техникумида бирга ўқишган.

– Ўҳ-ҳў. Демак, талабалик даври. Бу жуда яхши, – деди табиб ва "баракалла!" дея унинг елкасини самимий силаб қўйди.

Бемор альбом кўришни бошлаганида мўйсафид тезда телевизору мусиқаларни ўчиртириб қўйди ва қўйнидан кўшнайини чиқариб, "Адашганман" деган мумтоз мақом қўшиқ куйини чала кетди.

Беморнинг пайлари беихтиёр чўзила бошлади. Ҳатто қизиган тошга тегиб қолаёзди. Агар у қичқириб юбормаганида куйиб қолиши ҳеч гап эмасди.

Икки йигит унинг қўлтиғидан олиб турғизганларида оёқларининг ерга тегиб турганини кўрдилар. Бемор оёқлари билан ерни ҳис қилиб беихтиёр қийқирди. Тўпланганлар қарсак чалиб юборишди.

Сўнгра табиб ота билан Ҳалимахон ҳижомат йўли билан бемор танасининг тегишли жойларидан қон олиш муолажасини амалга оширишди.

* * *

Бешинчи кун

– Бизнинг эндиги вазифамиз беморнинг мустақил юра олишига эришиш. Қўлтиқтаёқ тайёрлаб қўйинглар. Ҳалимахон "сиз беморнинг тизза қисмини бевосита узум сиркаси билан уқалайсиз.

– Воҳ! Жуда сассиқ-ку бу! Уйниям тутиб кетади. Ҳеч ким ҳидига чидолмайди, – деди аёл.

– Бўлмаса темирдан шундай мослама керакки, қиздирилган тош тизза соҳасининг тепасида бўлсин ва унга сиркани пуркаб ўраб қўйилсин.

– Бунинг иложи бор, – деди Раҳматбой. – Эски хонтахта бор. Унинг тепасини олиб ташлаб темир панжара қўямиз. Кейин тошни, унинг устидан тоғорани ағдариб қўямиз. Бўладими?

– Бўлади. Яшанг, Раҳматбой! Бу ихтироингизга гап йўқ!

– Ҳа энди, политехника институтини тамомлаганман-да, отахон.

Яна гуруҳ ишга киришди. Натижада энди бемор оёқларини боса оладиган бўлди. Уни қўлтиқлаб юргизиб кўришди. Энди бемор ҳар қадам босганида кулиб, ўзича қийқириб қўярди.

Уни деворга суяб ҳам кўрдилар. У деворни ушлаб худди ёш гўдаклардай мустақил қадам ташлади.

Сўнгра ундан яна ҳижомат йўли билан танасининг бошқа жойларидан ҳам қон олинди. Бу жараён унинг

томирларида қотиб қолган ҳаром қонлардан холи қилишга ва қоннинг тана бўйлаб озод юриб кетишига хизмат қиларди.

* * *

Олтинчи кун

Бу куни ҳамма муолажалар яна қайта такрорланди. Бемор энли ўзини анча тетик ҳис қилар, иштаҳага кириб, ҳатто ҳазил-мутойибага ҳам мойил бўлиб қолганди.

Буғли фито-бочкани тайёрлаган Ҳалимахонга табиб ота ҳазил қочирим қилди:

– Ҳай-ҳай, ана меҳру, ана муҳаббат! Сиз бевасиз, у бўйдоқ. Ҳалимахон энди сиз мана шу бочкани олиб кетиб уйингизга қўйиб олинг, хўпми?

– Ичидаги билан бўлса, майли, – деди аёл ва шодон кулиб юборди.

– Ҳой ука, эшитдингиз-а? Шунга нима дейсиз? – сўради у бемордан.

– Бунақа уринишларингни кўрибоқ ўзим билувдим, мени уйлантиришмоқчи, деб. Майли обкетса, обкетар...

Янгроқ кулги янгради. Латифабозликни мўйсафид давом эттирди:

– Уруш маҳали бир тўлишган рус аёли ўтин териб юрса хазонларнинг ичидан концлагердан қочган бир маҳбус эркак чиқиб қолибди... "Эй, худо мен сендан ахир ўтин сўровдим-ку, ўзингга шукур. Ҳай майли, насибам эканда ҳеч бўлмаса ўтинликка яраб қолар" деб қўлтиқлаб олиб кетаверган экан.

Яна кулги янгради. Бемор силтаниб шундай яйрадики, гўё оёқ пайлари чўзилиб, "боши кўкка етди".

Муолажалар яна такрорланди. Тош вазни оширилди. Ҳалимахон ўтли банка қўйиб, беморнинг қизарган баданини янада меҳр билан силади.

– Қўлтиқтаёқ келтирилсин! – дея қичқирди Маржон табиб. – Қани, йигитлар ёрдамлашинглар-чи.

Меҳриддин қўлтиқтаёқни олгани кетганди. Шодмонбекка Ҳалимахоннинг ўзи қарашворди. Улар то қўлтиқтаёқ келтирилгунича беморнинг қўлтиғидан олиб, юргизишга ҳаракат қилишди. Унинг ерни аста босиб қадам ташлашини кўриб ниҳоятда завқланишди.

Шундай қилиб, ўша куни бемор қўлтиқтаёқ ёрдамида мустақил қадам ташлай бошлади.

– Суд эртага нечада бошланади? – сўради табиб ота.

– Соат ўн бирда, – деди Раҳматбой.

– Яхши. Бўлмаса эртага барвақт туриб, сиз Ҳалимахон бу кишини фито-бочкага соласиз-да, кейин зайтун ёғи билан баданини тўлиқ уқалайсиз.

– Тушунарли.

– Шодмонбек, сиз сартарошни чақириб келиб отангизни яхшилаб-а?..

– Хўп бўлади, тушундим.

– Яхши уст-бош билан кийинтиринг, худди куёвболадек бўлсин, хўпми?

Шодмонбек кулиб, "хўп"деб қўйди.

* * *

Еттинчи кун

Суд идорасига боришдан аввал беморнинг қўлтиқтаёқ билан мустақил юриши бир оз машқ қилиб кўрилди ва бунга тўлиқ ишонч ҳосил қилишди.

– Яхши. Бўлмаса, Шодмонбек, ўғлим. Қулоқ солинг.

– Эшитаман, табиб ота.

– Биз асосий даволаш ишларимизни бажариб бўлдик. Энди бу ёғига отангизнинг мустақил юришини, ҳожатга боришини, сервитамин овқатлар ейишини ўзингиз назоратга оласиз. Уйда сандал қилиб беринг,

оёқларига доим иссиқ пайпоқ кийиб ёки юнгли махси кийиб юришсин. Баъзи-баъзида Ҳалимахон опангизни чақириб ёки ўзингиз зайтун ёғи билан бел ва оёқ соҳаларини уқалаб турасизлар. Агар мана шундай яхши парвариш қилсангиз, худо хоҳласа, отангиз яна бир ойда қўлтиқтаёқни ташлаб илгаригидек юриб кетадилар.

– Демак, бир ойдан сўнг уйлансалар ҳам бўлаверар-кан-да, – деди Раҳматбой ҳазил қилиб.

– Йўқ. Аввало, шамоллаган простата безини даволатиши лозим. Ҳозир бу киши худди лўли хотиннинг аразлаган эркагидай бўлиб қолган. Уларда шунақа, хотинини қўрқитмоқчи бўлса дарров совуқ тошга ўтириб олишаркан.

Шарақлаган кулги кўтарилди.

– Табиб ота, ўша шамоллашни ким даволайди? – кулиб сўради Раҳматбой.

– Ҳалимахонга ўтин керак бўлса, ўзи боплайди-да.

Ҳазил-мутойиба, кулгу давом этди ва яхши кайфият билан туман судига кириб боришди. У ерда уларни Тошкентдан келган Меҳриддиннинг дадаси доктор Раҳмон Давлатов кутиб турарди. Кеча у ўғли билан қўнғироқлашган ва бўлган ишлардан хабардор эди.

Ҳаммалари меҳмон билан худди эски қадрдонлардай қуюқ кўришишди. Шодмонбек етаклаб олган қўлтиқтаёқли Худоёр ҳам у билан илиқ саломлашди.

Ниҳоят, йиғилганлар суд мажлисига таклиф этилиб, залга кира бошлашди. Шу маҳал докторнинг телефони жиринглаб қолди. Суд залига телефонларни қўриқчихонага топшириб кириларди. Шу туфайли Раҳмон ака ташқарига қайтиб чиқиб гаплашиб олди. Меҳриддин дадасини кутиб турди ва телефонини топширгач, сўради:

– Нима гап, дада?

– Хадича энанг, Фарғонадан қўнғироқ қилдилар. Суддан кейин бирга ўтиб кетамиз, шекилли.

– Тинчликмикин?

– Ҳа, қанақадир тумор топилганмиш. Унинг ичидан катта энангнинг хати чиққанмиш?

– Қанақа хат?

– Бобомиз топилганмиш, қизиқ-а? Фамилияси Шоҳназаров экан исмини Сафарёр дедими-ей, англамадим.

Шу маҳал залга суд ҳайъати кенгаши аъзолари кетишаётгани учун суҳбатлари бўлиниб қолди. Ичкаридан "Туринглар, суд келяпти!" деган овоз янгради. Ҳамма, ҳатто панжара ортидаги йигитлар ҳам ўрнидан туришди. Ажиб хаёлларга берилган Меҳриддин ҳам дадаси билан жойлашиб олишди.

– Суд ишини давом эттиради, – деди суд раиси.

– Марҳамат, сўз гувоҳ табиб Шоҳназаров Сафарёрга берилади.

Раҳмон ака бир сапчиб тушди ва беихтиёр ўрнидан туриб кетди. Унга раиснинг кўзи тушди.

– Сизга сўз бермадик. Нега ўрнингиздан турдингиз? Кимсиз ўзи?

Унинг ўрнига Меҳриддин жавоб берди:

– Бу киши менинг дадам, тиббиёт фанлари доктори Раҳмон Давлатов бўладилар.

Залдагилар жим қолишди. Раҳмон ака фикран "Энди биз Давлатовлар эмас, ўғлим. Бугундан эътиборан бизлар Шоҳназаровлармиз" дейишни жуда-жуда истади.

Минбарга чиқиб бораётган Маржон табиб унга ялт этиб қаради ва икки йигитнинг "бобожон!" дегандай кўзлари чарақлаб турганига кўзи тушди. Тили каловланди, юраги гупурлаб тез ура бошлади.

Бир пайт иштирокчилар беихтиёр чаппак чалиб

юборишди. Чунки залга кўлтиқтаёқда ва Шодмонбек кўмагида Худоёр жилмайиб кириб келганди.

Суд раиси ва маслаҳатчилари ҳайратдан ёқа ушлаб беихтиёр ўринларидан туришди ва улар ҳам қарсакка қўшилишди.

* * *

Ўша куни ҳукм ўқилди. Шифокор Ражаббой Икромов ўз вазифасига совуққонлик билан муносабатда бўлгани ва Каримовлар оиласига бирмунча моддий ва маънавий зиён етказгани учун маъмурий жазога тортилди. Судланувчи йигитлар бўлса жамоат тартибини бузганликда айбландилар ва уларга бир ой муддатга қамоқ жазоси белгиланди, шунингдек, бир ойдан буён ҳибсда ўтирганлари туфайли суд залидан озод қилинишди.

Сўнгра баённомага киритилмаса-да, суд раиси Fозиев ўз ташаббуси билан қувониб кетиб тантанавор равишда бир гапни эълон қилиб юборди:

— Фирибгарликда айбланаётган фуқаро Шоҳназаров Сафарёр, яъни Маржон табибга Халқ шифокори номи берилсин ва унинг ҳужжатлари Ўзбекистон фуқаролигига тавсия этилсин!

Залда гулдирос қарсаклар янгради. Раҳмон ака ва Меҳриддин келиб мўйсафидни маҳкам бағриларига босдилар.

Раҳматбой чиндан ҳам Чуст боғидаги сўлим чойхоналардан бирига "тизза бўйи" ош буюриб қўйган экан. Суд мажлисида иштирок этганларнинг барчасини таклиф қилди.

Раҳмон ака "Кетмасак бўлмайди, бизни Фарғонада кутишаяпти" деб қаттиқ туриб олишига қарамай Раҳматбой уни қўймади.

— Ҳечқиси йўқ озгина кутишса бўлаверади. Мана отахон ҳам етмиш йилдан буён бир қизчасини қи-

диряпти-ку. Бир кун, ярим кун ҳеч нимани ҳал қилмайди, – деди у эътироз билдириб.

– Мен албатта, отахонниям, ўғлимниям олиб кетаман, ахир.

– Унда умуман рухсат йўқ. Чунки мен ҳам сизлар билан бормоқчиман.

– Э шунақами? Ундай бўлса майли... – деди тиббиёт фанлари доктори ноилож таслим бўлиб.

– Биз энди сиз билан муштни ҳам, гўштни ҳам бирга ейдиган қадрдон бўлиб қолдик. Ўғлингизга гап йўқ. Яхши йигит экан. Кейин уйимга борамиз, меҳмоним бўласиз.

– Қайтишда, албатта.

– Майли ҳозир палов интизор бўлмасин, – деди Раҳматбой такаллуф билан.

Раҳмон ака Раҳматбойнинг бу қадар меҳмондўстлигини кутмаганди, раъйини қайтара олмади. Улар Чуст истироҳат боғи ичидаги паловхўрлар маскан-ларидан бирида давра қуришди. Шу маҳал лоп этиб Сардорбек ҳам пайдо бўлди. Мўйсафид беҳад хурсанд бўлиб кетди ва уни ёнига ўтиришга чорлади. Сардорбек ҳам Раҳмон акани кўриб жуда хурсанд бўлди.

– Ўҳ-ҳў, жамоат жам-ку, ғалабалар муборак! Раҳматбой дўхтир Ражаббойни, шунингдек, ҳозиргина панжара ортида ўтирган йигитлар ва уларнинг суд мажлисига келган яқинларини ҳам қўярда қўймай чойхонага, бир даврага таклиф қилди. Албатта Ражаббой хижолат бўлиб кетмоқчи эди. Раҳматбой уни судрагудай қилиб машинасига ўтқазди.

– Бўлар иш бўлиб ўтди, Ражаббой. Энди бир-биримиздан гина қилмайлик. Йигитлар билан қўл бериб ярашиб олинг.

– Қандай бўларкин?..

– Яхши бўлади. Мен ўзим сизларни учраштираман. Улар сиздан кечирим сўрашмоқчи. Маслаҳатим энди

табиб ота билан ҳамкорлик қилинг, малакангизни оширинг. Бундан ташқари мана Тошкентдан Меҳриддиннинг дадаси келган. У киши тиббиёт бўйича катта мутаххассис. Танишиб оласиз, бўптими?

– Хўп бўлади. Сиз борсиз, биз бормиз-да, ака.

– Шундоқ бўлсин, – деди Раҳматбой ва оқловчию, қораловчиларни ҳам машинасида бирга олиб келди.

Шундай қилиб қирқдан зиёд меҳмонлар кенг дастурхон атрофида давра қуришди. Тўридан Маржон табиб, Раҳмон ака ва ҳозиргина кириб келган Сардорбек жой олишди. Меҳриддин ҳам Сардорбекнинг ёнида эди.

Ош тайёр бўлишига пича вақт борлиги учун улар енгил тамадди қилиб ўтиришди. Шу маҳал кутилмаганда Сардорбек табиб ота томон юзланиб мурожаат қилди:

– Ота, анави концлагердан қандай қочгансиз шуни гапириб беринг.

– Шу тобда-я, ё тавба!..

– Гапириб бераверинг, жа қизиқиб қолгандик, – деди Меҳриддин ҳам.

– Ҳа, ўғлим менгаям айтиб берувди. Жуда қизиқ экан. Яхши бўларди, – деди Раҳмон ака ҳам гапга аралашиб.

– Хўп майли, – деб қўйди мўйсафид бир пиёла чойни шошилмай ичиб оларкан. – Ўша унтер-офицер Ганс билан жуда чиқишиб қолдик. У менга тўла ишониб қолди. Чунки унинг ўзини ҳам жигар хасталигидан даволай бошладим. У менга мурожаат қилишидан аввал ўз санитар қисмига ҳам борган экан. Худди мен айтгандақа ташхис қўйишибди. Кейин мени уйига обкеволди. Бир ой давомида унинг оиласини даволадим. Шу даврда бизникилар ғалаба қозонишни бошлади. Гитлерчилар Сталинградда қаттиқ зарба ейишди. Бир куни бир қизиқ иш бўлди, – деди

Маржон табиб ҳикоясини салмоқланиб давом эттираркан. – Мен ҳижомат йўли билан қон олувдим. Дам олаётувди. Бир вақт бир аскар келиб зудлик билан уни каттакон бошлиқ штабга йўқлаётганини айтиб қолди. Мен оқ халат кийиб олганман, устимга қон доғлари сачраганди. У кийиниб чиқиб кетди. Қарасам ғилофи билан тўппончаси қолиб кетибди. Ҳамшира аёл чиқиб кетувди, хотини овқат пишираётувди. Ҳай-ҳайлаб тўппончани олиб орқасидан чиқиб чопувдим. Соқчилар нақд пешонамдан отиб қўйишай деди. Яхшиям у овозимни эшитиб қолди. "Тўппончангиз қолиб кетибди, нер! деб ўзбекчалаб бақириб юборибман. Қўлимда қурол. Бир худо сақлади-да, ўзиям.

Мўйсафиднинг гапини мароқ билан тинглашаётган даврадагилар кулишиб олишди.

– Кейин қандай қочиб кетдингиз?

– Ганс кўп сиқилди. Уни виждони қийналарди. "Сен бу ерда бекорга ўлиб кетасан" деб бир-икки марта айтди. Кейин бир кун ўзи рулга ўтириб бир ўрмон четига олиб бориб, "Бор кетавер. Тез бўл. Мен бошлиғимга қочмоқчи бўлганинг учун отиб ташладим" деб айтаман, деди. Мен оёғимни қўлга олиб ўзимни ўрмон ичига урдим. Лекин шу маҳал тўсатдан мотоциклда икки патрул аскар келиб қолишди ва мени чиндан ҳам қочиб кетяпти деб ортимдан отишди. Елкамга ўқ тегди. Думалаб тушиб ортимга қарадим. Ўз кўзим билан кўрдим ҳар икки патрул аскарни Ганснинг ўзи орқаларидан туриб отиб ташлади. Кейин бир оз қочдим. Қон кўп кетди. Ҳолдан тойдим ва ўзимни ўтлар орасига олдим. Ерни бир ёғоч билан кавлаб чувалчанглардан тердим. Уларни тош билан мажақлаб ярамга қўйдим. Кейин атрофида тўзиб ётган ўргимчак тўрларига кўзим тушди. Улардан бир оз йиғиб ярамга қўйдим. Булар қон тўхтатиш учун бир

оддий чоралар эди. Кейин ўзимдан кетиб қолибман. Қанча ётдим билмайман. Кимдир юзимга сув сепиб бурнимга саримсоқпиёзни ҳидлатарди. Ўзимга келиб қарасам тепамда бир жун рўмолли кампир турибди. Елкамни боғлаб қўйибди. "Чувалчанг қўйиб яхши қилибсан", нима табибмисан? – деб сўради. Мен "ҳа" дедим. Кейин "Юра оласанми?" деди ва мени ўрнимдан турғизиб аравасига олиб бориб ётқизиб устимга хашак ташлаб аллақаёққа олиб кетди. Кейин вайрона бўлиб ёниб битган бир уйнинг соғ қолган ертўласига олиб тушиб шу ерда қимир этмай ётишимни тайинлади. Кейин кечқурун қўлида егулик бир стаканда қаймоқ ва бир ит билан кириб келди. Сўнг елкамни ечиб ярамга қаймоқ суртди ва итга ялашни буюрди шекилли, ит бамайлихотир ётиб олиб узоқ ялади. Бу жуда оддий дезинфекция амали эканини тушундим. Кейин бир итга бир менга қараб ҳайрон бўлиб турганимни кўриб ўзини танитди:

– Исмим Тоня. Знахарман. Шу итим билан жуда кўп яраланган аскарларни даволаб келяпман. Сен ҳам худо хоҳласа яхши бўлиб кетасан. Фақат баданингдаги ўқни олиб ташлашимиз керак, чидайсан. Яхши овқатланиб ол, эртага ўқни оламиз, деди. Кейин...

Шу маҳал йигитлар қаторлашиб товоқларда паловларни олиб кириб қолишди. Раҳматбой мўйсафиднинг гапини бўлди:

– Қолганини кейин айтиб берасиз, отахон.

– Шунақа қилайлик, – деди Маржон табиб ҳам хитоб қилиб.

III қисм тугади

ШИФОЛИ ЖОНЗОТЛАР

Маълумки, дунёда жонзотларнинг (ҳайвонот, ҳашарот, қуш ва бошқалар) миллиондан ортиқ турлари бор, уларни Ер куррасининг ҳамма жойларида: ерда, тупроқ қаърида, денгиз, дарё, кўлларда ва ҳатто ҳавода учратиш мумкин. Ҳайвонлар табиатда ва инсон ҳаётида жуда катта аҳамиятга эга. Инсоннинг яшаши ҳамда ҳаёт кечириши учун керак бўлган кўпчилик озиқ-овқат маҳсулотлари, шунингдек, дори-дармон учун зарур айрим хом ашёлар ҳайвонлардан олинади. Бундан ташқари, Ер юзидаги ўсимликларнинг кўпайишида, тарқалишида, тупроқ таркибининг яхшиланиши, унумдорлигининг ортиши, сувларни тозалаш жараёнларида ҳайвонларнинг ҳиссаси беқиёсдир.

1. УЙ ҲАЙВОНЛАРИ

1.1 Итлар

Билингки, аввало итлар ўзларининг сўлаклари билан даволаши мумкин. Сўлак таркиби антимикробли таъсирга эга бўлгани учун қадимдан бу жониворлар жароҳатларни ялаб, сўлаги билан даволаб келган. Ит инсоннинг нафақат садоқатли дўсти, балки бир умрлик шифокор ҳамроҳи ҳамдир.

Шу ўринда бир ҳикояни айтиб беришни лозим топдик. Иккинчи жаҳон урушида фашистлар босиб олган жойда бир кекса аёл ўзининг ҳаётини таҳликага қўйиб, ярадорларни яширинча даволаган экан. Ярадорлар бир неча киши эди. Уларга дори-дармон йўқлигидан аёл бир хонадон итидан фойдаланади.

Яралорларнинг яраларига аёл қаймоқ суртиб чиқади. Сўнгра ит галма-галдан ўша яраланган жойларни ялаб чиқаверади. Натижада барча ярадорлар тузала бошлайди. Бу аёл тузатган ярадорлар яна қайта сафга қайтишади. Узоқ йиллар аёл қўлида даволанган одамлар табиб аёлга миннатдорчилик хатларини ёзиб туришган экан.

Маълумки, итнинг хонадонда бўлиши ва у билан ўтказиладиган мулоқотларнинг ўзи ҳам одам танасига ижобий таъсир кўрсатади, унинг умумий кайфияти кўтарилади. Ҳаётий кўрсаткичлари яхшиланади. Қон босими меъёрга тушади. Бу, айниқса, миокард инфарктда, инсультда ва бошқа юрак қон-томир касалликларида муҳим олдини олувчи восита ҳисобланади. Беморнинг руҳий кайфияти ва аҳволи сезиларли даражада яхшиланади.

Қизиқарли далил: фидокор, беғараз, содиқ жонивор билан мулоқот қилинса, айниқса, озорланган, руҳияти турғун бўлмаган одамларга ёрдам беради. Жиззаки, тез жаҳли қўзғалиб кетадиганлар билан итларнинг яқин муносабатда бўлиши жуда фойдали. Чунки итларнинг биоэнергетик майдони кучли ва у билан муносабат қилинса, одамни тинчлантиради ва кайфиятини зиёда қилади.

Итларнинг шифоловчи хислати ҳақида бир воқеани ҳикоя қилиб берамиз. Уй бекасининг малла рангли такса Нора исмли ити эгаси билан қалин дўстликда яшаб келишади. Бир куни уй бекаси нимадандир қаттиқ ҳаяжонланганида аритмия хуружи тутиб қолади. Аксига олиб уйда бошқа ҳеч ким йўқ эди. Бека қандайдир юрак воситаларидан ичиб жойига ётади. Томир уриши 200 дан юқорига кўтарилади. Кўз олдида ҳамма нарса сузиб юради. Ўзини совуқ тер босади — жуда аҳволи ёмонлашади. Такса ити (анчагина яхши парваришланган) югуриб келиб, унинг кўкрагига ётиб

олади ва тумшуғини юзига тутиб ялай бошлайди, чакка, пешона, юзларини ялаб, маҳкам ётиб олганида итнинг юрак уриши сезилиб — 120 та дақиқасига уриб туради. Шу зайл тахминан бир соатдан кейин уй бекасининг томир уриши меъёрга келади. Улар астасекин тоза ҳавога чиқишади — нафас олишади ва шу тариқа хасталикни ўзидан чиқариб юборишади. Шундан кейин ўша дардманд аёл ити билан доимо бирга ухлайди. Буни ажралмас қалин дўстлик деса бўлади.

Ит асосан бемор одамга ачинаётганлиги учун уни даволайди. Бу ҳолни гўё "бахтсиз ҳодиса" деб қарайди. Ўзининг чексиз муҳаббатига зор бўлган эгасига гўё қарзини узаётгандек сидқидиллик билан ёрдам бермоқчи бўлади. Ҳаттоки, ит эгасига бирга ётиб ухлаган тақдирда ҳам уни энергия билан озиқлайди, кучларини тиклайди, ҳаётбахш тонусини кўтариб беради. Кўп Тайга овчилари куни билан юриб чарчагандан кейин итларига ёпишиб ухлайдилар. Эрталабгача улар дам олгач, ўзларини тетик, кучга тўла ҳолда сезишади.

Бизни шундай савол қизиқтиради: итлар одамларни қандай даволайди? Бу амалиёт тахминан шундай ўтади: инсон организмидаги хасталанган аъзолар ва дардли соҳалар тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади. Ана шу муаммоли жойларига ит ёпишиб, хасталикни суғуриб олади, беморнинг умумий кайфиятини яхшилайди. Айниқса, радикулит, остеохондроз хасталигида ит ўзининг бағрини бемор танасининг хаста жойига босиб ётади. Бунда асаб тизими хасталикларида, яна ит жунидан тўқилган шарф ёки жилет кийиб юрилса яхши ёрдам беради. Буларнинг асоси бўлган итлар ўзидаги космос орқали олган биомайдон қувватини узатишади.

Итнинг ноёб ҳид сезиш қобилияти асосида ҳеч қандай хатосиз саратон шишини ит ёрдамида аниқлаш ҳам мумкин.

Эпилепсия хуружини итлар 30 дақиқа олдиндан сезишар экан. Махсус ўргатилган ит юқори частотали "импульсли" товушни бош мия ярим шарларида сезади, бу "сезгир асбоб" эпилепсиянинг бошланғич хуружи эканлигидан хабар беради. Бемор ҳали ўзи сезмаган ҳолатда тўрт оёқли дўстимиз "ташхис" ҳақидаги аниқ хабарни етказа олади. Бу ҳол ўз навбатида керакли дори-дармон ёки бошқа амалиётни кечиктирмасдан қўллашга имкон беради.

Ҳарҳолда таянч ҳаракати хасталикларида энг яхши ёрдамни олмон овчаркалари, шарқий Европа ва Марказий Осиё (Алабай) итлари яхши ёрдам беради. Ҳаракатда тевараkни англашнинг бузилиши хасталикларини даволашда кўпинча беморлар овчаркаларга таяниб юришни ўрганишади.

Итлар ўзларининг табиати бўйича тинч ва оғир вазминли, асаб тизими турғун, одамлардаги асаб ва руҳий бузилишларда муваффақиятли ёрдам берувчидир. Буларга шарпей итлари ва малла рангли рэтвриверлар ва лабрадор итларини мисол қилиш мумкин.

Энди болаларга яхши энага бўлишда сенбернар, нюфаундленд, коллей (шотланд овчаркаси), боксер, миттелнауцер, эрделтер ва резентшауцер зотли итлари даволаш, парваришлаш вазифаларини сидқидилдан бажариб, жуда асқотади.

Даволовчи ит, айниқса, одамларга аралашмайдиган, одамови одамларга, бегона одамлардан қўрқишни енгишга ёрдам беради, ёш эгасини тартиб-қоидаларга ўргатади. Одамларда учрайдиган асабийлик, бақир-чақирларнинг олдини олади. Асаб таранглигини юмшатади. Гаплашиш нуқсонини қониқтиради, тўрт оёқли дўстининг олдида болалар ўзининг камчилигини йўқотиб, руҳий эркинликка эришишларига ёрдам беради.

Одамларнинг саломатлигини сақлаш террорчи-

лик, наркотик моддалар билан шуғулланувчиларга қарши курашда зотли итлар, асосан, овчаркалар, ротвийерлар ва спаниелар хизмат қилади.

Ал-ҳукм. Итнинг эти ҳаромдир!

Хосияти. Унинг мизожи иккинчи даражада иссиқ ва қуруқ, лекин йигирма кунлик боласининг мизожи иссиқ ва ҳўл бўлади.

Итнинг гўштини пиширириб, бошқа ёқимли таомлар билан бирга ақлдан озган, меланхолик (дилгирлик) хасталигига учраган кишилар истеъмол қилишса яхши шифо топади.

Биринчи марта болалаган итнинг сути ичилса, бадандаги заҳри қотилларни чиқариб юборади. Пешоби суртилса, сўгалларни туширади. Ёғи суртилса, бўйин ва қўлтиқ остидаги яраларни даволайди.

Қутурган ит қопганида чораси тез кўрилмаса, ўша одам қутурган ит ҳолатига тушади, яъни сув ва оловдан қўрқиб, ҳар хил талвасага тушади. Ит тишлаган жойдан кўп қон олиниши лозим. Шундан кейин саримсоқпиёзни майдалаб, сирка, зайтун ёғи билан аралаштириб, лавлагини пиёз билан пиширириб, майдаланган туз ва ток чўпини куйдириб кули билан қўшиб ўша хасталанган жойга боғланса, яхши малҳам бўлади.

1.2. Отлар

Бошқа ҳайвонларга нисбатан отлар кўп ноёб хусусиятларга эга. Масалан, бошини қайрилтирмасдан отлар 360 даража кўриши мумкин. Уларнинг манипулярли кўзлари жисмларнинг энг кичкинасини ҳам қоронғида кўра олади, шунинг учун тим қоронғида ҳам йўл топиб кета олади. Отнинг хотираси жуда яхши, мудраб қолган эгасининг уйини бемалол топиб келиши мумкин.

Туркманларда ажойиб бир ибора бор: “От йўлини туёғи билан кўради”. Бунинг сабаби туёқлари худди

одам кафтидаги каби жуда нозик сезги туйғусига эга. Бу хусусият нафақат туёғига, балки бутун гавдасига тегишли. Шунинг учун отни силаб қўйиш ва шапатилаб қўйиш энг осон эркалаш билан баробар.

От одамга нисбатан сезгир, кучли эшитиш қобилиятига эга, ҳаттоки, ультратовушларнинг фарқига бориши мумкин, қулоқларини у ёқ-бу ёққа ҳаракатлантириш натижасида шарпаларни ҳам эшитади.

Одамга ўхшаб кўп касалликларга чалиниши мумкин, лекин одамга ўхшаб ётиб даволанмайди: барча дардларини оёқда туриб ўтказади, ҳаттоки турган ҳолатда ухлайди.

Энди отлар билан одам орасидаги муносабат ҳақида гапирсак, қадимда одамлар озиқланиш мақсадида ёввойи отларни овлашган. Аста-секин инсон отга миниб, узоқ масофани қисқартириш, овга ҳам от миниб чиқадиган ҳамда оғир юкларни от ёрдамида ташийдиган бўлишган.

Тахминан (э.а.) 4000 йилдан бошлаб одамзот отларни хонакилаштира бошлади. Нафақат гўшт маҳсулотларини, балки бия сутини ҳам ича бошлашган. Шунингдек, турли хил хасталиклардан ҳам отлар туфайли шифоланиш мумкин экани аниқланди.

Отда юриш ёки чопиш усули билан даволашни табобат отаси Буқрот, қадимги шифокор Ангелой ва бошқа донишмандлар айтиб ўтишган.

Қадимги юнон тилида Гиппократ сўзи – отларга амр-фармон берувчи ёки саркарда маъносини билдиради. Унинг айтишича, "Эгар бутун ёмон хаёлларга чек қўяди ҳамда кайфиятни кўтаради. Шунинг учун отда юриш, айниқса, меланхоликларга тавсия этилади. Буқрот, айниқса, бир маромда йўрғалашга катта эътибор берган.

Инсон отда чопиб ёки йўрғалаб юриши кишида қанот ёзиб учгандай ҳиссиёт ўйғотади, бахтиёр эта-

ди. Отда юрган инсон гавдасининг турли хил мушакларини ишлатишга ҳаракат қилади, отлиқ онгсиз ҳолатда бу ҳаракатларни бажариши жуда муҳим. Буни тушунтиришга ҳаракат қиламиз. От бу машина эмаски, гимнастик машқ бажарадиган. Гарчи унинг ҳаракатлари ритмик бўлса-да, улар кўп параметрларга қараб ўзгаради. Турли хил вазиятларда, отлиқнинг ўзи англамаган ҳолатда турли мушакларни ишлатиб ҳаракатга келтиради. Шу билан барча гуруҳ мушаклари, пайлар ўзига хос уқалашни ўтказади, яъни бадантарбия қилади.

Танани тўғри, қоматнинг тиклигини таъминлаш, кўп хасталиклар келиб чиқишининг олдини олади. Бунинг учун отда юриш машғулотлари қўл келади. Бу нафақат қоматни тўғрилаш, текислаш, балки, таянч ҳаракат аппаратининг оғир хасталикларини ҳам даволаши мумкин. Ундан ташқари отда юрганда гавдасидан ажралиб чиқаётган иссиқликни ҳам эътиборга олиши зарур. Соғлом отдаги тана иссиқлиги 37,5-38 даражагача бўлиши мумкин. Яъни, отлиқнинг тана ҳароратидан 1-1,5 даража юқори. Отда юрган киши ёқимли бўлган иссиқликни сезади. Бу мушак оғриғи, тери ва тери остидаги тўқималар хасталикларида даволовчи омил ҳисобланади.

Отда юриш жиззаки, тез қўзғалувчан, қўпол, ўта бесаранжом одамлар учун, айниқса, фойдали. Одатда доимий иппотерапия сеансларидан кейин юқорида қайд қилинган одамлар ўзларининг ўта қўзғалувчанлик одатларини ташлай олади. Оддий ҳолатларда ҳам асабийлашмайдиган бўлишади. Отда машқ бажариш неврологик этиологиянинг ўта оғир хасталиклари – аутизм, полимиеомелит, Дюшен миопатияси, оригофения (Даун синдроми), астеник невроз, сенсорли бузилишлар каби хасталикларда ижобий натижага эришилади. Масалан, аутизм хасталигида, ўта си-

ниқ, ўйчан, кўпчиликка аралашмайдиган одамлар, сезгир, юмшоқ табиатли, кўнгилчан жонивор билан ишончли мулоқот қилади. Натижада улар ўзини озодликка чиққандай кайфиятлари кўтарилади ва бошқа одамлар билан мулоқотга киришиб кетиши мумкин.

Бу ўз навбатида сабабсиз таҳликанинг олдини олади. Тормозланиш ҳодисаларидан озод бўлади. Реал ҳаётга кўникма ҳосил қилади.

Машқлардан кейинги от парвариши, уни силаш, яхши сўзлар билан эркалаш ҳам инсон характеридаги ғадир-будурликларни текислаб, ижобий самара беради.

Камгап болалар, отга ўтирганидан кейин, тепадан пастга қараб, ўзини қадрлаш ҳиссиётини тарбиялайди. Қўрқув ва бошқа ноқулайликларга қарши ўзида ишонч, бошқаларнинг олдидаги "мен"ни ҳис этади. Уларда худди саркардага ўхшаб ўзини дадил тутиш ҳиссиёти пайдо бўлади.

Аксарият от билан ўтказиладиган даволаш машқлари кўп ирсий, генетик кўринишдаги хасталиклардан фориғ бўлишга ёрдам беради. Яна қизиқ далил: қандли диабет хасталиклари билан оғриган беморларнинг кўпи оддий машқлардан кейин қондаги қанд кўрсаткичининг даражаси меъёрга тушиб қолади.

Шуни ҳам эслатиб ўтиш жоизки, от билан бўладиган шифобахш машқлардан фойдаланишда одатда уятчан, юқори эрудицияли бўлмаган одамлар жонзотлар билан бўладиган тўғридан-тўғри муносабатга ўтмайдилар, бир оз ҳадиксираб туришади. От миниш машқларидан баҳраманд бўлгандан кейин инсон ва жонивор ўртасида қовуштирувчи "боғ" ҳосил бўлиб, мижознинг ички дунёси ўзгариб, ҳаётбахш тонуси ошади, унинг биомайдони яхшиланади, табиат билан ҳамнафас бўлади.

Яна бир даволовчи омил: ижобий натижанинг бўлиши қарама-қарши йўналган ҳаракатларнинг отлиқ томонидан бажарилганидир. Шунингдек, жисмоний машқларни бажараётганда одам қаттиқ ерда туради, унинг ҳаракат вектори — олдинга-кетинга ва чапга-ўнга. Отда эса бажарилган машқларда яна бир омилга: тепага ва пастга қаратилишидир. Ўз-ўзидан маълумки, беморларга яна ҳам фойдали.

Айниқса аёллар генекологик хасталиклар ва эркакларда простатитнинг олдини оладиган фойдали восита ҳисобланади.

От миниш, ҳаттоки, ишемик юрак хасталикларида ҳам ёрдам беради. Миокард инфарктини бошидан кечирган одамда отда бажариладиган машқлардан юрак фаолияти ҳеч қачон бузилмайди.

Отдаги машқлар наркотикка боғланган, алкоголь хуруж қиладиган, юрак қон томир хасталиклари, шунингдек, инфарктдан кейинги даврдаги ҳолатда, меъда ичак йўли хасталикларида самарали ёрдам беради.

Иппотерапиянинг даволаш хусусиятларида кўрлик ва гаранглик хасталиклари ҳам четда қолмаган. Бу отда ўтказиладиган машқларда, мувозанатни сақлашга катта эътибор берилади, отлиқнинг ва отнинг руҳан жипслиги барча аъзоларнинг ҳис-ҳаяжонини ўткирлаштиради, қандайдир ташқи ахборотдаги етишмовчиликни тўлдиради.

Миокард инфаркти билан хасталанган одамларда от миниб машқлар бажарганида ва сайрларда юрак етишмовчилиги ҳамда бошқа хасталиклар кузатилмайди. Бунинг сабаби шундаки, от минганида, ҳаттоки қисқа вақтда ҳам томир уриши ҳар дақиқада 160-170 марта уриши кузатилади, бундай ўзгариш спорт билан шуғулланган кишиларда 5 км масофада югурганда рўй беради. Лекин чавандозда номақбул ўзгаришлар кузатилмайди.

Отнинг табиати иссиқ, таъсири ҳамма нарсани эритади, ҳатто қуюқлашган қон, сузмага айланган сут, қуюқ шарбатларни ҳам.

Отнинг тезаги худди эшакникига ўхшаш. Тойчанинг тезаги куйдириб суртилса, сувли яралар, ҳусн-бузарларни йўқотади.

Отнинг кавш қайтарадиган халтачаси, сурункали ичакдаги яраларда ва ич кетишида ёрдам беради.

Байтал сути худди туянинг сутига ўхшаш, у суюқ ва сувли бўлади. Отнинг сути туядан кейинги ўринда, ундан кейин эшак сути туради. Меъдада ачимайди.

Ҳофиз Шарафиддин Дамётий ўз китобида демишларким: "Ҳар уйга от боғланиб тургон бўлса, ул уйга шайтон келмасдур".

1.3. Мушуклар

Ҳайвонларнинг даволаш хусусиятлари орасида эътиборли ўринни, албатта. мушук эгаллайди.

Маълумки, сичқон ва каламушлар бошқа қитъа ва мамлакатларга кема трюмидан қочиб чиқиб кетиши натижасида тарқалиб кетишган. Осиёдан Америка, Европа қитъаларига тарқалиб ерли аҳолига вабо, ўлат ва бошқа кўп юқумли хасталикларни келтиришган.

Мушуклар сичқон ва каламушларни қириб кўп халқларни офатлардан сақлаб қолган.

Инсон танасига мушукларнинг даволовчи таъсири мукаммал ўрганилмаган, лекин шу вақтларгача тўпланган билимлар шуни тақозо этадики, бу даволар умумий таъсирга эга. Уни силаганда биомайдонининг таъсирида шифобахш кучи намоён бўлади. Бу инсоннинг умумий кайфиятини кўтаради. Беморга, айниқса, яхши таъсир этади. Балки тананинг бутун тизимлари ишини меъёрга келтиради. Шунингдек, модда алмашинувини яхшилайди.

Мушуклар инсондаги юқори қон босимини пасайтиришини алоҳида айтиб ўтиш лозим. Агар қон босими юқори юрадиган бемор мушугини 10-15 дақиқа силаб турса, унинг артериал босими меъёрига келади. Инсульт ва инфарктларнинг пайдо бўлиши эҳтимоли жуда камайиб кетади. Яқинда инфаркт билан хасталанган бемор, албатта, ўзининг севган мушугининг ёнида бўлиши лозим.

Хафақоннинг оғир босқичларида мушуклар ёрдамида ва бошқа услублар билан ижобий натижаларга эга бўлинади. Мушукни бошга ўтказиб, ёки бўйинга қўйганда қон босимини пасайтиради, агар паст бўлса (гипотония) кўтариб беради.

Бўйин ва умуртқанинг кўкрак остеохондроз хасталигида мушукни бўйинга ёки кўкракнинг юқори қисмига, орқага (оёқлари орасига), гастритда ва меъда-ичак яллиғланишида, нерв тугуни, ичакда ва пешоб халтаси ва чиқариш йўли оғриган жой устига жойлаштирилади.

Бу эркатой момиқ жонивор, ҳаттоки, грипп хасталигини даволаши мумкин, фақат бир оз кафт-товон билан иккала оёқда босиб туриш лозим (албатта, жониворларни эзиб қўймаслик керак).

Жониворлардан даволашда фойдаланаётган вақтда у тўқ ва соғлом бўлиши лозим. Агар у оч ёки касалланган бўлса даволанишни кутманг.

Уй тарбиясида бўладиган жониворларнинг эгалари ҳушёрликни, меҳрибонликни мушукларига нисбатан шу даражада кўрсатишлари мумкин экан.

Бир қариянинг юраги хаста эди. Уни бир неча марта текширишди, инфарктолди ҳолат аниқланди. Қария бир нечта дайди мушукларни боқарди. Қишда мушуклар хонада яшашарди. Мушуклар орасида қора мушук кўпинча даволовчи сифатида ўзининг ҳаракатлари билан ажралиб турарди. Қария навбат-

даги юрак хуружини бошдан кечиргандан сўнг шундай ҳикоя қилади:

— Юрак санчиши бошланди, қулоқ битиб қолган, кўкракда босим пайдо бўлди. Мен диванда ётибман, ҳаракатланишга ҳам қўрқаман, шундай ҳиссиёт бўлдики, худди ичимда бир нарса ёрилиб кетай дерди. Қора мушук менинг кўкрагимга сакраб камзул орасини оғзи билан очмоқчи бўлиб сўлаклари билан суйкаланди, олдинги оёқлари билан ҳаракатланди. Сигир соғаётгандаги алфозда уч соат ётдик. Кейин юрак хуружи қўйиб юборди. Қора мушук сакраб туриб, буралди, бармоқлари билан овқатхона томонга чақирарди, худди, "Хўжайин, мен сени даволадим, энди менга сут қуйиб бер, қаймоқ ҳам, балиқлар ҳам. Мен бунинг учун хизмат қилиб қўйдим!" деб айтаётгандай эди.

Бундай даволаш даври у ёки бу хасталикларда мушукни белгиланган жойга, маълум вақтгача қўйилади. Масалан, хафақонда 3-4 дақиқа кунига 3-4 маҳал, меъда-ичак йўли хасталигида 5-7 дақиқа оғриқли жойга жониворни босиб турилади. Бошқа хасталикларда муолажа амалига ўзига хос ёндашиш талаб этилади.

Фелинотерапиянинг юқори натижалилигининг сабаби шуки, "хуриллаб турган жониворнинг" кучли биомайдони анчагина кучсиз беморни тузатади. Бундай ажойиб даволаш усулини: ички аъзоларнинг яллиғланиши, таянч ҳаракати аппаратининг яллиғланиши, ревматизм ва бошқа сурункали хасталикларни даволашда қўллаш мумкин.

Мисол учун, мен билган бир мўйсафид сурункали ревматизм билан оғрир эди. Унинг эрон мушуги бўларди. Қария оёқ оғриғи хуруж қилганида юмшоқ матоҳдай эрон мушугини оёғига қўйишини буюрарди, мушук ҳам югуриб келиб оғриган жойга ётиб оларди.

Мушуклар ўзининг эгасини кўпинча қулоқ супрасини ўзининг ғадир-будир тили билан ялаб қўяди. Бу оддийгина ҳолат эмас, балки бу "кичик шифокор"лар гўё "ичида" қандайдир носозликларни сезиб қулоқ супрасидаги биофаол нуқталарни тили билан ялаб ўзига хос уқалайди. Гап шундаки, қулоқ супрасида ички аъзоларнинг нерв томирларининг охири жойлашган бўлиб, биз ҳали танамиздаги қандай нозикликни англаб улгурмаслигимизданоқ мушуклар даволовчи уқалашни ўтказишади.

Қулоқ супрасини тил билан ялаш – даволовчи уқалаш бўлиб, мушуклар бу масалани моҳирона ечишади. Ана шундай био-энергетик нуқталарда таъсир кўрсатиб, шу аъзодаги пайдо бўлган патологик ўзгаришларни бартараф этади.

Ўзининг тирноқлари билан енгил тирнашининг ўзи ҳам ўзига хос уқалаш билан таъсир ўтказишдир. Агар мушук тирноғини бир оз ботирса, уни ҳеч қачон итарманг, тирноқлари биоэнергия нуқталарни топиб ўзига хос уқалашга ўхшаш таъсирни кўрсатади. Агар диққат бериб қарасангиз, мушук маълум бир жойларга таъсир кўрсатади, яъни "игна санчишга" ўхшаш игнатерапияни ўтказади.

Мушуклар оғриқ нуқталарни сезиб, хатосиз топиб, тирноқлари билан керакли даражада уқалайди. Фақат асосий шарт, панжалар ва тирноқлар тоза бўлиши лозим. Айрим ҳолатларда мушук тирноқ билан тирнаганда оғритиши мумкин. Зинҳор бундай ҳолатда мушукка бақириш, дағаллик билан юзланиш ва ҳоказолар мумкин эмас, балки даволашни аста-секин тугатиш лозим.

Мушук ҳуриллаганда одам қулоғига ёқимли таъсири бўлади. Айрим ҳолатларда бу даво бўлиши ҳам мумкин. Мушук ҳуриллаганда акустик тебранишдан (4 тадан 44 гц, кўпинча 16-20 гц) тенг бўлади. Бу ўз навбатида

энг яхши ёқимли, модда алмашинувини жараёнларини меъёрга келтиради, танадаги жароҳатларнинг тез битишига ёрдам беради. Айниқса, остеохондроз хасталикларида: товуш тўлқинларининг тебраниши суяк тўқималари зичлигини оширади, суяк синиш ҳолатлари камаяди. Бу ҳолат, айниқса, кекса одамларда кузатилади.

Мушукларнинг орасида қора туслилиги анъанавий биоэнергетик хислатга эга ҳисобланади.

Оқ рангли мушуклар модда алмашинув жараёнларида яхши ёрдам беради. Кулранг, ҳаворанг ва оч ҳаворанглилари – ажойиб невропатологлардир. Малла ранглилари ҳар ёқлама яхши даволашади, стресс ҳолатлари билан жиддий курашади. Мушукларда маълум даражада у ёки бу хасталикни даволашда маълум ихтисосликларга эга экани маълум. Айтиб ўтиш жоизки, бу жониворлар ўзига хос чидам ва матонат билан ўз вазифаларига сидқидил билан ёндашадилар.

Яна бир ҳикояни мисол келтиришни лозим топдик. Кичкина қизча ваҳимали автоҳалокатни бошидан кечиради. У коматоз ҳолатда узоқ вақт ётади. Ана шу коматоз ҳолатдан қизчани суткалар мобайнида мушуги қўл-оёқларини ялаб туради. "Момиқ докторимиз" чарчаганда, қизча ёнида ётиб, бўй баравар тортилиб-керишиб, яна қизчани қучиб олиб ёнида ётаверарди. Уч ҳафтадан кейин шундай даволаш натижасида қизча кўзини очди ва ёнида хуриллаб ётган мушукни силаб қўяди. Рўй берган ҳодисага касалхона ходимлари ва қизчанинг ота-оналари мамнуният билан қарашарди. Яна икки ҳафтадан кейин қизча ўрнидан туриб астасекин юришни ўргана бошлайди.

Мушуклар билан мулоқотда бўлиш, тажовузкорликни камайтиради ва кайфиятни яхшилайди. Фақат

шу ёдингизда бўлсинки, мушуклар доим ёнингизда бўлавермасдан ўз ҳолича сайр қилиб юришни" ёқтиради.

1.4. Сигир (мол)

Ал-ҳукм. Гўшти ҳалол, сути фойдали.

Хосияти. Унинг гўшти қийин ҳазм бўлади, айниқса, қари молнинг гўшти.

Хонадонимиз қут баракаси, фақат суту қатиғи ёки гўшти эмас ёғию, айрони, маскасию қуруғи (пишлоқ) билан ҳам эҳтиёжларимизни қондирадиган, фақат озгина эмас, дардимизга кўп жиҳатдан шифо бўладиган бу тўрт оёқли жонворларнинг хосияти кўп. Ҳатто йилига биттадан бузоқ туғиб оила сармоясига даромад келтиради.

Мол гўшти қийин ҳазм бўлади, шунинг учун бир оз шароб ичиш ва хардал қўшиб истеъмол қилишни тақозо этади. Унинг устидан дарҳол сув ичилмасин .

Бир ёшдан ошган ғўнажин гўштининг мизожи иссиқ ва қуруқ, лекин иссиқлиги туя гўштиникига қараганда камроқ ва қуруқликда эчки гўштига нисбатан қуруқ бўлади.

Мол гўшти анча бадҳазм, ғализ ва унинг истеъмоли танада қуюқ савдоли қон пайдо қилади, саратон, мохов, қора жигар шишини, фил хасталиги (оёқ болдирининг йўғонлашиши ва маҳобатли бўлиши), тери юзасининг оқ доғлари, қўтир, терининг доғлари, восвос сингари савдойи хасталикларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Шунингдек, узоқ муддат истеъмол қилиниши барча бўғимларга зарар қилади, белангилик иллатини баттар кучайтиради, аёлларнинг ҳайз кўриш ва туғишларнинг муддатидан олдин юз беришига олиб келади, баданга қўтир ва қичима иллатини пайдо қилади, унинг истеъмолида баданда пайдо бўладиган нохуш ҳолат ва ҳидлар юрак

ва мияга ўтиб, кўнгилсизликларни келтириб чиқаради. Европаликлар мол гўштининг устидан май ичишлари боис, улар тез ҳазм бўлиши ва қувватларини ошириши маълум. Лекин май ичмайдиган кишиларга мол гўштини хардал қўшиб истеъмол қилишлари тавсия этилади.

Мол гўшти (ёш молнинг таъми ширин, жисмоний меҳнат билан машғул бўладиган, даббаси (чурралари) бор одамларга мос келади ва хуш ёқади, уларнинг баданларини семиртириб бақувват қилади, суюқ сафрони қотиради. Лекин қонни кўпиртириб, бадбўй қилади. Ҳайвон гўштини баҳорда истеъмол қилиш нақадар ёқимли ва хуш ёқади

Калласини пиширib истеъмол қилинса, ҳароратни даф этади. Шаҳват кучини оширади. Қуёш чиқмасдан миясини олиб пес доғларига суртилса, уни теридан йўқотади.

Шохининг мизожи иккинчи даражада совуқ ва биринчида қуруқ. Ҳўкизнинг шохини қуритиб, эгов билан ишланса (қириб олинса) 4,5 граммини олиб совуқ сув билан ичилса, бурундан келадиган қонни тўхтатади. Агар унинг 9 граммини асал билан бирга истеъмол қилинса, қориндаги гижжаларни йўқ қилади. Шохнинг икки граммини сирка ва асал билан аралаштириб, истеъмол қилинса, қора жигардаги катта шишларни қайтаради, шаҳват қувватини оширади. Шохнинг куйдирилгани йирингли яраларга сепилса, уларни қуритиб, кўпайишига йўл қўймайди. Газанда жониворлар ва заҳарли махлуқлар қочиб кетади. Агар унинг чап шохидан узук ясаб, чап қўл бармоқларига тақиб олинса, тутқаноқ ва болалар шайтонлаши иллатларига шифо бўлади.

Мол ўтининг мизожи тўртинчи даражада иссиқ ва қуруқ. Қуритилганини майдалаб сурмага ўхшатиб кўзга суртилса, кўзни холдан тозалайди. Ўтни асалга

аралаштириб бир неча марта яланса, томоқ оғриғини, бадан қичишишини ва норифаси ярасини даволашда шифо бўлади. Янги сўйилган молнинг ўтини асалга аралаштириб қулоққа томизилса, унинг оғриғини босади ва йиринг оқишини тўхтатади. Унинг ўти баданга суртилса, барча захмларни даф этади. Агар ўтини аёллар сутига аралаштириб қулоққа томизилса қулоқнинг жаранглаши ёки шовқинини йўқотади. Ёлғиз ўзини заҳарли жонзотлар чаққан жойга суртилса оғриқни босади ва зарарини даф қилади. Ҳаттоки, айрим кишилар заҳарланганда унинг ярим граммини мисвоқ елими ёки асал билан истеъмол қилишади. Уни асалга аралаштириб баданга суртилса хобиса захмлари хасталикларига шифо бўлади. Шунингдек, сўзак ва фарж хасталигига, закар ва тумшуқ терисидаги дардларга даво бағишлайди ва ўша аъзоларнинг шишларини йўқотади.

Агар мол ўтини нотўрин (қизил танакор) ва туйилган бўр оҳаги билан хамир қориб, пес доғи, ҳўл қўтир, бош кепаги (қазғоқ), сепкил доғлар ва теридаги бошқа доғларга қўйиб боғланса сиҳат бағишлайди.

Мол қони жуда иссиқ ва қуруқ бўлади. Агар ундан арпа унига хамир қориб қаттиқ шишларга қўйиб боғлаб қўйилса, улар ҳайз қонига аралаштириб суртилса никриз (подагра) хасталигига шифо бўлади. Томоқ бўғилганида дарҳол мол қонидан 6 грамм ичилса, томоқни очади, шифо бўлади.

Агар ҳўкизнинг пешоби суртилса одам юзидаги майда ҳуснбузар доғларини йўқотади, агар уни сиркага аралаштириб тишга суртилса ёки оғиз бўшлиғи чайилса, тиш оғриғини босади. Пешобни исириқ уруғи билан қайнатиб, ҳосил бўлган малҳам билан карахт бўлган аъзоларга суртилса ёки ювилса, уларни ҳаракатга келтирадиган шифо бағишлайди

Арпабодиённи бир кеча-кундуз бузоқ пешобига

ивитиб қўйиб, кейин уни қуритиб, майда кукун ҳолида, таб кўтарилишига қараб ҳар куни тановул қилинса, сариқ сув хасталигига шифо бўлади.

Сигирнинг сути тезда ҳазм бўлувчидир. Унинг сутини кўзга суртилса кўзнинг иллатларига даво бўлади.

Сут бадандан куйган ахлатларни кеткизувчи ва тозаловчи маҳсулотдир. Бу барча ҳайвонларнинг сутига хос бўлган хусусият ҳисобланади. Баданга сут қувват беради. Таносил хасталикларига ҳам сут фойдали. Пешоб халтаси захмини даволайди, қовуқ ва бачадондаги шишларни қайтаради, умрни узайтиради, баданни семиртиради, шахватни кучайтиради. Сутни истеъмол қилган кишининг чеҳраси ва ранги тиниқ бўлади. Иссиқ мизожли ва кам гўшт одамлар сутни шакар билан ичсалар семиради, ширгуруч қилиб, пишириб истеъмол қилинса янада фойдалидир. Пишлоқ суви суртилса, сепкил ва бошқа тери хасталиклари (доғлар)дан фориғ бўлишда яхши ёрдам беради. Пишлоқ сувини халила билан ичилса, қўтир ва қичитма хасталикларига даводир.

Мол сутининг янги соғилгани ҳароратли бўлса жуда фойдалидир. Ҳаттоки уни обиҳаёт билан тенглаштирилади.

Агар сутга ўша миқдорда сув солиб ичилса, пешобни ҳайдайди, сийдик йўлларини тозалайди.

Энг ёш ва семиз мол сути фойдалидир. Мизожи иссиқлик совуқлик ва ҳўлликда ўртача, шифобахш хислатлари кўп. Янги соғилган мол сути совимаган ҳолда бўлса, мия жавҳарига қувват бахш этади. Танани рутубатлардан сақлайди.

Паришонхотирлик, меланхолик, васвасани даф этади. Юзда ранг ва чиройни таъминлайди. Бурун иллатларига фойдали. Мунтазам томизиб ёки суртилиб турилса, кўплаб кўз дардларига шифобахшдир.

Агар янги соғилган мол сутини, иссиқлигида ичиб турилса, юракка қувват бўлиб, ғамни қувади, васваса, юрак ўйноғи, захм ва силни, савдо ва балғамсиз иситмани, шунингдек, ичаклар заифланишининг олдини олади. Қоринни юмшатади. Бадбўй ҳидли чиқиндиларни йўқ қилади. Қизитилган темир идишга совитилган сут солиб ичилса, истисқо (қоринда сув йиғилиш хасталиги)ни тузатади. Ичиладиган сут миқдори тенглигига сув қўшиб ичилса, пешобни шиддат билан ҳайдаб пешоб йўлларини очади. Агар сутга 3,5 грамм новвот эзиб аралаштирилган бўлса ниҳоятда фойдалидир. Заҳар ичилган ёки заҳарли жонивор чаққан пайтида (масалан, илон, чаён, қорақурт ва бошқалар) такрор-такрор сут ичиб қусилса, бадандаги заҳар даф бўлади. Сут ёнғоқ ва хурмо билан ичилса буйракни яхшилайди, шаҳват ва манийни кучайтиради. Мол сутидан истеъмол қилиш миқдори 150 граммдан 300 граммгача бўлиши лозим. Агар сутдан меъёрдан ортиқ ичилса буйрак ва пешобда тошлар ҳосил бўлади, пес иллатига гирифтор этади. Зарарини кетказиш учун шакар ва асал ейилса кифоя.

Хўноқ (ангина) хасталигида ҳўкиз ўтини асал билан аралаштириб, томоққа суртилади.

Бавосир хасталигида ҳўкиз ўтини келин тили билан ғудда (шиш)ларга суртилса, уларнинг оғриғини олади ва шишларни йўқотади. Шамча тайёрлаб, маъқадга киргизиб қўйилади.

Аёлларда бачадон ва тухумдон хасталикларида ва кучли оғриқлар бўлганда ҳўкиз ўтидан шифобахш малҳам тайёрлаб суртилади. Ҳўкиз ва тоғ эчкисининг ўтларини газандалар чақишига қарши восита сифатида ҳам қўлланилади. Ҳўкиз ёғини хинозар (чўчқа яра) ва ҳар хил жароҳатларда суртилса яхши фойда беради.

1.5. Туя

Туя бошқа ҳайвонларга нисбатан жисми ва вазни билангина эмас, балки зийраклиги билан ҳам фарқ қилади. Агар уни кимдир ранжитса қасос олмагунича тинчимайди. Уни илон ёки бошқа заҳарли жонзотлар чақса, уларнинг заҳарига қарши шифо бўладиган гиёҳни, агар ўша атрофда бўлса, албатта топиб ўзини даволайди.

Мизожи. Иккинчи даражада иссиқ ва учинчи даражанинг аввалида қуруқ.

Шифобахшлик хислатлари. Унинг гўштини истеъмол қилиш эрлик қувватини беради ва бадан аъзоларини мустаҳкам қилади, эркаклар олатини шиддатли ҳаракатга келтиради, сурункали иситма ҳарорати, радикулит, эски қуймич дарди, сариқ хасталиги ва сўлак хасталигига даво бўлади. Гўштини куйдириб сирка ёки шароб билан аралаштириб теридаги доғларга суртилса шифо бағишлайди.

Туяни сўйган пайтида ўпкаси иссиқ суртилса, сепкилли доғларни йўқ қилади. Жигари кўзга тортилса кўзни хиралаштиришга олиб келувчи, кўзнинг гавҳарига тушадиган зардобни даф қилади ва кўзга қувват бағишлаб, равшан тортади.

Туянинг пешоби ичилса жигар шишини таҳлил қилади, унинг иллатларини очади, истисқони даф этади. Талоқ қаттиқ бўлса юмшатади ва шаҳватга қувват бағишлайди. Ички аъзоларнинг совуқ туфайли пайдо бўлган хасталикларига шифодир, агар қулоққа томизилса, унинг захм ва жароҳатларига малҳам бўлади.

Ёғи суртилса бавосирга фойда қилади. Ёғи сақланаётган жойга илон ҳам йўламайди, қочади.

Агар ўпкасини давомли (кўп) исеъмол қилинса одамни кўр қилади. Илик ёғини аёллар ҳайздан пок

бўлганларидан кейин жунга суртиб уч кунгача тагдан кўтарсалар, ҳомиладор бўлишларига ёрдам беради.

Туянинг пешоби билан бош териси ювилса қазғоқни йўқ қилади, инсоннинг ҳид сезувчанлигини ошириб, жуда кучли тиқилмаларни ҳам очиб юборади. Шунингдек, истисқо (водянка) ва талоқнинг қаттиқлигида яхши ёрдам беради

Туянинг тезаги йирингли яраларга қўйилганида, сўрилиб кетади. Туя сутида шўрлик бор, негаки туя шўр ўсимликлар билан овқатланади. Туя сути астма ва кўкрак қисишида яхши ёрдам беради.

Туянинг пешобини исириқ билан бирга қайнатиб, оз-оздан, давомли қуйиб турилса, ниқриз (подагра), яъни қўл ва оёқлар панжаларининг шишини ва оғриғини, фалаж (баданнинг ярим шол бўлиши)ни даволашда малҳам бўлади, тортишиб қолган томирларни бўшаштиради. Шишларни йўқотади.

Туянинг юмшоқ жунини майдалаб, сочилса, заҳмларни тозалайди ва оғзини очиб, сиҳат бағишлайди. Агар уни куйдириб, кули сочилса, жароҳатлардан оқаётган қонни тўхтатади. Агар куйдириб кулини бурун тешигига юборилса, бурундан қон келишини тўхтатади. Туя жунини чап сонга боғланса, пешобнинг беихтиёр равон келишини ислоҳ қилади.

Туя гўшти еган иссиқ мизожли кишилар истеъмолдан кейин сирка, қатиқ ва кавар сирка ичиб юборсалар ҳазми осонлашади ва танага осон сингади. Совуқ мизожли кишиларнинг бўғимларида иллат бўлса, туя гўштини занжабил мураббоси билан истеъмол қилса зарар қилмайди. Яхши ҳазм бўлади. Катта ёшдаги туя моягини қуритиб майдаланса ва истеъмол қилинса, қийин ҳазм бўлади, аммо эркаклик кучини оширади.

Туялар жуфт туёқлилар туркумига кирадиган йирик ўтхўр ҳайвондир. Бир ўркачли ва икки ўр-

качли туялар бўлади. Улар иссиқ саҳро ва чўлларда тарқалган шўра, шувоқ, янтоқ каби ўсимликлар билан овқатланади.

Туя юрганида ва ётганида ерга тегадиган жойларини — тизза ва кўкракларини иссиқлик таъсиридан сақлайдиган қадоқлари бўлади. Шу сабабли қизиган қумда ҳам бемалол юраверади. Туянинг танаси қисқа, бўйни ва оёқлари узун бўлади, 30-40 йил яшайди. 2-3 йилда бир марта болалайди. Туядан юқори сифатли жун, сут ва гўшт олинади. Катта, кучли туялар 700 килограммгача юкни кўтара олади. Устида одам билан кунига 80 км гача йўл босиши мумкин. Терламайди. Иссиқ кунда дақиқасига 16 марта, совуқ кунда 8 марта нафас олади.

Туя 30-40 кунгача сув ичмасдан юра олади. Ўркачларида 100-120 килограммгача ёғ бўлади, чўл ва саҳрода овқат топилмаган вақтда ва сув йўқлигида шу ёғ ҳисобидан яшайди. Сув ичганида бирйўла 100-150 литр сув ичади.

1.6. Қўй

Ал-ҳукм. Ҳалолдир.

Хосияти. Бу беозор ва жаннати жониворни таърифлаш ва таништиришнинг ҳожати йўқ. Энг ювош бу жониворнинг гўшти ва ёғи ёқимли, ҳазми енгил. Қўй шунчалар итоаткор ва қаноатлики, сўймоқ учун бўйнига пичоқ қўйганда ҳам бошини қимирлатмайди, аксинча ўзини пичоққа тутиб беради. Яна бир ҳайратланарли томони шундаки, қўйлар галасидан бирини тутиб, бўйнига пичоқ тортганда, бошқалари ана шу даҳшатга бефарқ боқиб туришади.

Қўй гўштининг энг яхшиси, семиз, 1-2 ёшлигидир. Уч ва ундан катта ёшдаги қўйлар гўшти қаттиқ, ҳазм бўлиши оғирроқ, боз устига инсон танаси ва соғлиги учун фойдали моддалари кўп эмас.

Семиз, яхши боқилган совлиқ сути жуда фойдали. Табиати совуқ ва ҳўл. Сут яхши озиқлантиради, танани қиздиради ва бош мия фаолиятини яхшилайди.

Тери хасталикларида сутни олтингугурт билан аралаштириб суртилса темиратки хасталикларида фойда беради.

Қўй сути-ёғли ва қуюқ, кўп мой ва пишлоқ беради. Асосан қон қусишда, ичак яралари хасталикларида шифо бўлади. Шаҳватни қўзғатади. Турли хил заҳарланиш ҳолатларида ёрдам беради. Асосан, сутни астма, ичак яралари, йўталга қарши ичилади. Юз гериси рангини яхшилайди, бош мия фаолиятини кучайтиради. Бироқ эчки сутидан таъсири пастроқ, ичишга мос эмас, меъдада ел тўплайди ва оғриқ пайдо қилади.

Ҳамма ҳайвонлар гўштининг табиати иссиқ ва ҳўл. Танани семиртиради, қон ҳосил бўлишини чақиради. Барча гўштнинг табиати бир-биридан фарқланади.

Озиқалиги яхши, тез қон ҳосил қилиш хусусиятига эга. Эчки ва қўй гўштининг табиати кўпроқ қуруқ бўлади. Инсонга ботимлиси — қўй гўшти жуда ёғлиқ, шунингдек, жуда озғин бўлмаган ҳисобланади. Маълумотларга қараганда, ахталанганининг (мояклари олиб ташланган) гўшти нисбатан тез ҳазм бўлади. Танада сифатли қон ҳосил қилади.

Ёғли семиз гўшт одам табиатини юмшатиш билан ҳўллик мизожини белгилайди. Қуруқ мизожли одамларда меъдани бир оз кучсизлантиради. Бундай ҳолат содир бўлмаслиги учун турли хил қуюқ шарбатлар ичиш керак.

Қўзи ёки улоқ гўштининг сели соғлиқ учун фойдали бўлиб, юрак-қон томир фаолиятини мустаҳкамлашда қўлланилади. Унинг ёпиқ идишда қайнатилгани қувват бағишлаши билан ажралиб туради.

Ҳайвонларнинг ўтини ҳар хил кўриниши ва сифатига қараб ажратиш мумкин. Энг яхшиси, тўқ яшил ранглиси. Мизожи учинчи даражада иссиқ ва қуруқ ва ўткирлиги билан фарқланади. У бошланиб келаётган кўз хасталиги катаракта ва глаукоманинг олдини олади. Ўти билан бош териси ювилса сочдаги қазғоқларни йўқотади. Бўғма (дифтерия) хасталигида ёрдам беради. Агар қўй ўти аёл кўкрагига суртилса, сутини йўқотади. Барча ҳайвонларнинг ўти ўзининг табиатига кўра бўшаштиради, ҳайз кўришни тартибга солади ва ҳомилани йўқотади. У билан ҳуқна қилинса, катта ва кичик гижжаларни ўлдиради, ичакдаги санчиқни йўқотади, бавосир тугунларини очади. Агар ўтига ичимлик содаси аралаштириб терига суртилса, ҳўл экзема, темиратки хасталикларида ёрдам беради. Шунингдек, шишларда фойдали. Энг емишли, мазали ва одам баҳра оладиган қўй гўштининг қисми бу — биқин, бўйин, кифт ва унга яқин жойлашган гўшт қисмидир.

Мизожи. Иккинчи даражада иссиқ ва ҳўл.

Шифобахшлик хислатлари. Қўй гўшти тез ҳазм бўлади, озиқалик қуввати кўп, одамда тоза қон ҳосил қилиши ва танани яйратиб семиртириши маълум.

Гўштини нўхат билан обдон қайнатиб, сирка, асал билан ейилса, баданни бақувват қилади. Қувватсизлик, ҳушдан кетиш, юрак ўйнаши ва ориқлаб кетишнинг олдини олади.

Янги сўйилган қўй ёғини иссиқма-иссиқ ютилса, совутиброқ, чайнаб-чайнаб ейилса йўтал, кўкрак ичидаги хасталиклар, дамқисиш, пешоб қизиши (сўзак) хасталикларига даво бўлади.

Баданни уриб олиш, жароҳатланиш, йиқилиш ва бошқа сабаблар билан зарба еган, кўкарган, қонталаш бўлган жойи бор одам янги сўйилган қўй гўштидан

олиб, ўша жойга қўйиб боғланса, дардини даф этади, шишларни қайтаради ва жароҳат ўрнини йўқотади.

Илонлар, катта чаёнлар, қорақурт чаққан жойга қўйнинг гўштини куйдириб боғланса яхши даво бўлади, агар уни шароб билан эзиб қутурган ит тишлаган жойга боғланса ёмон кулфатдан халос этишга ёрдам беради.

Куйдирилган гўшти сурма қилиб кўзга суртилса, кўздаги хираликни ва холни йўқотади, агар уни сирка билан аралаштириб суртилса, теридаги оқ доғларни йўқотишда фойда беради.

Сафроси (ўт)нинг мизожи иссиқ ва қуруқ ҳамда тозаловчи.

Қонини иссиқ ҳолида терига суртилса, қичима, қўтир ва куйган аъзоларни даволашда шифо бўлади.

Ахлатининг мизожи ниҳоятда иссиқ ва қуруқ. Баданга суртилса ёки боғланса, шишлар ва истисқо хасталигини бартараф этади ва захмларга шифо бўлади. Ахлати қизилгул ёки асаларининг муми билан аралаштириб боғланса, аллергия, бўқоқ ва юздаги ортиқча гўштларни йўқотишда қўл келади. Ахлати гулобда ивитилиб, кейин баданга боғланса йирингли тошмалар, маддали яра-чақаларни ёриб, шифо бағишлайди.

Туёғининг кули бош ва иякдаги туксиз жойларга ишқалаб юборилса, янги соч ўсиб чиқишини тезлаштиради. Агар қўй туёғини куйдириб тозалаб, истеъмол қилинса иситмани тўхтатади.

Вабо ва тоун чоғида қўй гўштини истеъмол қилмаслик керак. Сабаби — кўп қон ҳосил бўладики, бу зарарлидир.

Агар қўй гўштини енгил ва тез ҳазм бўлишини истасангиз уни сирка ва сут билан истеъмол қилинг, унинг зарарли томонларини даф этади. Шунингдек, қатиқ, чакки, қурут ва тухум билан истеъмол қилинса тез ва осон ҳазм бўлади.

1.7. Эчки

Ал-ҳукм. Ҳалол.

Дунёнинг барча мамлакатларида уй ҳайвони сифатида боқиладиган эчкининг, тоғ чўлларида саҳроларда яшайдиган ёввойи турлари ҳам бор. Қўйдан кейин иккинчи ўринда турадиган ана шу ҳайвоннинг сути, гўшту ёғи унчалик озиқа эмас, бироқ табобатда бутун борлиғи шифобахш модда сифатида тавсия қилинади.

Мизожи. Иссиқ ва ҳўл. Лекин гўштининг иссиқлиги қўйникига қараганда озроқ, тоғ эчкисининг мизожи уй эчкисиникидан иссиқроқ ва енгилроқ, чўл-саҳрода яшайдиганининг мизожи ҳам уй эчкисиникига нисбатан анча иссиқроқ ва енгилроқдир.

Унинг шифобахшлик хусусиятлари. Эчкининг гўшти иссиқ мизожли одамлар, беморлар, соғлом совуқ мизожли кишилар учун ёқимли ва фойдали, ундан соф қон пайдо бўлади. Бироқ савдойи мизожли одамларга эчки гўштини истеъмол қилмоқ зарарли. Бундай пайтда бодом, хурмо емоқ зарур, токи ўша зарарни даф қилсин. Эчки гўшти билан бирга, кетма-кет ҳўл мева, нордон ва аччиқ нарсалар, қатиқ ва айрон истеъмол қилиш ниҳоятда зарурдир.

Олти ойдан ошган улоқ (эчки боласи)нинг гўшти рутубати зўр ва энг яхши гўштлардан ҳисобланади, ҳарорати баланд, қон босимларни пасайтиради, шунингдек, хасталиклардан энди соғайиб турган кишиларга жуда мос келади.

Эчки гўштидан лат еган, шикастланган аъзоларга иссиқма-иссиқ ўралса, оғриқни босади, дардга таскин беради, ўша жойларда шиш пайдо бўлишининг олдини олади. Улоқ калласининг терисини шилиб, иссиқ пайтида одам бошига ўралса мия пардаларининг шишини, шунингдек, сусайган зеҳнни жойига

келтириб, соғлиқ бахш этади. Миясини олиб бошга боғланса мияни ва қаттиқ аъзоларни юмшатади, рутубат билан таъминлайди.

Қотирилган ўтини эзиб, сурмага ўхшатиб кўзга суртилса, кўз олдини қоронғилаштирадиган пардани даф этади.

Қора эчкининг жигарини майда тўғраб, кабоб қилинса ва идишдаги қолган жигар селини олиб, кўзга тортилса, шабкўрликни даф этади.

Унинг ярим куйган қумалоғини тоштуз билан аралаштириб тишларга суркалса, тишларнинг сариғини йўқотади ва унинг милкларидаги ёмон ҳидларни даф этади.

Таканинг турмуғини ёриб ичига ҳар хил зираворларни жойлаштириб, устидан зира сепиб қуритиб, кейин унинг 4.5 граммини эзиб, иссиқ сув билан ичилса, қисқа нафас олиш, дам қисти, жигар дарди ва ҳиқичоққа шифо бўлади. Агар буни давомли истеъмол қилинса, шаҳватни беҳад кучайтиради. Ёки ўша турмуқни танакори ковакўти билан тўлдириб қуритиб, 4,5 граммини саримсоқпиёз билан истеъмол қилинса, қора жигар иллатларига шифо бағишлайди.

Тўрт ёшли, қизил рангли такани узумга ранг кириб мазаси ўзгарган вақтда, яъни ёз фаслининг бошида сўйиб, қонини аввали ва охирини ташлаб, ўрта қисмини идишга солиб, то қотгунча қўйиб, кейин уни пичоқ билан кесиб-кесиб, элак ёки сомон устида, соя жойда қуритиб олинади. Табобатда уни ядулло дейилади. Ана шу ядулло буйрак ва қовуқдаги тошларни майдалаб, тушириб юборишга жуда зўр дори бўлади.

Унинг ёғига гуруч ва тариқ уни билан илашма (киселъ) тайёрлаб ичилса, иссиқ мизожли овқатлар ва аччиқ нарсалар туфайли ичакнинг ички яллиғла-

ниши оқибатида юз берган ич кетар хасталигини тўхтатишда дори бўлади.

Ёғида арпа унидан атала тайёрлаб ҳуқна қилинса, ичкетар яллиғланишини бартараф қилади.

Қумалоғини ўзининг пешобига аралаштириб суртилса, сариқ сув хасталиги ва қоражигар хасталигига даво бўлади. Қумалоғини чақалоқлар пешоби билан қайнатиб суртилса, балғамли қуланж (колит) хасталигини, ғализ бадлар ва зардобни даф этади.

Чарвиси боғланса, ҳар қандай хасталикларда шифо бўлади. Ахлати суртилса, эски шишларни қайтаради. Агар қумалоғини куйдириб, сиркага қориб суртилса, бош ва иякнинг соч тўкилган ғадир-будур жойларига қайтадан соч ва соқол чиқади. Унинг чала куйганини сирка аралаштириб бошнинг сочи тўкилган жойларига суртилса, қўтир, оқдоғлар, терининг қаттиқ шишлари ва ширинчалар муолажасида фойдаланиш мумкин.

Унинг буйрагини тўғраб, майдаланган олтингугурт сепиб, кабоб қилиб ундан ажралган селини теридаги оқ доғларга суртилса, уларни даф этади. Ёғини куйдириб боғланса, захмларда гўшт пайдо қилади.

1.8. Эшаклар

Ал-ҳукм. Гўшти ҳаромдир.

Бу ҳайвон ҳаммага маълум ва машҳур. Ундан фақат улов сифатида эмас, айниқса, тоғли жойларда ер ҳайдаш, деҳқончиликдаги кўп хўжалик юмушларида фойдаланилади. Эшакнинг ҳаётда қўл келадиган тарафини ҳамма ҳам билавермайди. "Эшакнинг кучи ҳалол, ўзи ҳаром" деган ибора шундан келиб чиққандир.

Табобатда эшакнинг нафақат сути ёки қони эмас, балки кўп аъзолари ҳам дори сифатида тавсия қилинади.

Мизожи. Иккинчи даражa аввалида иссиқ ва учинчи даражa аввалида қуруқдир.

Унинг шифобахш хусусиятлари: Гўшти кеч ва оғир ҳазм бўлувчи, жигари кабоб қилиниб, наҳорга истеъмол қилинса, тутқаноқ ва қалтироқ хасталигига шифо бўлади. Туёғини куйдириб, майдалаб боғланса, ҳар куни 15 гр дан истеъмол қилинса, мушакларни совуқ таъсиридан тортишиши ва қақшаб оғришидан шифо топади.

Агар эшак туёғини майдалаб, истеъмол қилинса, мохов хасталигига даво бўлади. Кукуни баданнинг шилинган ва ёрилган териси ҳамда эски жароҳатларига ҳам даво бўлади. Уни зайтун ёғи билан аралаштириб, хамир тайёрлаб, баданга боғланса, томоқ, бўйин остига чиққан ёмон яраларга даво бўлади; агар шароб билан хамир қилиб боғланса, тирноқларнинг қийшиғини, унинг устидаги оқ доғларни даф этади.

Ёғи суртиб боғланса, теридаги захм ва яралардан қолган изларни йўқотади, қорин ичидаги аъзолар жароҳатига малҳам бўлади. Агар мияси зайтун ёғи билан алмаштириб суртилса, соч чиқиши ва унинг узун бўлишига ёрдам беради.

Сути оғизга олиниб, чайилса, тишлар оғриғини қолдиради. Агар сути ичилса, иссиқдан бўлган эски йўтални қолдиради, сил ва баданни ориқлатиб юборувчи дардларга шифо бўлади.

Жигарини наҳорда кабоб қилиб истеъмол қилинса, сар (тутқаноқ) хасталигида ва кунора бўладиган иситмага шифодир. Туёғини куйдириб, кукун ҳолида эзиб, ҳар куни 15 гр дан истеъмол қилинса, куззос, қоқшол (стелбияк) ва сар хасталигида шифодир. Тезагини сиркада хамир қилиб пешонага боғланса, бурундан оққан қонни тўхтатади. Пешоби буйрак дардини даф этади. Туёғининг кукунини зайтун мойида хамир қилиб боғлаб қўйилса, бўғин иллатлари, шишларни

(носурни) даф қилади. Ёғини суртиб боғлаб олинса, яра жароҳатларидан ҳосил бўлган доғларни кетказади. Ички аъзолардаги жароҳатларига шифо бўлади. Қони суртилса, басирни даф этади.

Шишлар, йирингли тошмаларда, эшак жигари зайтун мойи билан суртилса ва сирка қўшиб истеъмол қилинса, "тепки" хасталигида фойда беради.

Эшак қони бурундан қон кетганида, айниқса, миядан келганида маълум даражада ёрдам беради.

Ҳайвонларнинг нажаси ўзига хос иссиқлиги туфайли турли хил хасталикларни даволашда қўлланилади. Эшак нажаси қон кетишга қарши ишлатилади.

Эшак жигарини пиширириб, истеъмол қилиш шайтонлаш хасталигида шифо бўлади.

Пешоби буйрак хасталигида даво ва қовуқдаги тошларни майдалаб ташқарига чиқазиб юборади.

Эшак ёғи куйган жароҳатларда суртилса даво бўлади.

Ёввойи эшак ўти (сафроси) саратон хасталигида фойдали ва суртилса шишларда шифо бўлади.

2. ҲАЙВОН МАҲСУЛОТЛАРИ

2.1. Жонзотлар пешоби

Мизожи. Иссиқ ва қуруқ.

Шифобахш хусусиятлари. Пешобнинг барча хиллари тозаловчи ҳисобланади. Агар инсон пешобини тол кулига аралаштириб, қонаб турган жароҳатга суртилса қон тўхтайди. Туя пешоби сочга суртилса, қазғоққа қарши фойда беради. Пешоб чўкмасини заҳарланган, яллиғланган жойларга малҳам таркибида суртиб, боғлаб қўйилади. Товон яраланганида пешоб билан ювилади ва қолдирилади. Токи битиб кетгунича сақланади.

Таянч ҳаракати хасталикларида пешоб яхши ёрдам беради. Айниқса, эчки пешоби асосан таянч ҳаракати хасталикларининг тиришишида, чангак бўлишида (спазм), (чўзилишларда) яхши натижа беради. Одамнинг эски пешоби ҳам қулоқдан йиринг оқишини тўхтатади.

Туя пешоби ҳид сезиш қобилиятининг йўқолишида фойдали. Суякдаги тиқилмаларни очади.

Кўз хасталикларида, трахома, оқ доғ тушганда мис идишда қуюқлаштириб суртилса, шунигдек, пиёз билан қайнатиб қўйилганда ҳам яхши самара беради.

Қора жигарнинг хасталигида ҳар куни уч марта ўзининг пешобини ичиш буюрилади.

Сувчечак хасталигида ва қоражигарнинг қаттиқлигида одам ёки туя пешобини ичиш тавсия этилади. Тоғ эчкисининг пешоби иситма бўлиб турганда шифодир. Хушбўй нард билан ичилса, буйракдаги тошни майдалаб юборади ва пешобни ҳайдайди.

Одам пешоби пиёз билан қайнатилганининг устига беш марта ўтирилса, бачадондаги оғриқларга қарши фойда беради.

Одам пешоби заҳарли қора илон чақишига қарши ичилади. Ҳайвонлар тишлаганда ёки заҳарланишда эски пешоб даво, денгиз қуёнининг қони илон чақишига қарши ичилса ёки ювилса фойда беради.

Кўршапалакнинг пешоби (айтишларича, унинг сути) ширзак терини яхши тозалайди. Мияси асал билан бирга кўздаги хасталик катарактада яхши ёрдам беради. Шунингдек, унинг кули кўзнинг кўриш қобилиятини кучайтиради. Ширзак кўздаги қанотга ўхшаш оқ доғда фойдали.

Геккон калтакесагининг пешоби болалар чуррасида фойдали. Болани пешоб устига ўтқазилади. Айрим ҳолларда бир оз мускус қўшиб, боланинг пешоб

чиқариш каналининг ичига юборилади. Бу чурра (дабба)га фойдали.

Итнинг пешоби сўгалларни яхши туширади.

Эшакнинг (хонаки) пешоби ичилса, буйрак хасталикларида фойдали. Ёввойи эшак пешоби эса қовуқдаги тошларни майдалаб чиқариб юборади.

Тўнғиз пешоби буйракдаги ва пешоб халтасидаги тошларни ҳайдаш таъсирига эга.

Инсон пешоби заҳарли қора бўғма илон чаққанда ҳам ичилади, ҳам чаққан жойга қўйилади.

2.2. Жониворлар нажаси

Туянинг нажаси бурундан оқаётган қонни тўхтатади, агар дорилар билан бирга ичилса, шайтонлаш хасталигида ёрдам беради. Уромастик калтакесакнинг нажаси оқ доғларни йўқотади.

Туя нажаси турли хил яраларни, хўппосларни сурдириб юборади.

Эчки ва қўй нажаслари сарамас яллиғланишларида ёрдам беради.

Туя нажаси бўғимлардаги шишларни йўқотади. Қутурган ит тишлаганда қўзи нажасини сирка билан аралаштириб, ўша жойга суртилади. Улкан калтакесакнинг (эчкиэмар) нажаси теридаги ҳуснбузарларни йўқотади.

Ўрдак нажаси ўта иссиқлиги учун қўлланилмайди. Қирғий, лочин, қарчиғай, қирғий ва бошқа ёввойи қушларнинг нажаси жуда камдан-кам қўлланилади.

Қўзичоқнинг нажаси сирка билан қўлланилганида "чумоли", "гвоздевал", "тукли" сўгалларни йўқотади.

Чигиртканинг нажаси ҳуснбузарларни йўқотади, яна "бақа" хасталигида ёрдам беради. Кабутарлар нажаси юз терисини хушрўй қилади.

Итлар нажаси асал билан биргаликда суякларда-

ги эски яллиғланиш хасталикларида ёрдам беради. Сигир тезаги "седалишний нерв" хасталигини тузатади. Тоғ эчкисининг тезаги чўчқа ёғи билан қўйилса, никрис ва "седалишний нерв" хасталигида ёрдам беради. Товуқ тезаги "қуланж" хасталигида даво бўлади. Айниқса, уларнинг буталарга ёпишиб қолган нажаси қуланж хасталигида жуда фойдали.

Бўрининг нажаси қуланж (ич қотиши) хасталигида ёрдам беради.

Сичқоннинг нажаси ладан ва асал суви билан бирга буйрак пешоб халтасидаги тошларни майдалайди, шунингдек, бола сия олмаса, сичқон нажасининг устига ўтқазилади. Бу яхши ёрдам беради.

2.3. Ҳайвонлар териси

Яралар ва яллиғланган яраларга қарши эшак терисидан қийилса, куйган яралар ва яллиғланишларга яхши таъсир кўрсатиб, шишлар бўлмайди. Турли хил теридаги урилган, шилинган, ёрилган (товон), оқма яралар ва ҳоказоларда яхши фойда беради.

Урилиб, кўкарган жойга янги шилинган қўзичоқ терисини босилса, яхши ёрдам беради. Худди шундай таъсирни ёмон шишларга ҳам қўлланса бўлади.

Қорин оғриғини паррандалар томоғидаги бўқоқ терисини ёки уни куйдириб, кулини қуюқлаштирилган узум шираси билан ичилса, қориндаги оғриқларга шифо бўлади.

Агар ҳайвонлар тишласа ёки заҳарли газанда чақса, шу жойга эчки териси босилса, заҳрини тортиб олади, тарқалиб кетмайди ва яхши шифо топади.

Тойчоқнинг терисини куйдириб, сувда малҳам қилиб суртилса, ҳуснбузарларга яхши ёрдам беради.

Куйдирилган илон терисидан тайёрланган малҳам билан суртилса, "тулки" хасталигида яхши ёрдам беради.

Ҳўкиз терисини куйдириб кулини куйган жароҳатларга қўйилса ёрдам беради.

Янги сўйилган қўзичоқ терисини шилиниб, урилган, шикастланган, яллиғланган, жойга ўраб қўйилса, ёрдам беради.

Қориннинг ички териси ва қушларнинг жиғилдони, айниқса, хўрозники, қуритиб, майдалаб, унга узум шинниси қўшиб ичилса, қориндаги оғриқларга шифо бўлади.

Илон чаққан жойни янги сўйилган эчкининг терисига ўраб қўйилса, заҳарни тортиб олади.

Илон терисини (эркаги) винода қайнатиб, пиширилгани қулоққа томизилса, оғриқни босади.

Тиш оғриғида илон терисини сиркада қайнатиб оғиз чайилса оғриқни босади.

2.4. Ҳайвонлар мияси

Ҳайвонлар мияси орасида энг яхшиси — қушлар миясидир, тўрт оёқлилар орасида эса туя мияси, ундан кейин бузоқникидир.

Мизожи. Совуқ ва ҳўл.

Шифобахш таъсири: Мия шиллиқ ва қуруқ шира туғдиради. Мия жароҳатининг қон оқишида товуқ мияси яхши ёрдам беради. Шайтонлаш хасталигида туя миясининг қуритилгани узум сиркаси билан аралаштириб, ичилса яхши ёрдам беради.

Шуни эслатиб ўтиш керакки, мия қийинроқ ҳазм бўлиб, меъдада анча туриб қолади, ташналикни чақириб, иштаҳани бўғади. Шунинг учун уни турли хил резаворлар, хушбўй нарсалар қўшиб, истеъмол қилинса мақсадга мувофиқ.

Ўрдак мияси турли хил шишларда айниқса, орқа тешик шишида суртилса, яхши шифо бўлади.

Шунингдек, заҳарланишда ва ҳайвонлар тишла-

ганда мия едиришади. Мия заҳарнинг таъсирини кесиб, шифо беради.

2.5. Ҳайвон ёғлари

Буйрак, ичак ва меъда ёғлари қуйруқ ёғидан пастроқ, хосияти ундан шифобахшлироқдир.

Буйрак ёғини пок қилиб, оқланган мис идишга солиб, қуёшга қўйилса, ундан эриб оққан бўлса, идишга солиб, бир оз туз қўшиб қўйилса, баъзи бадан иллатлари (баданни тозалаш) ва уни сақлаш учун наф қилади. Эски бўлса, сифати зиёдароқ бўлади. Ич ёғининг яхшиси даво учун чўчқа ёғидир, кейин ўрдак ва ғоз ёғлари ҳисобланади.

Ўрдак ёғи — энг иссиқ ва қуруқ, ундан кейинги ўринда бошқа ҳайвонлар чарвиси, айниқса, эскирган чарви ёғи ҳам қўлланганда яхши натижа беради.

Ўрдак ёғи хўроз ва товуқ ёғига нисбатан анча бўш, кейин иссиқ. Кийик ёғи жуда иссиқ, сигир ёғи арслон билан эчки ёғининг ўртасида. Айиқ ёғи анча бўш; эркагининг ёғи кучлироқ, қари ҳайвон ёғи — енгил, эчки ёғи энг ёпишқоқ, эркак эчки — така ёғининг сўрилиши кучли.

Айиқ, ғоз ёғлари "тулки" хасталигида ёрдам беради; эшак ёғи ҳам теридаги доғларни йўқотади. Ғоз ёғи лаб ёрилганда яхши ёрдам беради.

Чўчқа (тўнғиз) ёғи турли хил шишлар ва яра-чақаларда яхши ёрдам беради.

Арслон ёғи қаттиқ шишларда яраларнинг сўрилишида яхши ёрдам беради. Эшак ёғи куйган яралар, яллиғланишда ёрдам беради.

Ғоз ёғи қулоқ оғриғида ва "тулки" хасталигида, товуқ ёғи тил ғадир-будири ва ёрилганда, кийик ёғи таранглик тортишишида яхши ёрдам беради.

Балиқ мойи жуда кенг қўлланиб, кўз хасталикла-

рида, асал билан қўшиб суртилса, кўриш қувватини оширади.

Бўғма қора илоннинг ёғи кўз хасталикларида, катарактада асал қўшиб суртилади ва кўзга парда тушишига қарши қўлланилади.

Эчки ёғи ичакдаги яллиғланишда ва яраларда ёрдам беради.

Туя ўркачининг ёғи, агар тутатилса, "шайтонлаш" хасталигида ёрдам беради.

Товуқ ёғи ва бошқа юмшоқ ёғлар бачадон оғриғида яхши ёрдам беради, эски ёғларни бундай мақсадда ишлатиб бўлмайди. Ғоз ёғи ҳам бачадон хасталикларида яхши ёрдам беради.

Чўчқа (тўнғиз) ёғи турли хил газандалар чаққанда ва тишлаганда суртилса, эчки ёғи шпанка мушфалари билан заҳарланганда яхши ёрдам беради.

Қурбақа танаси, айниқса, унинг ёғи тишни оғриқсиз олдиришда қўлланилиши маълум.

Чувалчанг (ёмғир) ғоз ёғи билан қайнатиб, бир-икки томчи зайтун мойи қўшиб, қулоқ оғриганда томизилади; кўпинча тиш оғриганда ҳам оғриётган тишнинг қарама-қарши томонига қўйилади.

Тулки ёғини қулоққа томизилса, оғриқни қолдиради.

Эчки ёғи турли хил ичак яллиғланишида, ачишиб оғриганда ишлатилади, лекин тўнғиз ёғи ачишишни тез қолдиради.

2.6. Ҳайвонлар қони

Ҳайвонлар қони ичида чўчқа қони одам қонига жуда яқин туради. Ҳайвонлардан дори сифатида олинадиган қон соғлом бўлиши лозим. Рангида ўзгаришлар, айниқса, йирингли аралашмалар бўлмаслиги керак.

От қони жуда иссиқ, куйдириши мумкин, тез йиринглаши кузатилади. Ҳар бир қоннинг ўзлаштирилиши қийин, айниқса, жуда қуюқ бўлса.

Айиқ қони иссиқлигида суртилса баҳақ хасталигида ва ҳуснбузарларни йўқотишда яхши ёрдам беради. Кўршапалакнинг қони табибларнинг айтишича, соч ўсишини тўхтатади.

Қуён қони турли шишларнинг сўрилишига таъсир кўрсатади. Эчки қонини ивиганидан сўнг суртилса, кутилган натижани беради. Ҳўкизнинг иссиқ қони суртилса, қаттиқ шишларнинг сўрилишида яхши натижа беради.

Бош жароҳати, мажақланган суяклар хасталикларида қатор қушлар: кабутар, мусича қонини илиқ атиргул мойи билан аралаштирилиб суртилади. Бу жароҳат зарбаси натижасида пайдо бўладиган шишнинг олдини олади.

"Шайтонлаш" хасталигида қуруқликдаги тошбақанинг қонини узум виноси билан бирга ичилса, яхши ёрдам беради. Худди шундай таъсирни қўзичоқнинг қони ҳам кўрсатади.

"Шайтонлаш" хасталигида яна туя қони ўзининг алоҳида хусусияти билан ижобий таъсир кўрсатади. Эчкиэмар, калтакесакларнинг қонлари ҳам кўриш қобилиятини кучайтиради. Кана қони эса киприкда ўсадиган тук (соч)нинг ўсишини тўхтатади.

Уккининг қони астма хасталигига даво. Яна унинг гўшти ва қайнатмаси ҳам шифобахш хусусиятга эга.

Айрим ҳолатларда эчки қони асал билан ичилса, ич кетиш (дизентерия) хасталигида даво бўлади. Қуритилган қон буйракдаги тошларни майдалаб юборади.

Табибларнинг айтишларича, қутурган ит тишлаганда ит қони фойда беради.

Мия қобиғидан оқадиган қонни ва бурундан кета-

диган қонни кабутар қони тўхтатади. Айтишларича, буқаламун (хамелеон)нинг қони кўз остидаги қовоқ ичида ўсган сочнинг ўсишини тўхтатади. "Шайтонлаш" (падучий) хасталигида ер тошбақасининг қонини ҳидлаш фойдали. Яна қонини кавш қайтарганда ажралиб чиқадиган суюқлик билан аралаштириб, қабул қилинса, газандалар чақишига қарши таъсирга эга.

Сичқон қони ҳам ҳуснбузарларни йўқотади. Яна "тулки" касаллигида асал билан қўшиб малҳам тайёрланади ва суртилади.

Барча ҳайвонлар қонининг мизожи иссиқ ва ҳўл. Барча ҳайвонларнинг қони кўзга суртилса кўздаги холларни йўқотади, шишларини қайтаради.

Кийик қони киши заҳарланганда, ич кетиши (дизентерия), узоқ давомли ич кетишида ёрдам беради.

Ҳўкиз қони заҳарга тенг. Агар иссиқ ҳолида ичилса, пешоб келишини тўхтатади. Қорин оғрийди, юз қизариб кетади. Сувсираш, ҳуноқ ва бўйин қийшайиши юз беради. Бу ҳолда дарҳол ҳуқна қилиш зарур. Тошбақа қони "шайтонлаш" хасталигида ёрдам беради. Қуён қони ҳуснбузарларни йўқотади. Темиратки (лишай)да ёрдам беради. Иссиқ шишларни пиширади. Ич кетишини тўхтатади.

2.7. Жониворлар жигари

Ҳайвонлар ички аъзоларининг жигарларининг энг нафи баланди яхши боқилган ўрдак ва товуқларнинг жигари ҳисобланади. Ширази қуюқ.

Тиш оғриғи хасталикларида стеллон калтакесагининг жигарини қўйиш ёрдам беради.

Эчки жигарининг ширази "шабкўрлик" хасталигида яхши ёрдам беради. Овқат ҳолида, малҳам ҳолида ёки жигар ширасининг буғига тутилганда фойдали.

Жигар хасталикларида бўрининг жигари шифобахш хусусиятга эга.

Треска балиғининг жигар ёғи шабкўрлик хастaлигини даволашда қўлланиб келинади. Унинг таркибида витамин А кўп. Бундай ҳодисани оқ айиқ жигарида мавжудлиги инсон хасталикларининг жигар истеъмол қилгандан кейин шифо топиши ва улар қатори витаминлар А, С, В нинг танага кириб бориши қатор хасталикларга қарши курашишда самара беради.

1916 йилда Марк-Лион ит жигаридан топилган моддани гепарин деб номлади ва кейинчалик даволаш амалиётида қон қўйилишига қарши қўлланиладиган бўлди. Ҳозирги вақтда йирик қорамол жигари ва талоғидан гепарин ишлаб чиқарилади.

2.8. Ҳайвонлар сути

Ҳайвонлар сутини чучук, аччиқ, шўр нарсалар, гўшт, товуқ тухуми, балиқ, пиёз, турп, ҳўл мевалар, кўкатлар, донлар билан истеъмол қилиш мақбул эмас, шунингдек, сутнинг устидан ана шу озиқларни истеъмол қилиш мумкин эмас. Акс ҳолда кишини турли хасталикларга дучор қилади.

Сутларнинг мизожи. Умуман мураккаб ул-қувват, сувлилиги иссиқ, ёғли қисми гарчи иссиқликка мойил бўлса ҳам, мўътадилликка яқин, қатиғи эса совуқ ва қуруқ бўлади. Мизожи биринчи даражада иссиқ ва иккинчида ҳўл.

Шифобахшлик хусусиятлари. Ҳайвонларнинг сутлари тозаловчи, бадандан куйган ахлатларни ҳайдовчи, қувват бағишловчи ва семиртирувчи ҳамда таносил аъзоларга мослашувчи. Қайд этилишича, сут агар меъдаларда сафро моддаси бўлмаса, иссиқ мизожли ва қуруқ мизожли одамларга мос келади.

Янги соғилган сут томизилса, кўз оғриғини, қолаверса, кўз хасталикларини даф этади.

Сут асосан уч хил моддадан тузилган: сувли, сузмага ўхшаган ва ёғсимон. Ёғсимонлиги сигир сутида кўпроқ бўлиб, туя сутида сувлилиги кўпроқ ва ёғлилиги ва сузмалилиги камроқ бўлиб, анча суюқ. Эшак сути ҳам ёғсиз ва суюқ, эчки сутига тенглаштирилган; қўй сути қуюқ ва ёғли, лекин сигир сути қуюқ ва ёғлироқ; от сути туяникига ўхшаш — у суюқ ва сувга ўхшаш.

Сутнинг энг яхшиси одам сути — аёлникидир. Оқ рангли ва бир хил қуюқликдаги, тирноқ устига бир томчи томизилса, оқиб кетмайдиган, агар ичилса, баданнинг асл рутубатларини тўхтатади.

Сигир сути умрни узайтиради, баданни семиртиради, айниқса, шакар солиб ичилса, унинг таъсир кучи зўр бўлади. Танадаги барча заҳри қотиллар учун заҳарни қайтарувчи восита бўлади ва барча бадбўй ҳамда аъзоларни емирувчи дардларга даво бўлади. Агар сут суртилса, баданнинг хунук доғларини тозалайди.

Сут ичиб турган, айниқса, иссиқ мизожли ва баданида гўшти кам ориқ одамлар сутга шакарни солиб, аралаштириб ичса, ранг-рўйи очилади, этига эт қўшилади.

Панир сути баданга суртилса, сепкилга ўхшаш доғларни йўқотади, агар уни ичса ҳам шундай фойда беради. Терини турли хил доғлардан тозалайди. Панир халила билан ейилса, қўтир ва қичимага шифо бўлади.

Маълумки, сутга шунча миқдорда сув қўшиб қайнатилса ва истеъмол қилинса, пешобни кўп келтиради, пешоб чиқариш йўлларини очади ва тозалайди.

Ҳайвон сутларининг ўзига хос фазилатлари, мизожи ва дорилик хусусиятлари бор:

1) Эшак сути. Унинг мизожи барча бошқа сутларга қараганда совуқроқ ва рутубатлироқ, яъни иккин-

чи даражагача совуқ ва учинчида ҳўл. Энг яхшиси, янги туққан эшакнинг сути. Агар хўтиги урғочи бўлса, яна ҳам яхши. Уни иссиқ ҳолида, совитмай ичилгани маъқулдир.

Шифобахшлик хусусиятлари. Уни истеъмол қилиш баданга жуда ҳам совуқлик келтиради, рутубатни кўпайтиради. Фориғлик бағишлайди, ични хилтлардан тозалайди, тугунларни ёяди, иссиқ мизожли юракни бақувват қилади.

Эшак сутини бурунга ёки қулоқ ва бошдан қўйиш ёки томизиш мияга намлик бахш этади, унинг қуруқлиги ва уйқусизликни даф этади, агар қуруқликдан бўлса, бош оғриғи ва мия хасталикларига саломатлик бағишлайди, бурундан қон кетишини тўхтатади, иссиқликдан бўлган қулоқ ва кўз оғриқларига малҳам бўлади, кўзнинг ачишиши, сув оқиши, шиллиқлик тутунга ўхшаб тушган пардани ва бошқа шунга ўхшаш кўз хасталикларини тузатади. Агар товуқ тухумининг оқига ва қизил гул ёғига аралаштириб, оқизилса, кўзга тушган қизил холчалар, тутунга ўхшаш пардани дарҳол даф этади. Шу сутга ғарғара қилинса, ёки оғизга олиб, лунжга айлантирилса, томоқдан ҳар хил дардлар, тиш милкининг шишлари ва ҳалқумдаги тилча ва бодомча безлари шишларини даволашга ёрдам беради, тишлар милкини мустаҳкамлайди, тиш оғриғини босади.

Қаҳрабо ва дарахтнинг сариқ елимини майин эзиб, эшак сутига аралаштириб, бурунга қўйилса, қон кетишини тўхтатади.

Агар эшак сути ичилса, кўкрак остидаги аъзолар хасталиклари, сил, ўпка ва захмлар, иссиқ ҳарорат ва иллатлар, иссиқлик ва қуруқликдан озиб кетиш, йўтал, нафас олишдаги қийинчиликлар, қон қусиш ва бошқа хасталикларда шифо бахш этади.

Эшак сути билан ҳуқна қилинса, қонли ич кети-

шини тўхтатади, ичаклар ва бачадон жароҳатларини тузатади.

Сут ичиш қатрондан бўлган яллиғланишларни бартараф қилади. Агар заъфарон билан қўшиб ичилса, ташқи шишларни бартараф қилади.

Иссиқ мизожли ва ҳўл мизожли, совуқдан бош оғриғи бор, боши айланадиган, қулоғи гаранг кишиларга эшак сутини ичиш зарар қилади. Айниқса, бундай сутни ичиб ётилса, ҳиқичоқ тутади, бадбўй ҳидли кекиришни келтириб чиқаради. Бунга қарши асалли гулқанд ейилса, уларнинг ҳаммаси дори бўлади.

2) Сигир сути. Ёш ва соғлом сигирнинг сути энг яхши ва шифобахш сутлардан ҳисобланади.

Мизожи. Иссиқ ва совуқликда мўътадил ҳамда ҳўл.

Шифобахш хислатлари. Сигирнинг янги соғилган, ҳали совимаган сути ичилса, мия жавҳарига куч бағишлайди. Уни намли қилади, баданни асл рутубатлардан сақлайди, хаёлпаришонлик, меланхолия ва восвос касалликларини даф этади. Одамнинг ранг-рўйини очади ва бурун дардларини бартараф қилади.

Сутни кетма-кет тарзда ичиш ва суртиш кўздаги иллатлар ва оғриқларга, ҳаттоки ёғсиз бўлган ҳолатда ҳам шифо бўлади. Агар анзарўтга аралаштириб суртилса, кўздаги говмижжани, қатронга ўхшаб, кўзни оғриқлаштирадиган пардани, шунингдек, кўзнинг атрофидаги ортиқча гўштни ва бошқа иллатларни даволашда малҳам бўлади.

Янги соғилган сут иссиқ-иссиқ ичилса, юракни бақувват қилади, ғам-ташвишни қувади, восвос, юрак ўйноғи, ўпка дарди ва сил хасталиклари (сафросиз, балғамсиз ва ҳароратсиз бўлса), шунингдек, ичаклар яллиғланишини даволашда шифо бўлади. Ични юмшатади, маний пайдо қилади, шаҳват қув-

ватини оширади, баданни семиртиради. Шакар билан тайёрланган ширгуруч таоми ични юмшатади, ахлатли қуланжда фойда беради.

3) Эчки сути. Мизожида энг мўътадил сут. Томоқ яллиғланганда юмшатади. Эчки сути шифобахш восита сифатида қуруқ. Хотиранинг йўқолиши, ғамгинлик ва турли хил хаёллар чулғаб олишида ичилса, яхши натижа беради. Сут тишга зарар қилиб, емирилишига ҳисса қўшади. Милкларни бўшаштиради, ундан кейин асал билан чой ичиш фойдали, яна бошқа воситалардан узум виноси ёки сканжабин билан оғизни чайиб юриш фойдали.

Эчки ва эшак сути йўталга қарши, нафас йўли хасталиклари, қон қусишда ичилса, яхши ёрдам беради. Бу билан оғизни чайиш қўноқ хасталигида, жаба, тил шишида яхши ёрдам беради.

4) Туя сути эса астма ва нафас қисиши хасталикларида яхши ёрдам беради. Туя сути сувчечак хасталигида жуда ҳам фойдали, айрим табиблар, туя сутига пешоб қўшиб бериш ҳам яхши натижа беради, дейишади.

Туя сути сувли истисқо ва ноғорасимон истисқога фойдали. Хусусан, пешобда бу хосиятлар яхшидирки, жигар, талоқ йўлларида тўсиқ бўлса уларни очади ва зардобини суртиш билан йўқ қилади. Совуқдан пайдо бўлган зиқ ун-нафас қисишидан зое қилади.

Агар туя сутини истеъмол қилиш мурод бўлса, у туяга қўлда таом бериб, тарбият қилмоқ, хашагига ҳосий (сачратқи), сил кашус каби совуқ мизожли алаф (ўт), арпанинг унидан хўрак тайёрлаб бермоқ лозим бўлади. Агар иссиқ мизожли хўрак бўлса, хашак учун камгар, дармана, розиёна (оқ зирак) карахис (петрушка), шивит (укроп), қоқулликим, уни шур ҳам дерлар. Шунга ўхшаш емишлардан бериб, тарбия қилмоқ лозим бўлади.

Туя сутини ичишда, аввало, чорак ратлдан (чорак косадан) бошлаб ичмоқ ва ҳар куни унга 10 дирҳам қўшиб, даражама-даража кўп ичмоқ мосдир. Сут кўплик қилмаслиги, ҳазми оғир бўлмаслиги даражада ичилиши, ичилганда ич кетиши юз бермаслиги ёки сут меъдада қолиб, фасод бўлмаслиги даражасида кўпайтириб ичилади. Сут беморнинг ҳолига мувофиқ эканлигини билишнинг белгиси шуки, беморнинг пешоб миқдори ичган сутнинг миқдоридан ортиқ ёки баробар миқдорда бўлади ҳамда ични сурги қилдирмайди, кекирганда сутнинг таъми пайдо бўлмайди ва меъдада туриш бўлмайди. Бу аломатларнинг ҳаммаси сутни баданга мувофиқ келганига далолат қилувчи белгилардурки, унда сут миқдорини яна бир оз ошириш мумкин.

2.9. Ҳайвонлар гўшти

Ҳайвон гўштларининг орасида энг аълоси қўй гўшти бўлиб, иссиқ, ундан кейин эчки ва бузоқ гўштлари. Ёш моллар гўштлари яхши ҳазм бўлиши билан ажойиб озуқа моддаси ҳисобланади. Эчки боласи қўзига нисбатан кам чиқитга чиқарилади; қари қўйнинг гўшти анча қаттиқроқ, шу билан бирга, қора қўчқорнинг гўшти мазали ва енгил бўлади. Жигаррангли қўчқорнинг йирик, гўштдор ва думбалиси ҳам мазали ва ширин, оқ рангли қўйларнинг гўшти етарли мазали эмас ва қоринда яхши ҳазм бўлмайди.

Гўштнинг энг мазали ва озуқалилиги суякка яқин ётган қисмидир, шунингдек, ҳайвоннинг ўнг томондагиси ҳам енгил ва яхшироқ, чап томондаги гўштга нисбатан ўрта қисмидаги гўшт эса камчиликлардан холи бўлади.

Гўштнинг бўш қисми, ундаги нерв толаларининг йўқлиги, масалан, сут ҳосил қилиб туришидаги қисм бошқа гўштларга нисбатан латифроқ, ширин

ва мазалидир. Худди шундай сўлак ажралиб чиқарадиган тил остидаги гўштлар ҳам. Бундай гўштнинг озиқлилиги яхши ва осон сингиб кетади. Шунга ўхшаш елин, хўроз мояги ва қаттиқроқ, қийинроқ ҳазм бўладиган гўштлар ички аъзолар жойлашган жигар, юрак мускуллари ва ҳоказо.

Парандалар гўшти ичида энг яхшиси қирғовул ёки тустовуқники, товуқ гўшти латифроқ, лекин озиқлилиги кам; худди шундай гўштлар тоғ каклиги ва чўл каклигиникидир.

Ёш ҳайвонларнинг ёш гўштлари қуруқлилиги кўпроқ бўлиб, қариларга нисбатан мазаси ширин, масалан, эчки боласининг гўшти латиф ва юмшоқ, мазаси ширин, катта эчкиникига нисбатан дағалроқ бўлади. Чумчуқ ва у қатори қушларнинг гўшти яхши эмас. Йирик парандаларнинг гўшти кўп ҳаракатда бўладиганлариники яхши химус ҳосил қилади.

Ёввойи ҳайвонларнинг гўшти мазали бўлганига қарамасдан, қора, сафро ҳосил қилиши кузатилади, уларни турли ҳўл резаворлар ва зираворлар билан бир оз ишлов бериб пиширилгани маъқул.

Қиш фаслида туғилган ҳайвонларнинг гўшти латифроқ ва мазалироқ бўлади.

Парандалар гўшти тўрт оёқлиларга нисбатан қуруқ. Сигир гўшти қуруқроқ эчки гўштига нисбатан, эчки гўшти қўйникига нисбатан қуруқроқ ва қийинроқ ҳазм бўлади. Сўйишга мўлжалланган туя гўшти, дағалроқ озуқа моддаларини ҳосил қилади, яхши қиздиради. Қуён гўшти ҳам иссиқ, ҳам қуруқ.

Йирик парандалар гўштлари, ғоз, курка ва бошқалар дағал, аммо ўрдак гўшти ва сув парандаларининг гўштлари жуда кўп ва қўй гўштига яқин. Ёғли гўшт, думба иссиқ ва ҳўлликни бағишлайди.

Шифобахш хусусиятлари. Гўшт — яхши озуқа, баданни мустаҳкамлайди, қонга осон айланади. Гўшт-

нинг озиқлилиги товада қовурилгани ёки гулханда пиширилгани – қуруқроқ бўлади. Қайнатилган гўшт хомроқ ва ичи, айниқса, турли хил резаворлар билан пиширилганининг кучи ортиқ. Ёғли гўшт ва ёғ ҳазми қийин, паст озуқали модда бўлиб, иштаҳани етарли даражада қўзғатмайди.

Тузланган гўшт ўзи аслида ҳўллиги билан қуритувчи бўлиб қолади. Озуқалилиги юқори эмас.

Ёғли гўшт қоринни пастга туширади, озиқлилиги етарли даражада юқори эмас, осон тутун моддага ва (дымные вещество) ўт (сафро)га айланади. Думба ёғлиқ гўштга қараганда яна ҳам ёмон озиқлайди. У ёғга нисбатан иссиқ ва ёғдан дағалроқ. Сигир (мол) гўшти бахак хасталигини чиқаради.

Куйдирилган қўй гўшти малҳам ҳолида бахак хасталигига фойда беради. Куйдирилган қурбақа гўштининг малҳамини "тулки" хасталигида суриб турилса, яхши ёрдам беради. Қуён гўштининг қайнатмасига миқрис хасталиги билан оғриганда ўтказилади ёки суртилади, унинг таъсири тулки гўштининг қайнатмасига ўхшаш таъсир кучига эга.

Қора бўғма илоннинг гўштини мохов хасталигига, худди шундай хасталикка кирпининг гўшти ҳам шифо бўлади.

Мол гўшти бошқа дағал гўштлар қаторида қуруқлик чиқариб, маъюслик ва ғам-ғусса чақиради. Тутқаноқ хасталигида латча (йиртқич ҳайвон тури) гўштини узум виноси билан истеъмол қилинади. Қўй гўштининг куйдирилган кули кўздаги тушган оқ доғга фойдали. Яна йиртқич чангалли ҳайвонларнинг гўшти кўзга фойдали, қувватни оширади.

Дарё қисқичбақаси сил хасталиги билан касалланганларга шифо, жўжалар гўшти эса сирка қўшиб пиширилгани қўноқ хасталигида шифо беради.

Юқорида қайд қилинган дағал гўштлар қора жи-

гар (зичлигини) тиқмаларини оширади. Лекин мол гўштидан сиқбадча қуруқ кариандр ва шафран билан бирга қориннинг қаттиқлигидан сақлайди.

Чўл каклиги гўшти фойдали гўштлар қаторида бўлиб, сувчечак хасталигига шифо бўлиб, қора жигар тиқилишларини очади, шунингдек, жигардаги тиқилмаларни, очиб шифо беради. Кирпининг сканжабин билан бирга пиширилган гўшти сувчечакда шифо бўлади.

Мол гўшти сариқ ўтни ичакка чиқаришда, қуён гўштининг қовурилгани ичакдаги яллиғланишда фойда беради. Кирпи гўштининг қуритилганини сканжабин билан тайёрлангани буйрак хасталикларида шифо бўлади. Қари хўрознинг қайнатмаси, гўшти билан бирга хилтли хасталикларда шифо бўлади.

2.10. Ҳайвонлар ўти

Ҳайвонларнинг ўт пуфаги (сафро)нинг энг кучлиси сигир ўтидир. Кейин сиртлонники, ундан кейин айиқ, эчки, қўй ўтидир. Қушлар ичида энг соғломи бу хўроз ўти, кейин тоғ каклигидир. Қуш ўти тўрт оёқли сут эмизувчи ҳайвонлар ўтидан кучли. Йиртқич ёввойи қушларни уй ҳайвонлари билан таққослаганда, овланадиган қушлар ва паррандаларни йиртқич ёввойи ҳайвонлар билан солиштирганда, йиртқич ҳайвонларнинг ўт сафроси жуда ўткир ва куйдириш даражаси юқори, айниқса, йирик ҳайвонларникидир.

Мизожи. Иссиқ, қуруқ, тўртинчи даражада.

Шифобахш хусусиятлар. Барча ҳайвонларнинг ўт сафроси — ўткир тозаловчи. У ҳайвонларнинг эркак-урғочилигига, оч ёки тўқлигига, ташналигига ва ҳаракатига ёки тинч ҳолатига боғлиқ экан.

Ёввойи эшакнинг ўт сафроси (тусу) доғларни йўқотади, шунингдек, шишларнинг ўрнига малҳам қилиб суртилади.

Йирингли яраларни даволашда ўтдан малҳам тайёрлаб суртилади.

Кучли оғриқ берадиган йирингли яраларга ҳўкиз ўтидан малҳам тайёрлаб, суртиш фойда беради. Эчки ўтидан малҳам тайёрлаб суртилса, фойда қилади.

Бўри ўтидан тайёрланган малҳам нервларнинг жароҳатланишида, совуқдан ҳосил бўладиган тортишишда шифолидир.

Эркак эчкининг ўтини "фил" касали ва томирлар кенгайишида суртилса фойдали, айниқса, ёввойи эшак ўти кучли таъсир кўрсатади.

Эркак эчки ва ҳўкизнинг ўти қулоқдаги янги пайдо бўлган яллиғланишда фойда беради. Қарға ўтини зайтун мойида қориштириб, малҳамни қулоққа томизилса, гаранглик хасталигида ва қулоқда турли ингичка товушлар пайдо бўлганида набаи пиёзнинг сувига ўтни қориштириб томизилса, жуда фойдали.

"Шайтонлаш" хасталигини даволашда айиқ ўтидан малҳам тайёрлаб, суртиш шифо беради.

Тошбақа ўти билан болалардаги "Кула" хасталигида оғиз чайилади. Шунингдек, "падучий" (тутқаноқ қуёнчиқ) хасталигида тошбақа ўтини бурун орқали тортиш фойдали. Ҳайвонларнинг барча ўт сафролари ҳид сезишнинг йўқолишида ва суяк хасталикларидаги тиқилмаларни очади. Шунингдек, кўз хасталикларидаги кўриш ёмонлашганда ёввойи ҳайвонлар ўти яхши ёрдам беради. Бошланғич катарактада бош ва тана тозаланганидан кейин шифо қўлланилади.

Кўз учун тўрт оёқли ҳайвонлардан хонгул кийигининг ўти, қушлардан — каклик ўти, балиқлардан карп ўти сафроси жуда фойдали ҳисобланади. Эчкининг ўти, айниқса, тоғ эчкисиники, "оқшом кўрлиги" хасталигида шифо бўлади.

Қўноқ хасталигида ҳўкиз ўти асал билан қўшиб,

танглайга суртилади, шунга ўхшаш хасталикда тошбақа ўтидан ҳам фойдаланса бўлади.

Ҳўкиз ўти "почегуй" хасталигида шишларни очади. Ҳўкиз ўти асал билан бирга малҳам тайёрлаб, орқа тешикка киргизилса, йўғон ичак хасталикларида фойдали, шунингдек, бачадон хасталикларида ҳам кенг қўлланиб келинади: шифобахш лой билан тухумдон ёки бошқа хасталикларни даволашади.

Газандалар тишласа ёки чақса, ҳўкиз ёки тоғ эчкисининг ўтидан малҳам тайёрлаб суртилади.

Эчки ўти қулоқдаги оғриқ ва турли товушларга фойда беради. Шунингдек, кўз қоронғилашганини, юздаги доғларни йўқотади. Тўнғиз ўти сочни яхши ўстиради. Хўроз ўти юздаги доғларни йўқотади ва кўз яллиғланишида ёрдам беради. Камбала ўти гарангликда ёрдам беради.

2.11. Ҳайвонлар илиги

Ҳайвонлар орасида энг яхши илик (орқа мия суюқлиги) бузоқ ва кийикда, кейингиси ҳўкиз, кейин эчки ва қўйникидир.

Эчки илиги, айниқса, ҳўкиз илиги анча ёғли ҳисобланади.

Шифобахш таъсирлари. Илик ўзлаштирилганда қиздиради, юмшатади, тозалайди ва яхши озиқлайди.

Қаттиқ яралар ва шишларни юмшатади. Ёввойи ҳайвонларнинг илиги, уй ҳайвонлариникига нисбатан қуруқ.

Истеъмол қилинганда меъдани булғайди ва иштаҳани бўғади. Уни турли хил резаворлар қўшиб, пиширилса, мазали бўлиб, фойда қилади.

Бачадон хасталикларида иликни орқа тешикка шамча ясаб киргизиб қўйилади. Бу шамчаларни қотиб қолишдан сақлайди.

Айтишларича, кийик илиги суртилса, турли газандалар чақишидан муҳофаза қилади.

1.12. Ҳайвон шохлари

Ҳайвон шохлари ҳам яхши даво бўлиб, турли хил хасталикларга қарши ишлатилади.

Кийик ва эчки шохининг куйдирилгани тишларни оқартириб, милкларни мустаҳкамлайди, уларда пайдо бўлган оғриқларни йўқотади.

Ювилган кийик шохини куйдириб, фойдаланилса, кўз хасталикларида, қон қусишда фойда беради.

Шунингдек, қорин шишида ел ҳайдайди, яна сариқ хасталигида ёрдам беради.

Ювилган ва куйдирилган кийик шохи ич кетиш (дизентерия) хасталигида ёрдам беради.

Шарқ мамлакатларида кийикларда ўсиб чиқаётган шохларни (панто) фойдаланишни 2000 йил аввал қўллашган. Уларни тоза ҳолда ёки дори таркибида қўллаб боришган. Анемия, озиб кетиш, организмнинг умумий ҳолсизланиши, юқумли хасталиклар, кейинги юрак қон-томир тизимидаги етишмовчиликда, жарроҳлик ёки яраларнинг секин битишида, жинсий аъзоларнинг ишини тиклашда қўлланилган.

Шунингдек, Хитой табобатида қотган шохларни ҳам ишлатишади. Масалан, холдор кийикнинг барча аъзолари дори-дармон ҳисобланади, тиши, суяги, мия, қон, гўшти, териси, пайлари, ўти (сафроси) ва бошқалар. Қуритиб майдаланган пайлардан бошқа шифобахш ўтлар билан бирга қайнатиб, дармондори сифатида ичилади.

Шарқ мамлакатларида ўсиб чиқаётган кийик шохларини ҳозирги кунда ҳам ишлатиб келинади. Лекин бундай самарали шифобахш воситаларни анъанавий тиббиёт тез қабул қилмаётир.

Ўсаётган шохнинг ўзи нима? Бу ўсиб чиқаётган

(ҳали қотиб улгурмаган) кийик шохи ривожланишнинг маълум даврида кесиб олинади.

Шарқ табобатида марал, изюбер ва холдор кийикнинг шохлари кенг қўлланилади. Улар узоқ Шарқ ўрмонларида яшайди.

Кийиклар эса эрта баҳорда шохларни ташлайди. Энг яхши шифобахш панта ҳали тўлиқ ривожланмагани ва ундаги ўсимталар сонига қараб белгиланади.

2.13. Ҳайвонлар калла суяги

Ўртача ёшдаги ҳайвон калласи яхши ҳисобланади.

Табиати. Иссиқ ва ҳўл. Танани семиртиради. Қўй калласининг қайнатмаси билан ҳуқна қилинса, ични юмшатади, буйракларни иситиб, мустаҳкамлайди. Лекин калла суяги қийин ҳазм бўлади.

Ит калла суягини куйдириб, кули ичилса, сариқ хасталигида шифо беради.

Каллани овқатда қўлланилса, у тинчлантиради ва танага фойдали. Суяк шишларида қайнатмаси ичилса ёрдам беради. Қийин ҳазм бўлади. Шунда жуда яхши фойда беради. Унинг ўрнини босувчи бу — ҳайвон туёқларидир.

2.14. Ҳайвонлар сочи, жуни

Ҳайвонот дунёсида ҳайвонлар туки ёки сочи, терисининг туси асосий кўринишлардан ҳисобланади.

Жун сочга нисбатан майин ва жингалаклиги билан фарқ қилади. Соч деганда биз асосан инсон сочини тушунамиз. Лекин шундай ҳайвонлар мавжудки, уларда ҳам жун, ҳам соч бор. Масалан, эчкининг, айниқса, такани олайлик, қўй ва қўзиларда эса фақат жун мавжуд. Инсонда эса фақат соч ва соқол бор.

Жуннинг шифобахшлик хусусиятлари: агар уни куйдириб асал билан аралаштириб суртилса, заҳм ва яраларни оғритмасдан қуритади, битишида яхши даво

бўлади ҳамда зайтун ёғи ва сув билан аралаштириб суртилса, оловда куйган жароҳатларда шифо бўлади. Сиркага қориб суртилганда эса сўгалларни қуритади, майда тошмалар ва қадоқларни йўқотади, шунингдек, заҳмлар ва қутурган ит қопганда шифо бўлади, шароб, зайтун ёғига ёки сувга қориб суртилса шишларни йўқотади.

Одам сочини куйдириш тартиби қуйидагича: соч аввал яхшилаб ювилади, тароқлаб қуритилади, кейин қайчи билан майдалаб қирқилади ва сопол ёки тунукага солиб оловга қўйилади ва то эзилишга мойил бўлгунга қадар оловда куйдирилади.

Сочнинг ёғини бошга суртилса, яна соч ўсиб чиқади, шунингдек, бошнинг сочи йўқ жойлари ва иякда янги соч чиқишига ёрдам қилади.

Қутурган ит тишлаганда инсон сочидан дориллий боғлама билан боғлаб қўйилади.

Бош терисини ҳар ойда бир марта лимон шарбати билан артиб турилса, у бош терисидаги қон томирларнинг фаолиятини яхшилайди, соч илдизини мустаҳкамлайди. Шунингдек, лимон антисептик хусусиятига эгалиги боис сочда учрайдиган айрим хасталикларнинг олдини олади.

2.15. Ҳайвонлар ўпкаси ва юраги

Тулки ўпкасини сирка ва денгиз пиёзи билан бирга берилса, томоқ бўғилиши ва астмага фойдали.

Ёввойи эшак ўпкасини қуритиб, кукун ҳолида истеъмол қилинса, бавосир, бўғилиш, астма ва давомли йўталга қарши шифо бўлади.

Миқрис хасталигида медуза ўпкасини кукун ҳолида ичимлик дориси сифатида томирлар боғламида фойдалидир.

Йирик қорамол юрагининг тўқимасидан фермент-

ли препаратлар ситохрон С олинади. Бу фермент нафас олиш фаолиятида иштирок этади.

Шунингдек, қорамол юрагидан кардиолепин моддаси олинади, уни маълум бўлган Васселран реакциясида сифлис хасталигини даволашда қўлланилади.

3. ЁВВОЙИ ҲАЙВОНЛАР

3.1. Бўри

Ал-ҳукм. Унинг эти ҳаромдир.

Хосияти. Ёввойи ваҳший ҳайвонлар сирасига кирадиган икки тури борлигини ҳамма ҳам билмайди. Оч қолганда одамга ҳам ҳамла қилишдан қайтмайдиган бўрилар асосан дала-даштлар, чўл ва саҳроларда яшайдиган жонзотлар ҳисобига тирикчилик қилади. Бўрининг яна бир тури борки, бунисини дўлта дейишади. Бу бўри асосан ўлган моллар ва парандалар гўшти билан тирикчилик қилади. Табобатда бўрининг биринчи тури, яъни одамларга яқин бўлиб, улар боқадиган ва гўшт ёғини ейдиган ҳайвонлар билан тирикчилик ўтказадиган бўрилар шифобахш хусусиятларга эга: жигари айнан жигар хасталикларига бағоят фойдалидир. Лекин жигари даво экан деб, истеъмол қилавериш тўғри эмас. Ҳарорати бор бемор унинг ярим граммини майдалаб сув билан, ҳарорати бўлмаса, шароб билан еса, истисқо (бодяка) ва мизожи иссиқ кишиларга дори бўлади. Сканжабин билан истеъмол қилинса ёки қорнинг суви билан ютилса, қора жигар (талоқ) дардларига шифо бағишлайди.

Унинг 0,5 грамм ўти (сафроси) мусаллас билан, шароб ёки асал билан истеъмол қилинса, сурункали иситма, қуланж ва истисқони даф қилади, қайнатилган суви билан нўхат ҳажмидагисини истеъмол қилинса, эрлик қувватини оширади.

Тана аъзоларининг чангакка ўхшаб тортишиши,

увишиши ва қалтираши, асабларнинг таранглашиши, айниқса, бу ҳолат совуқдан бўлса, бўри ўти хоҳ ейилса, хоҳ баданга суртилса, бу дардларга ажойиб даво бўлади. Агар бўри этини эзғилаб бурунга қўйилса, бурундан сув оқиш, шамоллаш оқибатида давомли аксиришни бартараф қилади.

Лавлаги билан аралаштириб, бурунга қўйилса, кўзнинг қизғишини дарҳол тўхтатади, сканжабин билан аралаштириб бурунга томизилса, тутқаноққа шифо бўлади. Қуритилган ўтини майдалаб туйиб, сурмага ўхшаб кўзга тортилса, кўзнинг хиралашиши, кўз гавҳарига сув тушиб кўриши хира тортишини бир кунда бартараф этади. Буни исириқ уруғи билан қўшиб туйиб баданга боғланса, теридаги оқ доғлар ва песни йўқотади, пиёз суви ёки лавлаги билан аралаштириб, баданга боғланса, теринінг пўст ташлашига шифо бўлади, бошдан соч тўкилишига барҳам беради. Бўғимлар оғриғига даво бўлади.

Айтишларича, бўрининг ўтини олатга суртилса, шаҳватни оширади.

Чарви ёғини суртилса ёки боғланса, бош ва иякдаги яккам-дуккам соч тўкилган жойларга соч чиқишига ёрдам беради. Шишларни қайтаради.

Миясидан 0,19 гр миқдорида, янги соғилган сут билан истеъмол қилинса, қалтироқни босади. Уни газакўт суви ва зайтун ёғи билан қориштирилиб баданга суртилса, совуқ туфайли танада пайдо бўлган хасталикларга шифо бўлади.

Жунини куйдириб, тутатилса, атрофдаги зарарли жонзотлар қочиб кетади. Агар буни новшадир билан малҳам қилиб, баданга суртилса, жигар шишини қайтаради ва бошқа дардларни таҳлил қилади.

Оёғининг илик суяги билан закарини бирга куйдириб, майдалаб боғланса, бавосир хасталигига шифо бўлади.

Аёллар унинг қони ва пешобини ичса, ҳомиладор бўлмайди.

Агар тиззада туз йиғилиши туфайли бод пайдо бўлса ва қаттиқ оғриқ берса бўри ошиғининг суяги ўша ерга боғланса, фақат бодни қайтарибгина қолмай, кўп юриш ва ортиқча ҳаракат қилиш туфайли толиқиб, зирқираш пайдо бўлган бўлса ҳаммасига шифо бағишлайди.

3.2. Тулки

Саълаб – тулки, форсчада "рубоҳ", туркчада "тулку" дерлар ва у кўп ҳийлакор жонивор бўлади. Агар терисини бурга қопласа, туллаган жунининг бир парчасини оғзига ушлаб туриб, аста-секин сувга кира бошлайди. Бургалар тишлаб турган жунга секин тўпланиб боради ва охирида бир шўнғиб олиб бургалардан халос бўлади. Яна айёрликларидан бири жуда оч қолса, қорнини шишириб оёқларини кўтариб ётиб олади. Шунда қарға, ҳакка ёки бошқа парранда лар учиб келиб уни томоша қилса бир ўгирилиб, сапчиб тутиб олади.

Ал-ҳукм. Унинг гўшти ҳаромдир.

Хосияти. Табиати иссиқ ва қуруқ. Унинг мўйнаси жуда иссиқ, бошқаларга нисбатан семиз ва табиати совуқ одамларга фойдали. Иссиқлигига биноан унга қундуз (соболь) яқинроқ туради.

Шифобахшлик хусусияти: Тулкини сувда қайнатиб, сувини беморга берилса, суяк билан хасталанган одамларга шифо бўлади. Унинг оёғи билан оғриган жойларини суртиб қўйилса, баданига фойда қилади.

Зайтун мойида тулкини қовуриб, сўнгра ёғи билан касалланган жойларга суртилса, танадаги суяк оғриқлари ва асаб хасталикларига шифо бўлади.

Ўпкасини қуритиб, сўнгра майдалаб беморга берилса ўпка хасталикларига, астма ва йўталга яхши шифо бўлади.

Агар ёғини эритиб қулоққа томизилса, қулоқ гаранглигида ёрдам беради. Оғриқни босади. Агар уни бир маҳал олиб сув ва асал билан аралаштириб, беморга берилса, қулоқ оғриғига фойда беради. Яна соч тушиб кетган ҳолатида ҳам тухум пўчоғини куйдириб, сув, асал қўшиб бош терисига суртилади, бу кал хасталигида фойда беради. Агар тулкининг ўтини аммиакли эритма (камеди) 1/1 нисбатда олиб, унга селдерей қўшилса, аралаштириб ҳар 10 кунда бир марта бурунга томизилса, мохов хасталигида ёрдам беради.

Агар тулкининг тишини ўзи билан олиб юрса, итлар ҳужум қилмайди, зарар келтирмайди. Агар тулкининг тишини кабутар инига осиб қўйилса, каптарлар жойини ташлаб кетиб қолади. Агар унинг ёғини зайтун мойида ишқалаб суяк оғриғида ва миқрисда суртилса, фойда қилиб, кўп юрганда ҳам чарчамайди.

3.3. Арслон

Форсчада шер, туркчада арслон, бир хил сариқ рангли. Эркагининг белидан юқори қисми ёлли. Модасида ёли бўлмайди. Боласининг кўзи етти кунда очилади. Олти ойлик боласи шикорга (овга) чиқади. Ҳеч бир жониворнинг сарқитини емайди. Унинг узунлиги бурнидан думининг учигача 2,4 метр, баландлиги бир аршиндан зиёдроқ бўлади. Думи тукдор тутамли бўлади. Оғирлиги 230 кг гача етади.

Унинг терисида ўтириш айрим хасталикларга — бавосир ва бошқа хасталикларга даво бўлади. Бир парча терисини сандиққа солиб қўйилса, куя тушмайди. Унинг тезагидан шаробга солиб ичирилса, умуман шарбатдан нафрат пайдо бўлади.

Арслон ёғини одам чови, пайларига яхшилаб уқаланса (массаж), шаҳватни оширади. Агар юз терисидаги ҳуснбузарларга ёғи суртилса, уларни йўқота-

ди. Ўти (сафроси) олиб худди тўтиёга ўхшатиб дори тайёрланса ва кўзга суртилса (томизилса), уларни тозалаб ялтиратади. Агар одам баданига ёғини суртса, газандалар ва зараркунандалар яқинлашмайди.

Агар арслон терисини жуни билан бирга бир парчасини бола, бўйнига осиб юрса тутқаноқ хасталигидан холис бўлади.

Агар одам баданига ёғи суртилса, бавосир, ниқрис хасталикларида ёрдам беради.

3.4. Айиқ

Айиқ аслида ёввойи, ваҳший ҳайвон бўлса-да, одамлар уни яхши кўришади. Эртаклар қаҳрамони, ўрмонлар ва ҳайвонот боғларининг кўрки сифатида болажонларга олам-олам қувонч бағишлайди. Ўзининг беғубор қилиқлари билан одамлар меҳрини тоблайди, мана шу "маймоқвой" инсон саломатлиги учун қанчалик фойдали эканини ҳамма ҳам, афсуски, билавермайди. Агар билганда, инсон балки уларга нисбатан бешафқат бўлмаган бўлар эди.

Ал-ҳукм. Унинг гўшти ҳаром, одамлар ейишмайди, сифати ёмон.

Хосияти. Мизожи иссиқ ва ҳўллиги мўл. Лекин қари айиқнинг мизожи қуруқ ҳисобланади.

Шифобахшлик хусусиятлари. Сафроси бадандаги нуқсонларни шиддат билан очувчи, асал билан 0,5 грамм истеъмол қилинса, тутқаноғи бор одамга шифо бағишлайди. Сирка, асал ва мурч билан қўшиб истеъмол қилинса, жигарнинг совуқдан бўлган дардларига малҳам бағишлайди, гўшти совуқ истисқо хасталигини бартараф этади. Агар 2,5 граммдан истеъмол қилинса, танада кўчиб юрувчи қуланж (колит) хасталигини жиловлаб, шифо бағишлайди. Айиқ сафросини асал ва арпабодиён билан қўшиб кўзга тортилса, кўзни бақув-

ват қилади, унга тушган холни йўқотади, тўкилган киприклар ўрнига янгиси чиқишига ёрдам беради.

Она сутидан бошқа ҳеч нарса емаган айиқ боласининг ширдони — меъдаси айиқ панирмояси дейилади. Агар ана шу панирмояни истеъмол этилса, одам семириб, танаси бақувват бўлади. Ундан 4,5 грамм истеъмол қилинса, мияда балғам йиғилиши туфайли юз берган тутқаноқни даволашга ёрдам беради. Кўзнинг чаппа ўсган киприклари кўзга зарар етказгани учун жарроҳлик йўли билан олиб ташланади. Ўша жойга панирмоя суртилса, қайта тук чиқмайди. Ана шу ноёб панирмоя баданга ишқаланса, терининг ўша жойида тук чиқмайди, баданга пучак ва чувуқларга суртилса, уларни зудлик билан тўкиб юборади. Унинг ўтини асал ва мурч билан эзиб, аралаштириб бош терисининг кал хасталигига суртилса, қуюқ соч ўсиб чиқишини таъминлайди. Суртма малҳам олти марта суртилади. Агар ўтини сирка асал билан аралаштириб ичилса, жигар хасталикларида шифо беради.

Агар айиқ ёғини анор доналари билан бирга қиздирилса ва тенг миқдорда зайтун мойи билан аралаштириб, суртилса қошни ўстиради, сочларнинг ўсиб чиқишига ёрдам беради. Терининг мохов хасталигида ҳам айиқ ёғи суртилади. Агар айиқ кўзларининг иккаласини олиб, латтага ўраб кўзга боғланса, у ҳолда 4 кун давом этган иситмани даф қилади.

Айтишларича, айиқ туққанида туғилган боласи ҳали кўзи очилмаган, юз тузилиши бўлмай туғилган бўлиб, онаси ялаб аста-секин боланинг аъзолари, юз-кўз тузилишини шакллантириб боради.

Шунингдек, асаб хасталиклари, теридаги ёрилиш, суяк эзилишида айиқ мойи малҳами суртилади.

Агар иссиқ қони шишларга суртилса, улар тез етилади.

Агар айиқ ўтини худди ҳўкизникига ўхшаб, асал

билан аралаштириб суртилса тутқаноқ хасталигида яхши ёрдам беради.

Агар ўтини укроп шарбати билан аралаштириб кўзга суртилса зеҳнни яхшилайди.

Агар янги туғилган одам боласини айиқ терисига ўраб, ёғи суртилса боладаги турли хил зарарланишнинг олдини олади. Айиқ териси одам организмини жуда яхши қиздиради. Совқотадиган ниқрис хасталигида айиқ терисига ўралиш яхши фойда беради.

Терисининг мизожи анча қуруқ. Шунинг учун унинг устида ўтириш фалажликда, ҳўл мизожли одамларда, ниқрис ва аъзоларнинг дардларига малҳам бўлади.

Ахлати баданга боғланса танадаги кучли оғриқларни бартараф қилади. Айиқнинг ўнг кўзини тумор сифатида ўзи билан олиб юрса, у одамга ваҳший ҳайвонлар яқин йўламайди. Агар иккала кўзини бўйнига тақиб осиб юрса сурункали иситмадан халос бўлади.

Куйган жароҳатлардан кейинги тўқиманинг тез битиб кетишида ҳайвон кўзидаги шишасимон жисмдан препарат олиниб терини даволайди. Шунингдек, неврология, радикулит ва синган суякнинг битишини тезлаштирадиган хусусиятларга эга.

3.5. Эчкиэмар

Калтакесаклар ичида энг каттаси ва узун думлиги, бошқа геккон ва уромостикларга нисбатан Варан уромостик калтакесаги бошқачароқ.

Табиати. Унинг гўшти мизожи жуда иссиқ.

Ахлати теридаги ҳуснбузарларга ва қонталаш доғларга фойдали, яхши ёрдам беради. Унинг ёғи ва гўшти айрим аёлларга мос келиб, семиртириш хусусиятига эга.

Инсон баданига кириб қолган тикан, камалак ўқи ва бошқаларни суғуриб чиқариш қобилиятига эга.

Ахлатини эзиб кукун ҳолида қўйилса, сўгалларни

туширив юборади. Яна кўздаги оқ доғларни йўқотишда фойдали.

3.7. Кийик

Форсчада тавази ва "гови кўҳий" ва туркчада "сўянгиъун" дейдилар. У токи икки йилгача шох чиқармас, кейин иккита шох чиқаради ва уч йилдан сўнг шохлари мисли дарахт шохларидек катта бўлиб кетади.

Кийикнинг шохи бошқа ҳайвонлар шохига нисбатан жуда мустаҳкам бўлади. Яна шуниси маълум қилинадики, кийикнинг ўти ниҳоятда кичик бўлади.

Ал-хукм. Гўшти ҳалолдир.

Хосияти. Кийикнинг гўшти савдони қўзғатиб, ҳазми осон, пешоб йўлини очувчан ва шаҳватга куч бериб қувватли қилади. Лекин кўп истеъмол қилинса, савдони қўзғайди. Ҳаво исиган вақтда, кийиклар ташналик туфайли тоғу тошлардан дарё ва сойларга тушиб келган пайтларда овлаш тавсия этилмайди. Сабаби хавф-хатардан чўчиган, қариш оқибатида зўриққан кийик гўшти одамга фойда бермайди, аксинча зарар қилади. Айниқса, куз ва қиш ойларида бу жониворнинг гўшти мазали, емишли ва шифобахш бўлади. Кийик гўштини узоқ вақт сақлаб бўлмайди, гўшти ўзгариб, хушхўрлиги йўқолади. Шунинг учун кийик гўштини тоза сувда бир оз укроп ташлаб, паст оловда қайнатиб, истеъмол қилингандан кейин анжир ва қанд шарбати ичиб юборилса, ҳазми осон кечади, танага яхши ва осон сингади.

Шохини куйдириб, сирка билан қориб бадандаги оқ ва қора доғларга суртиб, қуёшда ўтириб терласа, бу иллатларни даф қилади. Ўша кулни сиркага аралаштириб, оғиз чайилса, тиш оғриғини босади, милкни мустаҳкамлайди. Куйдирилган шох тугунининг ҳиди чақадиган ҳашаротларни даф қилади.

Кийик ҳар қандай илоннинг кушандаси. У бурнидан илоннинг инига – тешигига қўйиб уни чиқмоққа чорлайди. Бурнидан чиққан ҳовур бамисоли оҳанграбо каби илонни қўзғатади ва ташқарига чорлайди. Илонни егандан кейин кийикнинг кўзлари чақнаб, кўзининг атрофида қотиб қолган ашклар ҳар қандай заҳарларни даф этишда кучли тарёк вазифасини ўтайди.

3.8. Қуён

Форсийда "харгўш" ва туркчада "қуён". Туклари кўп, мулойим, кўриниши филжумла сичқонга ўхшайди ва унинг нари (эркаги) кучли маст бўлади. Кўп болалайди. Унинг ҳомиладорлиги 70 кунни ташкил этади. Қуённи қўрқитиб сўйилса, қони чиқмайди.

Ал-ҳукм. Унинг эти ҳалолдир.

Хосияти. Кабоби кучли доридир. Масалан, долчин, мурч, хардал ва укроп уруғи билан бирга тановул қилинса, шайтонлайдиган (асаб), шол ва қалтироқ (эпилепсия) ва совуқдан ҳосил бўладиган хасталикларга, бўғим оғриқларида, пешоб томчилаш хасталигида шифобахшдир. Ёш ўғил болаларда кузатиладиган тутқаноқ иллатига қарши қуённинг панирмоясидан (ёш ҳайвонлар қонидан олинадиган модда) бир озини едирсинлар. Яна уйқуда қўрқиб йиғлайдиган болаларга ҳам даво яхши бўлади. Панирмояси, маска ёғи, сигир ёғи ёки сирка ва асал қўшиб болага едирсалар фойда беради. Яна панирмоясидан ярим мисқолгача сирка билан едирилса илон чақишига даводир.

Ёввойи қуённинг табиати иссиқ ва иккинчи даражали иссиқ. Унинг семизи яхши бўлади. Агар бош терисида катта каллик бўлса, денгиз қуёнининг калласининг кулидан қўшиб малҳам тайёрланади ва суртилади. Бунда "тулки хасталиги" (соч тўкилиши)нинг олдини олиб, бош терисидан соч ўсиб чиқаришини

таъминлайди. Агар беморга ёввойи қуённинг мияси берилса, ундаги қалтираш (асаб) хасталигида шифо беради.

Қуён калласини куйдириб кули кўзга киргизилса, кўриш қобилиятини кучайтиради, агар туклари куйдириб, тутатилса, ишлов берилса, ўпкада тўпланган суюқликни йўқотади. Ёввойи қуённинг қони меъда ва ичакдаги яраларга даво, узоқ давом этадиган ич кетиши хасталигида фойдалидир. Янги сўйилган ҳайвоннинг қони илон, чаёнлар чаққанда фойдалидир. Айтишларича, ёввойи қуённинг гўшти истеъмолида қора ўт пайдо қилар экан. Унинг таъсирини камайтириш учун эса мойни ва резаворларни кўп ишлатишга тўғри келади.

Бош миясининг кулини айиқ ёғи, асал суви, анзур пиёзининг суви билан аралаштириб, бош терисининг соч тўкилган жойларига суртилса, қайтадан соч ўсиб чиқади.

Қуён мияси сувда қайнатилиб, ана шу сувга ўтирилса, бемордаги ниқрис, шунингдек, бўғимлар хасталикларидан халос бўлади. Пешоби кўзга суртилса, кўзни равшан қилади. Қонини иссиқ ҳолида баданга суртилса, одамдаги оқ ва бошқа доғларни кетказади.

Қуённинг мизожи иссиқ бўлганидан унинг гўштёғини иссиқ мизожли одамлар томонидан истеъмол қилинса, улар учун зарарлидир. Бундай кишилар сирка, хушхўр анор сувини ичсалар, зарарини кесади. Шунингдек, қуён гўштини сув буғида пиширив, укроп билан истеъмол қилинса, зарари бўлмайди. Қуён гўшти бўғим касалликларида жуда фойдали бўлиб, шифо бағишлайди.

3.9. Кирпи

Типратикан — барча ҳудуд ва ўлкаларда яшайдиган бу жонзотнинг қорин қисмида туклари бўлиб,

танасининг қолган қисмини ўткир тиканлар билан қоплаган. Бироқ хавф-хатар туғилса, бошини ичига тортиб олиб, тиканларини найзага айлантиради. Уч хил тури: тоғ, ер ва денгиз типратиканлари қайд қилинган.

Ал-ҳукм. Гўшти ҳалолдир.

Мизожи. Иккинчи даражанинг аввалида иссиқ ва қуруқдир.

Шифобахшлик хусусияти. Типратикан гўшти, айниқса, танадаги ортиқча рутубатлар ва оғриқларни, шунингдек, захмлардан халос қилиб, ғализ моддаларни зудлик билан таҳлил қилади, қорин ва кўкрак қафасидаги аъзоларга номақбул моддаларнинг тўкилишининг олдини олади.

Ер типратиканининг тузлангани "фил" хасталигида яхши ёрдам беради, гўштини истеъмол қилиш мохов хасталигида шифо бўлади. Ер типратиканининг куйдирилган териси зифт билан бирга "тулки" хасталигида яхши ёрдам беради.

Типратикан терисининг кули яралар ифлосланганда "ёввойи эт"ни ўлдиради ва тугунли ҳосилаларда яхши ёрдам беради.

Қуритилган ва тузланган гўшти фалаж хасталигида, танадаги таранглик (спазм), асаб хасталикларида ва "фил" хасталикларида шифо бўлади.

Ер типратиканининг гўшти нафас йўллари, хусусан, ўпка сили хасталикларида фойдали. Шунингдек, ички аъзоларнинг иши бузилишида, тузланган гўшти эса сканжабин билан бирга сувчечак (бодянка) хасталикларида яхши ёрдам беради. Жигарининг қуритилгани ҳам шифобахш хусусиятларга эга.

3.10. Илонлар

Даволаш мақсадида илонларни ҳам қўллашади. Қадимги тиббий китобларда ёзилишича, илон

ташланган пўстини олиб хасталанган жойларга қўйилади: тишлар, кўзлар, чипқонлар ва "отилган камон ўқлари"ни чиқаришда заҳарли бўғма илон (гадюка) нинг ташланган пўстини қайнатиш тавсия этилади. Бу соч ўсишини ҳам таъминлайдиган восита. Аёллар бошини шу восита билан ювишади.

Илон ёғини ҳосил қилишда тирик илонларни қовурилиши натижасида олинган ёғ билан бўғимларнинг қақшаши – ревматизмда суртиб, қўллаб келинган.

Ибн Синонинг китобларида қайнатилган илон гўштидан кулчалар тайёрлаш амаллари баён этилган. Тавсияга кўра қора илон (гадюка)ни тутиб қуритганда амалларидан қўллаш керакки, ўзининг шифобахшлик хусусиятларини йўқотмаслиги керак. Шунингдек, илондан малҳам тайёрлаш усуллари ҳам берилган. Бунда қора илонни кунжут мойида пиширириб, сўнгра малҳам тайёрланган. Масалан, бу малҳамни турли хил тери хасталикларида суртилган ва тўғри ичак хасталигида қўлланилган. Хитой табобати амалиётида япон сув илонининг гўштини қайнатма ҳолида склеродмия ва мохов хасталикларида қўлланилади.

Илонга дуч келган ҳар қандай киши бир сесканиб тушади, қўрқув пайдо бўлади. Лекин илонлар ҳеч вақт одамга ўз-ўзидан ҳужум қилмайди, ҳимояланиш мақсадида сапчиши мумкин. Илонлар молюскалар, ҳашаротлардан тортиб, балиқлар, қушлар, ҳашаротлардан, ҳатто, майда сутэмизувчилар билан озиқланади. Илонлар ўлжасини бутунлигича, баъзан тириклайин ютади. Ўлжа каттароқ бўлса ва қаршилик кўрсатса, илонлар уни аввал жонсизлантиради (бўғма илонлар бўғиш, заҳарли илонлар заҳарлаш орқали), сўнгра ютади. Илонлар ўз танасидан 2-3 марта йўғон ўлжани ҳам юта олади.

Агар сизни илон чақиб олса, саросимага тушманг. Биринчи галда қандай илон чаққанини аниқланг. Илон чаққан жойда (сувилон, чипорли) икки қаторли ва майда томчиқонли бир неча ярача ҳосил бўлади. Заҳарли илонлар чақилган жойида бир икки қонаб турган нуқта ҳосил бўлади. Агар зарарсиз илон чақса уни марганцовкали ёки оддий сув билан яхшилаб ювилади. Агар заҳарли илон чақса зудлик билан тиббий ёрдам кўрсатиш лозим. Бунда илон заҳарига қарши зардобни қўйиб турилади. Агар зардоб қўл остида бўлмаса, унда биринчи ёрдам кўрсатилиши лозим. Беморни салқин жойга ётқизиб, бошни тана даражасидан пастга қўйиб, тишланган жойини антисептик билан ишлов берилади ва қаттиқ боғлаб қўйилади. Биринчи 3-5 дақиқа ярани ювиб ишқаланилади ва яра томонга эзиб бориб қон чиқариб юборилади, кейин қонни сўриб ташлашга ҳаракат қилинади, марганцовкали сув билан ювилади. Шишган белги бўлиши билан сўришни тўхтатиб беморни қимирлатмасдан қўйилади.

Илон мизожи. Учинчи даражада иссиқ, қуритиш қувватига эга бўлгани учун қуруқдир.

Шифобахшлик хусусиятлари: ёғи суртилса, кўзга зарарли сув тушиши ва кўз гавҳарига даво бўлади. Пўстини шаробда қайнатиб, ўша шароб совимасдан қулоққа томизилса, унинг дардига шифо бўлади. Сиркада қайнатиб, ўша сиркада оғиз чайилса, тиш оғриқларига таскин этади.

Сувда юрадиган қора илонни ҳали сув қуйилмаган янги кўзага солиб оловда ёки қиздирган тандир тафтига қўйиб ҳил-ҳил пишгандан кейин эзиб, асал билан аралаштириб кўзга суртилса, кўзни беҳад равшан қилади. Уни зайтун ёғида қориб тўнғиз ярага суртилса, яхши малҳам бўлади ва тезда тузалишига ёрдам беради. Сирка билан хамир қориб, бошнинг

сочи тўкилган ғадир-будир жойларига суртилса янги соч ўсиб чиқади, оқма яраларга суртилса йиринг ва бошқа моддалардан тозалаб, тезда қуриб, тўкилиб кетишига ёрдам беради.

Илон бир йилда бир марта пўст ташлайди. Илон пўстининг мизожи унинг 10-даражада иссиқ ва қуруқ, айримларнинг фикрича, учинчи даражали иссиқ.

Илон пўстининг шифобахшлик хусусиятлари қуйидагича: 3,5 грамм илон пўстини пичоқ билан майдалаб кесиб, 7 грамм арпа уни билан хамир қориб, кўмочга ўхшатиб япалоқ тошлар орасига қўйиб пиширив, ҳар куни белгиланган миқдорда истеъмол қилинса ички ва ташқи бавосир хасталигини бартараф қилади. Агар илон пўсти ҳар куни 3,5 граммдан 3 дона хурмо билан истеъмол қилинса, аввало бўқоқ пайдо бўлишидан сақлайди, бордию илгаридан бўқоғи бўлса, қуритиб ташлайди. 3,5 грамм илон пўстини куйиб, кулга айлантирилган темир кўпороси билан бирга ейилса, қовуқдаги тошларни майдалаб тушириб юборади. Илон пўстини сиркада қайнатиб, ўша сирка билан оғиз чайилса, тиш ва тиш милкларидаги оғриқлар босилиб, милкдаги захмлар шифо топади. Илон пўстини зайтун ёғида қайнатиб ёки бир мунча муддат қуёшда тургани ҳам шифобахш. Зайтун ёғини қулоққа томизилса, унинг дардини бартараф қилади, қулоқ ичидаги оқадиган йирингни тўхтатади. Шу ёғни кўзга томизилса, кўздаги қўтир, сув оқиши, киприкларнинг тўкилиши, ҳамда шиллиқлик дардларига малҳам бўлади, кўзни равшан ва бақувват қилади.

Илон пўстини ўтда куйдириб, новшадил аралаштириб боғланса, теридаги оқ доғлар ва песни даф этади.

Кунлардан бир куни катта идишдаги май ичимли-

ги ичига заҳарли илон тушиб ўлган экан. Иттифоқо майхонага мохов билан касалланган одам кириб май сўраган. Бу ердагилар ундан жирканиб, атайин унга илон тушиб кетган майдан беришган. Орадан бир неча кун ўтгач, бу дарддан фориғ бўлиб кетганлиги ҳақида ривоятлар бор.

3.11. Жайра

Баданида ўзини ҳимоя қилиш учун бир қаричга етадиган найзага ўхшаш тиканларни отадиган жонивор жайра бўлиб, кўпроқ ўтлоқларда, сув ҳавзалари ва дарё ёқаларида яшайди.

Ал-ҳукм. Эти ҳалолдир.

Мизожи. Иккинчи даражанинг аввалида иссиқ ва қуруқ.

Жайранинг гўшти пешоб тутилишини очишда шифо бўлади. Бунинг учун калласи кесилади, терисини ажратиб, гўштини майдалаш ёки ейиш осон бўлиши учун қуёшда яхшилаб қуритилади. Кейин туйиб ёки майдалаб 9 ёки 13,5 гр шаробда ивитилиб, истеъмол қилинса, пешоб йўли очилиб, шу билан бу хасталикдан халос бўлинади.

Гўштини истеъмол қилинса ниқрис хасталигидан азият чекаётган беморлар шифо топишади. Агар баданга қайта-қайта боғланса ва қони суртилса, теридаги сепкилларни кетказади. Доғларни йўқотади ва баданни кирлардан тозалайди.

Аёллар жайра гўштини тагидан кўтаришса, ҳайз келишини равонлаштиради. Унинг тиканларидан илон ва бошқа заҳарли жонворлар қўрқишади ва унга яқин келишмайди.

Илонда жайра билан типратиконнинг қасоси бор, уни ўлдиришади. Шу боисдан ҳам илонлар жайрани кўришса қочиб кетишади.

Жайрани куйдириб, то эзилгунга қадар новшадил билан эзғилаб, кейин асал билан аралаштириб бош териси ва иякнинг соч тўкилган жойларига суртилса, қайтадан соч-соқол ўсиб чиқади. Бошқа тавсия ҳам маълум: бошнинг сочи тўкилган жойларини то қизаргунича арман танакори билан ишқалаб, кейин жайранинг ахлати зайтун мойига аралаштириб суртилса, қайтадан соч-соқол ўсиб чиқади.

Жайранинг ахлатини мўрт ёғи ёки бошқа ёғлар билан аралаштириб баданнинг хоҳлаган жойига суртилса, тук йўқ жойларга тук чиқишига ёрдам беради. Пўстини куйдириб хардал ва қизил асал билан қориштириб бошга суртилса, сочни майин ва узун қилади, унинг тўкилиши ва ёрилишидан сақлайди, шунингдек, бош, ияк қисмида соч-соқол тўкилган жойларига қайта-қайта сурилса, янгидан тук ўсиб чиқади.

Жайранинг қуритилган талоғи (қора жигар) шароб билан истеъмол қилинса, қора жигарнинг дардига шифо бўлади, чунончи қора жигарида қаттиқ оғриқ бор кишилар жайра талоғини қовуриб ейишса, уч соатлардан кейин сув терига тушиб терлайди, ичида қаттиқ оғриқ пайдо бўлиб, бир соатлардан кейин пешоби қистаб, 200 граммдан кўпроқ сияди, оғриқ босилиб ором олади.

Жайранинг ўти (сафроси)ни аъло сифатли сурма билан яхшилаб аралаштириб, кўзга тортилса, кўздаги холни дарҳол даф этади. Қуритилган ўти (сафроси)ни қайта-қайта терига суртилса, янги пайдо бўлган песни йўқотади, олтингугуртга аралаштириб суртилса, эски песни даф этади. Қуритилган ўтини майдалаб туйиб, шароб билан хамир қилиб, кулчалар ясаб, уларни қуритиб, сиркага қўшиб юмшатиб эски бавосирга суртилса, дарҳол қон кетишини кетказиб, соғлиқ бағишлайди.

4. СУВ ЖОНЗОДЛАРИ

4. 1. Балиқлар

Рус табобатида балиқлар бошида мавжуд бўлган суяклар кукуни қўлланиб келинади: тош ва пешоб хасталикларида нелма, зоғорабалиқ ва олабуға; аёлларнинг дарди қийинлиги ва тош хасталикларида чўртан танланади. Бундай тавсиялар ўзида илмий асоси бўлмаса-да, лекин инсон қадимдан ҳайвонот маҳсулотларидан саломатликни мустаҳкамлашда фойдаланиб келади.

Форсчада "моҳий", туркчада "балиқ" дейишади. Катта-кичикда ўртачаси яхши, тиллоси кўп сўнгаги йўғон бўлади, қилтаноғи кам. Унинг орқаси қора, қорни оқ бўлади. Балиқни сайд қилган куни оқшомга қўймай пиширив емак керак. Негаки унинг гўшти латиф ва нозик бўлади, аммо тез бузилади. Уни тузлаб қўйилади. Балиқнинг қовурилгани яхши.

Балиқнинг мизожи биринчи даражада совуқ ва иккинчида ҳўлдир. Шўр сувларда, яъни денгиз ва океанларда яшайдиган балиқлар биринчи даражада иссиқ ва қуруқликка мойил.

Унинг шифобахшлик хислатлари. Оловда кабоб қилингани, ёғда қовурилгани тез ҳазм бўлади, баданни тез семиртиради, этга эт қўшади, маний, сут ва буйрак чарвисини ҳосил қилади ва кучайтиради.

Иссиқ мизожли кишилар истеъмол қилса шаҳватини оширади, олотни бақувват қилади, иссиқ мизожли моддаларни ислоҳ қилади, ўпка силига даво бўлади, ўпкани тозалайди ва юмшатади, қуруқ йўталга шифо бўлади, жигар ва буйраги иссиқ мизожларга мос келади.

Балиқни узум ғўраси суви ва татум билан кабоб қилиб истеъмол қилинса сафрони ва қонли ич кетиш хасталикларини тўхтатади. Шўрваси заҳарланганда ва

баданга кирган тиканлар ва нишларни ҳайдаб чиқаришда шифо бўлади. Балиқ шўрваси заҳарли илон чаққанида, қутурган ит қопганида кишиларни дарддан халос қилади. Иссиқ мизож ва совуқ мизожли одамлар учун балиқ гўшти зарар қилади. Зарар етказмаслик учун балиқни мол ёғида ёки кунжут мойида, бодом ёғида пиширib истеъмол қилиш тавсия этилади. Айниқса, мизожи иссиқ кишиларни кўп ташна қилади. Бундай пайтда асал ва турли гиёҳлардан тайёрланган нордон ичимликлар ичилса зарарни ислоҳ қилади. Лекин айрим кишилар балиқ тановул қилганидан кейин унчалик чанқамайди. Айрим кишилар мизожига тузланмаган балиқ мос келади.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, балиқ еб устидан совуқ сув ичиш мумкин эмас. Бу ниҳоятда зарарли бўлиб, одамни оғир дардларга мубтало қилади.

Тузланиб, ўн беш кун ёки ундан кўпроқ муддат сақланган балиқнинг мизожи иссиқ ва қуруққа мойил бўлади. Бундай балиқлар истеъмол қилинса, балғамни кўчиради, иштаҳани очади.

Иссиқ мизожли кишиларда тиниқ ва ширин балғам пайдо қилади, бошқа зарарли — баданда, қичима қўтир ва тери доғларини бошланишига сабаб бўлади. Одамда пўст ташлаш, уйқусизлик ва бошқа иллатлар пайдо қилади. Бунинг олдини олиш учун сирка, асал ва ҳар хил гиёҳлардан тайёрланган аралашмани ичиб қайт қилиш ва меъдани тозалаш лозим.

Балиқни сувда қайнатиб, ўша сувга кириб ўтирилса, бошланғич босқичда бўлган ичак захмларига шифо бахш этади ва зарарли моддаларни тери устига тортади. Агар шу сув билан ҳуқна қилинса, бод дардига дори бўлади. Балиқнинг ўти, айниқса, зоғора балиқнинг ўти кўзга тортилса кўздаги холни йўқотади.

Тирик балиқнинг ичини тозалаб аъзолари бўғим-

ларга боғланса, маддалар, шишлар, бадандаги тикан ва бошқаларни теридан ташқарига тортиб чиқаради.

Агар шўр балиқнинг боши куйдириб боғланса шишлар, бадандаги ёрилишларга шифо бўлади. Шунингдек, чаён, қутурган ит қопса ҳам даво бўлади, агар уни ёғлар билан хамир қилиб боғланса, ҳалқумдаги тилчаларнинг қаттиқ шишларини таҳлил этади.

Куйдирилган суякларнинг кулини сирка аралаштириб суртилса, песни тузатади. Балиқни иссиқ намокобда ювиб, унга коҳигул суртиб, шу ҳолда бир муддатга қўйиб, кейин яхшилаб ювилса, балиқлардаги бўладиган ҳиддан асар қолмайди. Агар балиқни буғдой нон билан ейилса тезда ҳазм бўлади.

4.2. Дельфинлар

Ал-ҳукм. Ҳалолдир.

Шифобахш хусусиятлари. Унинг гўштини жуда озиб кетган одам истеъмол қилса бақувват қилади. Агар унинг тишини бола бўйнига осиб қўйилса, у йиғлоқиликдан қутулади. Агар унинг ёғидан истеъмол қилинса, суякдаги оғриқларни йўқотади.

Бу ҳақиқий содиқ дўстлар, улар инсонларга қандайдир садоқат билан яшайди. Шундай узоқ биргаликда яшаш мобайнида, ҳали одамга ҳужум қилгани тўғрисида маълумот бўлмаган. Одамларда бунинг аксини кўришимиз мумкин. Узоқ йиллар мобайнида дельфинни овлаш саноат даражасида бўлиб келди.

Ақлли ва идрокли жониворлар чўкаётган денгизчиларни қутқариб келган. Ҳолдан тойган чўмилувчиларнинг қутқарилгани тўғрисида маълумотлар бор. Балиқ овлайдиган жойлардан акулаларни ҳайдашини айтмайсизми? Шу билан бирга денгизда чўмилувчиларни муҳофаза қилиб келади.

Дельфинда инсонга ўхшаш 5 сезги аъзолари мавжуд:

кўриш; сезиш (бадан сезиши); ҳид билиш қобилияти; эшитиш, тинглаш қобилияти; маза, таъм билиш каби.

Мия тузилиши ҳам одамникига ўхшаш, лекин бир оз фарқланади: у пешона қисмининг кўпроқ ривожланганлиги сабабли бизникига нисбатан бир неча юз грамм оғирроқ. Бу жонзотларда мувозанатни сақлаш тизими жуда ҳам яхши ривожланган. Мушаклар реакцияларининг ўта ривожланиши, сувда ўзининг оғир танасини моҳирона идора қилиши мумкин (сувда сакраш ва ўйинга тушиш) каби.

Жуда силлиқ-юмшоқ териси дельфинга сувда юқори тезлик билан ҳаракатланишига имкон беради. Терининг ўта сезгир рецепторлари ва мукаммал гидроакустик ультратовушли сонарлар дельфинга узоқ масофада "кўриш"га ёрдам беради. Ўзгарувчан ҳолатни сезиб туришга имкон беради.

Дельфинлар беморларни "даволаш" жараёнида ўзларидан махсус ультратовуш сигналларини чиқариб, бемор одамнинг шу оғриган ерига маълум муддатда сигналларни бериб "даволайди". Инсон ва дельфин орасидаги мулоқотда, айниқса, неврологик хасталикларда жуда яхши ижобий натижалар олинди.

Ҳаттоки оғир хасталиклар, бош мия жароҳатлари бўлган, коматоз ҳолатида ётган беморларни махсус қурилма ёрдамида сувга тушириб, дельфинотерапия амалларини қўллаб даволаш мумкин.

Дельфинлар дарҳол одам қандай жароҳатланганини аниқлаб "ўйинга" туша бошлайди ва 40-50 дақиқа мобайнида даволаш тадбирини ўтказади. Одатда, бир неча бор ўтказилган сеансдан кейин беморнинг ҳолати яхшиланади. Аста-секин оёқ, қўл учларида тикланиш жараёни яхшиланиб боради. Даволаш курсининг якунида, айрим беморлар мустақил равишда дельфин устига чиқиб сузишлари ҳам мумкин. Шун-

дай юқори самарали бўлган дельфинотерапиянинг алоҳида таъсиридан бири бу сувда бўлишдир.

Дельфинотерапия энг яхши восита сифатида невротик ҳолатларга қарши ёрдам беради. Қатор хасталикларда, айниқса, болаларга Даун синдроми билан оғриган қатор генетик хасталиклар, шунингдек, гиперактивликнинг етишмовчилигида, болалар фалажлигида ва қатор асаб хасталиги ҳолатларида, гарангликни, ақлий ривожланишнинг қолоқлигида, ўқиш, ёзиш фаолиятидаги бузилишлар, хотиранинг бузилиши ва умуман йўқолиши ҳамда бошқа хасталикларда дельфинотерапиянинг ҳиссаси беқиёсдир.

Дельфинлар билан мулоқот, айниқса, шикастланишдан кейинги стресс ҳолатидан чиқишда ижобий натижа беради, айниқса, болаларни тинчлантириб ҳаётбахш кайфиятнинг тикланишига ёрдам беради.

"Денгиз шифокори" беморнинг касалланган жойларини гўё суратга олади ва ўша жойларга ультратовуш нурланишларни юборади. Бу хасталик ўчоғида соғлом ҳужайраларни, шунингдек, бутун тананинг тез соғайиб кетишига ҳисса қўшади.

Сузиб бораётган дельфин ультратовуш нурларини бемор бошига таратади. Агар у орқада турган бўлса ва агар бемор жуда яқин бўлса умуртқага шифоли таъсир кўрсатади.

Амир Давлат табибнинг ёзишича, дельфиннинг ёғи ёғда пиширилса ва ана шу мойни қулоққа томизилиб, эски ва янги карлик хасталиги даволанса, қулоқ яна эшитадиган бўлади.

Дельфинларнинг оқ биқинли дельфин, қўнғир дельфин, китсимон дельфин каби турлари бор.

Дельфиннинг ёғи тиббиётда ишлатилади.

4.3. Тошбақа

Ер юзида маълум бўлган ва бизнинг дунёмизда ҳам маълум бўлиб, аҳоли яшайдиган, ҳам чўл ҳудуд-

ларида учрайдиган, тепасида тош косаси бор, беозор жонзотнинг учта тури: денгиз, сой, анҳор ва дашт тошбақаси мавжуд.

Ал-ҳукм. Гўшти ҳалолдир.

Денгиз ва анҳор тошбақасининг мизожи иккинчи даражада иссиқ ва биринчи даражада ҳўл. Лекин даштда яшайдигани ники иссиқ ва қуруқ.

Шифобахшлик хусусиятлари: Унинг гўштини истеъмол қилиш шаҳватни кўпайтиради, қувватни оширади. Гўштини кабоб қилиб ейилса яхши. Аёлларда ҳайз келишини тўхтатади. Қорин пардасининг йиртилиши оқибатида пайдо бўлган чурра (дабба)ни бартараф этади, инсонга саломатлик бағишлайди.

Дашт тошбақасининг қони ичилса, тутқаноқ, томир тортишиши хасталикларида фойда беради. Томирларнинг чангак бўлиб тортишишини ислоҳ қилади. Унинг қонини арпа уни, асал билан аралаштириб, хамир қилиб, шу хамирдан мурч ҳажмида хаблар ясаб, ундан эрта тонгда бир дона, кечки овқатдан олдин бир донани истеъмол қилинса, тутқаноқ хасталикларида яхши дори бўлади. Қонини қўл, оёқларга қайта-қайта суриб турилса бўғимлар оғриғи ва никрис хасталигида даво бўлади.

Тошбақа ўт сафросини суртиш ҳалқум шишларига, ёш болаларда оғиз яллиғланишида шифо бўлади. Тутқаноқ дардига йўлиққан бемор бурнига суртилса ёки бурнига қўйилса, тутқаноқ хасталигига фойда бўлади. Қуруқ ўтини асал билан аралаштириб кўзга тортилса, кўз гавҳарига тушган сувни йўқотади. Шунингдек, кўздаги хол ва сув тушишига ҳам барҳам беради. Тошбақа ўтининг шифобахшлик фазилатларини "Фавойид ахёр" ("Хайрли кишиларга фойдалар") рисоласининг муаллифи Юсуфий шундай таърифлайди:

Тошбақа ўтини ичсанг агар сен,
Жундорлар заҳрини даф қилар мудом.
Йўтални тузатар, гар ишонмасанг,
Имтиҳон қил, шубҳа йўқолар тамом.

Дашт тошбақаси ёрдамида мураккаб рак (саратон) хасталигига қарши дори тайёрлаш мумкин: бунинг учун тошбақанинг қорнини ёриб ички аъзоларини олиб ташланади ва оқаргунга қадар оловда қиздирилади. Кейин мол ёғига ботириб бўз латтага суркаб тошга айланган саратонга боғланса, уни рутубатли моддалардан тозалайди ва яра оғзини токи иккинчи марта қўзғалмайдиган даражага олиб келади. Шунингдек, тошбақа билан ўтказилаётган амалиёт бошқа хасталиклар муолажасида ҳам қўл келадиган.

Унинг тухумидан мурч донаси миқдорида мизожига мос келадиган истеъмол қилинса, болалардаги эски йўталга шифо бўлади. Агар тухумига ўндан бир миқдорда арпабодиён аралаштириб истеъмол қилинса, хоялар шишига бебаҳо дори бўлади. Ёш болаларга тошбақа тухуми оналарнинг сути билан берилса, хоялардаги бод ва оғриқни даф этади. Шунингдек, тухумни ёғда қайнатиб суртилса ҳам ана шу хасталикларга даво бўлади.

Тошбақанинг ёғини аъзоларга суртилса, уларнинг чангак бўлиши ва тортилиши хасталикларини бартараф этилади. Тош косаси билан сувда қайнатиб, ўша сувга ўтқизилса, болаларда учрайдиган чурра (дабба) хасталикларига шифо бўлади. Тошбақанинг косасини куйдириб, товуқ тухуми ёки кунжут ёғига хамир қориб бошга боғланса, сочнинг ўсиб чиқишига фойда қилади. Тошбақанинг барча аъзоларини оловда куйдирилиб, кулини мол ёғи билан бошқа ёғларга аралаштириб суртилса, ярага айланган сара-

тон хасталигига яхши даво бўлади. Шунингдек, кули сепилса, муолажаси оғир кечаётган оғир дардларни даволашда яхши самара беради. Товуқ тухумининг кулига аралаштириб суртилса, бавосир ва оёқ ёрилиши хасталикларида даво бўлади. Агар тошбақа кулига ўндан бир миқдорда мурч қўшиб, асалга аралаштириб, наҳорда оч қорингa суртилса, кечқурун 14 гр миқдорда ичилса, нафас олиш, тилнинг чиқиши, шунингдек, сил ва нафас етишмаслиги хасталикларига жуда фойда қилади.

Суякларини майдалаб туйиб ёки куйдирилганини сурмага ўхшатиб кўзга тортилса, тутунини ҳидлагандек кўзга яқинлаштирилса, ҳароратни даф қилиб, кўзнинг ҳолатини яхшилашга яхши ёрдам беради.

Денгиз тошбақасининг қони ичилса, бадандан ҳар қандай заҳарни ҳайдаб чиқаради. Қорни остидаги косасини куйдириб, тутуни димоққа тортилса, ҳароратни тушириб, беморнинг аҳволини яхшилайди.

Тошбақа гўштини истеъмол қилишда ичакларга зарар қилса, бундай ҳолатларда асал ичиш тавсия қилинади.

5. КЕМИРУВЧИ, ЎРМАЛОВЧИЛАР

5.1. Сичқон

Форсчада “муш”, туркчада “сичқон” дейилади.

Хосияти. Уни ўтга солиб, дуд қилинса бошқа сичқонлар қочиб кетади. Унинг пешоби, ўткир бўлиб, китоб хатини йўқ қилиб юборади. Агар тикан баданга кириб қолган бўлса, сичқонни иккига бўлиб унга қўйилса, уни чиқаради.

Чаён чаққан жойга сичқонни кесиб, қўйилса заҳарини тортиб олади.

Агар сичқон ахлатини терига суртилса, “тулки касаллиги” хасталигидан шифо топади. Ёки сичқон

ахлатини сирка билан аралаштириб, мош ва туз қўшиб шамчалар тайёрланса ҳамда орқа чиқарув тешигига киргизиб қўйилса бўшаштирувчи сифатини беради.

Сичқоннинг бошини куйдириб бош терисидаги "тулки хасталиги"да суртилса шифо топади, сочни ўстиришга ёрдам беради.

5.2. Қурбақа

Кўлмак сувлар, сернам ботқоқлик, ҳовуз ва ариқларда яшаб кўпаядиган ушбу жониворнинг денгиз дашт ва наҳрларда учрайдиган турлари бор. Даштда яшайдиганлари жуда заҳарли бўлиб, табобатда асосан шунисидан фойдаланилади.

Ал-ҳукм. Ҳалол. Табобатда ишлатиладиган ҳамма турларининг мизожи учинчи даражада совуқ ва биринчида қуруқ.

Шифобахшлик хислатлари. Сувда яшайдиган қурбақани сувда қайнатиб, ана шу сув билан оғиз чайилса, тишлар оғриғига таскин беради.

Қорнини ёриб, айнан ўша жойини баданга қўйиб боғланса, баданга кирган тикан, газандалар заҳрини дарров тортиб олади, шунингдек, оқаётган қонни дарров тўхтатади. Унинг гўштини куйдириб эзиб сочилса, бадандаги яраларни қуритади. Кулини зифтга аралаштириб бош ва иякнинг соч тукларидан ғадирбудур жойларига қўйиб боғланса, янгидан соч ўсиб чиқади.

Агар қурбақани туз, мойда қайнатиб истеъмол қилинса турли заҳарларга қарши "зиддизаҳар" ва мохов хасталикларида шифодир.

Қурбақа қайнатмаси билан шишларни ҳўллаб турилса, шишларга қарши шифо бўлади.

Қурбақанинг танаси, айниқса, ёғи тишни олдиришда енгиллик туғдиради.

Диққат: Агар заҳарли қурбақанинг гўшти, қони истеъмол қилинса, бадан шишиб кетади, заҳарланади, тери қораяди ва ҳалокатгача боради.

Қурбақа гўшти тишга ишқаланса тишни ҳеч қандай оғриқсиз милкдан ажралиб тушишига ёрдам беради, баданнинг бошқа жойларига суртилса, куйишдан муҳофаза қилади.

Айтишларича, унинг оёғидан ипга боғлаб, олмос ютган кишининг ҳалқумидан авайлаб нари ўтказилса, олмос парчалари унга ёпишади, сўнг аста-секин тортиб, қурбақа ташқарига чиқарилади.

Қурбақанинг оёқлари ва қорнидаги аъзоларни олиб ташлаб, эчкининг буйрак атрофидаги чарви ёғи билан ҳил-ҳил пиширириб, юзидаги ёғи олиб суртилса, қонли бавосирда яхши ёрдам беради.

Дарахт остида яшайдиган қурбақа кўкимтир бўлиб, бошқа турларига нисбатан анча майда бўлади. Уларни ўз оғирлигича пахта чигити билан куйдириб, майда эзиб, сурмага ўхшатиб кўзга тортилса, кўзнинг гавҳарига тушган сувни йўқотади. Ана ўша майда кўкимтир қурбақани қайнатиб ўша сув билан оғиз чайилса, тиш оғриғини тўхтатади.

Қашқа қурбақа деб аталадиган сувда яшайдиган ҳаворанг қурбақанинг калласини узиб, қорнини ёриб, ичидаги аъзоларини олиб ташлаб, кейин терисини шилиб, қолган гўшт ва суякларини обдон сувда қайнатиб, ўша сувга хоҳ нон ботириб, хоҳ ўзи ичилса, иккинчи ва учинчи ҳафта ҳам шу амалиёт такрорланса, ўпка сили дардидан халос бўлади. Қурбақа гўшти газандалар тишлаганда ёки чаққанда, сирка ёки вино билан қўйилса яхши ёрдам беради.

5.3. Зулук

Зулукнинг арабча номи "алақ", форсчаси "залу", "девча", туркча номи "сулук", ҳиндчаси – "жунк"дир.

Зулук ширин сувли анҳор, ҳовуз, кўл, турғун сувлар, ҳидланган ва айниган сувли чуқурлар, тўхлаб (сув остида ўсадиган ўсимлик, русча номи реаска) кўп бўлган жойларда яшовчи қурт бўлиб, унинг турлари кўп, унинг ранги оқ, қора, катта-кичик, боши қора думалоқ, қорнининг ости бир оз олароқ бўлади. Айтишларича, қорни қизғиш, тепасида иккита яшил чизиғи бўлган ва юқорида айтилган жойларда етилгани яхшисидир. Тим қора ва каттаси яхши эмас, ундан фойдаланилмайди.

Зулукнинг мизожи. Қуруқ-совуқдир.

Унинг хосияти ва таъсири ҳақида айтиладиган бўлса, зулукни қуритиб, асалга солиб яланса, томоқ оғриғини қолдиради. Буйракдаги тошларни майдалайди. Туйиб, алое билан қўшилгани эса бавосир ярасини қуритади. Суркалганда теридаги доғларни йўқотади.

Зулукдан 15 дона (каттаси бўлиши лозим) олиб, ювиб, қуритиб, 20 мисқол туйилган чувалчанг билан бирга 8,5 гр тоза кунжут ёғида қайнатиб, сув оқиб кириши натижасида шишган моякка бир неча кун иситиб суркалса бу иллатдан фориғ қилади.

Зулукнинг яхши навидан ҳаром қон йиғилган жойга, масалан, ёғли ўсмага, ярага, сепкил, тошма, наштар уриб қон олдириш хавфли жойларга, чунончи, қовоқ, кўз атрофлари, юзга ёки кичик ёшдаги болаларга қўйилса айниган қонларни осонгина тортиб олади. Бироқ зулук қўйилгандан кейин, аччиқ, шўр нарсаларни емаслик лозим.

Зулук қўйишдан аввал бемор кишининг аъзоси қизаргунча ишқаланади. Сўнг зулук қўйилади. Зулукнинг шишганига қараб уни тўйди деб, гумон қилиб, куч билан ажратишга уринмаслик керак. Тўйингандан кейин ўзи тушиб кетади ёки тушиши зарур бўлиб қолса, оғзига озгина кул ёки туз оғзига сепилса,

пиёз парчаси оғзига теккизилса, дарҳол тушиб кетади. Сўнгра тишлаган жойи тоза мато, юмшоқ бўз латта билан қон тўхтагунича артиб турилади. Қон тўхтамай оқаверса, қўл босилади ёки қон тўхтатувчи муносиб тадбирлар қилинади.

Умуртқа даббаси, бўғимлар оғирлиги, таянч аъзолари хасталиклари зулук ёрдамида муваффақиятли даволанади. Бунда битта сеансда беморга 3-5 та зулук қўйилади. Сеанслар 5-7 кун танаффус билан 4-6 марта ўтказилади.

Инфаркт ёки қон қуйилиши (инсульт)дан бир ой ўтгач, зулук солишни тавсия этилади. Чунки зулук қонга ижобий таъсир кўрсатади, тиқилмалар пайдо бўлиш хавфи камаяди. Юрак мушакларининг ишлашига ёрдамлашади.

Инсультнинг нохуш асорати бўлган қўлнинг увишиши, қон босимнинг кўтарилиб кетиши, юзнинг учиши кабилар 5-6 ҳафта зулук солиш билан даволангандан кейин батамом ўтиб кетади. Тромбофлебитни ҳам зулук билан самарали даволаш мумкин.

Зулукни қуритиб, туйиб алое билан тенг миқдорда аралаштириб бавосир ярасига қўйилса, уни қуритиб юборади. Муолажа 5-8 марта такрорланилса, хасталик батамом йўқолади.

Зотилжам ва мия шиши хасталикларида ҳам зулук ёрдамида бемор қонини олдириш керак бўлади.

Қон босими ошганда, тутқаноқда, сакта, меланхолия, зарба еганда, йиқилиш туфайли қон тўпланганда ҳолатига қараб зулук солинади.

Захм хасталигида бемор ҳар 3-4 ойда зулук солдирилса, шифо топади.

Инсульт хасталигига олиб борувчи бош мия қон томирларида қон ўта кўпайиб кетса уни енгиллаштириш учун зулук солиш ниҳоятда фойдалидир.

Юрак инфарктига олиб борувчи юрак тож томир-

ларида қоннинг кўпайиб кетишини даволашда ҳам зулук солиш ёрдам беради.

Қон туфайли лақлук (кичкина тил)да шиш пайдо бўлса, зулук солиб, қон олдирилади. Табиблар меъда шишида ҳам зулук солишни маслаҳат беришади.

Кишининг лаби қондан шишган бўлса, ичини юмшатиб зулук солдириши зарур.

Зулук ёрдамида қонни чиқариш буйрак шишганда ҳам самарали фойда беради.

Қовуқ шишиб пешоб қилишда қийналганда ҳам зулук воситасида қонни олдириш ва сафрони кетказиш лозим бўлади.

Халқ табобатида хўноқ (ангина)ни даволаш учун ҳам қон олдирилган.

Шақиқа (бошнинг ярми оғриғини)ни даволашда зулук солиш яхши фойда беради.

Турли тери касалликларида, тошмалар, терининг ранги ўзгаришида зулук солиш энг самарали воситадир.

Бирор жойи увишган, чиқиб қолган, заҳарланган, зарбдан кўкарган одамга ҳам ўша заҳотиёқ зулук қўйиш буюрилади.

5.4. Чувалчанг

Кўриниши ним қизил, узунлиги бир неча сантиметр бўлган ушбу жонзот нам ва органик моддаларга бой ерларда яшайди ҳамда ёмғир ёққан пайтлар, баҳор ва куз фаслларида тупроқнинг юза қисмига чиқади. Қолган пайтлар асосан тупроқ ости ва чимли қатламларда ҳаёт кечиради.

Мизожи. Биринчи даражада иссиқ ва ҳўл.

Шифобахшлик хусусиятлари: қуритилган чувалчангнинг 10,5 граммини туйиб узум суви билан ичилса, пешобни юриштиради. Нўхат ва ловия солиб қайнатилган гўштли шўрваси истеъмол қилинса, эр-

каклар пуштини кучайтиради. Уни кунжут ёғида қайнатиб истеъмол қилинса, томоқнинг қирилиб оғришига ва сурункали йўталга яхши шифо бўлади. Бодом ёғига қўшиб туйиб истеъмол қилинса, қорин пардаси йиртилиб аччиқ ичак мояк томон тушган, чурра ҳосил бўлган ҳолларда шифо бўлиб, қориндаги йиртилган пардаси битиб, ўз ҳолига келишига ёрдам беради. Ушбу аралашмани аёллар истеъмол қилса, туғишлари осонлашади, шунингдек, чувалчанг буйрак ва қовуқдаги тошларни майдалаб тушириб юборади. Агар чувалчангнинг кунжут аралашмаси шароб билан истеъмол қилинса сариқ хасталиги туфайли сарғайган одамни дарҳол ўзгартириб, ўз ҳолига келтирилади.

Чувалчангни сувда қайнатиб, ғоз ёғи билан қулоққа томизилса, қулоқ оғриғини ислоҳ қилади.

Бир нечта чувалчангни битта идишга солиб, устига туз сепилади ва ундан ажралиб чиққан сув қулоққа томизилади, шунда қулоқ оғриғи йўқолади. Ёки чувалчанг эзиб боғланса, тилнинг шишини ва сўлак оқишини йўқотади.

Тирик чувалчангни туйиб эзилса, томирга боғланса ва уч кун сақланса, томирни улаб ўз ҳолига келтиради, ҳамда оғриқни даф қилади. Шундан кейин ҳам боғлаб юрилса, томирлар жароҳатида фойда қилади. Бордию тегирмон гардига қориб хамир қилинса ва оғриқ бор жойга боғлаб юрилса, жойидан силжиб бежо бўлган суякларни асли ҳолига келтиради.

Лат еган ва захм еган жойларга туйиб боғланса, ўз ҳолига келтиради. Агар чувалчанг ўрик мағзининг ёғига аралаштириб, ўша амал бажарилса, бавосирни даволайди.

Чувалчангни зайтун ёғида пиширириб ёки туйиб зифт билан ёки ошқовоқ барги билан хамир қилиб боғланса, эркаклик қувватини оширишга ёрдам бе-

ради. Яъни бир хусусияти: чувалчанг шароб билан ичилса, сийдик чиқаришини равонлаштиради. Шунингдек, қўнғиз ва сариқ новвот билан пиширib боғланса, бавосирдан қон кетиш ва орқа аврат ёрилишига зўр дори бўлади.

Чувалчангдан ёғ ҳам тайёрланади: бунинг учун чувалчангдан хоҳлаганча олиниб тозалаб ювилади, вазнига икки баробар кунжут ёки зайтун ёғи солиб бир маромда ёнаётган оловда чувалчанглар куйиб қовурилгунгача қайнатилади (агар зайтун ёғига қайнатилса, қуввати узоқ вақтгача сақланади). Бир муддат тиндирилгандан кейин ёғ истеъмол қилинса ҳам, суртилса ҳам бўлади. Ушбу малҳам кўпроқ асаб билан боғлиқ дардлар: тананинг бир томони ишламай, шол бўлиб қолганда, юз қийшайиши, аъзоларнинг суст ва ишламай қолиши, бўғим ва пайлар, бод ва оёқ ҳамда кўп бўғимларнинг зирқираб оғришида яхши шифо бўлади. Чувалчанг май-июнь ойида тўпланади, бу даврда фаол моддалар энг кўп бўлади.

5.5. Ипак қурти

Ипак олинадиган ипак қуртини қадимдан Осиё халқлари яхши билишади. Ўта нозик ва мурғак уруғдан жонлантирилган ва пиллакорнинг кеча-кундуз тинмай меҳнат қилишга ундайдиган бу жониворнинг ҳаёти қисқа бўлса-да, ундан олинадиган ипак ва шу ипакдан тўқиладиган нафис матоларнинг умри узоқ бўлиб, одамларга қувонч ва шодлик бағишлайди. Ипак қуртининг хизмати шу билан чегараланмай, одамлар соғлиғи, саломатлиги йўлида ҳам хизмат қилади, яъни табобатда унинг ўз ўрни бор.

Мизожи. Биринчи даражада иссиқ ва иккинчида совуқ.

Шифобахшлик хусусиятлари: 10,5 грамм қуритилган ипак қурти истеъмол қилинса, юрак ўйноғига

даво бўлади, бир неча кунгача унинг талқонга ўхшаб туюлган 10,5 граммдан буғдой шўрваси билан тановул қилинса этга-эт қўшади, одамнинг ранг-рўйини очади, эрлик қувватини оширади.

Ўтда куйдирилган ипак қуртининг кули баданга сочилса ёки ишқаланса, сувли яраларнинг оғзини очиб, сувини чиқаради ва сиҳатлик бағишлайди. Агар терига боғланса, ундаги турли доғларни даф этади.

Фақат ипак қурти ва хом ипаги эмас, ундан олинган толадан тўқилган матолар ҳам инсон танасига, аъзоларига шифобахш модда сифатида хизмат қилади.

Тилса, кўздаги холларни йўқ қилади. Гўштини укроп билан сувда обдон пиширириб истеъмол қилинса, бадандаги тиқилмаларни очади, ичак буралиши ва қуланжни даф қилади: буйрак, ичак ва юрак ичида қотиб қолган қонни юмшатади, таҳлил қилади. Уни қуритиб, кукун ҳолида эзиб, мусаллас шароби билан ичилса, шаҳватга қувват бағишлайди.

Унинг ўти ёки қонини олиб боғланса, бошдаги ширинчалар, теридаги оқ доғларни бартараф этади. Ўти уч кунгача қоронғи жойда боғланса, юзнинг қийшайганини тўғри қилади, яъни ўз ҳолига келтиради.

6. ҚУШЛАР

Қушларнинг шифобахш хусусиятлари

Ўрдак, ғоздан бошлаб, қарғагача ва уй қушларига катта ўрин берилади. Негаки, улар инсон билан бир хил маконда қадимдан яшаб келишади ва бир-бирига қарши қўйилмайди. Даволаш самараси бу қушлар билан бўлган амалиётда руҳий кечинмалар орқали: оддий мушоҳада қилиш (томоша қилиш) чуғурлаб у ёқ-бу ёққа сакраб туришининг ўзи бир дунё кайфият бағишлаб, ғам-ташвиш, депрессия ҳолатларидан сақлайди.

Уларнинг чуғурлашини эшитиш турли хил оҳангларда амалга ошириш кўп хасталиклар, асаб хасталикларини чарчаш ва руҳсизлик, лоқайдликлардан сақлайди.

XX аср ўрталарида қушлар сайрашини магнитофон тасмасига ёзиб олиб ёки грампластинка овозидан эшитиб, ҳузур бағишлаши айрим невропатолог шифокорлар даволаш амалиётида қўлланган. Айниқса, бундай чуғурлаш, бедананинг тақгалағи ёки булбулнинг "ноласи"ни нафақат хонада, балки далада, энг яхшиси, ўрмонда эшитсангиз, бирйўла тоза ҳаво билан қушлар сайраши анималотерапиянинг мукаммал амалиёти бўлиб қолади.

Хонада сайроқи қушларнинг бўлиши нафақат асаб, балки юрак-қон томир, юрак пороклари ва инфаркт хасталигидан кейинги даврларда ҳам нафас олиш, хафақон ва бошқа хасталикларда яхши ёрдам беради. Айниқса хонада яшил ўсимликларнинг кўп бўлиши, улар орасида қушларнинг сайраб туришининг ўзиёқ атрофдагиларга ҳузур бағишлайди.

Бошқа сайроқи қушлар — тўтилар, булбуллар, саъвалар кишилардаги депрессив хасталикларни яхши даволар экан, ётган беморни ҳам умидсизланишга йўл қўймайди.

Танишларимиздан бириникида тўтиқуш "Кеша" яшайди. Унинг ҳайратомуз ишлари: вақти-вақти билан кимнингдир елкасига ўтириб, қулоғидан тортиб-тортиб қўярди. Бизлар бу одат нима экан деб ҳайрон бўлардик, кейин сезиб қолдикки, кимнинг бош оғриғи — "мигрен" қўзиб қолса, Кеша шу одамга қўниб қулоғидан тортиб "акупунктура" массажини ўтказар экан. Бундай мигрен хуружини даволашда ўз вақтида ёрдам бераркан.

Ҳар бир одамнинг аъзоларига тегишли бўлган товуш тўлқинларининг частотасига мос тушиб қолса,

беморлар ҳам ашулага ёки қуш сайраши оҳангига чайқала бошлайди (тебранади), яъни (камертонига) мос бўлса эшитган одам бошқача ҳузур қилади.

Беморларнинг тўғри ва ритмик тебраниши модда алмашинувини меъёрга келтириб, тезроқ тузалишига ҳисса қўшади. Ана шундай мукаммал жавобни ҳали юқорида берилган саволга жавоб бўлади, деб тахмин қиламиз.

Ҳозирги вақтда қушлар ёрдамида болалар хасталиклари: аутизм, эпилепсия ва бошқа бирламчи бузилишларни даволашда фойдаланилади. Қушлар билан мулоқот кўзи ожиз, ҳаракатланиши чекланган болаларга ҳам ўзига хос қизиқиш бағишлайди. Юрак-қон томир хасталикларини даволаш самараси қушларнинг сайраши, ундаги ритмларга эътибор берилиши билан боғлиқ: Булбулларнинг овози, майналарнинг сайраши, саъваларнинг, бедананинг сайраши ёрдам беради. Ишдан чарчаб келганда ёки сурункали асабийлашишлар, иштаҳанинг йўқолишида, уйқусизликда қушлар сайрашини эшитиб киши ҳузур қилади.

6.1. Ўрдак

Форсчада "қоз" ва "мурғови", туркчада "ўрдак" дейилади. Ғоз ва ўрдакларнинг икки нави бўлади: хонаки ва ёввойи. Хонакиси парвоз қилмайди, ёввойиси парвоз қилади.

Ал-ҳукм. Ҳалолдир.

Хосияти. Унинг гўшти кеч ҳазм бўлади. Баданни бақувват ва ёғли қилади, шаҳватни кучайтиради.

Уларни истеъмол қилишнинг шарти сўйилганидан кейин 2 ёки 3 соат миқдори ерга кўмиб қўймоқ лозим, негаки, эти сассиқ бўлади, сўнгра ердан чиқариб, парини ивитиб, тозалаб ва покиза қилиб пиширириб емоқ лозим. Айрим ўлкаларда уларнинг эти мос келмайди. Тез иситма пайдо қилади. Бавосир хаста-

лигида суртилса яхши фойда қилади, бу синалган. Уларнинг тухумларининг сариғини чала пиширив истеъмол қилинса, ақл ва зеҳнни зиёда қилади. Хотиранинг кучсизлигида, йўтал хасталикларида фойдалидир.

Хонаки ўрдакнинг мизожи барча хонадонларда боқиладиган парранда ларникига қараганда иссиқроқ. Гўшти қийин ҳазм бўлса-да, танадаги бодларни ҳайдайди. Сонининг гўшти энг мазали жойи бўлиб, баданнинг этига эт қўшилади, буйрак ёғини кўпайтиради. Яъни буйракни катталаштиради. Шуни ҳам айтиб қўйиш жоизки, буйрак тўлишса, унда тош пайдо бўлмайди, шаҳват қувватини оширади, лекин қуюқ қон пайдо қилади. Қон босими баланд одамларда бош оғриқ пайдо бўлади, агар истеъмол қилинган ўрдак гўшти ҳазм бўлса, маний моддаларини кўпайтиради, шаҳват ва бошқа қувватни ошириб, баданга роҳат, юракка қувват, хуш кайфият бағишлайди. Унинг жигарини, айниқса, сонларини (оёқларини) еган кишида соғлом ва соф қон пайдо бўлади, юрак ўйнашини босади, овозни ёқимли қилади.

Агар гўштини туз билан туйиб боғланса сўгални қуритиб туширади.

Ўрдакнинг ёғи ҳайвонлар ёғининг ичида энг яхшиси ҳисобланади. Мизожи иссиқ ва ёқимли, шишларни қайтаради ва тез таъсир қилади.

Бош мияси олиб боғланса орқа авратнинг шишларини қайтаради. Агар гўштини ун билан қориб хамир қилинса ва ташқаридан юракнинг остига боғланса, юракнинг ҳансирашини босади. Агар аёл сийнасига қўйиб боғланса унинг шишларига шифо бўлади, совуқдан оғриқ шишларга боғланса уларнинг оғриғини пасайтиради. Агар уни истеъмол қилса, юқорида айтилган дардларга шифо бўлади, йўтал, кўкрак қафаси тагидаги аъзо қуруқлиги, овознинг дағаллиги,

ичакларнинг жизиллаши ва бошқа дардларни даф қилади. Шунингдек, уни суртиш ва эритилганини ёғга қўшиб ҳуқна қилинса, юқоридаги хасталикларга фойда қилади.

Тухуми ғализ, ҳазми оғир ва озиқа сифатида тўйимлилиги айтарли даражада эмас, товуқнинг тухумига нисбатан паст. Аммо баданнинг орықлигини ислоҳ қилиш, йўтал ва кўкрак ичидаги аъзолар хасталикларига яхши даво экани, агар уни қаҳрабонинг туюлганига аралаштириб истеъмол қилинса, ичдан қон келиши ва ич кетиши тамоман тўхтайди. Унинг газак ўт ва зайтун ёғига аралаштириб гўдакларга берилса, тез тилга кириб гапира бошлайди.

Тухумнинг пўстини марварид, шакар ва новшадир билан гардинга ўхшатиб эзилса ва кўзга пуркалса кўзга тушган холни йўқотишда яхши даво бўлади. Пар-қанотларининг кулини бўйин ва қўлтиқ остига чиқадиган чўчқа бўйин деб аталадиган ярага қўйиб боғланса, пишириб, йирингини чиқариб, таҳлил қилади.

Ўрдакнинг тошхалтаси — меъдаси қийин ҳазм бўлади ва нохуш ҳид ҳосил қилишдан йироқ, агар ҳазм бўлса, меъда ва бошқа ички аъзоларга қувват бағишлайди.

Ўрдакнинг гўшти қовуриладиган бўлса, унинг орасида зираворлар, шунингдек, пиёз, мурчни жойлаштириб, зайтун ёғига ва бошқа ёғларни қоришгириб пиширилса, гўшти ширин, тўйимли бўлади. Унинг ичига кашнич, петрушка, газакўт, пиёз, бир дона қуруқ саримсоқ тиқиб сувига нўхат, кўкпиёз ва долчин солиб шўрва пиширилса шифобахш бўлади.

6.2. Ғоз

Ўрдаксимонлар оиласига мансуб бўлган "сувтовуқлар" жуссаси катта, қуруқликда яшайди. Ғознинг

икки тури, яъни хонаки ва ёввойи ғозлар мавжуд. Хонадон ғозлари парвоз қилмайди, ёввойилари парвоз қилади.

Мизожи. Иккинчи даражада иссиқ.

Унинг шифобахшлик хислатлари куйидагича: гўшти кеч ҳазм қилувчи, лекин этга-эт қўшувчи, шаҳватни ҳаракатга келтирадиган. Буни зира, занжабил, мурч ва бошқа таомларга маза киритадиган, хушхўр қиладиган иссиқ зираворлар билан пиширилса яхши бўлади. Агар ҳазм бўлиши оғирлик қилса, бундай пайтда анор суви ичиб юборилса, ҳаммаси жойида бўлади. Совуқ мизожли ва дардлари совуқликдан бўлган беморлар ғоз гўштини истеъмол қилиши айни муддао бўлиб, яхши фойда келтиради. Чунки ғоз гўшти мизожи жуда иссиқ. Унинг ана шу ёмон хислатини бартараф этмоқ учун ғозни сўйгандан сўнг 3-4 соат ерга кўмиб қўйиб, кейин тупроқ остидан олиб, тозалаб пиширилса, заҳмат келтирадиган таъми камайиб, истеъмол қилинса фойдали бўлади.

Яхши пиширилган ғоз гўшти буйрак чарвисини кўпайтиради, буйрак ва қовуқдаги тошларни майдалаб тушириб юборади. Қорин ости пардаси йиртилиши натижасида чурра (дабба) тушиши хасталигида жарроҳлик аралашувидан сўнг ўз ҳолига келишида жуда асқотади.

Унинг тош халтаси – меъдаси ҳазм бўлиши бир оз қийин бўлишига қарамасдан, озуқалик кучи ниҳоятда кўп. Жигари ҳам ширин, ҳам ёқимли, меъдада узоқ турмай ичакда яхши ҳазм бўлади.

Ғознинг сонлари хуш ҳазмли озуқа сифатида жуда яхши. Бош мияси орқа аврат шишларини таҳлил қилади. Агар ёғи суртилса, томирларнинг таранг тортилишини бартараф этади. Бадандаги аъзоларнинг чангак бўлиши агар балғам ошишидан бўлса, даво бўлади, совуқдан пайдо бўлган шишларни таҳлил қилади. Ав-

ратнинг қаттиқ шишларини юмшатади, теринниг пўст ташлаш иллатига шифо бўлади. Бошнинг тўкилган сочлари ўсиб чиқишини кафолатлайди.

Қулоқ ичига сув кирган бўлса ва бошқа ҳаракатлар сувни чиқаришга ёрдам бермаса, ғознинг ёғи томизилса кифоя, қулоқ ичидаги сув чиқиб кетади.

Ғоз тухумининг сариғини чала пиширив, истеъмол қилинса, зеҳнни ўткирлаштиради, ақлга ақл қўшади, ҳофиза кучини мустаҳкамлайди, хаёлпаришонликка барҳам беради, қуруқ йўтални бартараф этади.

Думғазасини сув ва туз билан пиширив истеъмол қилинса, ичак хасталикларига шифо бўлади.

Тухумининг пўстини майдалаб туйиб, истеъмол қилинса, қон қусишига яхши даво бўлади.

6.3. Хўроз, товуқ

Халқ орасида "Етти хазинанинг бири" деган таърифга лойиқ бўлган товуқ фақат гўшти ва тухуми озуқа, пари-пати тўшак-ёстиқ учун хом ашё бўлибгина қолмай, табобатда ҳам жуда кўп хасталикларга шифолиги билан машҳур.

Товуқнинг мизожи биринчи даражада иссиқ ва ҳўлликда мўътадил, лекин жўжасининг ҳўллиги анча кўпроқ. Хўрознинг ҳарорати, мизожи макиённикига нисбатан озроқ, қуруқлиги кўпроқ, аммо жўжа хўрозникига нисбатан мизожи мўътадил бўлиб, ҳўлликка мойилроқ.

Шифобахшлик хусусиятлари: Товуқнинг гўшти бошқа кўшларникига нисбатан латифроқ ҳам ҳазмлироқдир. Ақлу шаҳватни кучайтиради, жўжасининг эти баданни семиртиради. Киши рангу рўйига жило бериб, ақлу фаросатни яхшилаб, қалбдан ёмон фикрларни даф этади.

Товуқ гўшти яхшилаб пиширилса, озуқалик қувати ортади, бошқа қушларникига қараганда енгил таом сифатида одамга ҳаловат бағишлайди. Ундан тоза қон пайдо бўлади.

Жўжахўрозининг гўшти тоза ёғда қовурилиб истеъмол қилинса, қуруқ йўталга шифо, бўлади. Дармон бахш этиб, кишининг кайфиятини чоғ қилади. Агар гўштини кабоб қилиб еса болалардаги кесак кемирадиган хасталикни бартараф этади, ҳўл мизожли меъдаларга мос келади. Товуқ жигари тўйимли, ҳазм бўлиши оғирроқ. Лекин семиртирадиган озуқа ҳисобланади.

Ёғи истеъмол қилинса баданни юмшатади, танадан савдони ҳайдайди. Совутиб бошга сурилса, меланхолия хасталигига даво бўлади.

Қора товуқнинг суяги шу миқдордаги ток ўтини билан бирга ёқиб, кулини асалари муми (прополис) билан аралаштириб тагидан кўтарилса, қиз боланинг ҳаё пардаси кетган бўлса, аввалги ҳолига — бокиралигига қайтаради. Бу ақлга сиғмайдиган мўъжизага ўхшайди, аммо тажрибада амал топган.

Шифобахш хусусиятларидан яна бири — тирик товуқнинг кўтан пардасини узиб ташлаб, уни заҳарли илон чаққан жойга боғланса заҳарини тортиб олади. Илон чаққан одам ўзига келиб, соғайгунча товуқни ўша жойга боғлаб туриш тавсия қилинади.

Товуқ гўштини сут, қатиқ, айрон ва бошқа сут маҳсулотлари билан бирга истеъмол қилинса, қуланж дардига ва давомли истеъмол қилинса ниқрис (подагра) ва бавосир хасталикларига шифо бағишлайди. Бундай ҳолатларда иссиқ мизожли одамга шароб қайнатилган узум суви ичирилса зарарини бартараф қилади.

Жўжаларининг ёғлари қари товуққа нисбатан иссиқ. Хўрознинг мояги жуда мақтовга сазовор химусни ҳосил қилади ва яхши ҳазм бўлади.

Хўрознинг қайнатмаси бўғимларнинг оғриғига даво бўлади.

Ёш товуқнинг гўшти ақл-заковатни кучайтиради, товуқ мияси бурундан қон кетишини тўхтатади.

Хўроз қайнатмаси астма хасталигида даво бўлади.

Товуқлар қаноти пиширилганда яхши озуқа бўлади.

Тухумлар ичида товуқ тухуми ва унинг сариғи жуда яхши озуқа ҳисобланади ва тухумининг қайнатилгани қовурилганига нисбатан яхшироқ.

Амир Давлат Хозиқ табибнинг айтишича, товуқ юрагини ёриб, заҳарли илон чаққан жойга қўйилса, заҳарни тарқатмасдан ўзига тортиб олади. Хўроз гўштини укроп билан қайнатилса суякдаги хасталикларга шифо бўлади. Агар хўроз қонини терига суртилса, қичима хасталигига даво бўлади. Лекин товуқ гўштини жигар иссиқлигида истеъмол қилиш зарарли. Уни янги нон билан истеъмол қилиш фойдали.

6.4. Лайлак

Гавдаси катта, оёқлари поччадароз, буйни узун, бу парранданы ҳамма яхши билади. Севишганларнинг чин муҳаббат рамзи бўлгани учун бошқача ҳурмат билан қарайдилар. Марказий Осиёда лайлаклар асосан баҳор ва ёз ойларида келиб, совуқ тушиши билан иссиқ ўлкаларга учиб кетишади. Кейинги пайтларда Фарғона водийсининг айрим ҳудудларида қиш ойларида ҳам яшаб қоляпти. Ўз палапонларини ташқи хавф-хатардан ҳимоялаш, олисларга учиб боришларига қулай бўлиши учун баланд дарахтлар, миноралар тепасига ин қуришади. Болаларининг душмани илон бўлгани сабабли палапонларини ёшлигидан илон ва бошқа гўштли жонзотлар билан боқишади. Шу сабабли лайлак гўшти сассиқ бўлади.

Мизожи. Учинчи даражада иссиқ ва қуруқ.

Шифобахшлик хислатлари. Гўштининг истеъмол қилиниши фалаж, юзнинг қийшайиши, карахтлик, радикулит, аъзоларнинг совуқлик, эрлик қувватининг заифлиги, заҳарли ҳашаротлар чаққанда даво бўлади. Болаларининг гўшти катта лайлакникига қараганда анча фойдали. Лекин, мизожи иссиқ кишиларга гўшти зарар қилади. Бундай ҳолатларда уни кунжут ёғи сирка, петрушка, кўпроқ кашнич, зайтун мойи ёки бодом мойи билан пиширириб истеъмол қилинса, зарари ислоҳ бўлади. Бироқ лайлак гўштидан кейин зинҳор шароб ёки май ичмаслик лозим.

Табобатда тухуми гўштига қараганда фойдалироқ. Унинг пешоби кўзга тортилса, шабкўрликка даво бўлади. Қони баданга суртилса, теридаги оқ доғларни бартараф қилади. Агар сиркага аралаштириб суртилса ёки боғланса ҳам шундай самарани беради. Ахлати оқ доғларни, сепкилли ва бошқа доғларни теридан кетказади. Агар тухуми билан аралаштириб суртилса, сочни қорайтиради. Қалтироқ дардларига шифо бўлади.

6.5. Кабутар

Форсчада ва туркчада "кабутар" деб аталади.

Ал-ҳукм. Ҳалолдир.

Гўшти фойдали бўлиб, қонни ва уруғни кўпайтиради.

Хосияти. Боласининг кабоби шол, қалтироқ (эпилептик) ва истисқо хасталикларини даф қилади. Баданни семиз қилиб меъдага қувват беради, шаҳватни кучли ва зиёда қилади. Кабутарнинг пўтакаси (жиғилдони)нинг ичидаги пардасини поклаб, янчиб истеъмол қилсалар, илон, чаён чақса, заҳрини даф қилади. Кабутар боласини тузсиз, кунжут ёғида есалар қовуқ тошини дарҳол майдалаб чиқариб ташлайди. Кабутарнинг тухумидан бир донасини тўнғиз

ёғида қовуриб олатга суртилса, жинсий алоқа учун бағоят таъсирли бўлади. Кабутар боласини кабоб қилганда ғўра узум суви, сирка, кашнич билан бирга хардал ва бодринг қўшиб емоқ лозим.

Кабутарнинг ёғи терига суртилса, бадандаги доғларни йўқ қилади. Ахлатини патига қўшиб куйдирилса ва сурмага ўхшатиб кўзга тортилса, кўзнинг хиралашувини ва шабкўрликни даволайди.

Тухумининг мизожи ҳаддан ташқари иссиқ. Уни хомлигича истеъмол қилинса, бўғимлар қотиши ва бадан тиришишини ислоҳ қилади. Одамларнинг рангрўйини очади.

Хонаки ва ёввойи кабутарларнинг гўшти иссиқ мизожли кишилар соғлиғи учун зарарли ҳисобланади: бош оғриқ келтиради, қонларни тоширади, қон босимини кўтаради.

Кабутарларга яқин яшайдиган кишилар улар билан доимий равишда машғул бўладиган кишилар мия, касбга алоқадор хасталиклар – фалажлик, сакта, карахтлик ва тоун сингарилардан халос бўлишади. Шунингдек, бўлар-бўлмасга чўчиш, ҳадиксираш, ҳаво бузилишларидан сиқилиш каби хасталиклардан холи бўлишади.

Табиб Амир Давлатнинг айтишича, шамоллаган, оёқ-қўллари ишламай паралич ва инсульт хасталикларида ва айниқса, бош айланишини даф этишда яхши ёрдам беради. Кабутарнинг иссиқ қони кўзга томизилса, кўз яллиғланишига ва қалинлаштирадиган пардаларнинг сўрилиб кетишига ёрдам беради. Бурунга томизилса, қон оқишини тўхтатади.

6.6. Қирғовул

Ал-ҳукм. Ҳалолдир.

Хосияти. Унинг гўшти латиф ва тез ҳазм бўлғучи ва томирларга яйрайдиган қонни пайдо қилиб, ақл ва

фаҳмга қувват бериб, унутиш (нисён) ва васвасликни йўқ қилади. Хусусан, то уч кунгача пайдар-пай кабоб қилиб тановул этилса, нафи маълум бўлади. Унинг ўти ёки қони кўзга суртилса, кўзнинг оқини ва қоронғилашганини даф этади. Унинг ўтини тоза сақламоқ тариқи оғзини ип билан маҳкам боғлаб, қуюқ бол ичида сақланса тоза туради. Агар асал қуюқ бўлса, бир оз қайнатиб қиём тайёрламоқ керак. Қирғовулнинг суягини янчиб ярага сепилса, яра оғзини буриштириб, тез яхши қилади. Бу синалган усулдир.

6.7. Каклик

Табиати. Жуда ҳам иссиқ эмас, лекин жуда қуруқ.

Гўштини истеъмол қилганда қора сафро (ўт) ажратиб чиқаради.

Қир-адир каклигининг гўшти сувчечак хастагида, ичакдан ич кетишида яхши ёрдам беради.

Семиз какликнинг гўштини янги касалдан турган ёки қаттиқ чарчаган одам истеъмол қилса шифо бўлади. Уни кузда овлашади. Араблар унинг гўшти билан буғдойдан ҳалим тайёрлаб истеъмол қилишади. Бу ниҳоятда фойдалидир.

Какликнинг миясини аралаштириб сариқ хасталиги билан оғриган беморга берилса яхши ёрдам беради. Унинг жигарини шайтонлаш хасталигида берилса шифо бўлади. Какликнинг ўти (сафроси)ни тенг ҳисса зайтун мойи, асал билан кўзга сурма тортилса, катаракта хасталигининг олдини олади. Ўтини ҳар ойда бир марта бурунга томизилса ҳид билиш ва хотира йўқотиш хасталикларида яхши ёрдам беради, кўриш қобилиятини оширади.

Гўштининг табиати меъёрий тез ҳазм бўлади ва семиртиради.

Тоғ каклиги ҳам қир-адир каклигига ўхшаш ху-

сусиятларга эга. Гўшти жуда ҳам енгил ва мазали, яхши семиртиради ва ички аъзоларни тозалайди.

Тоғ каклигининг гўшти сувчечак хасталигида ёрдам беради ва меъдани бақувват қилади. Енгил бўлиб, ҳазми ҳам енгил, шаҳватни кучайтиради.

6.8. Қушлар тухуми

Форсчада тухум ва туркчада юмурта дейилади.

Агар уни емоқчи бўлсалар, шу куннинг ўзида туғилгани бўлсин. Нечунки, кўп турса ҳавонинг ҳарорати унга таъсир этиб, тоза вақтидаги хосияти қолмайди. Уни сақламоқчи бўлсалар тузга кўмиб сақламоқ керакки, ҳаво зараридан омон бўлади ва тоза туради. Пўстини чақиб сариғини оқидан айириб қайнатиб пиширилса (чала) яхши бўлади, томоқдаги йўтални даф этиб, шаҳватни кучайтиради.

6.9. Қалдирғоч

Форсчада "парастук" ва туркчада "қалдирғоч" дейдилар.

Ал-ҳукм. Ҳалолдир.

Хосияти. Бу парранда ҳаммага маълум ва машҳур. Бизнинг ўлкаларда баҳор ва ёз ойларида яшайди.

Гўштининг мизожи учинчи даража иссиқ ва ҳўлдир.

Унинг шифобахшлик аломатлари: гўштини кабоб қилиб истеъмол қилинса, бўғимлардаги иллатларни тарқатиб, сариқ ва талоқ хасталикларида шифо беради. Қовуқдаги тошларни майдалайди ва пешоб билан ташқарига чиқариб юборади. Қуритилган гўштидан 45 грамм майдалаб истеъмол қилинса, кўз қувватини оширади, 7 грамм тузланган гўштини истеъмол қилинса ҳалқумида қон йиғилиши туфайли томоқда пайдо бўладиган оғриқни бартараф қилади. Ўша ўт кулини сувда аралаштириб, шу сув билан ғарғара

қилинса, томоқ дардига кучли дори бўлади ва хўноқ хасталигига шифо бўлади.

Темирқанот боласини куйдириб кулини қонига қориб кўзга суртилса, кўзнинг кўриш қувватини оширади. Мияси асалга аралаштириб ёки кули асалга қорилиб кўзга тортилса, кўз гавҳарига сув тушиш туфайли юз берган кўнгилсизликларни бартараф этади. Кўзнинг қўтири ва кўздаги қизилни, говмижжани ислоҳ қилишга ёрдам беради. Қонини иссиқ суртилса ва ахлати ишлатилса, юзнинг рангини равшан қилади ва теридаги оқ доғларни йўқотишда ижобий натижага эришилади. Айни пайтда терини бошқа доғлардан тозалайди.

Агар сигир пешобига аралаштириб суртилса қора сочни оқартириб юборади.

6.10. Бедана

Форсчада "пудана" ва туркчада "бедана" дейдилар. Улар икки навли бўлади: бири беданага ўхшаш ва лекин оёқлари анча узунроқ, иккинчисининг "силва" деб ҳам аташади.

Ал-ҳукм. Ҳалолдир.

Хосияти. Унинг гўшти барча парандалар гўштидан афзалдур ва меъдада тез ҳазм бўладиган ва шаҳват кучини оширадиган хислатларга эга. Кўп истеъмол қилинса, кучлилик қилиб қичиштириши мумкин. Уни ёғда қовуриб кабоб қилмоқ яхшидир.

6.11. Сассиқлопишак

Форсчада "Мурғи Сулаймоний" ва туркчада "яффуч" дейилади.

Ал-ҳукм. Ҳалолдир.

Хосияти. Баҳор келганини "тутишди" деб хабар берадиган Сулаймон товуғи номи билан аталадиган ажойиб, чиройли, парлари турли рангда жилолана-

диган, сариқ, зангор ва қора холлари чиройга-чирой қўшадиган, бошидаги тожи салобатини янада оширадиган бу қушни "попишак" деб аташади. Араблар "ҳудҳуд", руслар "удод" дейишади. Бу қуш тўғрисида турли ривоят ва ҳикоятлар бор.

Мизожи. Иккинчи даражада иссиқ ва қуруқ.

Шифобахш хусусиятлари. "Рисолаи сайдиййа" (овчилик рисоласи)да ёзилишича, попушакни сўйиб, юрагини иссиқ-иссиқ ютилса, хотирани тиклайди. Агар миясини кунжут ёғида пиширив истеъмол қилинса хотиранинг сустлигини тиклаб, унутган нарсалар ёдига тушади.

6.12. Бургут

Фақат гавдаси эмас, ҳаракату шижоатда, ҳаёт тарзию инсонга хос матонатда бошқа қушлардан фарқ қиладиган, мағлубликдан ўлимни афзал биладиган, севги, садоқатда инсонга ҳам намуна бўладиган даражада собит бургут табобатда ҳам ўзига хос фазилатларга эга.

Ал-ҳукм. Ҳаромдир.

Мизожи. Иккинчи даражада иссиқ ва қуруқ.

Унинг шифобахш хусусиятлари. Гўшти қаттиқ, ҳазмда оғир, еган одамнинг жигарида ножоиз моддалар пайдо бўлади. Лекин баданда жуда кўп рутубатлар, бадлар пайдо бўлиши туфайли эркаклардаги тинка қуриши, дармонсизланиш ва ланж ҳолатларни бартараф этиш, поклашда яхши фойда беради.

Бургутнинг ўти (сафроси)ни сурмага ўхшатиб кўзга тортилса, кўз гавҳарига янги тушган сувни даф этади. Кўзнинг кўриш қобилиятини кучли ва равшан қилади. Ундаги пардаларни кўриш қобилиятини хиралаштирадиган қусурларни йўқ қилади, шунингдек, оғриқларга шифо бўлади.

Қони суртилса, юздаги сепкилли доғлар ва юз қи-

зишига малҳам бўлади, ҳатто бўйин ва қўлтиқ тагига чиқадиган чўчқабўйин деб аталадиган яраларни ҳам бартараф қилади.

Бургутнинг пар-қанотларини куйдириб аёллар қуймич ва қовуқларини тутишса, уларни беҳушлик ҳолатига олиб келадиган бачадон бўғилиши хастали-гига шифо бўлади.

Амир Давлат табибнинг айтишича, бургутнинг гўшти сигирникига ўхшаш. Унинг ўти (сафроси) кўзга суртилса, катарактадан сақлайди ва кўриш қувватини оширади. Патлари тутатилса бачадондаги тиқилмаларни очади. Унинг гўнги терига суртилса ҳуснбузарларни йўқотади.

6.13. Қарчиғай

Форсчада "боз", туркчада "қарчиғай" дейилади.

Ал-ҳукм. Гўшти ҳаромдир.

Хосияти. Унинг қони кўзга суртилса, оқ ёки қизил келган бўлса, даф қилади. Бу Амир Давлат табибнинг айтишларича, энг баланд учадиган қушдир. Бир кунда Шарқдан Ғарбгача учиб, яна орқага болалари олдига қайтади. Асосан ўлимтик ҳайвонлар билан овқатланади. Унинг гўшти истеъмол қилинса тутқаноқ хасталигига шифо бўлади. Агар унинг ўтини (сафросини) сув билан етти марта кўзга суртилса (сурма қилинса) катаракта хасталигида шифо бўлади.

Агар тенг миқдорда ўтини асал билан аралаштириб, кўз хиралашганида суртилса, жуда яхши ёрдам беради. Қовоқларнинг қалинлашганида ва экзема хасталикларида қўл келади. Агар унинг ёғини эритиб қулоққа томизилса, гарангликка ёрдам беради.

6.14. Чумчуқ

Форсчада "чунжишки" ва "чучук" дейилади, туркчада эса "сарча", "сорча" дейилади.

Ал-ҳукм. Ҳалолдир.

Унинг боласини пиширириб емоқ шаҳватни қувватли қилади.

Хосияти. Унинг тухумини чала пиширириб истеъмол қилса баданни семиртиради. Миясини пиширириб емоқ шаҳватга қувват беради. Чумчуқни сўйиб қонини нўхат унига қўшиб хабдори қилиб қуритилади, жинсий алоқа қилишдан олдин бир донасини асал билан қўшиб аралаштирилса ва олат бошига суртилса, шаҳватнинг кучини бақувват қилиб оширади.

Энг яхшиси – семизи. Уйда боқилгани яхши эмас. Гўшти яхши кўринишли ва фойдали. Лекин ундан "ёввойи" қора қон ҳосил бўлади.

Мизожи. Иссиқ ва қуруқ учинчи даражада.

Гўшти қирғовулникидан қаттиқ. Мияси кучли бўлиб, тортишиб қолган юзни тўғрилайди. Фалажлик ва турли хил сувчечак хасталикларида ёрдам беради, жинсий қўзғалишни чақиради. Лекин табиати иссиқ ва жўшқин одамларга зарарли. Уни сирка ва асал билан ичилса ниҳоятда фойдали. Танадаги ҳўлликни камайтиради. Сариқ ўт пайдо қилади. Энг яхшиси, чумчуқ гўштининг бодом ёғида пиширилгани ёки кучли ўткир зираворлар билан қайнатишдир. Тез ҳазм бўлади. Қовурилгани ёки ёпилганини ейишда суякларга эҳтиёт бўлиш керак. Ичакни тимдалаши мумкин.

6.15. Кўршапалак

Кундузи учолмаслиги боис бу жониворни кўршапалак дейишади.

Мизожи. Учинчи даражада иссиқ ва тўртинчи даражада қуруқ. Гўштининг иссиқлиги ахлатининг ҳароратидан бирмунча пастроқ.

Шифобахш хусусиятлари: уни қайнатиб, шўрваси ичилса, бадан зарарли зардобларни, ахлат ва рутубатларни ҳайдайди. Истисқо, бел оғриғи дардига даво

бўлади. Зайтун ёғида обдон пиширириб, кейин истеъмол қилинса, тананинг бир томони ёки қўл-оёқ ишламай қолиши, қалтироқ иллатлари, бўғимлар дардларига бел оғриғи ва ниқрис хасталикларини муолажалайди, совуқ шишларни бартараф қилади. Агар кунжут ёғида обдон пиширилиб, бел ва қуймичга боғланса, асаблар яллиғланишига даво бўлади. Гўштини оқ гул ёки тоғ савсани ёғида чўян ёки мис қозонда маромига етгунча, яъни ёғи тугагунча қайнатиб, яна ёғ солиб, ҳар хил эзилтириб, кейин ёғини сузиб, баданга суртилса, қалтироқ, ниқрис ҳамда, томирларнинг тортишиб оғриши, соч тўкилиши каби иллатларга малҳам бўлади. Агар аёллар сийналарининг учига суртилса, уни катталашиб кетишининг олдини олади.

Кўршапалакни сувда яхшилаб пиширириб, закарга суртилса, тўсилиб қолган пешоб йўлини очади, ўша сувдан закарнинг тешигига қайта-қайта томизилса ёки бемор ўша сувга кириб, белигача ботирилса, эркак кишининг шаҳватини оширади. Унинг миясини пиёз сувида эзиб кўзга суртилса, кўз гавҳарига тушган сувнинг кетиши ва кўзнинг равшан тортишини таъминлайди, асал билан аралаштириб суртилса, кўздаги холни йўқотади. Унинг қони чақалоқлар қовуғи ва човига суртилса, ўша жойга тук чиқмайди.

Аёллар кўршапалак ўтини (сафросини) андомларига суртсалар, туғишларини осонлаштиради. Унинг миясини эркаклар оёқларининг тагига ишқалашса, эрлик қувватини қайтаради.

Ахлатининг мизожи жуда иссиқ ва қуруқ — тўртинчи даражагача боради. У теридаги доғларни даф этади.

Кўршапалакнинг сути ҳам мизожга жуда иссиқ бўлиб, одам терисидаги доғларни йўқотиш хусусиятига эга. Ундан 15 гр ичилса, одамни ўлдиради. Бир грамм ичилса, буйрак ва қовуқлардаги тошларни майдалаб юборади.

Уясининг тепасидаги ишқорга ўхшаган, ҳажми ҳар хил бўлган оқ-қизғиш рангдаги ичи ковак нарса кўзга ташланади. Агар ўша қаттиқ нарсани эзиб суртилса бадандаги сўгалларни кўтариб, тукларни тўкиб юборади, лекин баданни заҳмли қилади.

Бу жониворнинг пешоби ҳам сутининг мижози ва қувватига эга бўлиб, баданнинг қаттиқ ва қуюқ моддаларини мўътадиллаштиради. Агар кўзга тортилса, кўздаги хол ва чувиқни йўқотади. Шунингдек, сути ҳам кўздаги хол ва говмижжани йўқ қилади. Лекин иккиси ҳам кўзга зарар қилади. Шунинг учун кўзни муолажалашда улардан фойдаланмаган маъқул.

7. ҲАШАРОТЛАР

7.1. Асалари

Асаларининг ҳаёт тарзи инсонлар учун беқиёс ибрат намунасидир.

Қуръони каримда асалари ва асал тўғрисида муҳим бир масалага эътибор жалб қилинган. Бир қарашда ҳар қандай биологик ҳодисалардай кўринувчи асалари ва унинг маҳсулоти асалда жуда кўп муҳим биологик мўъжизалар бор.

Арининг таққоси йўқ меъморлиги ва онгли ҳаёт соҳиби эканлиги ҳаммага маълум, аммо ари шунча кўп асални ўз эҳтиёжи учун "ишлаб чиқарармикан?" Йўқ, аксинча. Ўзи ишлаб чиқарган асалнинг юздан бири унга ортиқчалик қилади. Шундай ҳисоб мутахассиси бўла туриб, ўзига керак бўлмаган нарсани кўп ишлаб чиқариши табиат мувозанати доирасида ғайри-табиий ҳодиса деб ҳисобланади.

Энди асалнинг таркибига бир қарайлик. Ҳар бир жонзот ўзининг куч-қувват билан таъминлаш учун, умуман табиатнинг қандайдир бир моддасига муҳтождир ва буни осонлик билан ўсимликдан, унинг

гулшира меваларидан олинади. Арида ҳам аҳвол худди шундай. Аммо танасининг асос қилиш моддаси ДНКда шакар рибоза шаклида бўлади ва ари ўсимлик меваларидан танлаб олган махсус шарбатлар билан рибозани махсус ферментлар воситасида тўғри асалга айлантиради. Бу ҳодиса яна арининг ўз эҳтиёжи учун эмас, чунки қиролича (она ари) арининг изнисиз ишчи арига асал ишлаб чиқариш ҳам, ДНД тайёрлаш ҳам тақиқлангандир.

Булардан ташқари асалда танланган жамики фосфор ачитқилари, ҳар хил кимёвий жараёнларда фаоллик кўрсатадиган Аччиқ Фолик ва бошқа ферментлар ҳамда сувда эримайдиган қувват боллар борки, уларнинг жами меваларда бўлади.

Асал бу ҳайратомуз мураккаб таркибни фақат инсон учун ҳозирлаб беради. Маълумки, асалда жуда кўп, ўзига хос формонлар (гормонлар) мавжуд. Бу формонлар қисман қиролича ари учун ҳозирланади. Лекин қиролича арининг эҳтиёжи жуда оз бўлиб, ишлаб чиқарилган ари сути бениҳоя кўп. Бу формоннинг таркиби ва таъсир даражаси тўла ўрганилмаган. Уни еган қиролича тўсатдан бир неча бора катталашиб, шиддатли бир тарзда туғувчан бўлиб кетиши ўрганилган. Бу формонларнинг бир ҳужайрага туйқусдан ҳаёт бериши шу мақсадда қўлланилиши, бу формонлардан ёшлик вакцинаси олиниши ҳам маълумдир.

Аридан озми-кўпми миқдорда оқ формон, оқ шаффоф рибоза, фруктоза ва бошқа турли туман наботий витаминлар (қувват боллар) ва ферментлар қоришмасидан таркиб топган қуюқроқ сарғиш ё сариқ, қизил ё қизғиш рангли шарбат айирмаси ҳолида асал солинади.

Асал ўзидаги рибоза ва глюкоза моддалари билан ҳамда қувват боллари билан юрак мускулларига ўзгача бир шифобахш таъсир бериши ҳам аниқланди.

Асал емайдиган кишиларда жигар бир қатор кимёвий аралаш моддани, ачитқи ва ферментларни ишлаб чиқаргани учун уларга асал едирилса, жигар том маънода дам олиш фурсатига эга бўлади ва бу — шифо бўлмай қолмайди.

Қон таркиби учун жуда ҳам муҳим бўлган кўп моддаларни ташувчи асал, суяк илиги учун ҳам шифо бўлади. Шу боис, жамики сурункали касалликка чалинган кишилар учун асал шифобахшлик-да тенгсиздир, айни замонда суяк илигининг тинчлигини ва таркибли ишлашини таъминлашда ҳам шифобахшлиги бебаҳодир.

Турли касалликларни даволашда асалдан фойдаланиш.

Юқори нафас олиш органларининг касалликларида:

1. 100 г асал, 100 г маска ёғи, 100 г эритилган чарви ёки ғоз ёғи, 15 г алое шарбати ва 100 г какао, барчасини аралаштириб, иситилади (қайнатилади) ва бир ош қошиқдан бир стакан иссиқ сут билан, эрталаб ва кечқурун ичилади.

2. 150 г янги алое шарбатини 250 г асал ва 250 г кагор виноси, барчасини аралаштириб қоронғи жойда паст ҳароратда 4 — 8° С да тўрт-беш кунда омухта ҳосил қилинади. Бир ош қошиқдан 30 дақиқа овқатдан олдин ичилади.

3. Асал ва қирғичдан ўтказилган саримсоқпиёзнинг тенг нисбатда аралаштириб, уйқудан олдин бир ош қошиқдан ичиб, устидан илиқ сув ичилади.

4. Турупнинг ўртасини ковак қилиб икки ош қошиқ асал қуйинг, устини қоғоз билан ёпинг, тўрт соатдан кейин бир чой қошиқдан, кунига уч маҳал овқатдан олдин ичилади.

5. Асал билан сабзи шарбатини (1:1) нисбатда аралаштириб, 1 — 2 ош қошиқдан кунига уч маҳал ичинг.

6. Грипп, сурункали ва ўткир ринит, ларингит,

синусит касалликларини иммунитетини ошириш мақсадида ҳар куни 100 – 120 г дан асални, кунига уч маҳал истеъмол қилиш зарур.

7. Яна асални ер қалампир илдизининг шарбати билан (1:1) нисбатда кунига уч маҳал ичилади.

8. Асалга (100 г) бир дона лимон шарбатини қўшиб истеъмол қилиш мақсадга мувофиқ.

9. Юқори даражали иситмада, бир стакан иссиқ сувга 30 г асал эритилади. Турли хил шифобахш ўсимликлардан қўшиб чой дамлаб, устига яримта лимонни эзиб ичилади.

10. Шамоллашда, гриппда турли хил доривор ўтлардан қизилчойча, жамбил, арпабодиён кўк чойга қўшиб дамланади, чойга икки чой қошиқ асал қўшиб ичилади.

11. Асал, сут, маска ёғи ва ичимлик содаси қўшиб тайёрланган аралашма, томоқнинг шиллиқ пардасини юмшатувчи, шамоллашга қарши курашишнинг қадимий усули ҳисобланади.

12. Овоз бўғилганда ва қуруқ йўталда (5:5:1) нисбатда сабзи шарбати, қайнатилган сут, асал аралаштириб, 4 – 5 соат давомида тиндирилади. Илиқ ҳолатида кунига 4 – 6 маҳал овқатланишдан олдин ичилади. Ушбу даволаш жараёнини бронхит ва ўпка касалликларида ҳам тавсия этилади.

13. Овоз йўқолишида бир ҳовуч қуритилган малина (пармачак), бир ош қошиқ асал, бир чой қошиқ ўсимлик мойи, 3 – 5 г занжабил кукунига уч стакан қайноқ сув қуйилади, устини ўраб 8 – 10 соат тиндирилгач, докадан ўтказиб сузиб олинади, эрталаб наҳорда ва кечқурун бир стакандан ичилади.

14. Зотилжам касаллигида 4 ош қошиқ тозаланган арпа донини 1 л сувда пишгунича қайнатилади. Сўнг совутиб сузилади, асал билан аралаштириб ярим стакандан овқатдан олдин ичилади.

15. Юқори нафас йўли касаллигида бодринг шарбати ва асал аралашмаси (20:1)нисбатда олиб, 50 – 100 мл дан кунига 3 – 4 маҳал овқатдан олдин ичилади. Ушбу даволаш жараёни сурункали бронхит ва сил касаллигида ҳам фойдалидир.

16. Бир стакан асал, бир чой қошиқ қарағай ғуддаларини майдалаб аралаштиринг, 9 кун қоронғи жойда ажратмасини ҳосил қилинг. Бир ош қошиқдан кунига уч маҳал ичинг.

17. Гайморит касаллигини асал, прополисдан тенг миқдорда олиб кулчалар тайёрланади, бурун катагига кулчаларни қўйиб пластир билан ёпиб қўйилади. Эрталаб асал сўрилиб, оғриқ босилади, йиринг ажралиши тўхтайди.

18. Томоқ касалланганда бир чой қошиқ кристалланган асални ҳўллаб ичинг, кунига олти маҳал, оғизда кўпроқ ушлаб туринг. Муолажа 20 кун.

19. Бир ош қошиқ асални бир стакан илиқ сувда эритиб оғизни кунига 3 маҳал ғарғара қилиб чайинг.

20. Бир ош қошиқдан асал, хардал, спирт, кунгабоқар мойи, ун, сув барчаси аралаштириб докага ўраб кўкрагингизга боғлаб қўйинг, иситадиган бозиллатма сифатида. Муолажа ўн марта. Компресс қўйишдан олдин танага ўсимлик мойи суртинг.

Юрак қон-томир касалликларида:

21. Бир ош қошиқ асални сут, сузма, ҳўл мевалар, сабзавотлар шарбатлари билан аралаштириб ичиш юрак қон-томир тизимини соғломлаштиради.

22. Асал 400 г дан, маска ёғи, чўчқа ёғи, нутрия ёғи ва шакар, 100 г какао, 8 дона тухум сариғи, уч стакан қаймоқ олиб, тухум сариғини, қаймоқни, какаони кўпиртириш керак, ёғлар қиздирилади, барчасини аралаштирилиб, қуюқлиги қуймоқ хамирига ўхшаш бўлиши лозим, совиганидан кейин бир стакандан кунига уч маҳал ичинг.

23. Бир ош қошиқ қуритилган дўлананинг устига икки стакан сув солинг ва 10 дақиқа қайнатинг. Совиганидан сўнг сузиб олинг, бир ош қошиқ асал қўшинг. Бир стакандан кунига уч маҳалдан ичинг.

24. Асал 600 г, бешта лимон шарбати олиниб иккита бош саримсоқпиёзни қирғичда ўтказиб аралаштиринг, ҳафта мобайнида салқин жойда ажратмасини ҳосил қилинг. Тўрт чой қошиқдан кунига бир маҳал ичинг.

25. Бир стакан суюқ асалга уч ош қошиқ олма сиркасини қўшинг. Уйқудан олдин икки чой қошиқдан ичинг.

26. Хафақонда бир стакан сабзи шарбати, бир стакан сув қалампирининг майдаланганини аралаштириб, 36 соат мобайнида ҳосил қилинг, яна бир дона лимон шарбатини қўшинг. Бир ош қошиқдан кунига уч маҳал бир соат овқатдан олдин ичинг. Муолажа 2 ой.

27. Асал билан клюквани тенг миқдорда аралаштиринг. 1 ош қошиқдан кунига уч маҳал овқатдан олдин ичилади.

28. Бир ош қошиқ ўтлоқ седанаси гулини бир стакан қайноқ сувда ажратмасини ҳосил қилинг, 30 дақиқа тиндиринг. Бир ош қошиқ асал қўшиб аралаштиринг. Бир ош қошиқдан кунига уч марта хафақон касаллигида ичинг.

29. Бир стакан пиёз шарбатига бир стакан асал қўшинг, яхшилаб аралаштиринг. Бир ош қошиқдан кунига уч маҳал, бир соат овқатдан олдин ичинг.

30. Хафақонда асал билан ёнғоқнинг аралашмаси яхши фойда беради, пешоб ҳайдаш ва томирларни кенгайтириш хусусиятига эга. Бу восита темир моддаси камлигидан келиб чиқувчи анемия касаллигида ҳам яхши ёрдам беради.

31. Асал ва гулчангининг тенг миқдорда аралаш-

тириб овқатдан 30 дақиқа олдин эрталаб ва кечқурун ичиб боринг. Муолажа – 30 кун.

32. Юрак оғриганда ва нафас қисишда 0,5 кг асал, 5 бош саримсоқпиёз, 5 дона лимон, (уруғини олиб ташланг) ва барчасини аралаштиринг, бир ҳафта мобайнида ажратмасини ҳосил қилиб доимий аралаштириб турилади. Бир чой қошиқдан, овқатдан 30 дақиқа олдин, кунига уч маҳал ичилади. Муолажа – 2 ой.

Уйқусизлик ва асаб касаллигида:

33. Бир ош қошиқ асални бир стакан кефирда эритиб уйқудан олдин ичинг, ҳафта мобайнида;

34. Асал 30 – 50 г ни эрталаб ва кечқурун ичинг, унга бир чой қошиқ гулчанги қўшсангиз яхши натижа беради.

35. Бир ош қошиқ асални бир ош қошиқ маъданли сув билан аралаштиринг, унга майда кесилган лимон солинг, аралаштиринг ва эрталаб бир ой мобайнида ичинг.

36. Бир стакан суюқ асалга бир стакан дон кепагини қўшинг, аралаштиринг, икки ош қошиқдан уйқудан олдин ичинг. Муолажа – 2 ой;

Камқонликда:

37. Суюқ асалдан 200 г олиб 20 г ачитқи (хамиртуруш) қўшинг, аралаштиринг ва 50 – 70 г дан ҳар куни ичинг;

38. Бир ош қошиқ жўка гулларининг устига бир стакан қайноқ сув солинг, 15 дақиқа ажратмасини ҳосил қилинг, унга бир ош қошиқ асал, 2 қошиқ қизил вино қўшинг. Кунига 2 маҳал ичинг.

Меъда – ичак йўли касаллигида:

39. 250 г асал, 350 г қизил вино, 150 г алое шарбатини аралаштириб, 7 кун мобайнида ажратмасини ҳосил қилинг, қоронғи жойда, шиша идишда сақланади. Кунига 3 маҳал овқатдан 2 соат олдин ичила-

ди. Биринчи етти кун мобайнида бир чой қошиқдан, кейинги кунларида бир ош қошиқдан ичилади.

40. Меъда шираси ажралиб чиқиши кам бўлганида 500 гр асални, 500 гр зубтурум шарбати билан аралаштиринг, 20 дақиқа паст оловда қайнатинг. Ҳосил бўлган аралашмадан бир ош қошиқдан кунига уч маҳал овқатдан олдин ичилади.

41. 3-5 ёшли алоэнинг баргини 4-9 даражада 12 кун қоронғида ушланг, кейин сувда ювиб, майдалаб кесинг. Қайнатилган сувга солинг. (1:3) нисбатда. Бу аралашмани 1-1,5 соат қолдиринг. Кейин шарбатини сиқиб олинг, 100 гр алоэ шарбатини 500 гр майдаланган грек ёнғоғи билан аралаштиринг, унга 300 гр асал қўшинг. Бир ош қошиқдан кунига уч маҳал. 30 дақиқа овқатдан олдин ичилади. Бу меъда ва ўн икки бармоқли ичакнинг яллиғланишида қўлланиб, жуда яхши самара беради.

42. Бир стакан равоч шарбатини (сентябрь ойида сиқилган илдизидан ва баргларидан олинган) бир ош қошиқ асал билан аралаштиринг. Бир ош қошиқдан кунига уч маҳал ичинг.

43. Овқатдан бўкканда, қориндаги санчиқ оғриқларида (ун ва асал (1:1) нисбатда аралаштирилиб, қорингга ёки жигар томонга докага ўраб компресс қилинади, 20 дақиқадан кейин оғриқ қолади.

Буйрак касалликларида:

44. Асалнинг 80-120 гр бир стакан лимон шарбати билан аралаштириб, 1-2 стакан наъматак шарбатини аралаштириб, ош қошиқдан кунига 3 маҳал ичилади, устидан илиқ маъданли сув ичилади.

45. 20 гр брусника баргларини бир стакан қайноқ сувда дамланг, унга бир ош қошиқда асал қўшинг. 1/2 стакандан кунига икки маҳал бир ой мобайнида ичилади.

46. Асал 100 гр ва 200 гр анор шарбати билан аралаштиринг. 1/4 стакандан кунига тўрт маҳал ичинг.

47. Буйрак тоши касаллигида 200 гр лимон ва 200 гр асал аралаштириб, ёпиқ идишда сув ҳаммомида қайнатилади. Бир ош қошиқдан кунига уч маҳал овқатдан олдин истеъмол қилинади. Узоқ муддатда салқинда, музлатгичда сақланади.

48. Нефроцерроз ва нефрозкацеррозда 200 гр хомаки нўхатни кукун ҳолида олиб, 200 гр асал қўшиб аралаштирилади. Бир ош қошиқдан кунига уч маҳал овқатдан 30 дақиқа олдин истеъмол қилинади.

49. Буйракдаги оғриқларда бир литр қизил винога 100 гр майдаланган ер қалампир илдизини, икки ош қошиқ қуритилган қўштерон (қизил тасма ўти), беш ош қошиқ асал билан аралаштириб, уч кун мобайнида ажратмасини ҳосил қилинади. Сўнг оловда қайнаб чиққунича қиздирилади. Икки соат тиндирилади. Докадан сузиб олинади. 50 гр дан ҳар куни уч маҳал овқатдан 30 дақиқа олдин ичилади.

50. Тенг миқдорда карам шарбатини асал билан аралаштириб, кунига уч маҳал овқатдан 2 соат олдин истеъмол қилинади.

51. 200 мл сувга 15 гр қарағай ниналарини солиб, 10 дақиқа қайнатинг. Қайнатишнинг 8-дақиқасида бир ош қошиқ асал қўшинг. Кечқурун вақти-вақти билан истеъмол қилинади. Ана шу восита сурункали шишлар ва буйрак касалликларида яхши фойда беради.

52. Буйрак яллиғланганда (нефритда) селдерей шарбатини асал билан тенг миқдорда аралаштирилади. Икки ош қошиқдан кунига уч маҳал ичилади. Овқатдан олдин.

53. Ярим литр эчки сути қайнатилади, унга бир ош қошиқ асал ва ярим чой қошиқ ел дарахтининг кўмири кулини солиб аралаштирилади. Муолажа

муддати 2,5 ҳафта. Шунингдек, сурункали буйрак яллиғланиши, шишлар, бел оғриқлари ва оёқ оғриқларида қўлланилганда яхши натижа беради.

Жигар, ўт пуфаги, талоқ касалликларида:

54. Асал ва қора турпни тенг миқдорда аралаштириб, кунига 3 маҳал ярим стакандан ичилади.

55. Асал, лимон шарбати ва зайтун мойи (2:1:3) нисбатда олиб аралаштиринг ва 1-2 ош қошиқдан кунига уч маҳал, овқатдан 30 дақиқа олдин ичилади.

56. Асал бир кг, қорақат мевасини бир кг аралаштириб, бир чой қошиқдан овқатдан 30 дақиқа олдин ичилади.

57. Қоқиўт (момақаймоқ) шарбатини (илдиз, баргдан сиқилган) бир ош қошиқ асал билан аралаштирилади. Бир ош қошиқдан кунига уч маҳал, овқатдан олдин ичилади.

58. Бир стакан асалга бир стакан олма шарбатини қўшиб, бир чой қошиқдан эрталаб ва кечқурун, овқатдан олдин ичилади. Ўт ҳайдовчи хусусиятига эга бўлган асал жигар учун ўта фойдали, чунки айнан асал модда алмашинувини турли хил жараёнларда фаол иштирок этади. Асалдаги глюкоза ва бошқа биологик фаол моддалар яна шу жараённи фаоллаштиради. Жигарнинг хасталанишида эса зарарланган ҳужайраларни тиклайди ва салбий ўзгаришларни бартараф этади. Касалнинг олдини олиш учун ярим стакан олма шарбатига бир чой қошиқ асал қўшиб ичиш тавсия этилади.

59. Ўт пуфаги ва жигар хасталикларида қуйидаги аралашмадан бир ош қошиқ истеъмол қилиш тавсия этилади, (1:2:3) нисбатда асал, лимон шарбати, зайтун мойини аралаштириб, бир ош қошиқдан кунига уч маҳал овқатдан олдин истеъмол қилинади.

60. Сариқ касаллигида шувоқ ўтининг шарбатига

тенг миқдорда асал билан аралаштириб, бир чой қошиқдан кунига беш маҳал овқатдан олдин ичилади.

61. Холецестит (ўт пуфагининг яллиғланиши)да тенг миқдорда ер қалампирининг суви асал билан аралаштирилиб, бир чой қошиқдан кунига беш маҳал ичилади.

62. Пиширилган маккажўхори донлари билан аралаштирилган асал қўшиб ейиш жигар касалликлари, ўт пуфаги ва ўт чиқариш йўли касалликларида яхши самара беради.

63. Анжир меваси 1,2 кг, 0,5 кг лимон, 0,5 кг шакар, 60 ош қошиқ асал олинади. Анжир ва лимон пўсти билан (уруғини олиб ташлайсиз), майдалаб аралаштирилади, 4 ош қошиқдан овқатдан 30 дақиқа олдин, кунига уч маҳал ичилади.

Таянч ҳаракати аппарати касалликлари:

64. Таянч ҳаракати аппарати касалликларида, яъни радикулит, бод оғриқлари, невритдаги невралгияларда, томирларнинг, мушакларнинг шамоллаши (миозит)да асал, қора турп шарбатлари ва спирт аралашмасидан (2:3:1) нисбатда тайёрланган малҳам суртиш лозим. Малҳамни музлатгичда сақлаш тавсия этилади.

65. Радикулит, ревматизм ва бел қисмидаги оғриқда белга асал суртиб, зиғир толали сочиқ билан 4-5 марта ўраб олинг, юқори қисми қобирғагача, пастки қисми тос суягига қадар чирмаб туради, ана шу ўралган қисмини 3-4 соат иситилади.

66. Қора халила 200 гр бир стакан сувда қайнатиб, бир стаканига таъбга кўра асал қўшиб, чойга ўхшатиб ичинг. 1/4 стакандан кунига тўрт марта ичинг.

72. Маржон дарахтининг (бузина чёрная) меваси-дан 200 гр миқдорида олиб, унинг устига 200 мл қайноқ сув қуйиб, дамлама тайёрланади. Ҳосил бўлган

дамламадан кунига 4 маҳал тоза асал қўшган ҳолда чорак стакандан истеъмол қилинади.

7.2. Ниначи ва чигиртка

Жарод (стрекоза) – ниначи. Форсчада "малак", туркчада "чигиртка" дейилади.

Ниначининг мизожи – 2-даражада иссиқ ва қуруқ.

Ал-ҳукм. Ҳалолдир.

Шифобахш хусусиятлари. Қанотлилар оиласига мансуб, бу жониворнинг хили ва тури жуда кўп; чўл, саҳрода деҳқончилик қиладиган ҳудудларда яшайди.

Унинг шифобахш хусусиятлари. Ниначининг истеъмол қилишдан шаҳват қуввати ортади, баданни қуюқлашган ахлатлардан тозалайди, ўпкадаги қатор хасталикларни даволайди.

Ибн Сино шундай тавсия келтирган: "Ўн икки дона ниначининг боши, оёқларини ва қанотларини олиб ташлаб, бир дирҳам олмурут дарахтининг қуруғи билан бирга янчиб ичилса, истисқо хасталигида даво бўлади. Сўзак бўлган ўзига дудласа (тутунини булғаса) шифо топади".

Шунингдек, мохов хасталигига ҳам фойдаси бор. Чигирткaнинг оёқлари билан бирга туйиб суртилса, бўқоқ, теридаги сепкил доғлари ва қўтир хасталикларининг шифо топишига ёрдам беради, айниқса, уни куйдириб, сиркага қориб, баданга суртилса, таъсири кучлироқ бўлади.

Қанотсиз, семиз ниначини қовуриб ейилса, чаён чаққан кишини оғриқлардан халос қилади.

Бошқа тавсияда, тузланган чигирткани истеъмол қилинса, терида қўтир, қичима иллати пайдо бўлишининг олдини олади, бадандаги носоғлом моддаларни пайдо қилади. Бунга қарши сканжабин, нордон анор, семизўт уруғининг ширасини истеъмол қилинса, зарарини бартараф этади.

Ниначини ички аъзолари билан юз терисига суртилса, ҳуснбузарларни ва доғларни йўқотади.

7.3. Ўргимчаклар

Бу жониворни ҳамма минтақаларда учратиш мумкин ва уни ҳамма яхши билади. Бундай қараганда ҳеч кимга фойдаси ҳам, зарари ҳам йўққа ўхшайди. Унинг маҳорат билан тўқилган инига диққат билан қарасангиз қандайдир сир-синоат борлигини англайсиз. Энг муҳими, ана шу оппоқ ипакка ўхшаш торларни ўргимчак ўз оғзидан чиқариб, бизга жуда кўп мушоҳадаларни ечишда ёрдам берадиган сирли торларни ҳам ўзи пишитиб, моҳир усталар мақомида "кошона"ни ўзи бунёд этади. Айнан ана шу ипаксимон толалардан ясалган уяси, табобатда қўл келишини ҳамма ҳам билавермайди. Лекин ҳакиму табиблар тўрга ўхшаш бу уясининг шифобахшлик фазилатларини минг йиллар олдин билганлар ва ўз тиббий амалиётларида ундан фойдаланганлар.

Мизожи. Совуқ ва ҳўл.

Шифобахшлик хусусиятлари: оғиздан ипак торларини чиқариб, инсонни лол қолдирадиган тўрлар тўқийдиган катта ўргимчакни зайтун ёғи билан бирга эзиб қулоққа томизилса, қулоқ оғриғига малҳам бўлади ва қон оқаётган жароҳатларга ўша ўргимчак оғзидан чиққан толалар босилса, қон оқишини тўхтатади ва жароҳатлар битишига даво бўлади.

Унинг оппоқ толаларини санобарнинг пишган елими билан аралаштириб, ана шу аралашма зиғир толали тўқилган матога суртилиб, пешона ёки икки чаккага босилса, сурункали иситмага шифо бўлади. Яъни ҳароратни пасайтириб, беморнинг ҳолатини яхшилайди. Шунингдек, гавдаси катта, оқ рангли

ўргимчакнинг инини беморнинг боши, билаги ёки бўйнига қўйиб боғланса, ҳароратини туширади, сурункали иситмани бартараф қилади.

Урғочи ўргимчакнинг қорин томонидан қорин пардалари бўлиб, тухумлари ана шу пардалар ичида сақланади. Тухумидан чиққан болалари бирин-кетин пардани йиртиб ташқарига ўрмалайди. Ана шу парда ҳарорати биланд сурункали иситмаси бор беморлар билагига боғланса, дарддан халос бўлишади. Шунингдек, қон оқаётган аъзоларга боғланса, қонни тўхтатади. Агар ўргимчак баданга суртилса, сувли яра, ҳар хил яллиғланиш ҳосил қилади. Тана аъзоларини мажруҳ қилади. Шу боисдан уни истеъмол қилиш, терига суртиш асло мумкин эмас.

Ўргимчак заҳари таркибида ҳазм суюқлиги ҳам бўлади. Бу суюқлик таъсирида ўлжанинг ички қисмини сўриб олади. Бу ўргимчак заҳари одам ва умуртқали ҳайвонларга таъсир қилмайди.

7.4. Чаён

Чаёнларнинг турлари кўп, юрганда думини гажак қилиб, кўтариб оладиганини сайёла, урғочиси думини ерда судраб юрадиганини эса чаррора дейишади. Сайёлага қараганда чаррора кичик, аммо заҳари кўп, ёз чилласида чақса одамни ўлдириши мумкин. Урғочи чаёнларнинг заҳари эса эркагиникига нисбатан кучлироқдир. Ҳаммасидан ёмони қора чаён. Айтишларича, шундай чаёнлар борки, тошни нуратиб, майда-майда қилиб юборади.

Марказий Осиё ҳудудида сариқ чаёнлар кўп учрайди. Унинг ясси танаси бош, кўкрак ва қорин қисмларига бўлинган. Бошининг устида бир жуфт йирик, икки ёнида эса беш жуфт майда кўзлари бор. Қорнининг охирида заҳар бези ва найзаси бор. Найзанинг учига

заҳар безининг йўли очилади. Чаёнлар кундузи девор ва ердаги ковакларда яшириниб ётиб кечаси овга чиқади. Йўлида учраган ҳар хил бўғимоёқлилар, асосан, ўргимчак ва ҳашаротларни қисқичлари ёрдамида тутиб олиб, заҳарли найзаси ёрдамида ўлдиради.

Ал-ҳукм. Ҳаромдир.

Мизожи. Учинчи даражада совуқ ва қуруқ.

Шифобахшлик хусусияти. Ёғи суртилса, фалажлик (тананинг бир томони ишламай, шол бўлиб қолиш), нотавон, аъзолар ва юзнинг қийшайиши, бўғинлар дарди, гавданинг тараф бўлиши ҳолатларида шифо бўлади.

Кулини мурч билан эзиб, унга занжабил ва бошқа иссиқ мизожли шифобахш моддаларни аралаштириб, бамисоли сармоя қилиб кўзга тортилса, кўзни бақувват қилади. Кўзни хира тортувчи қўтир ва унга тушган пардаларни йўқотишда жуда қўл келади. Чаённинг мойдаги ажратмаси қулоқ хасталикларида жуда яхши ёрдам беради.

Қуйдирилган чаённи ичилса, пешоб халтасидаги ва буйракдаги тошларни майдалаб ташқарига чиқаришда яхши даво бўлади.

Чаённи қовуриб ёки кабоб қилиб истеъмол қилинса, совуқдан пайдо бўладиган йўтални йўқотади. Пешоб чиқариш йўли аъзоларининг заҳарларини бартараф қилади. Унинг ўтда куйдирилган олча елими, ёки гулхайрининг туйилган уруғи ёки укропни майдалаб, бирга истеъмол қилинса, буйрак ва қовуқдаги тошларни майдалаб тушириб юборади. Пешобни чиқаришдаги қийинчиликларни бартараф этади.

Катта чаённи қуритиб, майдалаб, сирка билан аралаштириб, баданга суртилса, теридаги янги пайдо бўлган пес доғларини кетказади, шунингдек, теридаги оқ доғлар ва кунжут шаклидаги доғларга

шифо бўлади, бош ва моякдаги тукларни янгидан соч чиқаришини таъминлайди.

Чаённи зайтун мойида қовуриб, бадандаги илдизи йўқ яраларга суртиб, устидан чаённи куйдириб, туйилган кули сепилса, яраларни йўқотишга фойдаси бўлади.

Ёғини сочнинг тўкилиб тушиб кетган қисмларига суртилса, қайтадан соч чиқишига ёрдам беради. Бавосир тугунакларини тушириб юборишда ҳам чаён мойи қўл келади, ундан тез-тез суртиб турилади.

Газандалар тишласа ёки чақса, тирик чаённинг ичини ёриб, чаён чаққан жойга боғланса, бадандаги заҳарни ўзига тортиб олади ёки чаённинг қовурилганини, кабоб қилинганини истеъмол қилинса, бадандаги чаён заҳрини даф этади.

Ойнинг тугашига 3-4 кун қолганда бир нечта тирик чаённи идишга солиб, ҳар бир чаёнга 35 гр зайтун мойи қўйиб шиша оғзини маҳкам ёпиб қўйиб 40 кун сақланади. Бунда тайёр бўлган чаён мойини терининг устидан суртилса, бу буйрак ва қовуқдаги тошларни майдалаб тушириб юборилади.

Чаённинг куйдирилганини бир кунда бир маҳал 1,75 граммдан 4,5 граммгача истеъмол қилганда ўпкага зарар қилиши мумкин, шунинг учун петрушка уруғини истеъмол қилиш ва 180 граммгача пиёз сувини ичиш тавсия этилади.

Чаён чаққан жойнинг териси қизариб, шиш пайдо бўлса ўткир пичоқ билан кесиш, ёки қаттиқ боғлаб қўйиш, ёхуд зиғир уруғи билан олтингугуртни туйиб, оқ гул ёки тоғнинг оқ савсан ёғига қориштириб чаён чаққан жойнинг атрофига мурчни сирка билан аралаштириб, баданнинг қизарган қисмига суртиш керак. Шунингдек, пиёз едирилса, уни эзиб ўша жойга боғланса, заҳарнинг кучини камайтиради.

Шундай халқ амаллари бор, агар "чаррора чаён"и чақиб олса, мол ёғи ёки қўй ёғини истеъмол қилиш зўр дори ҳисобланади, ёғни яхшилаб доғ қилиб чаён чаққан жойга қўйиш, баданни кесиб қонини оқизиб ташлаш лозим. Нордон олма сувини, бодринг шарбатини ичириш фойдали.

Чаённи куйдириш тартиби: тирик чаённи мис, темир ёхуд сопол идишга солиб, оғзи яхшилаб ёпилади ва хамир билан суваб ташланади ҳамда қиздирилган тандирнинг оловини тортиб олиб, чаён солинган идишни ичига жойлаштириб, оғзи беркитилади. Тандир ҳаддан ортиқ иссиқ бўлмаслиги керак, чаён куйиб кетмаслиги лозим. Тандир тафтида ҳил-ҳил пишади. Уни истеъмол қилинса зўр шифо бўлади.

Ибн Сино яратган даволаш усулларида чаёнлардан тайёрланган малҳамни буйракдаги тошларни майдалаб пешоб билан чиқариб юбориш амалида фойдаланилади.

Бунинг учун 10 дона тирик чаёнларни олиб тоза темир қозонга солинади, кейин буғдой унидан хамир қилиб, қозон қопқоғига суртиб чиқилади. Кейин ўчоқда қизаргунча қиздирилади. Бунда узум ток ўтини ёқилади, кечасига қолдирилади. Кейин қозон совиганидан кейин ҳосил бўлган кулни идишга солиб қўйилади. Буйракнинг қадалиб оғришида кукунни икки кират вино билан ичилади. У буйракдаги тошни майдалаб бўлак-бўлак бўлиб пешоб билан ташқарига чиқариб юборади.

Хитой халқ табобатида тирик чаёнларни ўсимлик мойига солиб, ҳосил бўлган восита ўрта қулоқ яллиғланганида томизилади.

7.5. Арилар

Ариларнинг тури жуда кўп. Сариқ ва қизил ранглари ҳам бор. Ариларнинг зарари анча кучли. Катта

арини (қовоғари) дейишади, ранги қизил, заҳари жуда кучли, мабодо чақса шишириб юборади. Арининг болаларини олиб, қуритиб янчилса ва ундан ҳолвайтар тайёрлаб истеъмол қилинса, танани бақувват қилиб, семиртиради.

Арининг сариқ ранглилиги заҳари кучсизроқ бўлиб, одамни чақса, қабзиятдан (ич қотиш) фориғ бўлади.

Ари чаққан жойни сирка билан ҳўллаб, камфора ва арман лойини қўшиб, аралаштириб қўйилади. Шунингдек, узум ғўрасини суртиб қиздирилган тупроқ билан аралаштириб лой ҳосил қилинади ва чаққан жойига қўйилади.

7.6. Чумоли

"Дон ташиб юрган чумолини ранжитма, чунки ҳар бир жониворнинг жони ўзига ширинди р", деган эди Фирдавсий.

Ҳажм жиҳатдан катта, ўртача ва майдага бўлинадиган чумолиларнинг тури дунёда жуда кўп. Ҳаттоки қанотли, учадиганлари, оёқлари узун, югуриб юрадиганлари, ҳидига чидаб бўлмайдиган бадбўй ва заҳарлилари ҳам бор.

Мизожи. Учинчи даражада иссиқ ва қуруқ.

Шифобахшлик хусусиятлари. Айниқса катталарида ёпишқоқлик хислати бор. Табиб Меҳрёрус шундай дейди: "Чумолини зайтун ёғида қайнатганда, ўша ёғни қулоққа томизинг, карлик, қулоқдаги шовқин ва қулоқ ичидаги бодларни даф қилади".

Катта чумолини сиркага эзиб суркалса, бўйин ва қўлтиқ остига чиқадиган ёмон яралар (чўчқа бўйин) ни даволашда шифо бўлади. Сочни узиб, ўша жойга чумолини суртса, қайта соч чиқмайди ва такроран чумолини суртишга ҳожат қолмайди.

Баданни танқия муолажаси билан (мия ва бошқа аъзоларни зарарли моддадан тозалаш) балғам мод-

дасидан тозалаб, катта-катта, қора чумолини эзиб боғланса, пес хасталигида шифо бўлади.

Чумолининг ғумбакчаларини ҳар қандай ёғ билан аралаштириб суртилса, сочни тўкади, қайта соч чиқишига имкон бермайди.

Лекин чумолининг зарари ҳам бор. Агар уни истеъмол қилинса, ичакларда оғриқ пайдо бўлади, одамни ғамгин, маъюс қилади, қоринда ел тўпланади, қулдираш бошланади. Зарардан қутулиш чораси асал ва зира истеъмоли билан ҳал қилинади.

Дашт чумолиси одамни чақса, куйиш, қичишиш, беҳоллик ва шишлар пайдо бўлса, темир кукунини сирка билан ва сафро ёғи суртилса, бунга даво бўлади. Унинг уруғини эса қориндаги бодларни шундай шиддат билан пастга қараб ҳайдайдики, уни тўхтатишнинг ҳеч иложи бўлмайди. Бундай пайтларда қора зира истеъмол қилиш ягона чорадир.

Чумолилар олтингугурт, мол сафроси (ўти) қатрон ва бошқа заҳарли моддалардан қочади.

Йирик чумолини олиб терига суртилса, мохов хасталигида ёрдам беради. Чумолини ични тозаловчи воситадан кейин қабул қилинса фойда беради.

Амир Давлат табибнинг айтишича, агар 100 дона чумолини эзиб 5 дирҳам лилия мойи билан аралаштирилса ва 3 ҳафта қолдирилса, сўнгра жинсий аъзога суртилса, уни бақувват қилади. Агар сувда эзиб ва қўлтиқ ости тукларини ташлагандан кейин суртилса, туклар бошқа ўсиб чиқмайди.

7.7. Пашша

Форсчада “мачас”, туркчада “чибин” дейишади. Агар катта пашшанинг бошини олиб ари чаққан жойга суртилса, унинг дардига таскин бериб, заҳрини олади.

Пашша учадиган ҳашарот бўлиб, ҳар хил катта ва кичик, қора, кўк, оқ ва сариқ ранглари бўлади. Катта пашшани қишлоқ жойларда эшак пашша дейишади. Табиатда ҳаммасидан яхшиси кўк ранглиси бўлиб, ёмон ва зараралиси сариғидир. Унинг заҳарлиси ҳам бор.

Пашшанинг мизожи. Биринчи даражада иссиқ ва ҳўлдир.

Шифобахшлик хусусиятлари. Агар уни шароб билан истеъмол қилинса ҳомиладор аёлларнинг туғиши осонлашади. Эшак пашшанинг бошини узиб ташлаб, кўзнинг говмижжасига давомли суртиб турилса, кўзнинг оғриғини тузатади. Унда пайдо бўладиган ўсимтани йўқотади. Бошнинг терисига суртилса, янги соч ўсиб чиқади, лекин ўзини ёлғиз суртилса, кўзнинг шишини қайтаради.

Катта ёки кичик пашшани товуқ тухумининг сариғи билан эзиб аралаштириб боғланса, кўз оғриғини босади. Агар ўша аралашмани бош ва моякнинг соч ва туклар тўкилган жойларига давомли суртиб турилса, қайтадан соч ўсиб чиқишига ёрдам беради.

Пашшани кунжут ёғига солиб, бир ҳафта қуёшга ташлаб қўйиб, кейин ўлган пашшаларни олиб ташлаб, тирикларини тутиб ўша ёғнинг ичига солиб, аввалгидек қуёшга ташлаб қўйилса ва буни 3-4 марта такрорланса, шундан кейин идишдаги ёғ тозаланса (сузиб олинса), у пашша ёғига айланади ва малҳам сифатида фойдаланилади.

МУНДАРИЖА

I боб. Беморлар ҳузурида 3
II боб. Дардларга даво излаб 52
III боб. Танаси бошқа дард билмас 83
IV боб. Ёввойи келинчак воқеаси 103
V боб. Дардлилар тиллашганда 126
VI боб. Адолат сари 135
VII боб. Ҳукм 159
Маржон табиб битиклари 198

Муҳтарам китобхонлар!

Асар ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларингизни қўйидаги телефонлар орқали билдиришингиз мумкин:

Тел: 0371 – 271-19-51 (нашриёт)
Муаллиф: + 99893 506-65-05,
+ 99897 707-43-76
Email: book@ijodpress.uz

Адабий-бадиий нашр

Набижон ҲОШИМОВ

МАРЖОН ТАБИБ

III қисм

Саргузашт роман

Масъул муҳаррир: *А.Қоржовов*
Муҳаррир: *О.Қанаев*
Дизайнер: *Р.Ташматов*
Мусаҳҳиҳ: *М.Холиқова*
Саҳифаловчи: *Г.Курбанбаева*

Нашриёт лицензияси: AI №270
Босишга 09.02.2018 йилда берилди. Қоғоз бичими 60x84 1/16
"Virtec Times UZ" гарнитурасида офсет усулда босилди.
Нашр босма табоғи 20,0 Адади 5000 Буюртма №12

«IJOD-PRESS» нашриётида нашрга тайёрланди.
«Dizayn-Print» МЧЖ ЎИЧК босмахонасида чоп этилди.
100054.Тошкент шаҳри, Чўпон ота кўчаси, 28-а уй.

Телефон: (371) 273-19-51
Факс: (371) 273-19-50

Email: book@ijodpress.uz
www.IjodPress.uz

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси ёзувчи ва драматург Набижон Нишонбоевич Ҳошимов 1957 йил 1 май куни Фарғона вилояти Олтиариқ тумани Повулғон қишлоғида таваллуд топган.

Фарғона Политехника олийгоҳининг "Полиграфия ишлаб чиқариш технологияси" бўлимида таҳсил олган.

Унинг йигирмадан ортиқ бадиий асарлари нашр этилиб, пьесалари ҳамда киносценарийлари саҳналаштирилган ва экранлаштирилган.

ISBN 978-9943-994-80-5